

# ЎШМЖ



Адабий-бадий,  
ижтимоий-сиёсий  
ойбитик

114  
Июн

1982 йилдан чиқа бошлаган

**Муассислар:**

Ўзбекистон ЛКЕИ  
Марказий  
Қўмитаси ва  
Ўзбекистон  
Ёзувчилар  
уюшмаси

**Бош муҳаррир:**

**Омон МАТЖОН**

**Таҳрир ҳайъати:**

Эркин АЪЗАМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Хуршид ДАВРОН  
Владимир ЖОНИБЕКОВ  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ  
Ҳамид ИСМОИЛОВ  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —  
масъул котиб  
Олим ОТАХОНОВ  
Азим СУЮН  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ  
Нурали ҚОБУЛ  
Абдурашид ҚОДИРОВ  
Усмон ҚУЧҚОР  
Ғаффор ҲОТАМОВ —  
бош муҳаррир ўринбосари

Тошкент  
«Камалак» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси

## Театримизнинг келажаги порлоқми?



Ҳамза номидаги жумҳурият Давлат мукофоти совриндори, драматург Шароф Бошбеков билан суҳбат

Шароф ака, шу кунларда ўзбек театр санъати дастлабки авлоди бир неча йирик вакилларининг юбилейлари бўлиб ўтди. Пойтахт театрларининг бинолари яқин ўн йилдан бери илк бор текин кулгу, енгил-елпи томошалар учун келувчи кишилар билан эмас, балки санъатнинг ҳақиқий ихлосмандлари билан тўлиб-тошди. Кейин эса яна сукунат. Ушбу икки акс ҳолатнинг сабабларини изоҳлаб берсангиз. Фақат, илтимос, диллингиздаги гапларни рўй-рост тўкиб солинг.

Тўғри, сиз айтган юбилейлар театр ҳаётини бир қадар жонлантириб юборди. Лекин театр фақат юбилей ва шунга ўхшаш тадбирлар билангина тирик эмас, янги асарлар керак. Яхши асарлар эса йўқ ҳисоби. Агар масалага кенгроқ ва чуқурроқ қарасак, гап яхши асарлар камлигида ҳам эмас. Гап биз билган ҳамда ўрганиб қолган театрнинг шакли эскирганида. Совет театри бошиданок крепостной театр сифатида дунёга келди. У халққа эмас, маълум сиёсий доираларга хизмат қилиш учун яратилди ва бошданок ёлғон гапиришга мажбур бўлди. Одамлар томошага чанқоклиги, ўз санъаткорларига бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтироми туфайлигина театр остонасини босиб келдилар. Ҳар қандай сиёсийлаштирилган санъат умрини худди шу бугунгидек фожиали тугатишга маҳкумдир. Қаранг, инқилобий мавзудан бошлабок театр ёлғонга оғиз жуфтлади. Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, миллий озодлик (босмачилик ҳам дейлади) ҳаракати, коллективлаштириш, кулоқ қилишлар, қатағон йиллари, Улуғ Ватан уруши, кейинги социализм қуриш йиллари ҳақида санъат ва адабиётимиз ҳеч тап тортмай ёлғон сўзлайверди. Халқ аввал ишонди, кейин шубҳаланди ва, ниҳоят, ҳафсаласи пир бўлди.

Ахир, театрларимиз гуркираб ривожланган даврлар ҳам бўлган-ку? Масалан, Ҳамза театрида «Отелло», «Гамлет», Муқимий театрида «Фарход ва Ширин», «Равшан ва Зулҳумор»...

Нега «Икки коммунист», «Ендирамиз», «Никоб йиртилди», «Ҳаёт қўшиғи» деган спектаклларни айтмаяпсиз? Чунки сиз санаб ўтган асарлар бир қадар сиёсатдан холи эди. Шунинг учун ҳам уларга халқ ёпирилиб

келган. Келинг, бир эслашга урниб кўрайлик, театр қайси масалада рост гапни айтган? Ўтмишни кўя турайлик, бугунни айтинг. Афғонистон масаласи, пахта якка-хокимлиги, тил, миллий масала, экология, халқлар ўртасидаги сохта дўстлик, жумҳурият мустақиллиги, биз тинмай сўкиб келаётган капиталистик дунё аллақачон биз етолмайдиган даражага етгани ҳақида театр нима деди? Еки динни олинг. Ҳамзадан бошлаб бугунги ёш драматурггача салла ўраган одам зоти борки, ўғри, муттаҳам, хотинбоз қилиб тасвирлаб келди. Дин арбоби ижобий қилиб тасвирланган битта пьесани кўрсатингчи! Биронта ҳам тополмайсиз! Хўш, шундай экан, театрга одам келмаяпти, деб қимдан хафа бўлишимиз керак? Нимагаям келсин, ахир... Бировга икки марта ёлғон гапирсангиз, сизга ишонмай кўяди. Етмиш йил ёлғон гапирган одамга ёки ташкилотга қандай муносабатда бўлиш керак?

Театрларимизнинг бугунгидай аҳволга тушиб қолишининг яна бир сабаби бор. Бу иқтисодий сабаб. Биласизми, гоҳида ҳориждан келган ҳамкасбимизга бир нарсани сира-сира тушунтиролмаيمان. Совет театрида ким кўп ишласа кам ҳақ олади, ким оз ишласа кўп маош олади. Шу нарсани ҳеч тушунтириб бўлмайди-да. Чунки акли-хуши жойида одам буни тушунмайди, уни биз тушунамай, холос! Негаки, бизда талант эмас, унвонлару лауреатликлар асосий ва ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ваҳоланки, театрнинг ҳамма оғирлиги юз сўмдан икки юз сўмгача маош оладиганларнинг елкасида. Маоши кичиклар энг кўп саҳнага чиқадилар, режани бажариш учун туманларга чиқиб, хўжаликма-хўжалик юрганлар ҳам шулар. Лекин маош кам. Унвони каттами (талантли-талантсиз бўлишидан қатъи назар), ойда-йилда бир марта саҳнага чиксаям бўлаверади. Маош эса зўр.

Биздаги театрнинг иқтисодий шакли (модули) қариб қолди. Бугун театр санъатининг ривожланишидан санъаткор моддий манфаатдор эмас. Қаердаки моддий манфаатдорлик йўқ экан, ўша ерда тараққиёт ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам театр бадий кенгашида у ёки бу асар муҳокама қилинар экан, кўпчилик лоқайд

ўтираверади. Яхши асарми, ёмонми — унга барибир. Қандайдир бир йўл билан ижодий ходимларнинг моддий аҳволи театр кассасига тушадиган маблағга боғлиқ қилиб қўйилмас экан, аҳвол шундайлигича қолаверади. Менга қолса, аввало, жумхуриятдаги театрлар сонини икки баробар қисқартирар эдим. Агар давлат томонидан бериладиган маблағ шу ҳолича сақлаб қолинса-ю, театрлар икки баробар қисқарса, ҳар бир театр икки баробар кўп маблағ олади. Уларнинг моддий-техник аҳволи кескин кўтарилади.

Тўғри, театримизнинг бошқа жожиалари ҳам бор, у бошқа суҳбат мавзуси.

**Бу йил улуг бобомиз Мир Алишер Навоий 550 ёшга тўлдилар. Ўзбекистон театрларининг айна сана билан боғлиқ ишлари хусусидаги шахсий фикрингиз қандай? Катта тантаналар бўлишини ҳамма аввалдан биларди. Шу боис юқорининг махсус буйруғи чиқишини кутиб ўтирмай тайёргарликни пухта қилиш керакми дейман-да!**

Театрларимиз Алишер Навоий юбилейига ҳеч нима қилгани йўқ десак, унчалик тўғри бўлмас. Ҳамза, А. Хидояттов номидаги театрлар бу тантананага ҳама қилишга уриндилар. Лекин устоз Ойбекнинг машҳур романи, Уйғун ва И. Султонларнинг драмаси (камчиликларидан қатъи назар) даражасидаги асарлар яратилмади. Яна қайтараман, уринишлар бўлди.

**Гарчи Санъат институтида театршунос мутахассислар ҳам тайёрлана-да ўзбек театр танқидчилиги ҳозирча шаклланигани йўқ. Масалан, ўзингизнинг ижодингиз ҳақида ёзилган бирорта мақоладан қоникқанмисиз? «Совет Ўзбекистони»да босилган «машҳур» редакция мақолага ўхшаш чиқишлар ижодингизга қандай таъсир қилган?**

Аслида танқидчилик энг эътиборсиз соҳа. Театр танқидчилигининг аҳволи эса ундан ҳам баттар. Дейлик, олийгоҳни битириб чиққан ёш театршунос бир асар ёзиб, уни нашр қилгунча ёши ҳам бир жойга бориб қолади. Моддий аҳволи ҳам шунга яраша. Шу сабабдан театршунослар кўпроқ умрини диссертациялар ёклашга сарф қилишади.

Уларнинг асарларимга муносабатига келсак, санъатшунослик номзоли Тоҳир Йўлдошевнинг бир-иккита мақоласидан бошқа жиддийроқ тақриз эълон қилинганини билмайман. Шуниси қизиқки, борлари ҳам пьесаларимнинг бадий жиҳатларини эмас, сиёсий жиҳатларини таҳлил қилишади. Сиз айтган ўша машҳур мақола ҳам шулар жумласидандир.

Аслида бу таҳлиг мақолалар ёзувчининг ижодини кескин буриб юбориш қудратига эга бўлмаслиги керак. Лекин бизнинг сиёсатлаштирилган адабиётимизда ҳар бало юз бериши мумкин. Баъзида наинки ижодингиз, ўзингизни ҳам «буриб юборишади». Ҳар қалай, мен «бурилмасликка» ҳаракат қилдим.

**Драмаларни қабул қилиш ва сахналаштиришдаги ортиқча югур-югур, гап-сўзлар ўзбек театри инқирозини янада тезлаштириб юбормаяптимикин. Драматург сифатида иқтисодий томондан жабр кўрганмисиз? Ёки бирор киши Сизга ҳомийлик қилганми?**

Ҳозир сиз айтган югур-югур, гап-сўзлар йўқ. Ҳамма театрга яхши асарлар керак. Агар яхши пьеса бўлса театрлар уйингизга келиб, қўлёзманингизнинг сиёҳи қуримасданок олиб кетиб қолишяпти. Қандай асарни сахналаштириш тўлалигича театрнинг ўзига боғлиқ, илгаригидай Маданият вазирлиги аралашмайди. Шунга қарамасдан «асаримни қабул қилишмаяпти» деб нолиб юрган драматурглар сони камайгани йўқ. Ўша нолийдиганларнинг талай асарларини олиб ўқидим ва қабул қилмай тўғри қилишган экан, деган хулосага келдим.

Ҳеч ким «мен ёмон асар ёзим» демас экан-да. Ҳозир жумхуриятимизда биронта яхши пьеса назардан четда қолгани йўқ. Мен бу гапни бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда гапираёпман. Лекин, ҳали айтганимдай, барибир нолишади...

Нолийдиганлар бошқа жанрларда ҳам бор. Масалан, Ёзувчилар уюшмасида ёш ижодкорлар йиғилишининг якунида бир ёш шоир «Нега «Ешлик» ойнамаси Усмон Азим, Муҳаммад Солиҳ, Хуршид Давронларнинг шеърларини босади, ундан кўра биз каби ёшларнинг асарларини чиқарса бўлмайди» деб нолиган эди. Аввало, Усмондай, Солидай, Хуршидаш шоир бўлиш керак. Шунда шеърларингизни «Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» деган ҳафтанома ҳам чиқараверади. Иккинчидан, «Ешлик» фақат ёшларнинг асарини босадиган ойнама эмас, у ёшлар ўқийдиган журнал. Ёшлар Маркесни ҳам ўқигиси келади, Айтматовни ҳам, Распутинни ҳам. Агар кимдир «Ҳозир ойнама ва рўзномалардан бири фалон яхши асарни босмади» деса, икки дунёда ҳам ишонмайман. Яхши асар ҳаммага керак. Ҳар бир нашр фақат яхши асарларни босишдан манфаатдор. Театрлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Албатта, иқтисодий жиҳатдан жабр кўрганман. Бу «Тикансиз типратиканлар», «Тушов узган тулпорлар» номли пьесаларим «ғоясиз» асар сифатида танқид қилиниб, жумхурият театрларидан олиб ташланган пайтлар эди. Шуниси қизиқки, уларга қўшиб «ғоявий» асарларим ҳам таъқиқланди. Драматургнинг асарлари театрда қўйилмаяпти деган гап, у пулсиз қолди деган гап. Бўлган, бўлган...

Менга ёрдам берган одамлар бор эди. Биринчи асарим — «Такдир эшиги»ни Тошкентга марҳум драматург ва шоир Максим Каримов олиб келувди (У пайтларда Гулистон театрида актёр бўлиб ишлардим). Дарров чақиршиб, шартнома тузишди. Ўша вақтдаги Маданият вазири ўринбосари Раҳима опа Назарова асарини ўқиб чиқиб, иккинчи пьесани деярли мажбур қилиб ёздирдилар. Очиғи, ёзувчи бўлиш ниятим йўқ эди, театрга «хиёнат» ҳам қилмаганим. Раҳима опа учинчи асарни ҳам шу йўл билан ёздирдилар. Кейингиларини биров мажбур қилмаса ҳам ёзадиган бўлиб қолдим. Хуллас, омадим бор экан, яхши одамларнинг қўлига тушдим.

**Сизнинг мутахассислигингиз актёрлик. Бироқ ҳозир машҳур драматургсиз. Нима, сиз ўйнайдиган роллар театрларда йўқ эканими? Эҳтимол, аввалдан драматург бўлиш орзуингиз бўлгандир?**

Бу саволингизга юқорида қисман жавоб бердим. Албатта, театрда ишлаб юрган кезларимда ич-ичимдан қандайдир бир қоникмаслик ҳиссини туяар эдим. Лекин бунинг сабабларини билмасдим. Энди билсам, сахнада сарф бўлмай қолган «ортиқча» қувватдан қийналар эканман. Мана, баҳоли қудрат, ўша қувватни сарф қилиб ётибмиз...

**Нима учун «Темир хотин»ни Фарғона театрига бердингиз? Ахир, Ҳамза театрида ўз асарини қўйдириш ҳар бир драматургнинг орзуси-ку! Ёки мансабидан (адабий эмакдошлик) фойдаланди деган гапдан кўркдингизми?**

Аслида «Темир хотин» А. Қаҳҳор номли жумхурият Ҳажв театри учун ёзилган эди. Лекин театр жамоаси талай вақт ижодий сафарларда бўлишди, сўнг дам олишга кетди, хуллас, вақтдан анча ютқазиб қўйдик. Бу орада Самарқанд театри сахналаштириб юборди. Фарғона театри, адашмасам, учинчи бўлиб сахналаштирди. Ҳамза номидаги Академик театри масаласига келсак, ҳозирги кунда бу театрда асар қўйдириш катта

шараф бўлмай қолди. Кичик театрлар, театр-студиялари мен учун кадрлирок, якинрок. Биринчидан, жуда катта ижодий завқ оламан, иккинчидан, улар асарни иттифок ва хорижда ҳам машхур қилишга қодир. Ҳамза театрининг бундай иш қўлидан келмайди. Бугунги кунда фақат Ҳамза театри эмас, мамлакатдаги, деярли, барча академик, яъни катта, бесўнақай театрлар томошабиннинг назарида қолди. Буни кейинги йилларда Болтиқбўйи, Кавказорти ва Ўрта Осиёда ўтказилган танлов ҳамда мусобақалар ҳам яққол кўрсатди.

Ҳамза номидаги театрда мен адабий эмакдош бўлиб эмас, театр қошидаги драматургия устахонасининг мудир бўлиб ишлаганман. Бизда ҳеч қаерда ёзилмаган шундай қоида бор, бир шаҳарда қўйилган асарни шу ердаги бошқа театр сахналаштирамайди. Сабабини билмайман. Эҳтимол, бизнинг театрларимиз мард, ҳалол рақобатдан кўрқар...

**Яна бир савол. Нима учун Ҳамза театрдан кетиб қолдингиз? Истеъдодли драматург сифатида театрга озми-кўпми фойдангиз тегиши мумкин эди-ку.**

Театрдан кетишимнинг сабаби, раҳбарият билан қарашларимиз тўғри келмади. Менга маъқул асар уларга ёқмади, уларга маъқуллари менга ёқмади. Қисқаси, театрда бирон ижобий ўзгариш қилиш қўлимдан келмади.

**Лотин Америкалик таниқли ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Танҳоликнинг юз йили» романи нашр этилгач, адабий жамоатчилик уни нодир асар деб юқори баҳолади. Ёзувчи эса бу асарда ўзи биладиган, бироқ бошқа ҳеч ким пайқаманган юзлаб камчиликлар борлигини айтган экан. Мана, «Темир хотин»нинг ҳам қўйилганига анча бўлиб қолди...**

Албатта, камчилик бор. Буни ўзим ҳам биламан, сахналаштирувчи режиссёр Олимжон Салимов ҳам. Менимча, беками-кўст асар бўлмайди. Ҳамма гап ўша камчиликларни ўқувчидан ёки томошабиндан усталик билан бекита олишда.

Бизда театрга муносабат етарли даражада шаклланмаган. Сизнингча, уни қандай тарбиялаш керак. Эҳтимол, кўғирчоқ ва болалар театрига бўлган ҳозирги муносабатни ўзгартириш керакдир, аynикса, драматурглар. Адашмасам, «Эски шаҳар гаврошлари»дан бошқа болалар учун асарингиз йўқ, шекилли.

Тўғри, гапингизга қўшиламан. Биз учун томошабиннинг маданияти ҳам муҳим. Лекин асосийси бу эмас. Мен томошабинни ўзимга дўст эмас, рақиб деб билман. Чунки одамлар театрга мутлақо тайёргарликсиз келишади. Кимнингдир калласида ишхонадаги машаалар, кимдир уйдаги дилисиёҳлик гирдобиди, яна биров эснаб ўтирибди. Мен уларни ўзимга жалб этиб, ҳамма нарсани унутишга мажбур қила олишим керак. Яна шуни айтиб қўяйки, бизнинг томошабин Масков ёки Ленинграддагидан анча ўжар, қайсар ва гапга кирмас. Бундай томошабин билан рақобат қилиш драматург учун ҳам, театр учун катта мактабдир. Оврўподагидек одобли томошабин бизни дангаса қилиб қўяди.

«Эски шаҳар гаврошлари»дан олдин болалар учун «Тикансиз типратиканлар» деган асар ёзган эдим. Ҳозир яна Еш томошабинлар театри учун «Учар ликопчалар» номли пьеса ёзаяпман.

**Ижодда кимнинг таъсирига тушгансиз ёки нимадан таъсирлангансиз? Устозингиз ким? Шогирдларингиз борми?**

Билмадим. Атайлаб ҳеч кимга таклид қилмайман, лекин ўзим билмаган ҳолда қандайдир «беодоблик» қилган бўлишим мумкин, хуллас, билмадим.

Устозлар масаласида шуни айтишим керакки, ёмон пьеса ёзадиган ҳамма драматурглар менинг устозларим. Чунки театр олийгоҳида ҳам, кейинчалик театрда

ҳам жуда кўп ўқиган пьесаларимнинг аксарияти ёмон асарлар эди. Ундай асарларни шунчаки ўқимасдим, синчиклаб таҳлил қилар, иложи бўлса алоҳида дафтарга консепт қилиб борардим. «Нимаси ёмон?» деган саволга жавоб кидирардим. Шу қадар жиддий шугулландимки, бора-бора ёмон асарлар бўйича яхшигина мутахассис бўлиб қолдим. Ҳар қандай ёмон асарни кўзимни юмиб таҳлил қилиб ташлайман. Ҳатто баъзиларини охиригача ҳам ўқиб ўтирмайман. Чунки барча ёмон асарлар бир хил бўлади, яхши асарлар эса турлича. Шу тариха қандай ёзиш кераклигини эмас, қандай ёзмастик кераклигини ўргандим. Ана шундан кейингина биринчи бор қўлимга қалам олдим. Тенгқур ва ёш драматургларнинг аксарияти яхши асарлар ўқиб, улардан ўрганиб, уларга ўхшатишга ҳаракат қилишгани сабаб талай нуқсонларга йўл қўйишади. Қизиғи шундаки, ўша нуқсонлар ҳам деярли бир хил бўлади. Чунки улар ўқиган ҳалиги яхши асарларда камчилик йўқ-да. Улар шу камчиликлар ҳақида мутлақо ахборотга эга эмаслар, ҳамма бало шунда. Агар менга қолса, адабиёт дарсликларига битта яхши асар, битта ёмон асар киртардим. Шу йўл билангина болаларда адабий дидни тўғри шакллантириш мумкин. Кўрдингизми, ёмон асарлар ҳам аслида унчалик «ёмон» эмас экан...

Менинг сахна қонун-қоидалари, драматургия техникаси ҳақидаги тушунчаларим жуда ғалати ва телба-тескари. Шунинг учун баъзан ярим ҳазил, ярим чин қилиб, мен адабиётга тескари томондан кириб келганман, деб қўяман. Ешларга ўзим амал қилмайдиган адабий анъаналар ҳақида гапирсам, бу мунофиқлик бўлади, телба-тескари фикрларимни айтсам, уларни чалғитиб қўяманми деб кўркаман. Шунинг учун бу масалада жуда эҳтиётқорман. Гапнинг пўстқалласини айтганда, мен учун шогирдлар ҳақида ўйлаш ҳали эрта. Ахир, ўзингиз ўйланг, пьеса ёзиш макссадида илк бор қўлимга қалам тутганимга бу йил роппа-роса ўн йил тўлди. Йўқ, ҳозирча устозликка ярамайман...

**Энди ҳаётдаги, ижоддаги ишларингиздан нолимасангиз бўлади. Аммо олдин бошқача яшаб, ижод қилгансиз. Бир мухлисингизни айтишича, энг яхши асарларингизни тоқчада ёзган экансиз. Нима, ҳозир ижодкорга ҳукуматнинг муносабати ижобий томонга ўзгаряптими?**

Ҳа, оилали бўлганимдан кейин ўн йилдан кўпроқ шаҳарнинг у ерида, гоҳ бу ерида ижарада турдик. Биринчи марта уйли бўлганимда Пушкиндан бир ёш катта эдим. Агар менинг ўрнимда Пушкин бўлганида ўларди-ю, йил ошида унга ордер беришар экан... Ҳозир ҳукуматнинг ижодкорга нисбатан муносабати ўзгарди. Баъзи ижодий таъқиқлар (ҳаммаси эмас) йўқ бўлди. Аммо ижодкорнинг моддий аҳволи баттар ёмонлашди. Солиқларни айтаман. «Литературная газета»нинг ёзишича, бизнинг ёзувчини чет элда китоби чиқса-ю, қалам ҳақи оладиган бўлса (валютада), давлат тўқсон фонизгача олиб қўйишга ҳақки бор экан. Ҳозир ижодкор учун рекет хавфи эмас, давлат хавфи. Балки бир оз кўполроқ айтяпман, лекин халқнинг маданиятига чанг солган ҳокимият ҳақида хотиржам гапириш қийин экан-да.

**Ўзбек театр санъатининг истикболига ишонасизми?**

Ўзбек театрининг келажаги порлоқ бўлиши учун ҳозирданок нимадир қилиш керак. Акс ҳолда ўз-ўзидан яхши бўлиб қолмайди. Агар театрни сиёсий, иктисодий ва ижодий жиҳатдан кескин ҳамда дадиллик билан ислоҳ қилишга киришмас эканмиз, келажақ порлоқ бўлишига унчалик кўзим етмайди. Нима бўлганда ҳам бир нарсага имоним қомилки, театр ўлмайди.

Сухбатдош: Муҳаммад ҚУЙМУРОД ўғли

Анвар Обиджон



## Кечмиш

*Буюк ва хокисор Абдулла Қодирийга*

Чирандиму топарга ёруғ дунё тилсимин,  
Тирногим не жисмдан — шунни билолмай ўтдим.  
Хар хасу хар гиеҳнинг сўраб ҳақиқий исмин,  
На замин, на самодан жавоб ололмай ўтдим.

Хузурланиб қувондим эгик ниҳолни ғозлаб,  
Хузурланиб қувондим бузилган инни созлаб,  
Хузурланиб қувондим ошиқ сўзин баёзлаб,  
Фақат болам сочини тўйиб силолмай ўтдим.

Тиламчининг нонини асрамоққа шошилдим,  
Чумолининг донини асрамоққа шошилдим,  
Кизғалдоқнинг жонини асрамоққа шошилдим,  
Бироқ ўзим ўзимга қалқон бўлолмай ўтдим.

Топа олдим на дўсту, на ганимнинг мардини,  
Шарт қўймадим жўрамга, жим бажардим шартини,  
Гоҳ қуллимни унутдим қулдор айтса дардини,  
Гоҳ ҳазинни кулдириб, ўзим кулолмай ўтдим.

Кўзлари гул турк азал Тангригоғда беланди,  
Энасойга терс оқиб Истамбулда қаланди,  
Жаъми туркий қавмга тилим туркча эланди,  
Афсус, акал-укалнинг меҳрин улолмай ўтдим.

Тарихимни титкилаб садо билан олишдим,  
Буғунимни турткилаб хато билан олишдим,  
Келажаким куткилаб «худо» билан олишдим,  
Қисмат ила низосиз суҳбат қилолмай ўтдим.

Ватанимга жаҳоннинг иззатларин тиладим,  
Ғариб элимга эркининг лаззатларин тиладим,  
Авлодимга пирларнинг хизматларин тиладим,  
Худойимдан ўзимга умр тилолмай ўтдим.

## Битта мен...

Чарх узра армонлар уюлар гўё,  
Бор олам армонли туюлар гўё,  
Онгимга бир шубҳа қуйилар, гўё —  
Армонда ўлмаган битта мен қолдим.

Армонга қасдма-қасд ўсгайми ҳиммат?  
Ўзбекда байрам йўқ, бор фақат «муддат»,  
Эл оғу кечганча терар оқ кулфат,  
Хирмонда ўлмаган битта мен қолдим.

Омад бир кетса, нон дўнармиш қонга,  
Кўргилик каммиди ерда деҳқонга,  
«Пахтакор» сиғмади ҳатто осмонга,  
Осмонда ўлмаган битта мен қолдим.

Қашшоқнинг охирги илинжи — ўғлон,  
Бағридан юлди бу ўғлонни фармон,  
Фармоннинг қурбони бўлди минглаб жон,  
Афғонда ўлмаган битта мен қолдим.

Кулфатдан яралур нафрату ўчлар,  
Нафратдан яралур шошилишч бурчлар,  
Шиддатдан яралур энг жунун кучлар,  
Кўқонда ўлмаган битта мен қолдим.

Туғилар ўзбегим армонда бир-бир,  
Эзилар ўзбегим хирмонда бир-бир,  
Йиқилар ўзбегим майдонда бир-бир,  
Майдонда ўлмаган битта мен қолдим.

## Ок тулпор

Туфлаб ташлар сувлиқ қолдиғин,  
Чопар эгар парчасин судраб.  
Гоҳ булоққа эгилар ҳорғин,  
Гоҳ шувоқни чайнайди мудраб.

Довул сари борар юзма-юз,  
Ғов бўлолмас даралар қори.  
Суворийсин ахтарар ҳануз  
Алимқулнинг ўжар тулпори.

## Ёруғ дунё

Мўминтой қулга бу — фармонли дунё,  
Орзуманд бандага — армонли дунё.  
Жунунфеъл донога — раҳмсиз жаллод,  
Яллабоз махлуққа — гармонли дунё.

## «Ошкоралик» ресторани

—Хуш келибсиз...  
Тилласоч қиз  
Мижозларга парвона.  
Тутун пуфлаб кал хўранда  
Чақчаяди шарқона:  
— Хайт, дўмбоғим!  
Қанча бўлса,  
Тортинмай айт пулини...  
Укроп қўшиб қайнатиб кел  
Хотинимнинг тилини.  
Бошқа мижоз ғофил ҳали —  
Хаёлпараст гўр олиқ.  
Буюрар қирқ ликоп ўпич  
Ялаганча чойқошиқ.  
Биров сўрар биринчига  
Порахўрнинг томоғин.  
Иккинчига — айғоқчининг  
Қиймачалпақ қулоғин.  
— Хоҳласангиз, баррагина  
Сотқин ҳам бор...  
— Керакмас!  
Билмайманми, милён йилки  
Сотқин зотин тузи паст.  
Касалманд бир йигит эса  
Пичоқ-санчқи ҳозирлар:  
— Опкелинсин кимё-завад  
Курган нозир-позирлар...

Четда пўрим, номаълум шахс  
Писмайганча ер овқат.  
Унг лунжида ор-номуси,  
Чап лунжида ҳақиқат.

## Уччаноқлар

\* \* \*

Бу хароба мадраса  
Ўз дардидан ҳатласа,  
Додлар эди ҳолимга.

\* \* \*

Етмиш йилки бир мараз  
Такрор-такрор берар дарс:  
«Кўйда учта оёқ бор!!!»

\* \* \*

Раҳмат сенга, эй бурга,  
Қоним ичсанг ҳам, бирга —  
Юрдинг оғир кунимда.

\* \* \*

Бўлса шунча кўп шартинг,  
Нега келдинг, қутқардинг?  
Қачон ёрдам сўровдим?!

## Игнабарг шеърлар

\* \* \*

Ойболта? Фу, ойга тақлидчи!

\* \* \*

Рўмолча бор, Дездемона йўқ.

\* \* \*

«Худо» ясаб ишонмас ўзи.

\* \* \*

Шимим мандан кўра пулдорроқ.

\* \* \*

Ит саёғу қимор ўйнамас.

\* \* \*

Кармоқ солсам кулфат илинди.

\* \* \*

Келди тухмат яктак-иштонсиз.

\* \* \*

Кишанимни еч-чи зўр бўлсанг.

\* \* \*

Сотқин ҳатто ўғлидан қўрқар.

\* \* \*

Соат Ерни тўхташга қўймаз.

\* \* \*

Мағиз етмас ўн беиш кишига.

\* \* \*

Кет! Олиб кет поездингни ҳам!

\* \* \*

Эрк йўлида қурбон бўл, эрким.

\* \* \*

Кел, дил, Чўлпон шеърига уйлан.

\* \* \*

Ўққа тутди миллий фарёдни.

\* \* \*

Мени тинч қўй... Бўпти, даҳосан...

\* \* \*

Омин! Фарбага йиқил, теракжон!

## Ғазал шаклидаги шеърлар

I

Сен каби қомати расо Фарғонада биттагина,  
Мен каби қаддинга адо Фарғонада биттагина.

Сен каби дийдори табиб, нози шифо қайда яна,  
Мен каби дарди бедаво Фарғонада биттагина.

Сен каби мастона қўшиқ воҳадаю водийда йўқ,  
Мен каби қайғули наво Фарғонада биттагина.

Сен каби жон офатини юз йил бино этса эгам,  
Мен каби юз жони фидо Фарғонада биттагина.

Сен каби султони ҳусн Турон аро бир донадир,  
Мен каби ҳуснингга гадо Фарғонада биттагина.

II

Қора халқ афғонини кўнғилга олмоқлик оғир,  
Ёнида кўнғил сўраб дарддоши бўлмоқлик оғир.

Неча йил бурсам-да юз, қўмсадим такрор шароб,  
Бекларинг беғам эса ҳушёр қолмоқлик оғир.

Эл била турмоқ учун бу эл кўниккан зил кишан —  
Бир учин, инграб секин, бўйнингга солмоқлик оғир.

Халқ кўзин очгунча то хун бўлиб зиндон аро,  
Жанггача силланг қуриб, жанг чоғи толмоқлик оғир.

Бир бутун юрт ўкраса менга не даркор шон,  
Порадил най ёнида карнай чалмоқлик оғир.



\* \* \*

Яшолмайман кулдирмай...  
Одамларга билдирмай  
Йиғлаб олдим ёмғирда.

\* \* \*

Бераётиб унга нон,  
Ҳатто ёвлар ҳам пинҳон  
Жирканади хоиндан.

\* \* \*

Ўз онамдир бу тупроқ,  
Нега мандан ҳам кўпроқ —  
Уни эмар экансан?

## Муҳит

Недир сабрин тўлдирар,  
Уйга хомуш қайтар у,  
Девор мушглаб айтар у:  
«Бундай яшаб бўлмайди!»

...Шоир ўзи ўлмайди,  
Уни кимдир ўлдирар.

Неъмат Арслон



ҲИКОЯЛАР

## МАҲМАШАРИФ ХАРБАРДОР



Мен Бибиойшани ўн тўрт ёшида кўрганман. Бир дўстим билан тоққа саёҳатга бориб, Маҳмашариф исмли кишининг уйида тунаб қолгандик. Уша кеча мижжа қоқмай тонг оттирдим. Ёзининг илиққина оқшоми. Очиқ ҳавода — том устида ётибмиз. Бу қишлоқда уйлар шундай қурилганки, бировнинг томи иккинчи биров учун супа вазифасини ўтайди. Пастдан, қишлоққа кираверишдаги йўлдан ёки Оқдарё бўйида туриб қарасангиз, уйлар бир-бирининг устида қурилгандай туюлади. Қаватлар сонини санасангиз юздан ошиб кетади. Қишлоқ осмони ҳам ўзгача. Чўққилар устига кўм-кўк шоҳи ёпиб қўйилгандай. Тун қаққашони серюлдуз, қоп-қора, ваҳимали. Юлдузлар шаҳардагидан бутунлай бўлакча чарақлайди. Худди шу лаҳзада осмонда, парпираб турган анави юлдузлардан бирида фавқулудда ҳодиса юз берадигандай. Кўкка қараб ётиб, беихтиёр хўрсинаверасиз. Ҳа, шундай. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ хўрсинаверасиз.

Мана, тўлин ой Хўжақоршувор чўққиси ортидан оҳиста кўтарилмоқда. Борлиқ сеҳрли ёғдуга чўмган. Ҳавода болдирғонларнинг ўткир ҳиди. Майин шабада аҳён-аҳёнда кийикўтларнинг хушбўй ҳидини олиб келиб, димоққа уради. Дара тубида Оқдарё тинимсиз шағиллайди. Баъзида эса бўғиқ гулдурос қулоққа чалинади. Қишлоқ яқинида катта шовва бор. Шаддот тўлқинлар жойидан кўзғатиб юборган тошлар оқимга қўшилиб тубсизлик қаърига қулайди. Ногоҳ ўзингизни ана шу оқим ёки шовва бўйида ҳис этиб этингиз жимирлаб кетади. Ётган жойингизда тўлғониб қўясиз.

Қишлоқ манзараларига батафсил тўхталаётганимнинг сабаби бор, албатта. Бибиойшанинг бунчалик сарвқад ва беқиёс сулув бўлиб яралишида ана шу тоғ табиати, ундаги нафосат ва даҳшатнинг омихталиги сабаб бўлмадимикин? Шояд китобхон мени тўғри тушунса деган умид билан аниқроқ ва тиниқроқ гавдалантиришга уриняман.

Хуллас, ўша тун сира уйқум келмади. Ҳали балоғатга етмаган бу норасида қизни севиб қолгандим деб гуноҳга ботмоқчи эмасман. Аксинча, ҳиссиётларимнинг ҳар қандай ёмон ҳаёллардан холи ва беғуборлигича қолишини истардим, кечани қизнинг беқиёс латиф чеҳрасига тасанно айтиб ўтказдим. Шундай хилқатни яратган она табиатга салламно ўқишдан ўзга иложим йўқ эди.

— Нега ухламаяпсиз?— деб сўраб қолди бир пайт ҳамроҳим. Шундагина борлиққа қайтдим. Буни қарангки, ёнимда дўстим ётганлигини бутунлай унутган эканман. Тўлин ой нақ бошимиз устида парпираб турар, Бибиойша ётган кичкина ёғоч сўричага мўл-кўл ёғду сочарди. Сўри билан бизнинг ўртамизда Маҳмашариф Харбардорнинг ўзи ётибди. Уни ҳатто уйқусида ҳам ов тўғрисида ўйлапти дейсиз. Бир қўли милтиқдек олдинга чўзилган, чап юзини ёстиққа маҳкам босиб, тун бағрига тикилиб тургандай. Биз кунбўйи унинг овчилик тўғрисидаги ҳикояларини тингладик. Ҳаммаси муболаға. Умуман, тоғликларнинг ҳаммасида шундай одат бор. Ошириб-тошириб гапиришни яхши кўришади. Балки бу юксак чўққилар бағрида кечаётган ҳаётнинг таъсиридир. Зотан, тошлар салтанати ҳукмрон бўлган тоғларнинг ва дараларнинг ўзи ҳам муболағадан иборат эмасми! Қояларнинг маҳобатини ва салобатини қаранг, осмонга туташиб турибди десангиз ҳам камлик қилади. Бундан ҳам ошириб таърифлагингиз келади. Улар шу қадар юксак, тик, ваҳималики, сифатини келтириш учун фақат эҳтирос ва муболаға керак.

Ана шу чўққилар орасида, денгиз сатҳидан камида икки минг метр юксакликда яшайдиган халқнинг чўнг

қояларга хос қандайдир хусусиятлари бўлиши табиий. Уларнинг муболага билан сўзлашида тоғлар нуқси ургандек. Айниқса, даврада ов ҳақида гап кетса борми, ақл бовар этмайдинган воқеаларни эшитаверасиз. Аммо ҳеч қайси тоғлик Маҳмашариф Харбардорга тенг келолмайди. Унинг ов ва овчилик тўғрисидаги ҳикояларини тинглаб туриб хаёлингизда ажойиб лофчи Барон фон Мюнхгаузен саргузаштлари жонланаверади. Фақат Маҳмашариф Харбардорнинг битта камчилиги бор: бирор воқеани ҳикоя қилаётганида жуда қизишиб кетиб, атрофида нималар бўлаётганини унутиб қўяди. Бундан ташқари, овози ҳам сал ингичкароқ, чийиллаб гапиради. Шундай бўлишига қарамасдан даврада ҳозир бўлдимиз, ҳаммани оғзига қаратади.

Бу одамда нотиклик санъатининг кучи мантиқий изчилликда ҳам, сўзларни териб-териб ишлатишида ёки далиллаш санъатининг ўзига хослигида ҳам эмас, балки шубҳага ўрин қолдирмасдан, ҳатто айтаётган гапига ўзи ҳам ростакамига ишониб сўзлашида мужассамлашган. Маҳмашариф гапираётганда кўллари, юзи, гавдаси ҳаммаша воқеанинг бирор хусусиятини ифодалаб туради. Бўйин томирлари ўқлоғдек ирғиб чиқиб, ёш боланинг муштидек келадиган кекирдиги бетиним лиқиллай бошлайди. Лавлагидек қип-қизил юзи жағига томон кенгайиб келиб, бамисоли ғажиринг эгарнинг қошидек қўшша ияк билан тугаган жуда кучли одам. Дарвоқе, йигитлигида сувдан ўтмай тихирлик қилган эшагини Оқдарёдан елкасида кўтариб ўтган. Шунинг учун ҳам уни ҳеч ким Маҳмашариф ака ёки амаки деб қақирмайди, каттаю кичик Маҳмашариф Харбардор дейди. Аммо, у сира кўнглига малол олмайди, аксинча, исмига Харбардор сўзини қўшиб мурожаат қилмасангиз, тўнини тесқари кийиб олиб сиз билан бир муддат гаплашмай юради.

Умуман, тоғда яшовчи кишиларнинг ҳаммасида лақаб бўлади. Баъзиларнинг ҳатто ўнтагача сўз тиркалган ва ҳар бир сўз «ки» ҳарфи билан бир-бирига боғланган лақаблари ёки ўзларининг таърифлари билан айтганда «тахаллус»лари бор. Маҳмашарифнинг лақаби Харбардори Харпанжайи Мерганкўз. Фақат бу лақаб камданкам тўлалигича ишлатилади. Айтайлик, Шерлонга четдан, хусусан, шаҳардан ёки район марказидан бориб қолган кишига биринчи марта таништирилаётганда тахаллуслар тўлиқ айтилади.

Қисқаси, мабодо Шерлонга бориб қолгудек бўлсангиз, албатта Маҳмашариф Харбардорни суриштиринг. Фақат у билан таништиришаётганда Харбардорнинг юзига қарамаганингиз маъқул. Тахаллуснинг Харбардор сўзи айтилиши билан унинг кўзлари ғурурдан порлаб кетади. Ҳар бири бундайроқ чойнақдек келадиган муштарига кўзингиз тушгудек бўлса, «харпанжа» сўзининг мазмунига дарҳол тушунасиз. Танишаётганингизда унинг юзига қараманг деб маслаҳат бераётганимнинг боиси шундаки, Мерганкўз лақабининг мазмуни таърифланаётганда кулиб юбормасангиз бўлгани. Бу пайтда у нигоҳини сиздан узиб, узоқ-узоқларга бир назар ташлаб олади. Яна сизга қараганда ўнг қоши қобоғини босиб тушган, бўйни, боши ва юзи худди милтиқ кўндоғини елкага тираб нишонга олаётгандай ҳолатга кирганини кўрасиз. Юзида қатъият акс этиб, шиддатли тус олади. Шунда сиз ўнғайсиз ҳолатдан чиқиш учун ўзингизни кулгидан бир амаллаб тийиб «эшакини қандай қилиб кўтаргансиз?», деб сўрашингиз мумкин. Тамом, энди уни тўхтатиб бўлмайди. Тахаллусдаги сўзининг ҳар бири жуда қизиқ воқеаларга бориб тақалаверади.

Бибиойша эса тамом ўзгача хилқат. Наҳотки, шу Маҳмашарифнинг қизи бўлса дейсиз, ишонгингиз кел-

майди. Ана, ўзининг ихчамгина сўрисида ётибди у. Она табиат бисотидаги бор иқтидорни ишлатиб, неча минг йиллар давомида ўзи пайдо қилган инсон хусусининг тақомилини, гўзалликнинг тенгсиз намунасини шу қизда кашф этганига сира шубҳам йўқ. Аммо бу кашфиёт ҳали ниҳоясига етмаган, қизнинг навқирон вужудида тақомиллашув давом этарди. Хассос табиат ўн тўрт йилдан буён ана шу кашфиёт устида ишлар, унга ҳар кун нимадир қўшар, ниманидир силлиқлар, ранг ва сайқал беради, нимадир ато этарди.

Хунуқликда қарийб Квазимодога тенглашадиган Харбардорнинг ана шундай қизи бор эди. Унинг эрга тегишини сира кўз олдимга келтиролмас ва буни истамасдим. Шу қизни эсладимми, нима учундир Алишер Навоий тўғрисида ўйлавердим. Беқисс гўзал қалб эгаси бўлган бу инсон ёнига ўша тоғлик қизни қўйиб кўраверардим. Орадан роса уч йил ўтган бўлса ҳам бу муқояса, йўқ, нима деялман ўзи, бу совчилик мени тарк этмасди. Худди шундай хаёллар билан юрган кунларимнинг бирида қизиқ тасодиф юз берди. Ростакамига совчиликка борадиган бўлдим. Етти ухлаб тушимга кирмаган иш. Амаким тоғни яхши билишимни рўқач қилиб, оёқ тираб туриб олди. Кўндим ва кўнглим алланарсани сезгандай дарҳол сўрадим, яъни «амаки, қаерга борамиз ўзи, кимникига?» дедим. Маҳмашариф Харбардорнинг номини эшитиб яшин ургандек бўлди. Нотўғри эшитдимми ёки амаким менинг яширин ўйларимдан хабардору синаб кўриш учун шундай демоқдам. Йўқ, гапи жиддий. Демак, жияним Зокирга! Ҳим-мм, бу қанақаси бўлди. Бибиойша кўнармикан. Улар бир-бирларини танийдиларми ўзи? Зўр бериб шу тўғрида ўйлаётган бўлсам-да, амакимга ҳеч нарса демадим. Боришга розилик бердим. Юрагим қафасдаги қушдек безовта потирлади. Фақат шу нарса аниқ бўлдики, совчилар бундан илгарии икки марта бориб келишган экан.

Хуллас, йўлга тушдик. Маҳмашариф яккаю ягона қизини қай даражада шевишини айтолмайман. Фақат совчилар уни қаттиқ ҳаяжонга солишганини ўз кўзим билан кўрдим. Харбардор мени таниди, аммо сир бой бермади, ўзини босиқ тутди. Ов ҳақидаги суҳбатлардан бўлак гапга унчалик қизиқмайдиган одам эмасми, хотини пишиқтирган гапларни айтиб тамомлади-ю, индамай тураверди. Орада анча-мунча гаплар ётиғи билан айтилгандан кейин «розилик беринг энди, Маҳмашариф» деди бош совчи ва савлат билан томоқ қириб қўйди.

— Харбардор!— деб эслатди Маҳмашариф. Ҳатто шундай қалтис дамда ҳам лақабини айтишдан ўзини тийиб туролмади.

— Ҳа, дарвоқе, Харбардор.— Гапини тузатди совчи. Сўнгра қўлини дуога очди, аммо овози шу қадар зўриқиб чиқдики, бундан сал бўлмаса кулиб юборай деб турганини англаш қийин эмасди. Шунинг учун ҳам «Харбардор» дедию тесқари қараганча чўзиб-чўзиб йўталиб олди. Ун саккизга тўлган, ун саккиз минг олам ошуби бошида турган қиз бу пайтда шундайгина дераза тагида туриб, бутун вужуди ҳаяжондан титраганча тақдири қандай ҳал бўлишини кутарди. Мен буни сездим. Қия оңай деразанинг пардаси билинар-билинемас титрарди. Йўқ, бу шабада эмас, қизнинг қайноқ нафаси. Утирган жойимда бетоқат типирчилардим. Қизни ҳеч бўлмаганда бир кўришим керак. Ахир орадан қарийб тўрт йил ўтди. Ўзимча қизнинг қадду бабини тасаввур қилишга, кўз олдимга келтиришга уриниб кўрдим. Аммо, у қайсарлик билан ўша ўн тўрт ёшлигида қандай бўлса шу кўринишда намоён бўлар, эгилар, дастурхон ёзар, қўли билан ёқасини ушлаганча ўрнидан турар, ортига ўгрилаётиб менга қисқагина нигоҳ



ташларди. Қизнинг баркут кўзлари дераза пардасини тешиб ўтиб, мени ташқарига чорларди. Бир неча бор ўрнимдан даст туриб унинг ҳузурига чопмоқчи бўлдим, аммо ҳар сафар нимадир халақит бериб қоларди. Охири марта кўзғалаётганимда эшикдан палов кўтариб келиб қолишди. Ночор ўрнимга қайта жойлашдим. Даврада мендан бўлак яна бир киши жуда безовта. Бу киши Харбардорнинг ўзи. Хаёлимда ниманидир кутаётгандай тоқатсизланади. Тез орада бунинг сабабини англадим. Паловнинг гўштини тўғраётган ёшроқ бир йигит нима ҳам бўлдию «ўзиям кийик гўштини дейман, Харбардор ака» деб юборди. Уртага чўккан жимликни бузиш учунми, мавриди бўлмаса ҳам шундай деди.

— Овчининг уйида бўлади-да,— суҳбатни давом эттирдди совчи бўлиб борган ҳамроҳларимиздан бири, афтидан кўпол айтилган гапни юмшатиш ниятида. Аммо Харбардорга бу гаплар мойдек ёқаётгани билиниб турарди.

— Сизга ёлғон, манга чин,— гап бошлади Харбардор даврадагиларга бир-бир қараб олиб,— устимда мана шу тўн, кўшоғиз елкада, дулдулнинг ҳам кайфи чоғ, тоғни юкласанг кўтараман дейди, бат. Шу пайт даранинг узоқ бир жойида тош юмалагандай бўлди. Бундоғ нигоҳ солсам, бир тикка Миёнқанд чўққисининг белига миниб турибди.

— Нима тикка турибди?— гап ташлади меҳмонлардан бири тушунмай.

— Тиккада оху, алқорнинг эркаги.

Даврада кулги кўтарилди. Маҳмашариф Харбардор давом этди:

— Ов, шохи мана бундоғ!

Ҳаммамиз овчининг бош узра чамбарак қилиб турган забардаст қўлларига қарадик.

— Такани тикка дейишади,— тушунтирди ўрта ёшли бир киши ёнидаги шеригига.

— Ҳайҳот, уста Авазбоқининг пармаси бўла!— дедим. Аста эшакдан туриб ўзимни панага олдим. Милтиқни ўнгладим. Шу дамгача бирорта ўқим хато кетмаган, бу сафар ҳам шундай бўлди, морхўрнинг нақ пешонасидан урдим. Эшакни миниб ўлжа йиқилган жойни мўлжаллаб боряпман. Қарасам юз қадамча нарида бир айиқ ҳалиги мен урган морхўр томон лапанглаб келяпти. Бир кўнглим милтиқни ўнглайини бунни ҳам саранжом қилай дедим. Яна ўйлаб туриб айиқ полвон билан бўлган аввалги саргузаштларим эсимга тушиб кетди. Бу пайт айиқ ўлжани даст кўтариб йўлга тушди. Тўхта, полвонга бир ҳазил қилай дедим. Орамиз хийла яқин қолганда эшагимнинг тўрт оёғини жуфт ушлаб, азот кўтариб, елкамга қўйдим-да, ё ҳазрати Сулаймон, деб айиққа рўпара бўлдим. Даҳшатга тушган эшагим бор кучи билан ҳанграб юборди. Пасти одам, усти эшакдан иборат ғаройиб ҳайвонни кўрган айиқ ҳангу манг бўлиб қолди. Морхўрни ерга ташлади-ю, ўкирганча қалин чангалзор ичига кириб кўздан йўқолди. Эшагим типирчилаб ҳанграганда елкамдан иссиқ бир нарса қуйилгандай бўлганини сезувдим, уни ерга тушириб қарасам, чопоним бошдан-оёқ ҳўл. Эшак жонивор қилган ишидан изза бўлгандай гуноҳкорона мўлтираб турибди. Айиқни қўрқитишда қилган хизматини ҳисобга олиб, уни кечирдим. Бунни англайтиш учун бўйини силаб, сағрасига шапатилаб қўйдим. Қанча меҳрибончилик кўрсатмай, жониворнинг қалтираши анчагача босилмади. У қилиб-бу қилиб ўлжани дулдулга ортиб Холиқдод дарасига етганимда изимиздан бўрилар тушганини пайқаб қолдим.

— Бўрилар кўпмиди?— бироз нописандлик билан сўраб қолди куёв бўладиған йигитнинг отаси. Урф-одатимизга унчалик тўғри келмаса-да, «Харбардорни ўзим

бир кўриб келай», деб бу киши ҳам совчиларга эргашганди.

— Чамамда, қирқ учталар чиқарди,— жавоб берди Харбардор.

— Ҳу у кун йигирмата демаганмидингиз?— луқма ташлади овчининг қишлоқдошларидан бири.

— Тўғри,— деди Харбардор,— улар бизни икки қатор бўлиб ярим доира шаклида ўраб олишганди. Биринчи қаторда йигирмата, иккинчисида йигирма учта бўри бор эди. Мен сизга биринчи қаторда йигирмата деган бўлишим керак.

— Қандай қутулдингиз бунча бўридан?— Қизиқиб қолишди ҳамроҳларим. Ҳали дастурхонга фотиҳа ўқилмагани сабабли чиқиб кетолмасдим. Ҳамма жойда, хусусан, тоғ қишлоқларида бу ўта одобсизлик саналишини билардим. Ночор қолиб ҳикояга қулоқ тутдим.

— Бат, бу жуда қизиқ!— Аввалгидан ҳам берилиб сўзлашга тушди овчи.— Устимда мана шу тўн. Уқим тугаб қолгани сира эсимда йўқ. Милтиқни бўриларга тўғриладим, рости, биринчи марта шундай гангиб қолишим, милтиқ отилмади. Бўрилар тишларини иржайтириб қулишди. Айримлари худди аския қилгандай ув тортиб юборишди. Вазият ўта қалтис, қутулишнинг сира иложи йўқ. Шунда дулдулим боши билан оёғимга аста-аста туртиб «фирқ-фирқ» қилаётганини ва нимадир демоқчи бўлаётганини сездим. Жонивор қаттиқроқ силкиниб оёғимга туртганди, кўйнимда нимадир шиқирлаб кетгандай бўлди. Шунда бирдан қўл фонарим борлигини эслаб қолдим. Дарҳол уни ёқиб бўрилар галасига қаратдим. Давра бироз кенгайди, аммо тарқалмади. Афтидан, улар мени ҳам, ўлжам ва эшагимни ҳам ейишга қасд қилишганга ўхшарди. Фонарининг кучли ёруғида бўриларнинг кўзлари шафақланиб ҳеч нарса кўришмаётганини англадим. Менга худди шу керак эди. Фурсатдан фойдаланиб, йўлда бирор кориҳолга яраб қолар деб кесиб олган таёғимнинг учини ерга қададим-да, тўнни ечиб унинг устига илдим. Фонарни таёққа осиб индамай даврандан чиқиб кетавердим. Бўрилар фонар ёруғига қараганча қолаверишди.

Эрта билан бориб қарасам, ғазабланган тўда таёқни ғажиб, фонарни синдириб, майда-майда қилиб ташлабди. Мана, тўннинг ямоқ жойларини кўряписизми,— деб елкасини даврага ўнгарди Харбардор.— Тўнни ҳам роса улоқ-улоқ қилишган экан, хотин уриша-уриша ямаб берди ҳар қалай...

Давра қизиган сайин Харбардорнинг авжи келиб, Қуруқсой дарасида қоплон билан олишгани, Қаранқул ғорида сиртлонни ўлдиргани, Северцев музлигида филга дуч келгани ва бошқа ёввойи ҳайвонлар билан бўлган саргузаштларини сўзлай кетди. Бир ҳикоя тугаши билан бошқасини сўрашарди меҳмонлар, ҳеч ким дастурхонга фотиҳа қилишни ўйламасди. Мен ҳам энди тинчигандим, Бибиойша дераза ортидан аллақачон кетиб қолганди. Овчининг ҳамқишлоқлари бўлса Хўжақоршувор яйловида қандай қилиб Харбардорнинг бурнини тишлагани тўғрисидаги ҳикояни айтиб беришни сўрашарди.

— Чўчқа бурнингизни тишлагани ростми?— сўрашарди совчилар.

— Рост-рост, ана изи ҳам қолган!— шовқин солишарди тоғликлар.

Маҳмашариф мушти билан бурнини ишқалаб қўйиб янги ҳикоясини бошлайди:

— Гардани Кабутда бўлган эди бу. Тўнимни тирсагим остига лўндалаб қўйиб, бир чўчқани пойлаб ётибман. Қарғанақ бутаси орқасига яшириниб олганман. Нарироқда катта бир туқ шилви билан учқат ўсган. Катта бир нар чўчқа тумшуғи билан ерни бамисоли

Маматкул Чўққигирнинг тракторидай ёриб келяпти. Шамол рўпарамдан эсиб тургани учун отишга шошилмадим. Бундай пайт жониворлар овчини пайқашмайди. Қани, яқинроқ келаверсин-чи, дедим. Куз палласи бўлсаям, қоялар орасидаги камбаргина бу жой ям-яшил майса билан қопланган. Шунинг учун Гардани Кабут, яъни Кўк бўйин деб ном олган. Атрофда ажриқ ва бошқа сертомир ўтлар барқ уриб яшнаб ётибди. Ердан нам тепчиб чиқиб тургани сабабли чўчка юмшоқ чимни ҳузур қилиб ағдармоқда. Ерни кавлайди-да, лой тумшугини кўтарганча «чап-чап» қилиб ниманидир чайнайди. Шунчалик лаззат билан кавшайдики, ҳузурдан кўзлари юмилиб кетади. Қуйруқдек оппоқ ажриқ томирлари тишлари орасида «курт-курт» этиб майдаланади. Узун чувалчанг оғзининг бурчида бироз осилиб, ғужанак бўлиб туради-да, сўнгра «луқ» этиб томоғидан ўтиб кетади. Оғзимдан сув оқиб, дунёда ажриқ томири билан чувалчангни қўшиб ейишдан бамазза ва ширин таом бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Йигитнинг отаси—қуда бува — афтини буриштириб тамшаниб қўйди. Харбардор давом этди:

— Қорним қаттиқ очиққанини сезаман. Шундайгина олдимда тўхтабди жонивор. Орамиз тахминан...

Гап шу ерга келганда «отдингизми ўзи» деб сўради ёшроқ бир овчи сабри чидамай.

— Тўхтанг, охи, иби! — уни тинчитади Харбардор, — шу ҳали пинакка олиб ётибман, бат. Чўчка яна бир-икки қадам босди. Энди орамиз...

Харбардор гапдан тўхтаб масофани чамалаш мақсадида даврада ўтирганларга бир-бир қараб олади.

— Энди орамиз...

Овчининг кўзи тўрда савлат тўкиб ўтирган қуда бувага тушди. Шунда Харбардор масофани аниқ белгилади.

— Орамиз... Ман шундоғ-у, — деди чийиллаган товуш билан кўзларини қуда бувадан узмай, даврадагилар диққат билан қулоқ тутиб туришибди. Маҳмашариф ўрнидан кўзғалиб кўрпача устига тиззалари билан чўккалаб олди. Давра жим. Сукунатда унинг кучли чийиллаган овози аниқ ва баралла янгради:

— Ман шундоғ-у, қуда бувам Чўчкадек!

Ҳаммамиз Маҳмашариф билан тўрда ўтирган қуда бувага қарадик. Чўққанинг қип-қизил тумшуги, шилпик кўзлари, чапиллатиб хўрак ейишини кўз ўнгига келтириб, ҳатто овқатдан ҳам қўл тортиб ҳамма нарсадан шубҳаланганча ўтирган қуда бува бу ҳурматсизликдан ҳайратга тушди. Бирдан кулги кўтарилди, қуда бува алвондек қизариб кетди. Уртага сукунат чўкди. Харбардорнинг қизишиб кетиб қўпол хато қилгани билиниб қолди. Буни ҳамма англади. Қуда бува ирғиб ўрнидан турди. Тураётиб шошилиш «омин» дедию ташқарига отилди. Дастурхонга фотиҳа тортдими ёки қуда-андачилигимиз туғади деган мазмунда шундай қилдими, буни англолмай қолдим. Ҳамма ўрнидан кўзғалди. Қишлоқ оқсоқоли — бригадир Мирқобил меҳмонларнинг йўлини тўсди. Ҳовли ўртасида одамлар қуда бувага ўраб олишди. Шу ерда бригадир гапни ўрнига қўймаганда, билмадим, Бибиойшанинг тақдири қандай ҳал бўларди.

— Қуда буважон, шайтонга ҳай беринг! — деди бригадир, — шунинг нимасига хафа бўласиз? Оғзи бепаравуз ўзи! Аслини олганда бирорта ҳам гапи чин эмас. Чўчка уёқда турсин, бирор жуфт каклик отиб келганини кўрмаганмиз.

— Кўнглида кири йўқ, Маҳмашарифнинг, — деб ўртага тушди қишлоқдошларидан бири.

Нариоқда нима қиларини билмай турган Маҳмашариф ўз исмининг лақабсиз айтилганини эшитиб қолди. Ҳикояси энг қизиқ жойида узилиб қолганидан дили

ранжиган овчи тилига келган гапни қайтармади:

— Маҳмашарифи Харбардор, Харпанжайи Мерганкўз! — деди у исмини таҳаллуссиз айтган кишига қараб.

Харбардор бу гапни шундай оҳангда ва шундай бир қиёфада туриб айтдики, кулгидан бутун ҳовли қалқиб тушгандай бўлди. Меҳмон муезбонлар қуда буванинг ортидан кула-кула яна уйга киришди.

Мақсадимни амалга ошириш учун қулай фурсат келганди. Атрофга тезкорлик билан кўз югуртирарканман, тандирхона ёнидаги нимқоронғи бурчақда алланарсанинг шарпасини сезиб қолдим. Нима учундир ўша жойда Бибиойша ўтирган бўлиши керак, деб ўйладим. Секинладим. Ўзимни қаймоқ ва сут қўйиш учун ясалган, баландлиги бир одам бўйи келадиган сўри ортига олдим. Юрагим гурсиллаб урарди. Ҳаяжондан тўзғиб кетган фикрларимни тўплаб олиш учун беркинган жойимда бирпас ўтирдим. Бу ердан меҳмонлар турган уйни, унга туташ хоналарни кузатиш қулай. Хонадан яна эркакларнинг гангир-гунгир овозлари эшитила бошладим. Секин энгашиб тандирхона бурчағидаги ўша жойга қарадим. Нимадир қорайиб кўринарди. Қизнинг ўша ерда ўтирганини аниқ билдим. Таваккал! Бориш керак! Балки мени кутаётгандир... унинг ёнида туриш, илиққина нафасини ҳис қилиш, товушини эшитиш учун дунёдаги ҳамма нарсадан воз кечишим мумкин. Ахир, мен уни узоқроқ қариндошимга эмас, бутунлай бошқа кишига атагандим. Ҳатто, ўзимга ҳам муносиб кўрмасдим, айтмоқчиманки, унга арзимайман деб ўйлардим, тўғрироғи, шундай хилқатнинг ёнида бўлишга ҳаддим сизмасди. Аммо, ҳозир ўтган тўрт йилни беҳад изтиробда ўтказганимни ўйлаб дадилладим. Назаримда, Бибиойша ҳам мени кутиб яшаётгандай, мана, совчиларни икки марта қайтарибди, шу пайтгача эрга тегмабди-ку, деган хаёллар далда берди. Далилларимнинг асоссизлигига парво қилмасдим. Мени кутяпти! Кутмаётган бўлса нима учун хилват бурчақда турибди! Нера уйга кириб кетмайди!

Тиззаларим қалтираб ўрнимдан турдим.

Том бўғотидан тушиб турган соя томонга лип этиб ўтиб олдим. Оёқ учида юриб тандирхонага яқинлашдим. Сўнгра... сўнгра биласизми, нима бўлди? Ўша қоронғи бурчақда Бибиойша эмас, аёлларнинг қандайдир узун мурсаги осилган турарди. Бўшашганча деворга суяниб қолдим. Шу алпозда қанча турганимни эслолмайман. Хонага кириб борганимда афтидан муҳим ҳаётий масала ҳал этилган, совчилар ва зиёратчи меҳмонлар юзида мамнуният ифодаларини кўрдим. Маҳмашариф Харбардор эса энди ўша чўққани қандай қилиб тириклай ушлагани, қопга солаётганида унинг «рафиқаси» ўн тўртта «фарзанди»ни эргаштириб келиб қолгани ва Харбардордан шафқат сўрагани, уларнинг мўлтираб турган шилпик кўзларига, эгик бўйнига, лойга беланганча ночор аҳволда туришига қараб ўлжани қўйиб юборгани тўғрисида ҳикоя қиларди.

Пахса деворли, тупроқ томли кўримсизгина шу уйнинг қайсидир бир хонасида эса она табиатнинг бетакор кашфиёти, тенгсиз бир хилқат тақдирининг қай тарзда ҳал бўлишини кутиб ўтирарди...





Сира бундай бўлмасди.

Ўдаклар тинчгина ухлаб ётишибди. Осма бешикчалар ҳаракатдан тўхтаган. Қандайдир одатдан ташқари сукунат. Ҳар кунги қий-чув йўқ.

Ҳаммадан кўра Қитмирча билан Экстремистнинг ухлаб қолганига ишонгинг келмайди. Кун бўйи аллаласа ва тебратса ҳам кўз юммайдиган бу икки ўдак бешиккаравотчаларида тинчгина ётишибди. Нақадар яхши! Кўзлари юмилган, киприклари бир-бирига чатишиб кетган, лаблари ним очик. Қитмирчанинг озгин, рангпар юзида билинар-билимас қизиллик. Экстремистнинг кенг пешонаси, қирра бурни устида майда тер томчилари милдираб турибди. Лаблари ниманидир бор овоз билан айтишга шайлангандек, ҳадемай кўзини очиб теварагига бир қараб оладики, дунёни бошига кўтариб, ғавго солади деб ўйлайсиз...

Энага оёқ учиди юриб бошқа каравот олдига борди. Оддий тол ёғочдан ясалган бу бешикчада ётган боланинг исми Хумкалла. Йўқ, ҳеч ким боласига бундай ном қўймайди, унинг исми аслида Жаббор, балки Абдужаббордир, аммо гувоҳномазида «Джабар» ёзилган. Улғайганидан сўнг паспортига ва бошқа ҳужжатларига ҳам шундай ёзилади. Октябрят бўлади, пионерга қабул қилинади, кейин комсомол бўлар, балки олий маълумот олар, берилган ҳужжатларнинг ҳаммасида Хумкалла эмас, «Джабар» деган ёзув бўлади. Умуман, гап боланинг исми қандай ёзилишида эмас, балки Хумкалла деган ном ўдакка жуда мос тушганида.

Аёл нафасини ичига ютиб ухлаётган болага қаради. Боши гавдасига номутаносиб даражада катта. Бунинг устига юзи ёғоч қошиқдай, пуфлаб шиширилган шар остида бир уюм латта осилиб турганга ўхшайди, сарғиш, туксимон сочи сийрак бўлганидан бир қарашда боши бунча катта деган тасаввур қолдиради. Шунинг учун унга Хумкалла деб ном берилган. Қизиги шундаки, энаганинг бу топқирлигидан боланинг онаси хурсанд. Балки ичида ранжиб юрган бўлса-да энагани хафа қилмай, ишқилиб боламга яхши қараб турсин, деб ўзини хурсанд кўрсатаётгандир. Умуман, боғчадаги барча болаларнинг Энага томонидан қўйилган иккинчи номи бор:

Карнайчи

Хонанда

Сариқбош

Даммалча ва ҳоказо.

Тўғри, Экстремист билан Чичивичич бригада ҳисобчисининг кашфиёти. Бири ўта жанжалкаш, иккинчиси қорни очикса «чичи-вичи-чичич» деб чуғурлайверади. Токи онаси келиб «жижи» бермагунча тинчимайди. Қалдирғоч боласининг ўзи. Аёл, яъни шу болаларнинг Энагаси Хумкаллага тикилиб тураркан, ўзича унинг олим бўлишига яна бир карра ишонди. Боши катта, пешонаси кенг,

сочи йўқ ҳисоб. Бунинг устига эндигина уч ёшга кирганига қарамасдан жуда доно. Қўлига ўйинчоқ милтиқ тегиб қолгудек бўлса уни болаларга ўқталиб: «Мен тизил, шен ок. Тйах! тйах!» дейди. Уч ёшли боланинг қизил билан оқни ажратгани ва оқларни қизиллар отиб ўлдириши шартлигини билганини қаранг.

Нариги беланчакда Даммалча ётибди. Энаганинг кўзи ҳаммадан аввал унинг қорнига тушди. Ҳаво жуда иссиқ бўлишига қарамасдан устига чойшаб ташлаб қўйди. Ўдакнинг қорнига қараш ноқулай. Энага ҳар доим ана шу қизча олдида ўзини ғалати сезади. Оёқлари ингичка, шунинг учунми, гавдасининг юқори қисмига нисбатан пасти анча узун кўринади. Бамисоли бир дона олмага иккита гугурт чўпи суқиб қўйилгандай. Отаси бригадада сувчи, онаси кетмончи. Даммалча уларнинг супрақотиси.

Бу болани боғчага олиб келишганда Энага ўнғайсиз ҳолатда қолганди. Аёлга қараб дабдурустан: «Катажон, сизни овора қилгандан кўра онаси олиб келсалар бўлмасмиди», деб гап бошлаганди, «онаси ўзимман, айланай», деб қолди аёл. Энага гапни таққа тўхтатиб узр сўради. Аслида айб йўқ эди унда. Бечора онанинг сочлари оқарган, даланинг офтоби ва меҳнат азоби ялаган юзи қуруқ суяк ва теридан иборат бўлиб, ёши ҳали қирққа ҳам бормаган аёлни кекса қилиб кўрсатарди. Ушанда Даммалчанинг онаси энаганинг ҳолатини сездими ёки шунчаки сўрагани, «айланай қишлоғингизга бориб келяпсизми, ота-онангиз соғмилар?» деб ҳол-аҳвол сўраша кетди. Кейин эшик томонга юраркан, тайинлади:

— Айланай, қизимга яхшигина қаранг, қуруқ қўймаймиз. Насиб бўлса сигиримиз туғса...қариган чоғимизда...

— Вой ундай деманг, ҳали ёшсиз-ку.

Энага бу билан қилган хатосини оқламоқчи ва онанинг кўнглини кўтармоқчи бўлди. Хуллас, Даммалчага алоҳида эътибор берарди. Умуман, барча оналар Энагадан рози. «Жонига тўзим берсин, бир ўзи ўн саккиз болани эплайди, ёшгина келин бўлса ҳам бола кўрган аёлдай...» деб таъриф қилишарди.

Дарҳақиқат, болаларнинг кўримсизгина боғчаси қисқа вақт ичида анча ўзгарди. Деворлар чиннидек қилиб оқланган, эшик, деразалар бўялган, ҳаммаёқ тоза, супуриб-сидирилган. Эшик теласида «Бахт» болалар боғчаси» деган ёзув пайдо бўлди. Энаганинг ғайратидан бригада ҳисобчиси ҳам ҳаракатда. Икки қулоч алвон топиб келиб деворга илиб қўйди. Унда тўқ сариқ ранг билан ёзилган қуйидаги сўзлар ярқираб турибди: Бахтли болалигимиз учун партияга минг раҳмат!

Эътирозга ўрин йўқ. Чунки бу ширдаги сўзлар болалар тилидан айтилмоқда. Уларнинг қалб ташаккури. Бола қувончи учун бир дона қанд ҳам етарли-да. Деворга гурсиллатиб миҳ уриб, ширни қоқишаркан, Энага бир лаҳза ташқарига чиқиб қаради. Уқиди. «Менинг болаларимдан қайси бири айта олади буни. Даммалчами ёки Карнайчи? Хумкаллага ўргатсам айта оладику-я... «Энагада шундай иштиёқ пайдо бўлди-ю, кўп ўтмай сунди.

Хумкалла билан уч кун машқ ўтказди. Пиёлага чой қуйиб ичига икки дона печенье ташларди-да, боланинг қаршида чунқайиб ўтирганча ўргатишга тушарди. Аммо қанчали ақлли бўлмасин, Хумкалла «партия» сўзини сира айтолмади.

— Партия! — дерди Энага болага қараб.

— Пайтива! — такрорларди бола.

— Парт-и-я!

— Пайт-и-ва!

Тўртинчи кун машқ тўхтатилди. Тўғриси, вақт етишмас, болалар инжиқлик қилишар, лаҳза ўтмай иштонча-

ларни алмаштиришга тўғри келарди. Иш қай даражада қийин бўлмасин Энаганинг нолиганини ҳеч ким эшитмаган. Кун бўйи оёқда туриш, болаларни овқатлантириш, тувакка ўтқазиб, идиш-товоқ ювиш ва бошқа сон-саноқсиз юмушлардан толиқса-да, бегуноҳ ва содда, шу билан бирга ўзига хос муғомбирликка ҳам қодир бола халқининг шўхлиги ҳам, қайсарлиги ҳам ёқарди унга. Кечқурун уйга қайтаркан, боғчада бўлган воқеаларни битта қўймай эрига сўзлаб берарди:

«Бугун Қитмирча Сарикбош билан яна солишди».

«Экстремист қатиқ солинган товоқчани Карнайчининг бошига тўнкарди».

«Даммалчадан буни сира кутмагандим, қошиқ билан Хонанданинг бошига туширса бўладими!»

Аёл боғча болаларининг кунлик ҳаёти тўғрисида шунчалик қизиқ қилиб, берилиб, завқ билан сўзлардики, бора-бора бу эр билан хотин ўртасидаги суҳбатнинг асосий мавзусига айланди. Энди эр ишдан қайтиб албатта сўрарди:

— Хўш, боғчада нима гаплар?

— Тинчлик, — дерди аёл ва дарҳол ҳикоя қилишга тушиб кетарди.

— Экстремист жаноблари қалай?

— Вой, бирам қизиқ. Тўрт-беш боланинг ўртасида ўтириб олади-да, нима балоларнидир чуғурлаиверади. Оғзи тинмайди. Охирида рўпарасида турган боланинг баъарасига шартта чанг солади, кейин тўполонни кўринг.

— Сен индамай тураверасанми?

Елка қисади аёл, қиқирлаб кулади. «Қизиқаман, ўзим ҳам кўшилиб кетгим келади», дейди. Эр унинг гапларига берилиб қулоқ солади, кейин ўйчанлик билан аёлнинг дўмпайибгина қолган қорнига кўз қирини ташлаб олади ва ҳаёлига келган гап қолиб бутунлай бўлак нарсани сўрайди:

— Хонанда қалай?

— Шу кесак ейишини сира қўймайди-да.

— Нима, энди хиргойи қилмай қўйганми?

— Қилади...

Аёл бу гапни айтarkan, нигоҳида ғамгин бир ифода акс этди. Афтидан қулоқлари остида қизчанинг мунгли овози жаранглар, унинг каравот тагидан ўрмалаб ўтиб девордан яширинча кесак кўчириб еяётган ҳолати кўз ўнгида гавдаланарди.

Кейинчалик Энага бу қизча туфайли кўп марта кўзёши тўкди. Терговчининг хонасига олиб киришганда ҳам ўзини сира тугиб туролмади. Эшик олдидаги стулчага омонатгина чўқаркан, қаршисида турган басавлат эркакка мўлтираб қаради. Кўзларидан дув ёш оқаверди.

— Қилғиликни қилиб қўйиб энди йиғлайсиз-да.

Терговчи гапни шундай бошлади.

Аёл ёшли кўзлари билан унинг елкасидаги юлдузчаларга ва девордаги баҳайбат расмга қаради.

— Хонанданинг асли исми нима эди?

— Нурпош...

— Нурпошо денг, унда нега Хонанда деб ном қўйиб олдингиз?

Аёл йиғлар, бармоқларини синдириб ташламоқчидек қайирар, лабларини тишлар, аммо нима деб жавоб айтишини билмасди.

— Гапиринг, ўртоқ Муфтиевна!

— Шундай...

— Қандай? Мумкинми шундай қилиш? Ахир улар одам боласи. Сизнинг кучук ёки мушугингиз эмас, истаган номни қўйиб олсангиз. Ота-онасининг қулоғига етса нима деган одам бўласиз. Узингиз «дошкольный»ни тугатганакансиз, ахир ўргатишмаганми сизга...

— Ўргатишган, бундай қилиш мумкин эмас, — деди

аёл ниҳоят кўзёшларини арта-арта. — Лекин мен уларни эркалаб шундай дердим, яхши кўрганимдан.

— Яхши кўрган одам бундай қилмайди, — рад этди терговчи ва қўлига бир варақ қоғоз олиб ёзишга тутинди:

— Хумкалла! Борми шундай бола?

— Бор...

— Экстремист-чи?

Аёл бир дам иккиланди, бир нафас жим қолди. Терговчининг уст-устига қилган дағдағасидан кейин очигини айтди:

— Уни мен қўймаганман.

— Ким қўйган?

— Ҳисобчи.

— Хўш, Сарикбош, Қирриқ, Даммалчаларни-чи? Мумкинми Совет болаларини шундай ҳақорат қилиш?

Терговчи шу гапларни айта туриб аёлга бошдан оёқ разм солди, афтидан унга бирор кулгилироқ ва ҳолатига мос тушадиган лақаб топишни ўйларди. Аммо ҳадеганда ҳаёлига дурустроқ гап келмади. Терговчининг киши ақлини гангитувчи шиддатли сусайишидан чўчиб, сал бўлса-да шошқалоқлик билан тилига келган гапни айтди:

— Сизни ҳам... дамал десам жаҳлингиз чиқмай-дими?

Аёл беихтиёр эгилди. Кўйлаги остида тўнкарилган қозончадек кўтарилиб турган қорнини ичига тортди, қўларини қорни устига қовуштирди ва боласини ҳимоя қилмоқчидек деди:

— Даммал эмасман, ҳомилам бор.

— Барибирамда, — тўнғиллаб қўйди терговчи.

Унинг овозида бу савол-жавобдан ҳам, топқирлик қилолмаганидан, аксинча айбланувчининг қўли устун келганидан, кўҳлиқина бу аёлга бир қарашдаёқ айб тополмаганидан ранжиш сезилиб турарди. Шунинг учун кескинроқ товуш билан сўради:

— Хўш, шундай қилиб нима бўлди ўша кун?

— Қандайдир, ҳамишагидан бошқача эди, ўлай агар бошқа кунларга ўхшамасди...

Ҳақиқатан ҳам ўша кун одатдан ташқари нимадир юз бериши муқаррардек туюларди. Энага табиатда сира кутилмаган ўзгаришлар бўлаётганини кўрди, аммо буни хона ичидаги ҳолат билан боғлиқлик томонига эътибор қилмади. Балки боғланиш йўқдир. Болалар шунчаки ўз-ўзларидан ухлаб қолишгандир, қоринлари яхши тўйган бўлиши ҳам мумкин, ўша кун биринчи марта тухум берилганди. Ёки Энаганинг ширин овоз билан айтган алласи элитгандир. Табиатдаги кучларни жамият ҳаёти билан нима иши бор. Ўша кун ҳавонинг ҳар қачонгидан димиқиб туриши, шимол томондан осмонга бурқираб кўтарилаётган ғубор, қисқагина муддат эсан шамолдан кейин борлиқнинг сувга чўккандай жимиб қолиши ва пахтазорни қоқ иккига бўлиб, ғўза тупларини шатирлатиб, тупроқни чангитиб ўтиб кетган уюрма билан «Бахт» боғчаси ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин!

Энага дераза олдига бориб далага қараркан, кетмон чопаётган аёлларнинг ҳаммаси шимол тарафга қараганча қаққайиб туришганини кўрди. Худди шу пайт ингичка учи ерда, даҳанакисмон оғзи осмонда бўлиб, шиддат ила чирпирак уриб айланиб келаётган қора қуюн пайдо бўлди. Энага нимадандир чўчиб ортига ўгирилди-ю, болаларнинг йиғидан таққа тўхтаб бирдан ухлаб қолишганини кўрди. Вақт ҳали эрта, тушлик тугаганига кўп бўлгани йўқ. Ҳаво иссиқ, ердан жимирлаб ҳовур кўтарилади. Ҳар кун шу маҳал хона гўдаклар йиғисига тўлиб кетарди. Тандирдек қизган деворлар тафтидан, иссиқ ҳаводан безовта бўлишар, терлаб-пишиб кетишар, оналарини кўмсаб бор овозлари билан йиғлашга тушардилар. Умуман, гўдак йиғиси ёмон аломат эмас. Бу машқнинг охири яхшиликка олиб боради. Машқ дега-

нимизнинг боиси шуки, гўдакнинг ички аъзолари, хусусан, ўпкаси бу билан ўз жисмини тарбиялайди. Лекин йиғининг асосий хусусияти фақат шугина эмас, боланинг йиғлаши ҳаётга деймизми, тузумга деймизми, хуллас, биз катталарга қарши кўтарилган исёндин. Исёнкорлик руҳи эса яхши!

Тарбиячиси ҳам, бошлиғи ҳам, бошлиғи ҳам, ҳатто ошпази ҳам биргина кишидан иборат бу боғчада болалар турли ёшда. Уч-тўрт ёшлилар қаторида ҳатто янги туғилган гўдаклар ҳам бор. Уларнинг ҳеч бир нима сабабдан оналари ташлаб кетганини тушунишмайди. Она кўксини қўмсаб кўзғолон кўтаришади. Дарвоқе, бундай экстремистик кайфиятга фақат Хонандагина сира қўшилмайди. Аксинча кимдир йиғлай бошласа у хурсанд, Энаганинг йиғлоқилар билан овора бўлиб қолганидан фойдаланиб, секин каравотчалар тагига томон жилади. Ёши иккидан ошган бўлса-да, юролмайди. Баъзан деворни ушлаб оёқ босади, аммо қадам ташлолмайди. Мабодо бирор жойга тезроқ бориш зарурати туғилса, ҳа, ажабланманг, гўдакларда ҳам худди катталарда бўлгани каби шундай зарурат туғилади, бундай пайт Хонанда ҳатто ўрмалашдан кўра ўтирган кўйи силжишни маъқул кўради. Гавдасини аввал бироз орқага олади-да, олдинга томон талпини, шунда ўрнидан бир-икки қарич силжийди. Токи манзилга етмагунча шундай қилиб кетаверади.

Болалар воялоси авжига чиққан пайт Хонанда учун тўй. Хиргойини баралла қўйиб йўлга тушади. Ҳатто хурсандлигидан овозини ичига тортиб, қийқириб юборади. Олдинда «зиёфатхона», деворининг бурчидаги пана жойда, кичкина ёриқ бор. Бу «ресторан»ни Хонанданинг ўзи топган. Шу ерда ўтириб оладию бармоқчасининг учини девор дарзига суқади, тирноғи билан кавлаб нўхатдек, баъзан ови юришганда данак катталигидаги кесакни қўпариб олади-да, эҳтиёткорлик билан оғизчага солади. Таммуз кесаги тишлари орасида қитирлаб эзилади. Ҳатто кесак чинаётганида ҳам хиргойи қилаверади. Хонани тасарруфига олган шовқин-сурон орасида унинг нуқул унли товушлардан иборат бўлган қўшиғи эшитилиб туради:

«У-у-у-у»

«А-а-а-а»

«О-о-о-о»

«Э-э-э-э»

Беланаклар тинимсиз ғижирлайди. Энага бир беланчани тебратиб қўйиб, иккинчисига ўтади. Баъзиларига ип боғлаб олган, хуллас, шундай қилганки, каравотчаларни худди черков қўнғироқларидек бир жойдан туриб ҳаракатга келтириш мумкин. Фақат уларнинг товуши қўнғироқларникидан ранг-баранг, ёқимсиз бўлса-да, оҳангларга бой. Ҳам бешик, ҳам каравот вазифасини ўтайдиган бу кажаваларнинг икки четида темир ҳалқачалари бор, ана шу ҳалқачалар темир илгакларга илдириб қўйилган. Тебратганда улар бир-бирига ишқаланиб ғижирлаб, қийиллаб ва чийиллаб овоз беради. Ҳалқачаларнинг қачон ёғланган ёки ёғланмаганлиги, кажава ичидаги боланинг вазни, пояларнинг ерда қай ҳолатда туриши, ҳатто Энаганинг кайфиятига қараб товуш оҳанглари ўзгариб ўзига хослик кашф этиб туради. Ҳалқа ва илгаклар таратадиган жүрөвöz сифати ҳатто Энаганинг кайфиятига ҳам боғлиқ. Агар Энага жаҳлланиб турган бўлса кажава кескин-кескин тебранади, темир ҳалқалар «ғий-йиқ, ғий-йиқ» этиб, қисқа овоз чиқаради, айрим кажавалар хуштак чалиб юборади. Ўзига хос бундай ўктамлик ҳоҳида айрим йиғлоқи гўдакларни бир лаҳза бўлса-да тинчитади. Албатта, Энаганинг алла орасида ёлгондакам пўписа билан: «ухлада энди, Малла пишак!» деб буйруқ бериши ёки «бўлди қил, Кўтарам!» деб дўқ қилиши ҳам баъзан гўдакнинг тинчишига ёрдам беради.

Уша уярма бўлган кундан бир ҳафтача олдин «Социа-

лизм» колхозига нуфузли ҳукумат вакиллари ташриф буюришди. Колхозчилар ҳайратда, ҳеч ким яқин боролмайди. Аммо бўйчан, оқсоч басавлат кишини бир марта бўлса-да кўриш истагида ҳар томондан бўйлашади. Бригадир қалт-қалт титраганча қўл қовуштириб турибди. Ҳукумат вакили ордин эргашиб юрган издиҳом шийпон олдида тўхтади. — Бригада боғчаси, — таништирди раис эҳтиром ва ҳурмат тўла титроқ товуш билан. Ҳукумат вакили шиорга кўз ташлади.

### Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!!!

Бу алвон унинг келишидан бир соатлар олдин илинганди. Аввалгиси ранги униққанлиги сабаблими ёки бошқа вазданми, олиб ташланганди.

— Юз процент ахват!

Ҳукумат вакили бу гапни ноҳия фирқа қўмитасининг саркотибига қараб айтди.

— Ҳаракат қиламиз! — жавоб берди котиб.

Маросим жуда қисқа бўлди. Меҳмонлар кетгандан кейин тўпланиб турган кишилардан бири сўради:

— «Ахват» деганлари нима экан-а?

— Қамраб олиш дегани эмиш, — жавоб берди бригадир, — яъни болаларни боғча-ясилларга тўлиқ жалб қилиш керак демоқчилар.

— Ҳа, қаранг-а, жуда тағдор қилиб сўзларканлар.

— Шундай бўлмаса халқни бошқара оладими!

Колхозчилар Улуғ одамнинг савлати ва камгаплиги тўғрисида гапиришар, бригадир бўлса ер чизарди. Унга танбеҳ беришди. Даласида ҳашорат бор экан. Бригадир қанчалик хафа бўлмасин, раиснинг гапи ёдига тушиб, кулиб юборди. Раис пайкал четидаги бир-икки туп ғўзани кўрсатиб нуқул, «бу-чи, бу-чи» дерди. Катталарга эшиттириб қилинаётган ва танбеҳ гўдакларнинг «бўжи-бўжи»сига ўхшар, гўё раис важохат билан «бўжи»ларни кўрсатиб ҳаммани кўрқитмоқчи бўларди. Энди раис кўрсатган ўша «бўжи»лар уни ташвишга солиб қўйган ва зўр бериб бир иложини топишни ўйларди. Ногоҳ юзида қувонч шарпаси кўринди. Қандайдир умидбахш оҳангга қулоқ тутаётган каби бошини кўтарганча туриб қолди. Оғир дарддан фориг бўлган кишилар кўзида зухур бўладиган бир ҳолат нигоҳида акс этди-ю, бош силкиб кулди ва раиснинг гапини такрорлади:

— Бўжи?! Бўжи!!

Сўнгра ҳеч ким эшитмадими ўзи, дегандек теграсига қаради ва ўрнидан кўзғалиб шийпон ортига ўтди. Боғча жойлашган хона пойдеворида синчиклаб қаради. Пахса девор бурчаги ердан ярим қулочча кўтарилиб турибди. Ҳас-хашакларни этигининг учи билан нари-бери сурди. Ичкаридан каравотчаларнинг ғижирлаши ва энаганинг алласи эшитилиб турибди.

«Энди бўжиларнинг шўри қурийди», деди бригадир муштини силкиб ва қишлоқ томон йўл олди. Ана шу таскин билан одимлаб бораркан, тезроқ кеч тушишини истарди. Қош қорайиб далалар сурмаранг ола бошлаганда яна шийпон олдида пайдо бўлди. Ҳисобчи айвонда чўт қоқиб ўтирарди. Бригадирнинг имоси билан икковлари шийпон ортига ўтдилар.

— Раис сизни йўқлатиб уч марта одам юборди, — деди ҳисобчи. — Мажлис бўларкан.

— Ҳашарот масаласи, — шивирлади бригадир ҳам.

— Хўш, ўша кун болаларга нима берилганди?

Сўроқни давом эттирди терговчи.

— Нон.

— Яна?

— Пичинни, тухум...

— «Пичинни» эмиш. Йўқ ундай наrsa. Печенье бор! Сўзни тўғри талаффуз этиш керак. — Терговчи бармоқ-

ларини бир нуқтага ғуж қилиб тўплаганча қўлини юқори кўтариб қичқирди:

Пе-че-нь-е! Ана шундай. Сиз болаларга тил ўргатасиз ахир!

Энага Хумкаллани эслади. Шиорни ўргатаман деб уч кун машқ ўтказгандан кейин бола пиёла билан печенье-ни кўрди дегунча «пайт-и-ва» сўзини такрорлайдиган бўлиб қолганди. Ич-ичидан эзилди аёл. Терговчининг гапидан билдики, болаларга бераётган тарбияси нотўғри экан.

— Биз тилни тирилтириш учун курашамиз, мақом берилган, сизга ўхшаганлар уни бепичоқ сўяди. Жизза дейди, бужи дейди...

«Яхшиям пазза-чизани эшитмаган экан», хаёлидан ўтказди энага ва Малла Пишак кўз ўнгига келди. Бола жуда ширин қилиб айтарди бу сўзни. Энага қайта-қайта такрорлар ва ўзи ҳам дамба дам «пазза-чиза» деб кўярди. Энди бу сўз хунук туюлди. Қаранг адабиёт ўқитувчиси бўла туриб эри ҳам айтмаган экан-да, олдига овқат олиб келсам қўлларини бир бирига ишқалиб «пазза-чиза» деб қичқирарди. Кейин «ўша Малла Пишагинг хўп қизик бола экан-да, қара, қандай оҳангдор, қисқа иборат! Мазза қиламиз, деб чўзиб ўтирмайсан-да пазза чиза дейсан-кўясан» дерди.

— Гапиринг, гражданка Муфтиевна!

— Кечиринг, энди бундай қилмаймиз! — ялинишга тушди аёл.

— Бефойда. Қамаласиз!

Терговчининг сўнги сўзи қатъий ҳукмдек жаранглади. Яна йиғлади аёл. Икки ҳафтадан бери давом этаётган тергов уни батамом толиқтирганди.

Ташқарига чиқиб дарвоза олдига кутиб турган эрини кўрди. Йўлда жимгина боришди. Иккаласи ҳам нимадандир унғайсизланишар ва бош кўтариб бир-бирларига қарашга ботинишмасди. Автобус бекатига етганларига эри секингина сўради:

— Ўша қизнинг кесак ейиши ростмиди?

— Нима қиласиз ярамни янгилаб, — зарда қилди у.

— Боғчанг шийпоннинг қайси тарафида?

Аёл эрига таъна билан қаради.

— Айт Назира, бу жуда муҳим.

— Жаҳаннамда! — қичқирди аёл ва хўнграб йиғлашга тушди. — Қамалиб кетаман. Шундан кейин бориб кўраверасиз! Бошқа аёлдан сўрайсиз!..

Эр бошқа ҳеч нарса демади. Бироздан кейин минғирлаб ниманидир сўради аёл. Аммо жавоб бўлмади. Қошлари чимирилган, пешонаси тиришганча ўз хаёллари билан банд эди у. Уйда узоқ ўтирмади. Хонада гарангсиб нари бери юриб турдию хотинига ҳеч нарса демасдан ташқарига отилди. Аммо аёлининг дунёси шу қадар қоронғи эдики, эрининг чиқиб кетганини сезмади. Унинг қўл силкиб хайрлашгани, муштини юқорига кўтариб аёлга тетиклик истагани, ҳатто, жилмайишга ҳаракат қилганини пайқамади ҳам.

Дарвоза олдига машина келиб тўхтаганда аёл ҳамон ўша алпозда ўтирар ва тақдирни лаънатларди. Ногоҳ хона ёришиб кетди.

— Машинага чиқ! — амир қилди эр қўлини электр чироқ тугмачасидан олмай.

Нималар бўлаётганига ақли етмай каловланиб ўрндан турди аёл ва ташқарига юрди. Машина бригада даласи томон елдек учиб кетди. Шийпон олдига бориб тўхташлари билан аёлининг юраги беҳуд бўлди. Кўзини маҳкам юмиб олди. Ҳеч нарсани кўришни истамасди.

— Бу ёққа келинлар!

— Сиз боринг, — деди аёл ёнидаги йигитга. Бутун кучини тўплаб шу икки оғиз сўзни айтдию ўриндиққа беҳол йиқилди. Энди у ташқи оламни бутунлай унутган, икки ҳафта олдин юз берган даҳшатли воқеани қайта

бошдан кечирарди. Хонанинг қаравотлар ортидаги бурчида, юз тубан ётган бола. Қўрқув ва ҳайратдан қотиб қолган нигоҳлар... турли овозлар...чинқириклар... Ана шу рўё орасидан Хонанданинг фақат унли товушлардан иборат қўшиғи эшитилади:

«У-у-у-уу»

«А-а-а-аа»

«О-о-о-ооо»

«Э-э-э-ээ»

Сўнгра сукунат чўқади ва бошқа бир овоз талваса билан жаранглади:

— Нурпош, қизгинам! Онанг айлансин, ма жижи. Ол! Ол! Онангни кўрқитма болам!

— Барибир жазоланасиз! — шиддат билан бостириб келади терговчи.

Қарсиллаб эшик очилади. Кимдир аёлининг қўлидан тутиб ташқарига тартади.

— Бормайман! Бормайман!

— Юр!

— Ҳомиладорман. Қамашга ҳаққингиз йўқ. Ҳеч ким ҳимоя қилмаса, қорнимдаги гумонам ҳимоя қилади! Кимдир уни маҳкам кучоқлаб бағрига босди:

— Назира, сенга нима бўлди? Узингни кўлга ол!

Қаттиқ силкинишдан ва юзига урилган муздек сувдан ўзига келди Назира.

— Қара!

Қўл фонар ёруғида нимадир қорайиб кўринарди. Аммо аёл нималигини ажратолмади.

— Кўряпсанми?!

— Нимадир у?

— Заҳар!

Хаёли ёришиб шийпон ортидаги тупроқ уюмини кўрди Назира. Таниди. Деярли ҳар куни ўтарди бу томонга. Болаларнинг иштончаларини ювиб, шу ердаги шох-шаббалар устига иларди. Аммо ҳеч нарсага ақли етмади. Нега бу ерни кавлашган, занглаб кетган темир бочкадаги ялтираб турган бу қора суюқлик нима ўзи?

— Бу заҳар! — Такрорлади эри унинг хаёлидан ўтган саволни англагандек. Сен айбдор эмассан, бунинг учун жавоб берадиганлар бор. Мен энди кўйманман уларни. Хонанданинг ҳам, сенинг ҳам қасосингни оламан. Сиз билан суҳбатлашгандан кейин эсимга тушди. Икки йил аввал худди шундай тунда кўмишганди буни.

— Раиснинг ўзи бошчилигида...

— Эшитаяпсанми, Назира, Эркиннинг гапини. Раиснинг ўзи бошчилигида. Ушанда биз Эркин билан шийпонда ҳужжат ишларини қилиб ўтирардик, болаларга жавоб бериб юборгандик.

— Пахта терими эди, — луқма ташлади Эркин.

— Раис кетгандан кейин бригадирдан нима гаплигини сўрадик. «Э, бир бочка бутефос бор эди. Биласиз-ку уни йўқотишга қарор чиққанига уч-тўрт ой бўлди. Эртага келадиган комиссия шуни текширармиш. Қайсидир ноҳияда уч киши заҳарланиб ўлибди», деди бригадир. Назира эрининг елкасига беҳол суянди.

— Шўрликкина Нурпош! — деди у алам билан.

— Эркинжон, қаранг, кавлаб олмоқчи бўлишган. Мана пишангнинг изи. Аммо занглаб тамом бўлган бочка ёрилиб кетгандан кейин индамайгина кўмиб қўя қолишган.

— Оғзининг бир четидан қорамтир суюқлик оқиб тургани, — эслади Энага, — Ичидан қон келяпти деб кўрқиб кетдим, дарҳол этагим билан артиб олдим. Хаёлимга алланарсалар келди. Қўлчасида эса қорамтиргина кесакча бор эди...

Тун тобора қуюқлашиб борар, уч киши фонарнинг ўткир нури ёритаётган нуқтага тикилиб туришар, қора суюқлик эса чириган идишдан сизиб чиқиб илондек шарпасиз ўрмалар ва девор тупроғига сингиб борарди.

Рауф Субхон



1958 йил Самарқанд вилояти Нурота туманининг Зарбанд қишлоғида туғилган. ТошДДнинг журналистика бўлимини тугатган. «Афсонанинг давоми» шеърӣ тўпламининг муаллифи. «Чўлпон» нашриётида муҳаррир бўлиб ишламоқда.

## Ҳолат

Кўнгилнинг  
тубида  
бир улкан  
Дарахт  
Иссиқ қорга  
ўраниб турар.  
Боғларни айлансам,  
дарахтлар сўрар:  
«Нечун хомушсан?»  
Уларнинг ҳаммаси  
гулли, япроқли.  
Сиртимдан  
гулдайман,  
Ичимдан муздай.  
Менинг фасларим  
алмашиб кетган.  
Менга бу баҳорнинг  
насибаси йўқ,  
Янаги баҳорни кутиб яшайман.

Менинг фасларим  
алмашиб кетган

## Қор босган дунё

Дунёнинг  
Охирин  
Кўриб қолдингми,  
Нега  
Тўхтаб қолдинг  
Эй, қора қарға?!

Сени кўриб  
Ҳайрон бўлганлар неча...  
Хатто  
Каттиқ тушқунликка тушди  
Сафарга отланган мусича...

\* \* \*

Кўксим —  
Қотиб кетган  
Сўз — қатқалоқ бўз.

Кўзим —  
Қушлар кечган,  
Лойқарган  
Булоғим...

Оёғим учини  
Эзгилар поезд,  
Ёнтоқ каби  
Гуллаб ётар  
Қулоғим...

Кун  
Иссиқ нафасин  
Пуркаган ҳоким,  
Тун эса  
Алдасмас,  
Аллалар сокин.

Мен-ми?  
Алпомишман  
Ғафлатда қотган.

Ким  
Мени алдаган,  
Нафратлар отган?  
Мабодо  
Кўзгалсам,

Ўрнимдан турсам,  
Ёвга  
Жой йўқ,  
Фурур — қисмат  
Бу юрда.

Ҳозирча  
Ётибман  
Кўлларим чўзиб.

Лекин  
Нима дейман  
Чангалда тоққа?..

Ҳозирча  
Фикрим ҳам ғазабим  
Кезиб,  
Термулиб  
Ётибман  
Осмон-фалакка.

Мени  
Алдаганга  
Бир сўз демадим,

Ўрнимдан  
Кўзгалдим,  
Оёққа турдим.  
Кўлимда тоғ —  
Чўлда  
Сузган кемадир.

Кўнглим  
Зўр тўлқиндир,  
У тинмай сўзлар:

Фалак,  
Раво кўрдинг  
Қасдма-қасдликни!

Эҳ, буларга  
Бир кўрсатай  
Ростликни...

Сенинг сўзларинг  
Уқ эмас...  
Балиқ ҳам эмасдир  
Бирон одам қармоқ ташлагулик.  
Улар димоғингдан  
Судралиб келган  
Тошбақалардир...  
Атрофга аланглаб  
Нимадир кўрса,  
Бошин тош остига тортиб олгувчи...

## Кафасдаги шер

Мен-ку,  
Ҳеч қурса,  
Дардларимни бўкираман.  
Сен-чи?  
Ёки сен ҳам бир дардмисан,  
Мусича?  
Балки  
Яхшилаб, индамасдан  
Сир сақлайдирсан —  
«Озод» сўзидан ҳам сеҳрли сўзларни.  
Яхшиям панжара олдига келдинг,  
Сен менда яшашга умид уйғотдинг.  
Мен бўлсам,  
Бу яхшиликни  
Одам кўзларидан излаб юрибман...

## Гўрўғли

Юки енгил одам осмонда юрар,  
Сиз ундан заминга меҳр кутмангиз.  
Ҳар ким ўз юртида тупроқдай оғир,  
Ҳар биримиз улкан сабр ютганмиз...

Бир гўдак қабрдан бош кўтарар, бош,  
Йиғлаб туғилгану ёш кўрмаган, ёш.  
Қабрда ўлган ҳам, туғилган ҳам бор,  
Жасад, руҳ онадир, сут эса — бардош.

Бир гўдак қабрдан бош кўтарар, бош,  
У ҳали кўрмаган ёмғирни, ўқни.  
Аланглаб ер узра боқар, билмайди  
Яланган ҳақсизлик, таланган ҳақни.

Хурпайган тиконлар қаердан келган,  
Олағовур шамол келар хаёлга.  
Деввазн Гўрўғли уч юз ўттиз пуд\*,  
Учмайди, яшайди тоза ҳавода...

Қабрда ўлган ҳам, туғилган ҳам бор,  
Жасад, руҳ онадир, тупроқ ҳам — она.  
Хўрликнинг, зўрликнинг овози келар,  
Атрофни ожизлик қоплади яна.

Ёруғ дунёларнинг қўллари узун,  
Жонсизга жон берар, жонлига имон.  
Гўрўғли — уйғонган она ер сўзи,  
У фақат от сўрар, шашти кўп ёмон...

Ҳаёт, сенга ҳали кўп эртақлар айтгум,  
Кайтгум дил оғритмай келган шаштимдан.  
Одамнинг ўзи ғўр, сўзи зўр бўлиб,  
Кўнгли оғир экан зилдай муштингдан.

Топганим тухматдир, топганим ҳақ,  
Дардим юк кимгадир, дардсизлигим ҳам.  
Бош кўтариб кўзга қарарликмас тик,  
Ҳатто сўниб борар қўзғолган алам.

Ортимга қарайман, биронта из йўқ,  
Ёшлигим шамолда соврилган каби.  
Етмиш қадам нари қуёшдай ботар  
Ортда ҳур қизарган ўтмишнинг ёди.

У, қанча бенишон ўлган кунларда  
Писиб тош отган ҳам бош эгди, ана...  
У кун ҳавас қилган букун ўқ узди,  
Қон бўлди ўзбекнинг кўкси — Фарғона.

Темирдай қайтарди руҳим, қайтса гар  
Бошингда қиличдай жаранглар байтлар.  
Сен темир, қоғозга кўчирган бошни  
У ҳар бир учраган чўнтакдан топар.

Менинг қурбонларим санаб бўлмайди,  
Бошимда посбонлар саноқли холос.  
Одамни одамлар ўлдираар, мана,  
Алданган йўлдошман,  
Мен —  
Улган ихлос.

## Бир тутам кун

Бир тутам кун...  
Мен уни ҳовучлаб, сўнг  
Бекитиб оламан муштим ичига  
Ва тунгача шундай асрайман.  
Бир тутам кун —  
Қўлларимда номозшомгача  
Сеҳрли тошларга айланар.  
Тунда эса бемалол  
Қулочим ёзиб,  
«Тош»ларни  
Сўқмоқлар томон отаман.  
Сўнгра тонгача  
Ухламасдан тинглаб чиқаман  
Сеҳрли-сеҳрли овозлар...  
Тунда туриб,  
Қўлингизни мушт қилиб,  
Ану шу сўқмоқдан ўтиб қолсангиз,  
Кўзингизга кўринади  
Фақат яхшилик...  
Яхшилик ҳақида ўйлай бошлайсиз.



\* Олимларнинг аниқлашича ҳар одам 15 тонна фазовий босимни кўтариб юраркан.





Иброҳим Ғафуров

## Uleku gedoda djo

Алишер Навоий доим улус ичида яшади, доим улус куршо-вида бўлди. У улуснинг бутунлиги, бирлиги, ободлиги ва қудрати учун курашди. У улусни беҳад севар эди. Шу билан бирга улусдан беҳад озурда эди. Жуда ёш чоғларидан бошлаб бошига улус ғавго ва можаролари тушди. Еш чоғларидан темир-ий мирзоларнинг ўзаро ғоятда беҳосил, лекин ўтакетган кон-ли талашлари ва тортишувларини кўрди. Навоийнинг ота-она аждодлари темир-ийлар хонадонлари билан хонавода ва хона-зода бўлиб кетган эди. Мен ҳатто баъзида Навоийнинг асл аждодлари шахрисабзлик бўлсалар керак деб ўйлаб юраман. Ҳеч шубҳасизки, унинг боболари Амир Темирнинг улуг хонадонига жуда яқин кишилар бўлганлар. Навоий ўзининг томир-томир-лари темир-ийларга илдиз боғлаб, ажратиб бўлмас даражада туташиб ётганлигини билади. Ўзи ҳам то бир зум бўлсин ушбу илдизлардан ажралолмайди. Лекин шу билан бирга бу улуг хонадон ўзаро тахт талашиб, мулк, юрт талашиб ўзини ўзи қуритиб, қуриб бораётганлигини қуриб ва кўрганидан ҳам аъло хис қилиб туради.

Навоийни мана шу мирзойи қирғинлар ҳаддан ташқари чарчатган эди. Унинг тушларига қон оқаётган дарёлар ва тагида қонлар қуриб қолган сўхта дарёлар кирарди. У бу дарё узок замонлар қуриб ётажагини сезган эди. Ўзининг башорати ўзи-га ғоятда кўрқинчли кўрнарди. Лекин атрофига қараса, шаън, доно, ўткир фаҳм, сўзамол темир-ийзодалар билан муо-мала қилса, уларнинг лаззатпарастликларда нозуқлашиб кет-ган чехралари, нозуқлашиб бораётган қўллари, ўта ингичка табассумларга мойил лаблари, лаззатли рўёларга қарай-қарай йилтираб кетган кийик чиройли кўзларида дам-бадам тиркираб кетадиган шармандалиқларда башоратнинг кўп кўрқинчли нишонларини кўрарди.

Темир-ийлар учун кўрқинч Навоийни ҳаддан ортиқ ҳолдан тойдирарди. У доим уруш ҳолатидаги шахзодаларнинг орала-рига тушар, тўхтовсиз ота билан фарзандлари, акалар билан укаларни, қони бир, томири бир, лекин нияти бошқа кимсалар-ни яраштириш мушкулликлари ичра қун кечираар, шахзодалар-га тўхтовсиз хатлар ёзар, подшоҳни эзгу ишларга ундар, бир дам натижаларга эришгандай бўлар, лекин кўп ўтмай низолар яна бошқатдан, аввалгисидан ҳам қучлироқ шиддат билан аланга оларди.

Навоийни толдирган, унинг умрини қиска қилган ва ҳатто насл қолдиришдан мутанаффир қилган асосий сабаблардан бири ана шу ўзаро низолар эди.

Навоий табнотан ёлғизликни севарди ва ёлғизликка инти-ларди. Ва ҳеч қачон тақдирнинг ўйинлари ва масҳарабозлик-ларини қарангки, ёлғиз қололмасди. Ёлғизликка етолмасди.

Навоий табнотан ўта нозик эди. Доим ҳаёлининг домида эди. Унинг нозик табииати ёлғиз бир қуч ҳоким ва ҳукмпармо эди. Уни улуг соҳиба — шеър Илоҳаси бир зум тарк этмас, бир зум тинч қўймади. Шеър Илоҳаси Навоийнинг кўнглида таъриф-га сифмайдиган ғўзал, чексиз хоналарга эга сарой қурган эди. Илоҳа шу мўъжаз саройда яшар ва тўхтовсиз Навоийга сўз айтарди.

Навоий айна йигитлик чоғларида эл-улус талаби билан тар-тиб берган биринчи йирик девони «Бадое ул-бидоя»да айтади:

Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо  
Тил айлар эрди назм либосида адо.  
Ул назмга жонни қилибон халқ фидо  
Солурлар эди гунбази гардунга садо.

Кўрдингизми, Илоҳа унга мудом шеър шивирлаб туради. Кўз ўнгида сўз оламининг ғўзал манзаралари намоён бўлади. Навоий шу манзараларни муттасил қозоғга туширишни истай-ди. Лекин тўрттинчи иқлим — Хуросон подшоҳлигининг барча ғавго-тўполонлари аллақандай сирли иплар билан унинг бутун вужудига уланган, ҳар замон бу иплар шиддат ва изтироб би-лан тортилади. Шоирни Илҳом ва шеър Илоҳаси тортик қилган оламдан низо ва ғаразлар оламига тортиб кетади.

Сукротни Афина халқ мажлиси ўлимга маҳкум этганда, улуг мутафаккир охири марта ўзига ҳукм ўқувчиларга қарата шундай деган экан: «Айё, афиналиклар, ўлимдан қутулиб қо-лиш қийин эмас, лекин мана, фосикликдан қутулиш анча муш-кулроқдир: бузуклик ўлимдан ҳам тез етиб келади» (Платон. «Сукрот таърифномаси»). Бу ғоятда теран фикр орадан қарийб уч минг йил ўтаётганига қарамай ҳамон ўз қучини йўқотмаган. Навоий бузуклик ўлимдан қучлироқ эканлигини, айниқса, ум-рининг кейинги ўн беш йили давомида жуда қаттиқ хис қилди. Унинг кўз ўнгида бутун Хуросон, Мовароуннаҳр мулкида бир-дарлик урушлари авж олиб борар, бир туркий эл иккинчи тур-кий элнинг кўзини ўяр, қувғин қилар, экинзорларини бузар, яйловларини қон билан суғорар, ғўзал шахарларини вайронага айлантларди. Навоий кўз ўнгида бузуклик ва бузғунчилик ўлимдан ҳам шиддатлироқ тусга қира борарди.

Ҳолбуки, Навоий шоир эди. Платон айтган экан: «Шоир — хавоий қанотли ва муқаддас ҳилқатдир; у илҳом ва жунунга берилган ҳолдагина яратади». Платоннинг бу сўзлари Навоий-га нисбатан юз бора, минг бора ҳақдир. Навоий табиати шун-дай эдики, уни илҳом бир зум ҳам тарк этмас, шеър Илоҳаси ундан бирон марта аразлаган эмас. Илҳом ҳолати унинг учун доимий эди. Бу жиҳатлардан Навоий ер юзидан ноёб даҳо соҳи-бидир. Бундай илҳом Конфуций, Муҳаммад, Достоевский, Тол-стой, Гёте, Байрон, Фирдавсийга хос эди. Навоий шу қаторда молақаломдир.

Навоий муттасил илҳом қанотида эди-ю, бироқ унда буюқ ижодий ишларга рағбат, иштиёқ «Бадое ул-бидоя»да улуг девонни яратгандан сўнг пайдо бўлди. Бу девоннинг юзага ке-лиши ғоятда ажойибдир. Навоийнинг ғазаллари йигитлик чо-ғидаёқ эл-улус ўртасида, шеърпараст темир-ийзодалар ўртаси-да шухрат топган, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун эл — Самарқанддан тортиб Ироққача бу ғазалларни қуйлар, уларга мусиқа боғлар, ёддан айтарди. Муҳаммад Султон каби нозиктаъб шахзодалар Навоий ғазалларини окқа кўчириб кўпайтирар, эл орасида ёяр эдилар. Муҳаммад Султон Навоий-нинг ёшлар ва йигитлик чоғида яратган ғазалларини илк бора тўплаган эди. «Бадое ул-бидоя»нинг яратилишига ҳам шу «шоҳи дарвеш Муҳаммад Султон» сабаб бўлди.

Навоий анчагача девон тузишни ўзига эп қўрмай, бундан ўзини тортар эди. У девон тузиш шоирга улуг масъулият юқла-шини теран хис қиларди. Кўз ўнгида Саккокий ва Лутфий де-вонлари ва уларнинг шухрати турарди. Ўзини ҳали — йигирма беш ёшларида — девон тузиш учун етилмаган деб биларди. Лекин Муҳаммад Султон ҳам бўш келмас, бу борадаги илтимос ва таклифномаларини қайта-қайта айтишдан чарчамасди. На-воий эса унга шеър билан шундай жавоб берарди:

Ҳар қуни яна бир ишқ иладур афсона,  
Ҳар тун яна бир шаъмгадур парвона,  
Иш анга жузун, манзил анга майхона,  
Девон ясамоқни не билур девона?

Лекин мамлакат тепасига олтмишинчи йиллар поёнида Ху-сайн Бойқаро келиб, ўзаро урушлар маълум бир тарихий вақт давомида босилгач, ва шу вақт ичида Бойқаро тимсолида шох эмас, дарвеш устун чиқди. Навоий уни кўпроқ дарвеш дейиш ва дарвеш деб тасаввур қилишни севарди. Дарвеш деганда у энг олий покизалик, ҳалоллик, тўғри сўзлик ва тўғрилиқни назарда тутарди. Дарвеш шохнинг кўп ишлари адолатли эди ва бу На-

войга тенгсиз кўтаринкилик бағишларди. Биринчи девон шундай кўтаринки шароитда тартиб берилди.

Навой барча иккиланиш ва шубҳалардан халос бўлди. Бу орада унга ғойибдан бир садо келди. Бу садо сўнг унга умрининг охиригача йўлдош бўлди. Уйлайманки, бу яна ўша Илхом ва шеър Илоҳасининг овози эди. Садо Навойга шундай танбех беради ва уни шундай тўғри йўлга бошлайди:

**Ки: «Фалон, бу не тийражонликдур?  
Не бало ажзу нотавонликдур?  
Ранж кўрмай киши топарму фароғ?  
Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ?  
Тухм ерга кириб чечак бўлди,  
Курт жондин кечиб ипак бўлди,  
Лола тухмича ғайратинг йўқму?  
Пилла куртича ҳимматинг йўқму?»**

Садонинг — Навой уни «Хирад пири» деб атайди — бу танбехи Навойга бутун умр кор этди. Унда улуғ ишларга рағбат уйғотди. Бир улуғ асар иккинчисини етаклаб келаверди. Кўп ўтмай «Наводир ун-нихоя» яратилди. Ана шу икки буюк шеър майдонидан туриб, Навой сўнг «Хамса»га, сўнг «Ҳазойин»га журъат қилди.

Булар муқаддас бир оби ҳаётким, у халқни барча қирғинлар ва барча забунликлардан омон олиб чиқди.

## Нова Во Номга

Нома ва мактублар маданий инсон кашф этган мулоқотларнинг энг гўзал, энг таъсирчан ва энг қулай воситасидир. Шарқда негадир нома ёзиш Европада бўлганчалик кенг миқёсда урфга айланиб кетмаган. Лекин Шарқ адабиёти номанинг гўзал шаклларини яратган. Нома Шарқдан чиқди. Фарбга борди. Фарб маданий ҳаётининг ажралмас узвий қисмига айланди. Ўрта Осиё адабиётларида номалар гарчи мустақил жанр сифатида шаклланган бўлса-да, лекин умуман ёзишмалар оддий халқ ўртасида кенг тарқалмади. Хатларни сақлаш ва наشر этиш ибтидоий даражада қолиб келди. Шунинг учун барча йирик адибларимизнинг ёзишма бисотлари ғоятда камбағалдир. Ҳолбуки, ёзишмалар ҳам даврлар, ҳам давр одамларининг киёфаларини келажак насллар олдида равшан қилувчи шаҳодатлардир. Шарқ адабиёти бу шаҳодатнинг инсон ҳаётида қанчалар муҳимлигини ҳаммадан илгари англади, ёзишмаларни асарлар ичига турли шакллар ва турли мундарижа йўналишларида олиб кирди. Лекин сўнг ижтимоий турмушда бошланган қарахтлик, мулоқотларга лоқайд қараш, тор қобилларга ўрналиб яшаш ва шуларнинг ҳаммасидан келиб чиқадиган ва ҳаммасининг онаси бўлган танбаллик, эринчоклик ёзишмаларни ибтидоий мавқега тушириб қўйди. Халқнинг қўли, агар таъбир жойиз бўлса, ёзишмадан чиқиб кетди. Бизда йирик наср жанрлари жуда кеч шаклланаётганлиги ва урф бўлаётганлигининг сабабларидан бири ҳам ёзишма маданиятининг куртак ҳолида қолиб келганлигидир.

Мактуб, аввало, фикрлашга, атрофга разм солиб қарашга, яхши-ёмонни танишга, ҳар нарсага мустақил баҳо беришга, ўз фикрига эга бўлишга, қузатувчанликка ўргатади. Шулар баробарида мактуб ёзиш инсон ижтимоий фаоллигининг энг ёрқин кўринишларидан биридир.

Харакатдаги инсонпарварлик деган ибора бор. У инсонпарварликнинг энг олий кўринишидир. Харакатдаги инсонпарварлик у ҳар кун, ҳар йил, кун сайин, соат сайин, дам сайин амалда инсонпарварлик билан шуғулланиш, унга қўлоқ-қўлоқ сўзларда эмас, амалда риоя қилишдир.

Алишер Навой амалий инсонпарварликнинг дунё адабиётларидаги жуда ёрқин намоянасидир. Навой асарларининг ҳар бир сўзи, ҳар ҳарфи инсонпарварлик ғоясига хизмат қилганидек, Навой ҳаётининг ҳар бир дақиқа, ҳар бир сонияси ҳам инсонпарварлик ишига бахшида этилгандир.

Навойнинг «Муншаот» деб номланган асарига жамланган ишоларида унинг энг юксак макомдаги инсонпарварликка

интилгани ва шунинг баробарида пуч сўзлар, пуч интилишлардан буюк бир изтироб ичида яшаганлигига гувоҳ бўламиз.

Навойнинг мактублари кўпроқ салтанат валиаҳдларига битилгандир. Навой Ҳусайн Мирзо фарзандларига ўзини мураббийдек тутди. Уларни ўз фарзандларидек севади ва хусусан, Бадиуззамон Мирзога ёзган ишоларида замонасининг қанчалар фозил, қанчалар маданий ва қанчалар ҳукамо кишиси бўлганлиги кўзга ташланади. Навой ўзбек элининг фарзандлари ҳам худди форс эли фарзандлари каби иншоиси дил-инсанд ва имлоси аржуманд мактублар ёзишга ўрганишларини орзу этади. Шундай орзу йўлида ўзи биринчи қадам қўяди ва турли йилларда ёзилган мактубларни жамлаб, «Муншаот», яъни мактублар китоби яратади. Навойнинг шахзодаларга мактублари бу — шахзодаларга мактубларгина эмас. Улар ўша даврнинг барча ёшларига, барча эл-юрт йўлида хизмат қилувчиларга қаратилган деб тушунмоқ керак. Навой ўз хатларида замон ёшларининг эътиборларини нималарга тортади? Аввало, хатларда буюк шоир ва мутафаккир беҳад хоксор инсон каби намён бўлади. У подшоҳ хонадонини эшигида ўзини тупроқ деб билади. Ўз сўзларини хоксорлик остонасидан туриб, жаҳонга ҳукмининг ўтказишга отланган шахзодаларга қарата айтади; тўғрироғи, «арзга етқурди». Навой мактубларида шахзодаларнинг бебошлиги, айш-фароғатга берилганлиги, ҳар бири ўзича мустақил подшо бўлиш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилганлиги, ўзаро низолар ва қирғинлар ичида қонга батганлигидан ортқ даражада қайғуради. Шунинг учун шоирнинг хатлари фожиали нидоларга тўлади. Келинг, унинг ўзининг иншоосини бугунги кун ўқувчисига бироз тушунарлироқ вазнда бирга ўқийлик.

«... Бу фақир хоксор ва бу хокиваши безътиборким, деб ёзади Навой чамаси Бадиуззамон Мирзога, — бу давлатлиг эшик остонасига туфроғдек тушуб эрдим, ҳаёлимда бу эрдиким, магар ажал сарсари туфроғимни бўсоғадин совурғай ва ўлим сайли хошоқимни бу эшикдин сурғай ва лекин ҳаёл ботил (бе-корчи) экандур ва муддаот отил (беҳуда).

Бу учурда (вақтда) юкоридин бу фақир хизматиға рақамс тортилди ва убудийтиға (қуллиғиға) қаламе сурулдиким, жа-воби тасдиқдин ва хитоби сидқдин ўзга билилмади...

Ҳосил, шаввол ойининг йигирми олтисида душанба кунини изозат бўлиб, Марвдин Астрободга азимат иттиқоғи тушди. Эмди, агарчи сизга ҳеч ишда насихатга эҳтиёж билмасмиз, ва лекин бир-икки сўз айтурдин ҳам чорамиз йўқдур. Оламда харгиз дўстлук киши душмансиз бўлмайдур ва аҳбоблик одами аҳдосиз топилмайдур. Ва тавфик нишонин улдуруқим, андоқ маош қилғайки, дўстлар тили душманлар қошида қисқа бўлмағай ва аҳбоб боши аъдо илайида қуйи тушмағай...»

Иншоини давом эттиришдан олдин қуйидагиларни ўзимиз учун аниқлаб ўтайлик. Хатлан шулар равшан бўлади:

Навой давлатлиг эшик, яъни шох хонадонини ҳаддан зиёд яхши билади. Бу хонадон аъзоларининг феъл-атворлари, хатти-ҳаракатлари, эл-юртга, салтанатга муносабат ва муомала йўсинлари Алишербекка беш қўлдай маълум. Бу хонадоннинг шахзодаларига қай гапни қай йўсинда айтса, қандай таъсир ўтказиши Навойга маълум. У шахзода султон Бадиуззамонга ўз сўзлари оғир ботмаслиги чорасини кўради. Ўзини давлатлик хонадон остонасидаги тупроқ деб танитади. У шу олий хонадон остонасидан бир зум бўлсин йирик тушмасликни кўзларди. Лекин замоннинг совук шамоллари ундан, унинг хоҳишларидан қудратлироқ. Замоннинг совук еллари шоир ҳаёлларини елга сокуради, уларни беҳуда бир нарсага айлантириб қўяди. У ўзининг олий фармон билан Астрободга жўнатилганини шундай баҳолайди ва шу Бадиуззамон Мирзога маълум қиларкан, сафар олдида шахзодага зарур сўзларни ёзиб юзоришликни лозим кўради.

Шоир қанча буюк бўлмасин, шахзодалар билан сўйлашганда, албатта, уларнинг мавқеига нисбатан ўз мавқени таъкидлаб ўтишни жуда зарур билади. Йигит ёшига етган шахзодага қарата: сиз энди ўзингиз ҳар ишни хал қиласиз, ҳар ишга ақлингиз етади. Сиз насихатга мухтож эмассиз, дейди. Муқийди шундай бўлса. Шундай бўлса, Навой унга насихат учун кетадиган вақтини бошқа муҳимроқ ижодий, инсоний ишларга сарф қиларди. Лекин ҳамма гап шундаки, Навойнинг қулоғига шахзода хокимлик қилаётган вилоятлардан турли ташвишли хабарлар келиб турибди. Шахзода бебошликлардан, раиятга зулмдан ва айниқса, маишатбозликлар, майпарастликлардан ўзини тутиб туролмайди. Навой эса мирзолар хонадонига ман-

суб бўлган бу каби турли «параст-парастликларни» шох Хусайн саройида ҳам кўп кўрган, уларга ҳар куни дуч келиб туради. Шаҳзода Бадиуззамон эса ўз уяси — ота саройида кўрганларини ўзи ҳоким ерда, ўз саройида тўла такрорлайди. Навоий кўп нарсалар, кўп сирларни билади. Лекин уларни айтмайди. Бу сирлар бари: «ва лекин бир-икки сўз айтурдин ҳам чорамиз йўқдур», деган узрхоҳлик тагида қолиб ётганини англаш қийин эмас. Ҳа, чорамиз йўқдур... Навоийнинг чораси йўқ. Агар шу сўзларни айтмаса, мулк ҳам, эл ҳам, Навоий. ўзи эъзозлаган шаҳзода Бадиуззамон ҳам оғир кулфатларга дучор бўлажаги аниқ. Навоийнинг чорамиз йўқдур деган сўзини худди мана шундай англамоқ керак. Навоий шаҳзодадан биринчи навбатда дўст-душман ҳолидан доимо оғох бўлишга даъват этади. Атрофимизни фақат дўстлар ва аҳбоблар эмас, нияти бузук душманлар, бадният фосиқлар ҳам қуршайди. Кишининг ҳаёти дўстлар ва душманларнинг уйғун қуршовида кечади. Алишербек ёш султонни атрофга тирик кўз, соғлом назар билан қарашга чақиряпти ва шунга яраша иш, йўрик тутишни илтимос қиляпти. Навоий сўзлари бизга қоронғу, лекин шаҳзодага ғоятда гушунарли ишораларга тўлиқ. Айниқса, унинг манави сўзлари Бадиуззамонга яхши англашилари бўлиши керак:

«Ва тавфик (мадад) нишонни улдукрим, андоқ маош қилгайким (тирикчилик), дўстлар тили душманлар қошида қисқа бўлмағай ва аҳбоб боши аъдо (душман) илайида қуйи тушмағай...» Навоий шаҳзода билан дўстни уялтириб ва ундан ҳам баттар — унинг тилини қисик қилиб қўймаслик, дўстни оғир аҳволга солмаслик устида муҳокама юритяпти. Чамаси, шаҳзода Навоий нима деяётганлиги, нималарни назарда тутаётганлигини жуда яхши тушунади. Навоий унинг ённи султон Бойқаро ҳузурини олиб, уни не балолардан муҳофаза қилиб, яна боз устига кейин бу иши учун қандай уятлик бўлганликларини билмай иложи йўқ. Бу борада Алишербекнинг тили Бойқаро таъналари олдида қанча маротаба қисик бўлиб турмаган дейсиз...

Навоий мирзолар хонадонини бошига толеннинг икки қилчи доим осилиб турганлигини аниқ билади. Бу қўрқинчли қилчларнинг бири — бебошлик, иккинчиси — чоғирпарастлик. Навоий шу икки бало туйфайли адолат қуёши қорайиб, мулк тобора инкирозга юз тутиб бораётганлигини кўриб турибди. Улуғ мулкни балки ўзига сеvimли шаҳзода Бадиуззамон Мирзо саклаб қолар. У шаҳзода ни икки хавфдан оғохлантириш ва уни асрашни ўзининг буюк бурчи деб билади. Хатнинг давомини ўқиймиз:

«Аммо бировниким, тенгри таоло бир суруқ бандалари устига ҳоким қилди — анга ҳеч амри итоати адлча бўлмас ва ҳеч наҳдин (кайтириш ва ман) ижтиноб (тортиниш) чоғир таркича бўлмас... Ва чоғирни «уммул-хабойис» дебдурлар. Жамъи ёмонлиғ андин мутаваллид бўлурким, борча яхшилиқ ва ямонлик бу икки нима зимнида мундариждур. Ва илтимос улким, агар муяссар бўлур — куллий, ва агар муяссар бўлмаса, улча мақдурдур, бу-икки ишда қўшиш қилгайсиз. Дағи агарчи бу фақир ҳеч ҳисобда эрмасам, аммо эшикда эрконим била йроқ эрконимга бир ҳукм бермангиз ва улча бор Мирзонинг (яъни Хусайн Бойқаронинг) ҳукми ижросида саъй қилиб, ул давлат маслаҳатининг дақойқидин (нозик маънилари) ҳеч вақт номаръи (кўринмаган, рияз қилинмаган) қўймангиз. Ва ҳазарот (улуғлар, ҳазратлар) ва маҳодим (ходимлар) била, балки сойир наввоб (ноиблар, ўринбосарлар) ва худдом била хизматкорлиғ тарийкин масхук (махкам тутиш) тутунгуз.

Сўз мухтасар, бир рубойи била ихтисор қилилур...»

Подшоҳ билан унинг фарзандлари ўртасидаги тортишув ва жангу жадаллар Навоийни оғир изтиробларга солган, айтиш мумкинки, унинг умрини қисқартирган ва ҳаёт шаъмининг эрта сўнишига олиб келган сабаблардан эди. Навоий қўлидан келган қадар бу жанжалларни, тортишув, талашларни бостиришга жаҳд қилди. Ўғилларни ота олдида, отани ўғиллар олдида қаттиқ ҳимоя қилди. Лекин бу жанжаллар ва ўзаро адоватларни келтириб чиқарган ҳодисалар, балки Хадича бегим каби зотлар ҳар қанча улуғ бўлмасин, Навоийдан қучлроқ эди. Толе ва тарих йўлини яхшилик, эзгулик йўлига буришга Навоий ожизлик қилди. Адоватнинг табиати ғоятда чуқур, илдизи ҳар томонга тарқалган эди. Бошқа бир ҳатида Навоий Бадиуззамонга отанинг фарзанд ҳаётидаги ўрнини тушунтириш учун узок тарихларга, муқаддас манбаларга мурожаат қиладди: «Пайғамбар... буюрубтурким, тенгри таоло ризоси ота ризо-

сига вобастадур ва тенгри таоло ғазоби ҳам ота ғазобига вобастадур. Бас, киши ота ризосин ҳосил қилса, тенгри таоло ризосин ҳам ҳосил қилмиш бўлғай ва ота ғазобига учраса, тенгри таоло ғазобига учрамиш бўлғай. Мундоқ бўлгондин сўнгра киши нечук ота ризосидин айру дам урғай ё қадам қўйғай. Ва машойих сўзидурким... отанг парвардигорингдур, бу жиҳатдинким, тенгри таоло сени йўқдин бор қилмоққа васила улдур ва туфулятидин шабоб синниғача парварши бергувчи ул. Ва Хаким Сулаймон... сўзидурким, ота кодири қайюм, она розики марсум ва Адиб Ахмад... дебтурким, рубоия:

**Атодин хато келса, кўрма хато,  
Савоб бил хато токи қилса ато.  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин қутқарғай худо.**

... Ғараз бу муқаддимотдин улким, бу банда доим сизга давлатхоҳлиғ сўзин айтибмен ва сизни умру давлатдин бархурдор тилаб, дуо қилибмен ва ҳар номуносиб ишким, сиздин кўруб мен сизга айтибмен, балки китобларимда насихатномалар назм қилиб, арзингизга еткурубмен.

Бу учурда бир неча иш сизнинг тарафингиздин эшитилдиким, вожиб кўрунди сизга арз қилмоқим, борча Мирзонинг жонибининг риюятидин ғофил бўлгон чоғлиғ кўрунди.

Бири улким, вилоят молин машваратсиз олиб турурсиз ва бу маъхуд (қелишилган, ваъдалашилган) эмас эрди. Ҳеч уч-тўрт кун эмаским, бир кишингиз келмас, агар имойи қилсангиз эрди, йўқ дейилмагуси эрди.

Яна улким, битибсизким: «Астроободга киши юбормангким, бермагумдир». Бу мазмунни ҳам мулоимроқ битиолур эрдингиз «Ироқ вилоятин улашибмен», деб битибсиз. Иншооллох. Ироқ иликка киргай. Қирмасдин бурун, Мирзо била бир-икки қатла сўзлашай, арз қилмай, бу иш қилилмиш бўлса, ўзга элдин ажаб бўлмаса, сиздин ажаб воқе бўлбур.

Керак эрдиким, шаръ риюати учун, ўзунгуз ҳам оз ё кўп соқол қирқмасангиз эрди, то анга не етгайким, элингизнинг ҳам соқолларин қирқтурмағайсиз. Мунда кўп сўз бор, деса бўлмас...»

Навоий қандай бўлмасин ўртадан гина-қудурат, ноаҳчилик қулфатини кўтаришга уринади. Эл-юртнинг равнақи ва тинчлиги йўлида барча воситаларни ишга солади. Унинг бу уринишлари замирида подшоҳ хонадонининг манфаати эмас, эл, халқ манфаати ётибди.

Куйган дилнинг ноласи бўлган ушбу хатни яқунлаб қўяйлик:

«Соҳиб давлат салотин (яъни Хусайн Бойқаро) мушфик ва давлатхоҳ қулларининг беғараз сўзларига кирибдурлар. Ўзингиз билурсизким, Мирзо тобуғида бу қул не навъ сўзларга густохлик қилибмен. Сизнинг дағи қошингизда ҳамул дастур била воқе бўлбуртур. Эшингиз узун бўлсун. Андоқ ҳам воқе бўлбурдурким, бу қулнинг сўзин рад қилимиш бўлғайсиз. Эмди дағи бу қулнинг жони куйганда, ўзгаларнинг этаги қуймас. Бу бир неча сўз густохлик қилулди, умид улким, қабул тушгай. Тушмаса, бу банда айтур сўзини бўйрумдин адо қилмиш бўлғаймен. Тенгри таоло тонукдирким, бу арзадошт Мирзо бўйруғи билан эрмас, балким вуқуфлари ҳам йўқдур. Хаёлингизга келмай — буйруқ била битилибдур. Чун сизнинг тобуғингизда айтурча давлатхоҳлиғ сўзини айтурга маъмурмен. Ул жиҳатдин густохлиғ била арзадошт битилди.»

Асрлар қаъридан келаётган овозлар ана шундайдир. Ўзаро талашлар замирида замину замон қўлдан қилиб бормоқда эди. Навоий бу улуғ хатарни ҳаммадан бурун англаган, сезган эди. У замона шоҳларини бу хатардан воқиф қилишга не куч, ақл сарф қилди. Лекин шоҳлар ўз қисмат шаробини тўла ичдилар. Бойқаро ўз набирасини қатл қилишгача борганда, Навоийга энди ҳар нарса аён бўлган эди. Шу муносабат билан ёзган хатларидан бирида у шундай деб тан берди:

«Аммо тириклик ғаниматдур. Бу фақир илгимдин келганча саъй қилдимким, бу ерга етмағай, чун тақдир бу воқеага борғондур — суд қилмади ва чун қазо бу ҳодисага боис эрқандур — натижа бермади. Эмди мултамас улким, тенгри таоло тақдирига ризо берилғай ва борча тақсирни ўз нафсидин кўрулғай...»

Алишербек шунча қабоҳатлар ва шунча қелишмас адоватларни кўриб ва улар ичида яшаб ҳам умидсизликка тушмаган эди. Унинг кўзлари ҳамон очик. Ҳамон наслардан умид қиладди.

## Ойнинг ёруғида бир гул ўсади



Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилган. ТошДДнинг журналистика куллиётини тугатган. Айни кунда Қайнарбулоқ қишлоқ кенгашида хизмат қилаётир.

\* \* \*

Чақалоқдай бокира тонгга  
бир ёп-ёруғ ўйлар тутасан.  
Зардоллар гуллаган боғда  
баҳор, ўзинг кимни кутасан?

Ёмғир ёққан бир куни қирдан  
чиқиб келар Ҳасан ва Хусан.  
Далаларни ўпганча, йиғлаб  
баҳор, яна кимни кутасан?

«Чўли ироқ» бўзлаган саҳар  
булбул боғда йиғлаб кўр бўлди.  
Тоқатларинг бағримдай майин,  
юрагимдай бунча ўр бўлди?..

Айни майнинг остонасида  
лола бўлиб қонлар ютасан.  
Бинафшалар сўлиган сойда  
Баҳор, айтгин, кимни кутасан?

Жавзо тафти куйдирган тонгдан  
қўлларингни тортиб оласан.  
Кел, бағримга бекитай, баҳор,  
бугун етим бўлиб қоласан...

\* \* \*

Ҳаёт давом этади яна,  
Кўзимда шуурнинг шуғлалари шан.  
Мени эркалайди, ў, ҳаёт — она,  
бу дунё бунчалар тўқис ва равшан!..

Ишонаман. Юрак қатидан  
содда бир қизалоқ чиқади кулиб.  
Қизгина, бу тақдир сенга аталган,  
қизгина, бу кезлар бўлмайди ўлиб...

Кўзимда шуурнинг шуғлалари шан,  
юрагим дард туғар, ғуссалар — доя.  
Аслида бу кунлар яшаб ўтилган,  
асли бу кунларга йўқдир ниҳоят...  
қизгина...

\* \* \*

Наваҳдрнинг иши кўп,  
Шаббодалар жонсарак.  
Апрелга дил ёрди жим  
маъюсгина наъматак.

Куртакларнинг қатида  
ғижимланган хотира,  
ҳижжалайди шивирлаб  
оқ кўйлакли бокира.

Олам — титраган нафас,  
ёниб кетади бағир.  
Хайр, етар, бўлди, бас,  
йиғламайман барибир...

\* \* \*

Оқшом майин суҳбатдош,  
Китоб йўли адоқсиз,  
ел — йўловчи, йил бўйи  
шеър ёзади вароқсиз.

Ҳар қадами саҳифа  
чети бироз қайрилган,  
бу кўниккан қаро тун  
айтинг, кимдан айрилган...

Ғусса — ширин насиба,  
то саҳархез дақиқа,  
умр — ёлғиз вазифа,  
яшаш — асл ҳақиқат.

Яшаганим ҳақиқат  
ўт билан сув аролиқ.  
Ҳеч қурса бир дақиқа  
хайр, бахтиқаролиғ...



\* \* \*

Худудсиз дунёга сиғмаган кезлар  
мен сени соғиниб ойга қарайман.  
Муштимдек юракнинг остонасида  
узун сочларимни тарайман.

Кунлар эса совуқ. Қорли тунлардан  
нотаниш туйғулар кирар бостириб.  
Сукунат тўр тўқир узун унлардан  
кўксига кўзимни маҳкам яшириб.

Сирқираб кетади жимжит оқшомлар,  
Кўксимда битмаган оғриқли излар.  
Кўзимни тоғ каби босади томлар  
ҳудудсиз дунёга сиғмаган кезлар...

\* \* \*

Сиз билан жанжалга фурсат йўқ,  
ташқарида сўқмоқ кутмоқда.  
Бу уйда қолишга рухсат йўқ,  
уй мени ютмоқда.

Ер чизиб турибди дарахтлар,  
сотқин шабадалар — панада.  
Чўқади парчаланган вақтлар  
менинг юрагимга янада.

Сўқмоқ юзасида қийналган жим  
ёлғиз қолаётган изларим.  
Сизни қийнаётгандир балким  
менинг айтилмаган сўзларим.

Хув, нарида дарё, дилимни  
тушунса, тушунар фақат шу баҳр.  
У ҳар қалай айтган дардимни  
Яна қайтиб бермайди ахир...

\* \* \*

Ойнинг ёруғида бир гул ўсади,  
соғинчдан чарчаган кўнгил ўсади,  
художон, очилмоқ яна ё насиб —  
бир қўшиқ дунёни мендан тўсади,

Ёрижон, ким уни менга илинди,  
йиғладим, саргардон кўнглим тилинди.  
Ойнинг ёруғида бир гул жон берар,  
ёрижон, ёлғизлик яна билинди.

Алпомиш ўлди деб бахши қон ютар,  
алпсиз бу оқшомни ёвлар ичади.  
Ойдинда сочлари ёйиқ Барчиной  
сўлиган гуллардан кафан бичади.

Асрлар алпни ҳам елкалаб кетар,  
дийдаси тош бўлган тунда қоламан.  
Устимга Барчиной ечиб кетган, гунг  
оқшомни жимгина илиб оламан.

Ёрижон, азадор, айтинг, ким энди,  
ёрижон, кўнглингиз нега бўлинди?..

\* \* \*

Юракда бир сарин шамоллар эсди,  
жилмайиб тургандай бўлди моҳтоб,  
ғуссанинг захрини умидлар кесди,  
кўнглимдан чарақлаб чиқди-ку офтоб,  
нечун сезмаяпсиз, меҳрибон...

Хуррам кунларимнинг туби йўқ, тешик,  
кўзимга термилиб алдади дўстлар.  
менга очилмади, ў, қанча эшик,  
дунёда бунча кўп, ёраб, кам-кўстлар,  
нечун сезмаяпсиз, меҳрибон...

Ҳасад кулиб туриб дастимни кесар,  
ғашимга тегади ниқобдор душман,  
дўстим сиёсий руҳ билан йўл тўсар,  
на тутқун дарахтман, на озод қушман,  
нечун сезмаяпсиз, меҳрибон...

Менинг эса яна жўнроқ тилагим,  
сахарларни қаймоқ-ми деб яладим,  
Турон тупроғига келар дўнгиси  
ариқлар лабида ялпиз юрагим,  
нечун сезмаяпсиз, меҳрибон...

\* \* \*


Бу дунёга тўйди кўзим,  
туғаб қолди сўзим, ёр.  
Оқ тонгларим олтин бўлди,  
ипак бўлди бўзим, ёр.

Юрагимнинг оғриғини  
олиб кетди умрим, ёр.  
Менинг бахтли кунларимда  
қолиб кетди қумрим, ёр.

Шод кунга шерик бўлди,  
ошно бўлди ғайр, ёр.  
Ёлвораман, икки дунё  
муҳаббатдан айир, ёр...

# Мажмуъ

Даврон Ражаб



Урганч шаҳрида 1968 йилда туғилган.  
Шаҳар кутубхонасида бадий безатув-  
чи бўлиб ишлайди. Шеърлари «Ёшлик»-  
да илк бор эълон қилинмоқда.

Ўзинг билар эдинг,  
Мен ҳам билардим.  
Ўзинг кулар эдинг,  
Мен ҳам кулардим:  
Муҳаббат — бу қуршаб олинган,  
Пахсалари нурда қоврилган  
Таслим бўлмаётган қалъадир.  
Ўзинг билмас экансан,  
Мен ҳам билмас эканман.  
Сен ҳам йиғлар эдинг,  
Мен ҳам йиғлардим:  
Муҳаббат бу таслим бўлган  
Сенинг қалъанг,  
Муҳаббат — қурол ташлаган  
лашкарим менинг.

\* \* \*

Жимлик Сен учун чалинган куйдир,  
Сени соғинганда тинглайман.  
Шовқинлар мени Сендан узади,  
Сен мени тинглаб кўр шовқинда.

\* \* \*

Ақлнинг нима кераги бор,  
Фақат сен томонга қараб турган  
кўзлардан айирмаса бўлгани!

Гапиришнинг зарурати не?  
Сен келаётган томонга  
қараш учун сўзлаш шартмикан?

Балки, мумкин эмас  
қараш ҳам...

\* \* \*

Нақадар қийиндир тонг отиши,  
Борган сайин оғирлашиб борар Қуёш  
Авваллари коптоқдай енгил эди у  
Киқир-қиқир кулгулари

уйғотар эди.  
Нечун бундай оғирсан, Қуёш?  
Худди тилла сочинг толаси  
менга боғланган каби...

\* \* \*

Ёдимга туш,  
У ерда сенга аталган  
Мен борман.  
Шундай асрайманки уни мен,  
Ўзимдан қизғаниб,  
Хотирасиз яшашга маҳкумман.

Ёдимга туш  
ва кетма мендан,  
Сени қўриқлаялман  
Кундани бош билан  
яширган мисол.

Ёдимга туш  
ва мендан кетма...

# АМРИҚО ҲИКОЯЛАРИ

Эрнест Хемингуэй



Инглиз тилидан Уроқ РАВШАНОВ таржималари

## Кўприкдаги чол

Гардишли кўзойнак таққан, жулдур кийинган чол йўл четида ўтирарди. Дарёга қурилган понтон кўприкдан эса аравалар, юк уловлари, эркагу аёл, бола-бақра ўтиб турарди. Хачирга қўшилган аравалар аскарлар назоратида кўприкдан соҳилга чиқариб қўйилар, вакилларга топшириларди. Гоҳо деҳқонлар, тўпиқларигача чангга ботиб, судралиб ўтардилар. Фақат чолгина жойида қимирламай ўтирар, юришга мажоли йўқдек туюларди.

Кўприкдан ўтиб нариги томонни кузатиш, душман ҳужумидан огоҳ бўлиш менинг вазифам эди. Кўприкда уловлар сийрак эди, пиёдалар ҳам камайиб қолишганди, аммо чол ҳамон шу ерда ўтирарди.

— Қаердансиз? — деб сўрадим ундан.

— Сан Карлосданман,— деди у. Она шахрини эсига туширганимгами, мамнун илжайиб қўйди.

— Мен ҳайвонлардан хавотирдаман...— дея луқма ташлади чол.

— А?...— дедим мен яхши тушунмай.

— Ҳа,— деди у,— ҳайвонларни деб орқада қолдим. Сан Карлосни ташлаб чиққан сўнгги одам менман.

У на чўпон ва на чавандозга ўхшарди. Мен унинг кир кийимларига, совун кўрмаган юзига, гардишли кўзойнагига назар солдим ва аста сўрадим:

— Қандай ҳайвонлар бўлди улар?

— Ҳар хил,— деди у бош чайқаб.— Уларни ташлаб келдим...

Мен кўприкка қараб турардим. Амриқолик эса Ебро Далта қишлоғи томон термуларди. У душманни ўйлар, тик этган товуш эшитилса, вужуди қулоққа айланарди.

— Қандай ҳайвонлар экан-а, улар?— дея такрор сўрадим.

— Икки эчки ва бир мушук. Яна тўрт жуфт каптар ҳам бор.

— Сиз уларни қолдириб келдингизми?

— Ҳа, чунки тўплар... Капитан менга тўплар ўқ узади, боринг, деди.

— Оилангиз йўқми?— деб сўрадим мен кўприк адоғига қараб. Охирги аравалар кўприкдан ўтиб, тепаликка тирмашмоқда эди.

— Йўқ,— деди у.— Фақат ҳайвонларим... Мушук, албатта, халос бўла олади. Лекин бошқалари... Билолмадим.

— Қайси сиёсатни маъқуллайсиз?— деб сўрадим ундан.

— Сиёсатга қизиқмайман,— деди у.— Ёшим етмиш

саккизда, ўн икки чақирим йўл юрдим, узоққа боролмасам керагов...

— Бу ерда ўтирмаганингиз маъкул,— дедим унга.— Биронта юк машинасида Тортосадаги чорраҳагача етволсангиз яхши бўларди.

— Бир оз кутаман,— деди у.— Кейин кетарман. Юк машиналари қайси томонга боради?

— Барселона томонга.

— Менга бу ерлар нотаниш... Катта раҳмат сизга. Барака топинг.

У менга мўлтирабгина қараб, ташвишларини баҳам кўраётганлигимдан мамнунлигини билдирди.

— Мушукдан кўнглим тўқ-а, лекин бошқалари-чи?.. Хўш, сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?

Мен елка қисдим.

— Шаҳарни тўплардан ўққа тутишса, улар нима қилади-а?..

— Каптарлар қафасдадир, оғзини очиқ қолдирганмисиз?— деб сўрадим мен.

— Ҳа, очиқ.

— Унда, улар учиб кетади.

— Ҳа, дарвоқе, улар учади. Лекин бошқалари-чи? Ҳм, бу ҳақда ўйламаганим маъкулга ўхшайди...

— Агар дам олволган бўлсангиз,— дедим қимти-нибгина,— мен кетаман...

— Раҳмат,— деди чол ва оёққа турди, турдию илқис қалқиб, ерга ўтириб қолди.

— Мен фақат ҳайвонларимдан ташвишдаман,— деган овози эшитилди орқамдан.— Фақат ҳайвонларимдан...

Чолга бир нарса дейиш маҳол эди. Фашистлар Еброга яқинлашиб қолишганди.

## Даҳшатли кутиш

Уринда ётарканмиз, у деразани ёпиш учун хонага кирди, кўзимга касалдек кўринди. Юзлари бўздай оппоқ, оғриқнинг зўрлигидан базўр ҳаракат қилар, қалтирарди.

— Нима бўлди, тойчоқ?

— Бошим оғрияпти.

— Бориб ёт.

— Йўқ. Тузукман.

— Жойингга бориб ёт. Ҳозир кийиниб, олдингга тушаман.

Мен пастга тушганимда у кийиниб ўчоқ ёнида ўтирарди. Тўққиз яшар мурғакнинг рангида ранг йўқ эди. Пешонасига қўлимни қўйиб, ҳарорати борлигини билдим.

— Кириб ёт,— дедим унга.— Касалсан.

— Тузукман,— деди у.

Кўп ўтмай доктор келди, боланинг иситмасини ўлчади.

— Қанча?— деб сўрадим ундан.

— Ҳаддан ортиқ баланд... Бир юзу икки.

Доктор кўрсатма бериб, уч хил дори қолдирди. Болани тумов деб айтди, ўтиб кетади, ҳарорати у қадар хавотирли эмас деди. Хонамга қайтиб, боланинг ҳароратини ёзиб қўйдим-да, дори берилган вақтни белгиладим.

— Бирон нарса ўқиб берайми?

— Майли. Агар хоҳласангиз,— деди бола.

Унинг юзи, оппоқ кўзлари киртайиб кетганди. Тўшак михланиб хаёл суради, холос. Мен Ховард Пайлнинг «Денгиз қароқчилари ҳақида дoston»идан энг қизиқ ҳикояни ўқиб бердим, бироқ унинг бунга мутлақо эътиборсизлиги сезилиб турарди.

— Қалайсан, тойчоқ? — деб сўрадим ундан.

— Ҳамишагидек,— дея жавоб берди у.

Мен унинг оёқ томонига чўкиб, кейинги дори бериш вақтига қадар китоб ўқидим. Ухлаб қолар, деб ўйловдим, қайдам — каравот оёғига тикилиб, жимгина ётибди.

— Нега ухламаяпсан? Дори ичиладиган пайт ўзим уйғотаман.

— Ухламаганим яхши... Сиз кетаверинг, дада... агар малол келаётган бўлса...

— Йўғ-э, нима деяпсан, ўғлим.

— Ҳа, англашимча... агар малол келса... ёнимда турмайсиз...

Эҳтимол, у алаҳсираётгандир, деб ўйладим ва соат ўн бирда бериладиган дорисини ичириб, ташқарига чиқдим.

Бола хонасига ҳеч кимни киритмаяпти, деб айтишди.

— Кирманг, касали юқиши мумкин,— дейишди.

Мен ичкарига кириб, аста каравотга яқинлашдим. Унинг қовоғи иситмадан пир-пир учар, ҳануз кўзи каравот оёғида эди. Ҳароратини ўлчадим.

— Қанча?— деб сўради у.

— Анча тушибди.

— Демак, нажот йўқ...— дея хўрсинди у.

— Ким шундай деди? Ҳароратинг жойида... Кўрқинчи жойи йўқ.

— Кўрқаетганим йўқ,— деди у,— лекин... ўйлаганим сари...

— Уйлама.

— Бўлмаяпти-да,— деди у ва менга қадалди.

У нимадандир қаттиқ сиқиларди.

— Мановини сув билан ич.

— Фойдаси бормикан?

— Албатта-да, фойдаси бор.

Ўтириб, яна «Қароқчилар»ни ўқий бошладим, лекин унинг қулоқ солмаётганини кўриб тўхтадим.

— Мен қачон ўламан, ота?— деб сўради у.

— Нима?!

— Мен қачон ўламан?

— Сен... ўлмайсан... Нима бўлди ўзи сенга?

— Менгами? Унинг: «Ҳаддан ортиқ баланд», деганини эшитдим...

— Одамлар қирқ даража иситмага чидайдик-ку. Аҳмоқона хаёлларни қўй.

— Мен биламан ўлишимни, Фарангистондалигимизда мактабдош болалар менга қирқ тўрт даража ҳарорат билан яшолмайсан, деб айтишган. Меники — бир юзу икки.

У тун бўйи, ҳатто эрталабки соат тўққизгача ўзининг ўлимини кутиб ётган экан.

— Ай, тойчоғим-а,— дедим мен.— Сен ўлмайсан. Ахир ўлчагичлар ҳар хил бўлади-ку. Худди миля<sup>1</sup> билан километрдек. У ўлчагичда ўттиз етти даража бинойи ҳарорат ҳисобланади, бунда эса тўқсон саккиз даража.

— Ростдан-а?— деди у ҳайратланиб.

— Ҳаққаст рост. Уйлаб кўр, машинада ўн етти миля юрсак, қанча километр бўлади?

— Ҳа...

У бўлак каравот оёғига тикилиб хўрсинмай қўйди. Юзига ҳам ранг киргандек бўлди. Кейинги кунни эса арзимас нарсани кўнглига олиб, хархаша қилди...

<sup>1</sup> Миля — қуруқлик миляси 1609 метр, денгиз миляси 1852 метр.

## Антиқа қурбақа

Жим Смилей гаров ұйнашни жуда ёқтирарди. Ит уриштира сәх, хўроз уриштира сәх дарров гаров боғлайди. Деворда иккита қуш кўрса сәх: «Қайси бири олдин учиб кетади?», деб гаровлашаверади.

Бир куни Жим Смилей қурбақа тутиб олди ва: «Мен уни қўлга ўргатаман», деди. Қурбақасига Даниел Вебстер деб от сәх қўйди. У қурбақаси билан фахрланар, уни кичкина қутчада сақлар, гоҳо қўшни қишлоқларга қурбақа пойгаларига олиб борарди.

Даниел Вебстер уқуви чиқиб қолди. Смилей уни узунликка сакрашга ўргатди. Вебстер барча қурбақалардан узоққа сакрайдиган бўлди. Бироқ Жим Смилей жуда содда одам эди. Кунларнинг бирида бир ажнабий қутича ушлаган Смилейни йўлда учратиб:

— Қутичангизда нима бор?— деб сўради.

— Қурбақа,— деб жавоб қилди Смилей.

Ажнабий Даниелни қўлига олди, уни айлантириб томоша қилди, сўнг оқиста сўради:

— Айтинг-чи, у қандай каромат кўрсата олади?

— Ҳм,— деди Смилей,— ягона каромати шуки, у бу яқин-атрофдаги истаган қурбақангизни узунликка сакрашда ортда қолдиради. Гаровга қирқ доллар тикиб айтаманки, у сакраш бўйича чемпион бўлади.

— Мен бир мусофирман,— дея жавоб берди йигит,— кўриб турибсизки, қурбақам йўқ. Қурбақам бўлганида сиз билан гаров боғлашардим.

— Э, бу жуда осон,— деди Смилей хурсанд бўлиб.— Қутичани ушлаб туринг, ҳозир мен сизга қурбақа тутиб келаман.

Ажнабий йигит қутичани олди, чўнтагидан қирқ доллар чиқариб, Смилейнинг долларига қўшди ва ўтириб кута бошлади. Смилей кўздан йўқолгач, Даниелни қутичадан олди-да, оғзини сочма ўққа тўлдириб, ерга қўйди. Бу орада Смилей қурбақа топиб келди.

— Қани,— деди ажнабийга,— қурбақангизни Даниелнинг олдига қўйинг-чи. Олди оёқлари манави чизикда турсин. Ҳа, балли. Учгача санайман: бир, икки, уч. Олга!

Улар қурбақаларнинг орқасига туртишди. Янги тутилган қурбақа чиройли сакради. Даниел эса фақат елкасини учуриб қўйди, холос. Ажнабий йигит пулни олиб жуфтакни ростлади. Смилей хайрон эди: «Нега қурбақам сакрамади-а? У Даниелни бўйнидан ушлаб кўтардию қичқириб юборди:

— Ух, намуноча оғир бўлмаса бу?..

Даниелнинг оёғини осмондан қилганди, оғзидан бир ҳовуч сочма ўқ тушди. Буни кўриб Смилей ҳамма гапга тушунди. Қурбақани итгитиб, йигитнинг кетидан чопди. Бироқ унинг қораси сәх кўринмасди.

## Шляпадаги сариеф

Қиш оқшомларидан бири эди. Қишлоқ мағозаси мудир дўконини бекитмоқчи бўлди. Деразаларни ёпаётиб ичкарида юрган одамга кўзи тушди. У шкафдан бир фунтча сариеф олди-да, шляпасига солди. «Бир боллайки, ўғирлик қилганига пушаймон бўлсин», дея аҳд қилди мудир.

— Ҳа, Сет?— деди у эшикни очиб.

Сет эшик тутқичини ушлаб, ташқарига чиқишга шайланиб турарди.

— Қани, мундоқ ўтир-чи, борасан-да уйингга. Шундай совуқда иссиқ хонага не етсин.

Сет нима қилишини билмай қолди. Жуфтакни ростламоқчи бўлганди, мудир елкасидан тутиб, печка ёнига — ёғ солинган бўчкалар орасига ўтқизиб қўйди.

— Хў-уш, энди дўконни озгина иситамиз,— деди у ва печканинг эшикчасини очиб, тараша қалади.— Яхшилаб исиниб олмасанг, совқотиб қоласан.

Сет ногоҳ ёғнинг эриётганини сезиб, ўрнидан ирғиб турди.

— Ҳали исиганинг йўқ, Сет,— деди мудир бепарво.— Ўтир, гурунг қиламиз.

— Вух, жуда исиб кетдим...

— Ўтир бундай, шошилиб қаёққа борасан.

— Молларга қарашим... Ем солишим керак, ахир!..

— Шошма, Сет, молларга бошқалар қарар.

Бечора Сет! У нима қилишини билмасди. Сариеф эриб, кўз ва юзларига оқиб туша бошлади. Мудир эса ҳеч нарса кўрмагандек гап сотар, печкага тараша тикарди.

— Ажойиб оқшом бўлди-да!..— деди у.— Сет, нега шляпангни ечмайсан? Исиб кетибсан-ку. Ке, шляпангни илиб қўй.

— Йў-ўқ!— дея қичқириб юборди Сет.— Йўқ! Мен кетишим керак! Мени чиқариб юборинг. Мазам қочапты... Кетай, ахир!..

Ёғ боёқишнинг бўйнига етиб келган, ҳатто туфлиси ичига сизиб тушмоқда эди. У бамисоли ёғ тўлғизилган тоғорада чўмиларди.

— Нима дердим,— деди мудир истехзоли жилмайиб,— кетмоқчи бўлсанг, майли, рухсат.

Сет ўрнидан тургач, қўшимча қилди:

— Сет, хафа бўлма, озгина эрмак қилдим-вақтичоғлик учун. Шу боис сендан ёғ пули олмайман. Хайр. Кептур.

## Хато ўхшатиш

Дўстим иккимиз Нуй-Йорк яқинидаги Саломанка бекатига сал кечикиб етиб келдик. Бекат саҳнида йўловчилар ғуж-ғуж, одамга лиқ тўла поездга чиқиб олиш учун елиб-югуришарди.

«Мендек машҳур ёзувчини сәх шундай қисиадими одамлар», дея ўйлаб, кассага зўрға яқинлашдим. Чиптафуруш йигитдан хос вагонга иккита чипта сўрадим. У: «Чипта йўқ», деб, туйнукни қарсиллатиб ёпди. Қўярмидим, бекат бошлиғини топиб, ундан хос вагондан жой олиб беришни илтимос қилдим.

— Жой йўқ! Мени безовта қилманг!— У орқасига ўгирилди. Бу қилиғи каминага оғир ботди.

— Мен билан бу оҳангда гаплашишларига сабаб шуки,— дедим дўстимга ўзимни оқламоқчи бўлиб,— улар мени танишмаяпти. Танямасни эса сийламас дейдилар. Агар Марк Твенлигимни билишганида...

— Тушингни сувга айт,— деди дўстим гапимни бўлиб.— Уйлайсанки, агар улар кимлигингни билишса, поезддан сенга йўқ жойни топиб беришади.

Дўстимнинг сўзлари ўлганнинг устига тепган бўлди. Яна ўша бошлиқ ҳузурига кирдим ва ўзимни таништирдим:

— Мен — Марк Твен...

— Сизга айтдим-ку,— дея гапимни бўлди у,— бошқа безовта қилманг!



Бошлиқ яна орқасига ўгирилди. Нажот кутиб атрофга қарадим ва бир ҳаммол мени кузатиб турганини сездим. У вагон оғасининг қулоғига нимадир деб шивирларди. Вагон оғаси ҳовлиқиб менга яқинлашди.

— Яхшимисиз? — деди у такаллуф билан. — Поездга чиқмоқчимисиз?

— Ҳа,— дедим хурсанд бўлиб.— Лекин жой масаласи...

— Э, у масала ҳам, ўзиям зўридан. Том, буёққа кел,— дея ҳаммолни чақирди у.— Бу кишининг жомдонларини бизнинг вагонга олиб бор. Қани, кетдик. Том бизни хос бўлмага жойлаштириб, деди:

— Агар хизмат бўлса, бемалол.

— Хў-ўш, чироқ хира экан, шуни бошқасига алмаштирсанг,— дедим.

— Бир оғиз сўзингиз,— деди ҳаммол таъзим билан.

Ҳаммол чиқиб кетгач, мен ҳамроҳимга ғўдайдим:

— Хўш, дўстим, энди нима дейсан? Менинг Марк Твенлигимни билгач, уларнинг муомаласи ўзгардимми, а? Марк Твеннинг обрўйини кўриб қўй!

Шундай дейишим билан бўлма эшиги олдида ҳаммол пайдо бўлди.

— Биласизми,— деди у ялтоқланиб,— кўчадаёқ кўзимга иссиқ кўрингандингиз, жаноб Маккеллан.

— Ҳм...— дедим ерга қараб.

Ҳаммол каминанинг қўлидан тангани олди-да, кўздан ғойиб бўлди.

— У сени Нуй-Йорк ҳоқими жаноб Маккеллан деб ўйлади, шекилли,— деди дўстим қотиб-қотиб куларкан.— «Кўчадаёқ кўзимга иссиқ кўрингандингиз, жаноб Маккеллан». Хо-хо-хо!..

О. Ҳенри

## Тумордаги сурат

Шанба оқшоми Энди Донаван олтинчи мавзедаги уйга келиб, янги кўшниси — ёшгина Конвей хоним билан танишди. У одмигина қизғиш кўйлак кийиб олганди. Икки ҳафта ўтиб, Энди йўлда тамаки тутатиб кетаркан, орқасида шип-шип товуш эшитилди. Ўгирилиб қаради-ю, кўзини узолмай қолди: Конвей хоним! Кўйлаги ҳам, шляпаси ҳам қоп-қора. У қадамини секинлатиб, қорамтир қўлқопини кийди. Сочлари силлиқ таралиб турмакларган, чиройли юзларидан нур ёғиларди.

— Файзли оқшом, Конвей хоним,— деди йигит.

— Жуда-жуда файзли, жаноб Донаван,— деди Конвей хоним хўрсиниб.

— Мен унинг сизга қариндошлигига ишонмайман. Жудолик бўлганига ҳам,— деди Донаван.

— Улим ҳақ,— деди Конвей хоним каловланиб.— Тўғри, қариндошимиз эмас-у, аммо... Биласизми, мен сизни дардимга шерик қилмоқчи эмасман, жаноб Донаван.

— Нимага, Конвей хоним?! Лекин, кечирасиз-у, ҳеч ким сизга менчалик ҳамдард бўлолмайди. Рухсат этсангиз, боғ сайрига таклиф қилсам.

— Раҳмат, жаноб Донаван. Илтифотингизни қабул қиламан, агар ҳамроҳингизнинг қалби ғам-ҳасратга лиммо-лимлигини ҳис қилсангиз, албатта.

Улар истироҳат боғининг очиқ дарвозаси томон йўл олишди. Хилватроқдаги скамейкага келиб ўтиришди.

— У менинг севганим эди,— деди Конвей хоним нафас ростлаб.— Биз келгуси баҳор тўй қилиб, турмуш қурмоқчи эдик. Граф эди. Мол-давлати боис Италия

билан боғланганди. Унинг исми-шарифи граф Фернандо Маззини. Дадам Италияга қочиб кетишимизга қаршилик қилди. Шунга қарамай, келгуси баҳор тўй қилишимизга розилик берди. Фернандо тўй тадоригида Италияга кетганди... Уч кун олдин келган мактубда айтилишича, Фернандо ҳаво шарида бахтсиз тасодифга учраб ҳалок бўлибди... Суратини туморимда асраб юрибман. Уни ҳеч кимга кўрсатмаганман, лекин сизга кўрсатаман, чунки сизнинг самимий дўстлигингизга ишонаман.

Конвей хоним туморини очиб, суратни кўрсатди. Энди қизиқиб унга узоқ термулди.

— Буни у Италияга кетаётганида, кечаси тақдим этганди.

— Конвей хоним, кейинги якшанба Конейда бўладиган кечага мени таклиф этсангиз жуда хурсанд бўлардим.

Бир ойдан сўнг улар бошларига тушган кулфатдан қўни-қўшниларни огоҳ этдилар. Конвей хоним мотам тутишда давом этди.

Кунларнинг бирида кечқурун иккови яна шаҳар боғининг ўша хилват жойида бирга ўтириб қолишди. Жаноб Донаван кун бўйи мавҳум қайғу оғушида эди.

— Сизга нима бўлди, Энди, бугун жуда хафа кўринасиз?

— Ҳеч нарса, Магги.

— Мен сизни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмаганман. Гаровлашиб айтаманки, сиз бошқа қиз ҳақида ўйлапсиз. Уни севаркансиз, нега ёнига бормасиз?

— Кейин айтаман,— деди Энди.— Лекин сиз мени тушунмайсиз. Айтинг-чи, Майк Сюзливан деган одам ҳақида эшитганмисиз? Ҳамма уни Катта Майк Сюзливан деб чақиради.

— Йўқ, эшитмаганман,— деди Магги хотиржам.— агар у сизни шу ҳолга солган бўлса, эшитишни хохламайман ҳам.

— Катта Майк — менинг дўстим. Уни бугун кўрдим ва икки ҳафта ичида уйланишимни айтдим. «Энди,— деди у,— менга таклифнома юбор, тўйингга албатта келаман». У айтганининг устидан чиқадиган йигит. Лекин, Магги, Катта Майкининг тўйимизда қатнашганидан кўра, бир қўлимни кесиб ташлаганим афзал. Шу боис бу оқшом кайфиятим носоз. Унинг тўйга келмагани маъқул. Буни сиз сўраманг, мен айтмай.

— О,— деди Магги,— бу, менимча, сиёсатга боғлиқ масала бўлса керак?

— Магги,— деди Энди унинг кўзларига қараб,— сиз уни... граф Маззинини ўйлаганчалик мени ўйлайсизми?

У анча вақт кутди, бироқ жавоб бўлмади. Тўсатдан қиз унинг елкасига бош қўйиб йиғлай бошлади.

— Энди,— дея шивирлади Магги,— мен сизни алдагандим. Сиз менга ҳеч қачон уйланмайсиз, севмайсиз ҳам. Лекин мен сизга дардимни айтсам, Энди, граф деган гап йўқ. Ҳаётимда ҳеч қачон севган йигитим бўлмаган. Ҳамма қизларнинг йигити бор эди. Қизлар йигитлари ҳақида гаплашишарди ва менга улар янада кўпроқ севадигандек туюларди. Ниҳоят, Энди, бир сураткашдан шу расмни сотиб олдим, туморимга солдим ва граф ҳақидаги, унинг ўлими ҳақидаги ҳикоямни тўқидим. Ва ниҳоят, бева каби қора кийдим. Ҳеч ким ёлғончини севмайди, сиз мени ташлаб кетасиз.

У Эндининг қўлини қўйиб юбориш ўрнига маҳкамроқ ушлади ва ноз ила жилмайиб қўйди.

— Наҳот айриламиз, Энди?

— Мана,— деди Энди,— бор гапни айтдингиз, Магги.

— Энди,— деди Магги эркаланиб,— граф ҳақидаги ҳикоянинг ҳаммасига ишондингизми?

— Йўғ-э, унчалик эмас,— деди Энди сигарет қутисига қўлини чўзиб.— Тумор ичидаги сурат — Катта Майк Сюзливанинг сурати-ку, ахир!

## Дори излаб

Техас штатининг Остин шаҳрида бир оила яшайди. У Жон Смит, унинг хотини, ўзи, уларнинг Ан исмли беш яшар қизи ва қизнинг ота-онасидан иборат. Шаҳар аҳоли рўйхати бўйича улар олти жон, аслида эса уч киши. Бир куни кечки овқатдан сўнг Аннинг ичи санчиб оғрий бошлади. Жон Смит дори топиб келиш учун шаҳарга шошиб жўнади, аммо негадир тезда қайтиб келмади.

Қизча соғайди, вақти келиб бўй етди.

Она эрининг йўқолиб кетганидан қаттиқ изтироб чекди. Ниҳоят, қайта турмушга чиққанига уч ой тўлгач, Сан Антонио шаҳрига кўчиб кетди. Ан ҳам турмуш қилди, қизлик бўлди, йиллар ўтиб, қизи беш ёшга кирди. Ан ҳамон киндик қони томган — отаси чиқиб кетган ва қайтиб келмаган уйда истиқомат қиларди. Жон Смит бедарак йўқолганига йигирма бир йил тўлган куни кечқурун қизчасининг ичи санчиб оғрий қолди.

— Шаҳарга тушиб, ичоғрув дори олиб келаман,— деди Аннинг эри Жон Смит.

— Йўқ, йўқ, Жон, азизим,— деди йиғлаб хотини.— Сиз ҳам отам каби бедарак кетасиз, қайтишни унутасиз.

Жон Смит ноилож хотинининг гапига кўнди — дорида бормади. Эру хотин ягона зурёдлари бўлмиш Пансининг юзига термулиб ўтиришди. Пансининг аҳволи оғирлашди. Жон Смит дори излаб шаҳарга бориш учун тараддуд кўра бошлади. Лекин яна хотини кўнмади.

Шу пайт эшик тўсатдан очилди. Оппоқ соқолли нуроний чол хонага кириб келди.

— Салом, бобожон! — деди Панси унга пешвоз чиқиб.

Бобо Пансини кўтариб юзларидан ўпди-да, чўнтагидан бир шиша дори чиқариб қизчага бир қошиқ ичирди. Панси тезда ўзини яхши ҳис қила бошлади. Ичоғриги қолди.

— Озгина кечикдим, чоғи, — деди Жон Смит айбдордек илжайиб. — Трамвай кутиб қолиб кетдим.

## Уильям Сароян

### Қишлоқи чолнинг амриқолик сайёҳга насиҳати

Малик тоғам Фреснодан Нуй-Йоркка жўнаётганида уни кузатиш учун қўналғага келган амакиси — Гарри бобо насиҳат қила бошлади:

— Қулоқ сол, Малик,— деди қария,— поездга чиққач, аввало, яхшироқ жой танлаб ўтир, атрофга аланглама.

— Хўп,— деди тоғам.

— Поезд кўзгалгач, йўлақда формали икки киши пайдо бўлади ва чипта сўрайди. Уларга парво қилма. Улар — киссавурлар.

— Қандай танийман?— деб сўради тоғам.

— Танийсан,— деди қария.— Нима, ёш боламидинг.

— Хўп, амаки.

— Йигирма миллар йўл юргач, ёш йигит келиб, сенга сигарет таклиф қилади. Унга, чекмайман, дегин. Сигаретга наша солинган бўлади.

— Хўп, амаки.

Ресторанли вагонга бораётганинда жуда хушрўй ёш жувон олдиндан чиқади ва сени кучоқлайди. У сендан чин дилдан уэр сўради. Табиийки, қалбингда у билан гаплашиш истаги жўш уради. Лекин нафсингни тий, ресторанда ёлғиз овқатлан. Аёл бузуқи бўлиши мумкин.

— Ким?— деди тушунмай тоғам.

— Ким бўларди, суюқоёқ!..— дея қичқирди қария.— Бор-да, овқатлан. Энг яхши овқатдан талаб қил. Агар ресторанда одам кўп бўлса, сенинг столинга ёш жувон келиб ўтирса, унинг кўзларига қарама. У гап қўшса ўзингни карликка сол.

— Хўп, амаки.

— Карликка сол! Тангликдан чиқишнинг ягона йўли шу.

— Қандай тангликдан?— деб сўради тоғам.

— Танглик — бу даҳшатли ҳолат,— деди қария.— Бошимдан ўтган. Бошидан ўтганининг қошидан ўт, деган ку, машойихлар.

— Хўп,— деди тоғам.

— Баракалло, шундай қил. Хў-ўш,— деди қария,— ресторандан қайтаётганинда сен қиморбозларга дуч келасан — қарта ўйинининг устидан чиқасан. Учта ўрта яшар қиморбоз давра қуриб ўтирган бўлади. Улар сени имлаб, ўйинга таклиф этади. Уларга: «Қартани билмайман», деб айт.

— Хўп.

— Яна бир гап. Кечаси ётганинда ҳамёнингдан пулингни ол-да, туфлингга сол. Туфлингни ёстигининг тагига қўй. Тун бўйи ёстиқдан бошингни кўтарма, ухлама.

— Майли, амаки,— деди тоғам.

— Хайр бўлмаса,— деди қария,— яхши бор!

Қария кетди. Малик тоғам поездда Нуй-Йоркка жўнади.

Формали икки киши киссавур эмас экан. Наша солинган сигарет чекишни ҳеч ким таклиф қилмади, чиройли жувон унинг столида ўтирмади, қартабозлик ҳам бўлмади.

Тоғам пулини туфлисига солди, туфлисини ёстигининг тагига яширди, бошини ёстиққа қўйди ва биринчи кеча мижжа қоқмади, лекин иккинчи кеча амакисининг чизган чизигидан чиқди... У қандайдир ёш йигитга сигарет таклиф қилди. Ресторанда ёш хоним билан бир столда овқатланди. У қартабозлик ташкил этди. Поезд Нуй-Йоркка яқинлашганида тоғам, кашанда йигит ва икки ёш хоним амриқоча қўшиқларни биргаликда куйлашарди...

Саёҳат жуда мароқли ўтди.

Малик тоғам Нуй-Йоркдан қайтиб келгач, унинг амакиси — Гарри бобо яна ташриф буюрди.

— Зиёратингиз қабул бўлсин!— деди у хурсанд бўлиб.— Қалай, жиян, бизнинг насиҳатлар сафарда асқотдимми?

— Бўлмасам-чи,— деди тоғам.

— Насиҳатимнинг сенга фойдаси текканидан хурсандман,— деди чол оғзи қулоғида.

Зубайда Усмонова



Дарёлар ортига  
кайтмайди

\* \* \*

Гүлдираклар бۇлар, чақинлар бۇлар,  
Булутлар кўз ёши ерга томадир.  
Кўкни забт этолмас барибир улар,  
Осмон юлдузларнинг издиҳомидир.

Қоронғу тунларда, қора тунларда  
Умид — ёлғизларнинг ёққан шамидир.  
Бошқа бирон борадиган жойи йўқ —  
Армон бахтсизларнинг издиҳомидир.

Қавмин танимаснинг кўнгили кўзи кўр,  
Меҳр бу юракнинг тилла жомидир.  
Қанча дарё келса бағрига олур,  
Уммон денгизларнинг издиҳомидир.

Осмонда бир қуёш ва битта ой бор,  
Дунёда сизинмоқ учун бир жой бор.  
Ҳамма борсин, ҳамма борсин у жойга —  
Имон пок сўзларнинг издиҳомидир.

## Журъатсизлик

Елкамга юкини қўйди бир мавсум,  
Мен уни кўтариб кетяпман ййчан.  
Товушим чиқмайди гапирай десам,  
Орқамга қарасам — изларим йчган.

Бир сўз демай ўтар ёнимдан дўстлар,  
Бегона бўляпман ўзим-ўзимга.  
Оёғим остида қовжирар ўтлар,  
Қушлар ҳам чорламай қўйди базмга.

Нега? Нега ахир? Бу жазо нечун,  
Қай гуноҳим учун бу оғир жазо?  
Зил юкни елкалаб кетяпман беун,  
Олиб кетяпман Баҳордан Ёзга...

Тинка-мадоримни қурутди бу юк,  
Олдда манзил йироқ, орқага йўл йўқ.  
Аро йўлда кутаяпман ненидир,  
Наҳотки бирорта мадакор қўл йўқ?!


\* \* \*

Яшаш мушуқул, бир-бир топиб-йўқотиб,  
Қувончим кичрайди, армоним ўсди.  
Олис осмонларга кетайин десам,  
Кўз олдимни юлдузлар тўсди.

Бир дардим бор, томир-томирим қақшар,  
Мен ундан бир кун ҳам бўлмадим фориг.  
Олдинда яшамоқ шарт бўлган кунлар  
Кўнглимнинг қайсидир бир буржи ёруғ.

Тераклар йўлимнинг икки четида  
Қадам товушимга қулоқ тутар жим.  
Билмайман бу йўлнинг охири қайда —  
Йўларим зил-замбил, чарчадим-толдим.

Қудратли хаёллар сургим келяпти,  
Юракдан садолар келмоқда бот-бот.  
Қанчалар қийналиб кетган бўлсам ҳам —  
Яшагим келяпти барибир, ҳаёт!



## Дарёлар ортига қайтмайди

Эртактаги олис йўллар йўқ бугун,  
Ривоятлардаги чўллар йўқ бугун.  
Тўғри, қайга борсанг қайтишинг мумкин,  
Лекин,  
Дарёлар ортига қайтмайди.  
Биз — дарёмиз, қандай ортга қайтамыз,  
Усмирликда қолган бахтга қайтамыз?!  
Юр, олддаги манзилларга кетамиз,  
Оҳким,  
Дарёлар ортига қайтмайди...

Йиғла кўнгили, йиғлайвер,  
Йўлинг қуюн, тўзондир.  
Ҳамма боғларда баҳор,  
Сенинг боғинг хазондир.  
Бир бор ўлиб тирилдинг,  
Гарчанд энди йлмайсан.  
Лекин эртанг, индининг  
Не бўлишин билмайсан.  
Йиғла, кўнгили, йиғлайвер  
Аччиқ тутун ичрасан.  
Энди қуёш чиқмайди,  
Бир умр тун ичрасан.  
Йиғла, кўнгили, йиғлайвер,  
Гарчанд ғамсиз дил бўлмас.

Саҳрода гул излашдан,  
Муродинг ҳосил бўлмас.  
Йиғла кўнгили, йиғлайвер,  
Дардга тўлганим, йиғла.  
Дўст-душманга сездирмай  
Сирти кулганим, йиғла.  
Ҳақиқий бахт не, билмас  
Дардсизлар учун йиғла.  
Кўкрагин кериб юрган  
Орсизлар учун йиғла.  
Бу саҳролар гул бўлсин,  
Кўз ёшларинг кўл бўлсин.  
Йиғла, кўнгили, йиғлайвер,  
Муродинг ҳосил бўлсин.

Дилмурод Қуроноф

## Икки роман — Икки талқин

Бадиий асар фақат бадиият мезонларидан келиб чиқиб баҳоланиши лозим деган фикр кейинги вақтда бот-бот учрамоқда. Албатта, бош мезон бадиийлик бўлиши керак, лекин масалани бу қадар кескин қўйиш яна бирёкламалликка олиб келмасмикин? Мазкур фикр узоқ вақтлардан бери бадиий асарнинг мафкуравий жиҳатини устун қўйиб баҳолаш амалиётга «акс таъсир» сифатида юзага келгани равшан. Эскирдан қолган гап бўлса-да, такрорлаш жоиз: бадиий ҳам ғоявий таҳлил — бир олманинг икки палласи, фақат... фақат илгаригидай қонунан мустаҳкамланган ҳоким мафкурани устун қўйиб, бошқарини буткул, аксар ҳолларда кўр-кўрона инкор қилинмаса, замонамиз байроғига ёзилмиш «плюрализм» деган нарса кундалик ҳақиқатга айланса...

Бугунги кунда «бадиий асар ўқигандан газета ўқиган кизиқарлироқ» деган гап расм бўлди, сабабки, осуда кечаётган жамиятимиз ҳаёти ўзанидан чикди: нималар бўлаётганини, қай томон бораётганимизни ким билишни истамайди дейсиз. Айтмоқчимизки, жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ижтимоий-шахсий зарурат шоирнинг публицистга, носирнинг социологга айланишини тақозо қилади.

Насримизда ўлкамизнинг инқилоб арафасидаги ҳаётини жиддий таҳлил этувчи иккитагина асар бор: «Кеча ва кундуз» ҳам «Қутлуғ қон» романлари. Тақдир уларнинг ҳар бирига ўзгача қисматни раво кўрди: биринчиси, қатағон қилинди, шунчаларки, халқ хотирасидан буткул ўчишига оз қолди; иккинчиси, тарғибу ташвиқ этилаверди, шунчаларки, умрида романинг тўла матнини кўрмаган киши уни «ўқиган» чиқади.

Маълумки, Ойбек талқинида асосий ижтимоий конфликт эзувчи ва эзилувчи синфлар орасида ётади, Чўлпонда эса меҳнатқаш омма ижтимоий ҳаракатдан четда. Табиий бир савол туғилади: қай бири ҳақ уларнинг? Фикримизча, Чўлпон ҳақиқатга яқинроқ турган кўринади. Албатта, меҳнатқаш омма билан эзувчилар орасида зиддият мавжуд бўлганини инкор қилмаймиз, лекин бу нарса ўша вақтдаги Туркистонда асосий конфликт (яъни ижтимоий тараққиёт йўлини белгилловчи) бўлганига ишончимиз кэмроқ. Нега? Тарихдан маълумки, 1905 йилда «революция бешиги» Петроградда марксистик ташвиқот кенг қулоч отганига қарамаздан, ишчилар поп Гапон ортидан эргашган эдилар. Петроград шароитини, пойтахт ишчиларининг революцион тайёргарлигини эса Туркистон воқелиги билан қиёслашга ҳожат бўлмаса керак. Яна революция куйчиси М. Горькийнинг 1917 йилда ёзган қуйидаги гапига ҳам эътиборни қаратгимиз келади: «Россия воқелигининг ҳозирги шароитида социал инқилобга ўрин йўк, зеро, чўртан

балиқ амри билан 85 фоиз деҳқон аҳолини социалист қилиб қўйиш мумкин эмас-ку...» Модомики, революция авангарди — рус ишчилар синфи аҳолининг бор-йўғи 15 фоизини (уларнинг ҳам аксарияти кечаги деҳқонлар) ташкил қилган экан, инқилобдан 70 йил ўтгач, ишчилари аҳолисининг атиги 20 фоизини ташкил қилган ўлкамиз ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Чўлпон ижодининг жонкуяр тадқиқотчиси Озод Шарафидинов адиб ҳақида: «...у инқилоб арафасидаги Туркистон воқелигини тасвирлар экан, ижтимоий ҳаётнинг энг чуқур қатламларигача кўз ташлайди...» — деб ёзади. Хўш, Чўлпон «ижтимоий ҳаётнинг энг чуқур қатламларида» нималарни кўра олди?

«Кеча ва кундуз»да асосий ижтимоий конфликт феодализм (чор мустамлакачилари ҳам шунинг ичида) билан шаклланиб келаётган миллий буржуазия орасида ётади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, романинг етакчи ғоявий йўналишини белгилашда маҳаллий феодал ва амалдор Акбарали билан ҳали ижтимоий куч сифатида ўзини танимаган миллий буржуазия вакили Мирёқуб муносабати муҳим ўрин тутди.

Акбарали мингбоши образи воситасида адиб феодализмнинг инқирозга юз тутгани қонуний ҳол эканини кўрсата олган. Акбарали — «ўз қишлоғи билан мингбошининг маҳкамаси орасида дафтар кўтариб от чопиш, қишлоқдан одам ҳайдаб чиқиб катта йўлга сув септиришгагина» ярайдиган одам. Унинг баҳарнав ишини эплаб туришида Мирёқубнинг хизмати улуг. Акбарали бирмунча ўзгарган ижтимоий-иктисодий шароитда ҳаракат қилишга қодир эмас. Чунки ўзгаришларни англашдан ожиз — ақли кўтоҳ. Бу нарса уни осонгина Мирёқуб ва нойиб тўра қўлидаги қўғирчоққа айлантиради. У иккаласига ҳам бирдай зарур: биринчисига иқтисодий, иккинчисига эса сиёсий манфаатлар йўлида. Чўлпон ёзади: «ер-суви, пул ва бошқа бойликка кўмилган бу одамнинг бутун борлиги Мирёқубнинг қўлида эди. Ердан чиққан ҳосилнинг қанчаси ўз қўлига ўтиб, қанчаси Мирёқуб оморига тўкилганини мингбоши ўзи ҳеч қачон билган эмас». Кўринадики, мол-дунёси кўпلىгидан ўзи ҳам ҳисобини билмайдиган Акбарали Мирёқуб учун даромад манбаи, ҳолос. Сармоясини уddaбуронлик билан ишга солиш Акбаралининг қўлидан келмайди, демак, иқтисодий жиҳатдан унинг келажаги йўк. Мингбоши билан Мирёқубнинг сиртдан «дўстона» кўринган муносабати томонлар англаб етмаган мусобақадан бошқа нарса эмас.

Идора — бошқарув ишига укуви йўк, мустақил фикрга эга бўлмаган манфаатпараст акбаралилар мустамлака сиёсатини ўтказётган чор чиновникларига ҳар жиҳатдан қўл келади. Акбаралининг қўли билан иш юритган нойиб тўра айбни ўзидан соқит қилиб, «биз яхшимиз шу амалдорлар...» дея маҳаллий амалдорларга юкламоқчи бўлади. Акбарали типидagi амалдорлар тепонгич улоқчи отлар орасида боғланган яғир эшакдай гап. Агар мингбоши ногоҳ ўлмаганида, рус тўралар уни амалидан тушириб «адолат қилишлари» ва шу баҳона эл наздида «оппоқ» бўлиб олишлари тайин эди. Афсуски, у ўлиб қолди, лекин тўралар бундан ҳам усталик билан фойдаландилар.

Чўлпон тараққиёт йўлида тўғаноқ бўлган феодал бойлар, амалдорлар муҳитига бўлган муносабатини Акбарали образи орқали ифодалайди. Муаллифнинг чексиз нафрати қаҳрамон ташки қиёфасини чишида, нутқий характеристикада, оилавий-маъий ҳаёти тасвирида, қўйинг-чи, у билан боғлиқ ҳар нуқтада сезилади. Назаримда, Чўлпон образининг бадиий баркамоллигини мақсад — феодализмнинг чиркин башарасини очиб ташлаш — йўлида қурбон қилгандек. Акбарали образида табиийликдан кўра схематизмга мойиллик кучли. Муаллифнинг акбаралилар устидан чиқарган ҳўкми ҳам қатъий: Акбаралининг бепуштлиги инсоний фожиасига эмас, балки ижтимоий фожа ҳамдир. Муаллиф бу билан феодализмнинг инқирозига ишора қилади. Устига-устак, Р. Отаев таъкидлаганидек, романда унинг ягона қизи Мирёқубдан деган ишоралар мавжудки, бу, ўз навбатида, акбаралилар ўрнига мирёқублар келаётганига ишора. Балки фикримиз асосиздай туюлар, лекин Чўлпоннинг рус адабиётидан таъсирланганини, рус насрида эса бу каби усул (масалан, Буниннинг «Қишлоқ» қиссаси, бош қаҳрамон Тихоннинг бепуштлиги) кенг қўлланганини назарда тутсак, фикримизга асос топилгандай бўлади.

Романинг бош қаҳрамони — шаклланиб келаётган миллий буржуазия вакили Мирёқуб. Бир қарашда Мирёқубнинг бош қаҳрамон экани (бош, иккинчи даражали деган гаплар примитивдай туюлса-да, ижтимоий-тарихий романда бунинг аҳа-

мияти катта) баҳслидай, лекин романнинг «Кундуз» қисми йўқолгани, унда ҳам, асосан, шу қаҳрамонлар ҳаракат қилишини назарда тутсак, адиб айни шу одамни бош қаҳрамонликка тайёрлагани сезилади. Бу фикрга келишимизнинг боиси — биринчидан, Мирёкуб образининг мантиқан тугалланмай қолгани, яъни қаҳрамон ижтимоий фаолият бўсағасига келгандан биринчи романга нуқта қўйилади; иккинчидан, йўқсул омма вакиллари — Зеби, Энахон, Улмасжон ва бошқаларнинг ижтимоий ҳаракатдан четдалиги, ижтимоий-тарихий романда уларнинг биринчи планга чиқиши эҳтимолдан узоқлиги.

Мирёкуб билан Акбарали муносабати орқали адиб чириб бораётган феодализм билан кучга тўлиб бораётган буржуазия ўртасидаги мусобақани кўрсата олган. Акбаралидан фарқли ўларок, Мирёкуб сармоясини ҳаракатда тутди: «Қишлоқда иккита баққоллик, битта кассоблик дўкони, гузарда иккита самовар бор. Билган одамлар шу беш муассасадан тўрти Мирёкубнинг кучи билан айланганини сўзлайдилар. Шаҳарда, катта йўлнинг бўйига — кўрғон ташқарисига — бир янги пахта заводи тушди; заводнинг бир каттакон пахта саройи ҳам борки, пахта терим вақтида уч тарози билан пахта олади. Ана ўша заводга ҳам Мирёкубни шерик дейдилар».

Мирёкуб — замона кишиси, янги иқтисодий шароитда яшашга, яшашгагина эмас, балки равнақ топишга ҳам қобил, демакки, келажаги бор. Буржуазия сиёсий ҳокимиятдан четлатилган бўлса-да, бошқарув ишларида Мирёкубнинг қўли узун. Акбаралининг сиёсий тўнкалигидан, нойиб тўранинг манфаатпарастлигидан фойдаланиб иш битиради.


Сиёсий-иқтисодий жиҳатдан буржуазиянинг феодализмга қараганда прогрессив ҳодиса эканини таъкидлагани ҳолда Чўлпон унинг чиркин маънавий киёфасини ҳам очиб берган. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у Мирёкубдаги маънавий инкирознинг ижтимоий илдиэларини кўрсата билган. Мирёкубнинг ҳаётда ўз олдига қўйган бош мақсади — қандай бўлмасин бойлик тўплаш (ҳозирги шароитда бу даъвом эриш тую-

лар, лекин эндигина қаддини ростилаётган буржуа корчалони ривожланган капитализм корчалонидан тубдан фарқ қилади), шунга кўра унинг «валинеъмат»лари — Акбарали билан нойиб тўрага хиёнатини фойдасини ўйлаб, узокни кўзлаб қўйилган кадам дейиш мумкин. «Мингбошидан тегадиган мерос чакана бўлмаслигини» билган Мирёкуб Пошшахон билан алоқани узмайди, шу билан бирга «мингбошининг ўлимига яқин унинг Пошшахондан бошқа меросхўри қолмаслигининг» ташвишини қилади. Шунингдек, нойиб тўранинг хотини билан ҳам айш учунгина топишган эмас, унинг учун бу — «иш устидаги биринчи учрашув, биринчи бай очиш». Характерли жиҳати шундаки, Мирёкубнинг вужудида уйғонган «терговчи» ҳар икки ишни ҳам бирдай оқлайди: «Бизнинг оламда мундай дадил ниятларни қоралаш эмас, оқлаш керак!» Адиб бу билан инсонлар орасидаги муносабатни манфаатга бўйсундириб, инсонийликни инкор этадиган, энг даҳшатлиси, буни қонуний ҳолга айлантириб, рағбатлантирадиган муҳитга нафратини ифодалайди.

Ёзувчи Мирёкуб образининг мўраққаб эволюциясини моҳирона тасвирлаган. Албатта, бу образнинг эволюцияси «Она» романидаги Павел ёхуд «Қутлуғ қон»даги Йўлчи сингари аниқтаниқ кўзга ташланмайди. Сабаб шуки, «Кеча ва кундуз»нинг мақсад-моҳияти мутлақо бошқача. Юқорида тилга олинган асарларда сюжет чизиғи, асосан, бир қаҳрамон динамикасини кўрсатишга қаратилган бўлса, Чўлпоннинг диалогияси куп сюжетли, куп планли асар сифатида режалаштирилган. Шундай бўлса-да, китобхон Мирёкубдаги ўсиш жараёнини кузатиш имкониятига эга.

«Мирёкуб бурунги Мирёкуб бўлса, то мингбоши ўзи гап бошламагунча бу қора хабар ҳақида гап очишга ҳам ботинолмаслиги лозим келарди...» — бу Акбаралининг ўйлари. Англашиладики, бундан ўн йиллар илгари Мирёкуб Акбарали ва нойиб тўрага ҳозиргидай ожиз махлук сифатида қараган эмас, аксинча, уларни чин маънода валинеъматлари билиб, уларнинг паноҳида иш кўришни афзал билган, зеро, у вақтда

## ТАНИШИНГ: ДИЛМУРОД ҚУРОНОВ.



Журналхонлар Дилмуроднинг «Ешлик»да, «Шарқ юлдузи»да чиққан ҳикояларидан хабардор бўлсалар керак. Уларда Сиз илк ижодий қадамлариданоқ ҳаётга теран нигоҳ ташлаб, ҳодисаларни ўзича ҳолис таҳлил этишга интилаётган умидли бир қаламкашни кўрасиз. Эҳтимол, келажакда Дилмурод яхши бир носир бўлиб етишар. Аммо у ҳозирча ТошДУ аспиранти, асосан, филолог-тадқиқотчи сифатида илмий ишлар билан машғул, 20—30-йиллар ўзбек адабиёти тараққиёти масалаларини, аниқроғи, Чўлпон ижодини ўрганмоқда. Дилмуродда бўлғувси етук филолог олим учун зарур бўлган талай фазилатлар мавжуд: рус, немис, турк тилларини билади, араб, лотин ёзувларидаги манбаларни, қўлёзмаларни бемалол

ўқий олади. У бениҳоя тиришқоқ, ўта синчков, ўзи танлаган соҳага садоқатли, фидойи йигит; илмнинг «қора меҳнатидан» қочмайди, архив материалларини, эски газета ва журнал қатламларини варақлашдан асло эринмайди.

«Кеча ва кундуз» романи «Шарқ юлдузи»да қайта босилган, дарҳол уни 1936 йилги китоб нашри билан қиёслаб мақола ёзди; «Звезда Востока»да романининг русча таржимаси тўғрисида оз фурсат ичида яхшигина тақриз тайёрлади. Мен таржимани аслига бошдан-оёқ солиштириб чиқиш учун кўп вақт кетишини назарда тутиб Дилмурод бир оз шошилмадимикин деган шубҳага бордим ва бу ҳақда унга сўз очдим. Маълум бўлдики, унинг учун таржимани асарнинг асли билан солиштириб чиқишга ҳожат йўқ экан, у романнинг 1936 йилги нашрини бошдан-оёқ деярли ёд биларкан... Қани энди, ҳамма ёш тадқиқотчилар ҳам ўзи танлаган мавзу — материални шунчалик ўзлаштираса...

Бундан ҳам муҳими, Дилмуродда бўлажак ҳақиқий олимга хос яна бир хислат — илмда ўта ҳалоллик ва ҳолислик бор. У адабий ҳодисаларни, асарларни ҳамиша янги томондан баҳолашга, янги концепцияларни илгари суришга интилади. Шу билан баробар, айрим тенгдошлари каби бу борада шовқин-сурон кўтаришга, ўзини кўрсатишга берилиб кетмайди. Мундоқ қараганда Дилму-

род танлаган мавзу — Чўлпон ижоди бугунги кунда хийла «сенсатсион» мавзу. Дилмуроднинг Чўлпон ижодидаги қарашлари ўзига хос, ҳатто О. Шарфиддиновдек таниқли танқидчи фикрларидан бирмунча фарқ қилади. Бироқ у ўз даввосини пухта далиллар асосида босиқлик ва одоб билан илмий асослашга тиришади. Ҳукмингизга ҳавола қилинаётган мақолада «Кеча ва кундуз» романи инқилоб арафасидаги ижтимоий ҳодисалар талқинига кўра «Қутлуғ қон» романи билан қиёс қилнади. Ёш тадқиқотчи кўп жиҳатдан Чўлпон томонида. Бироқ у «Қутлуғ қон»ни асло «Кеча ва кундуз»га қарама-қарши қўймайди; икки етук асардаги ижтимоий кучлар талқинига оид фарқли жиҳатларни аниқлашга киришар экан ҳар икки асарни ҳам, уларнинг муаллифларини ҳам тушуниб қалам тебратди, «Кеча ва кундуз» ҳам, «Қутлуғ қон» ҳам насримизнинг тенг ҳуқуқли «граждани»лари эканини алоҳида таъкидлайди.

Ҳақиқий санъат асарларига, улкан истеъдодларга бу ҳилдаги маданий-маърифий, ҳалол муносабат ёш тадқиқотчининг келажагига катта умид ўйғотади.

Умарали НОРМАТОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор, жумҳуриятда хизмат  
кўрсатган фан арбоби, Ҳамза мукофоти  
совриндори.

миллий буржуазия сиёсий куч сифатида шаклланмаган, феодал асослар, чоризм инкйрози бу қадар чуқурлашмаган эди. Узининг кучайиб бориши баробари Мирёкуб акбаралилар, нойиб тўралар дунёси тугаб бораётганини ҳис қила боради, табиийки, муносабати ҳам шунга мос ўзгара боради. «Мирёкуб ҳам бошқа ёқадан бош кўтармакчимиз?» Мингбошининг бу таъвиши ўринли. Чунки шу пайтгача куч сифатида топингани нураб бораётганини сезган Мирёкубга ўзини сақлаб қолиш инстинкти ғайришуурий тарзда бошқа кучга топиниши лозимлигини англаган бўлса, ажабмас. Шу аснода поездда жадид йигитга дуч келиши ундаги бурилишни тезлатади. О. Шарафиддинов айтмоқчи, «бу ўринда (Мирёкубнинг икки-уч кунда жадид бўлиб қолишида — Д. Қ.) ҳам бироз сунъийликка йўл кўйилгандай кўринади»<sup>1</sup>. Бу фикрга қисман қўшилганимиз ҳолда ёзувчи қахрамонидаги ўзгаришларни психологик жиҳатдан асослай билган деган фикрга келамиз. Жадид йигит билан учрашувга адиб қахрамонини обдон тайёрлайди. Мирёкуб «мовий кўз» дилбарга нисбатан уйғонган «чин севги» боис ўзидаги «итлик» феълларидан нафратлана бошлаган, нойиб тўра уйдаги бузуқликларни кўриб, империянинг чириб битганига инонган, оёғини тираб турган асос кимирлаганини билиб, оёқ тирашга бошқа замин излаётган пайт юз беради бу учрашув. Айтмоқчимизки, жадид сепган уруф этилган шудгорга тушади. Бундан ташқари, жадид йигит мохир ташвиқотчи сифатида Мирёкубнинг нозик жойдан тутади — вужудида мудраб ётган миллий ғурурини уйғотишга ҳаракат қилади. Шу ўринда нойиб тўра уйига рус инженерининг кириб келиши саҳнасини эслаш жоиз. Инженер «нойиб тўра билан бетакаллук кўришди, Мирёкуб билан куришиб ҳам ўтирмасдан тўппа-тўғри столнинг тўрисида ўтди...» Нойиб меҳмонга Мирёкубни таништирганда, у «ўтирган ўринда сенингина бош силкиб кўйди. Мирёкуб ғурурининг калтакла-нишидан келган заҳарханда билан кулди». Мирёкубдаги ўзгариш анча сезиларли бўлган бўлса керакки, нойиб тўра бир неча бор уз сураган бўлади. Муаллиф буни шарҳлаб ёзади: «Бир инженернинг (у, ахир, нойиб тўра сингари катта амалдор эмас!), нахотки, бир инженернинг бир-икки марта сартларни камситиши Мирёкубни шунча безовта қилдимиз? Йўқ, унақа камситишлар ҳар қадамда бор!»

Тушуниш мумкинки, миллий ғурурнинг калтаклалиши Мирёкубни ўз вақтида қийнаган, кейинча, ишнинг фойдасини кузлаб ўзини кўнигишга мажбур қилган бўлса-да, бу нарса уни тез-тез безовта қилиб турган. Энди нойиб тўранинг ўзидан ҳеч бир ортик жойи йўқлигини, у қилган ишни ўзи ҳам, эҳтимолки, ундан яхшироқ удаллашини англагач, Мирёкубнинг ижтимоий фаолият истаб қолиши табиий кўринади.

Жадид билан учрашув Мирёкуб учун изсиз кетмаган, бу нарса унинг мингбошига ёзган хати бошламасиданок сезилади. Поезддаёқ Мирёкуб «У ерда (Қримда — Д.Қ.) жадидларнинг катталари бор эмиш. Уларни кўраман, гаплашаман» — деган қарорга келган. Эҳтимол, айтганини қилгандир, жадидларга астойдил қўшилгандир? Мингбошининг мирзаси Ҳакимжон тилидан айтилган гап: «У (Мирёкуб — Д.Қ.) ҳақ йўлни топса борми — ноёб одам бўлади!» — Чўлпон қарашларини бир қадар ойдинлаштиради. Мирёкубнинг маънавиятини қоралаган муаллиф ҳам, агар у ҳақ йўлни топса, элининг равнақи ҳақида ўйлай бошласа, бебаҳо одам бўлишига ишонади. Юқорида таъкидлаганимиздек «Кеча»да меҳнаткаш омма ижтимоий ҳаракатда четда — пичоқ суйкақа қадалган, сабр касоси тўлган, лекин онгли ҳаракатдан йироқ. Фикримизча, Чўлпон ўзига замондош бўлган минглаб рус зиёлилари каби омма инқилобий ҳаракатга тайёр эмас деб ҳисоблаган. Муаллиф инқилоб арафасидаги Туркистон воқеалиги таҳлиладан келиб чиқиб, элининг тараққиётини миллий буржуазияга боғлайди, шу билан бирга халқпарварлик, маърифатпарварлик позициясида туради. Буржуа-демократик ғоялар ўша вақтдаги Туркистон воқелигида нечоғли прогрессив бўлганини гапирмаса ҳам бўлади. Зеро, бизнинг капитализмдан «хатлаб» ўтиб кетиб қолишимиз инқилобга қадар ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Сабаби: «Шарқ халқларининг кўпчилиги Европадаги энг қолақ мамлакат бўлган Россиядан ҳам баттар аҳволда...»<sup>2</sup> эди. Бу ерда ҳали буржуазия ўзининг тарихий миссиясини ўтамаганди. Эҳтимол,

шунинг учундир, инқилобдан кейин В. И. Ленин Туркистонда «...ҳозир коммунизм куриш эмас, балки феодализмни ағдартиш умумий вазифа қилиб кўйилсин»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди.

Маълумки, тенденциозлик бадий ижод табиатига сингиб кетган. Ҳар қандай адиб ҳаётни ўзинча кўради, ўзини қизиқтирган мавзунини дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ёритади. Умуминсоний кадрятлар давримизнинг бош мезонига айланиб бораётган экан, ҳар қандай бадий асарда, гарчи у ўрта-миёна эмас, улар у ёки бу даражада акс этади — бусиз мумкин бўлди! Дейлик, Чўлпон Акбарали тасвирида шундай ранглар ишлатганки, Ойбек ишлатган ранглардан ҳам ўтиб тушади. Чўлпон зебилар, акбаралилар, мирёкублар оламини тасвирларкан, тараққиётга тўғаноқ бўлганларга, инсон қадрининг топлашиши, маънавиятнинг булғаниши ва инсоний муносабатлар сайқалланишига қарши исён кўтаради. Адибнинг катта эпик асарни лирик табиат лавҳасидан бошлаши ҳам бежиз эмас. Табиатдаги уйғониш билан ёш қизлар руҳиясидаги уйғониш, ундаги баҳорий гўзаллик билан қизларнинг гўзал маънавияти уйғунлик (гармония) касб этади. Ҳаётнинг ичига чуқурроқ кириб борилиши баробари уйғунлик йўқолиб, ноуйғунлик (дисгармония) бўртиб боради. «Нега шундай? Нега ҳаётнинг ҳар жабҳаси бирдай гўзал эмас?...» Кўрамизки, адибни барча буюк санъаткорларни ўйлатган муаммо — табиат ва жамият ҳаётининг уйғунлашуви ўйлатади, ноуйғунликни йўқотиш, уйғунликка етиш йўлларини излайди у.

Юқорида айтиб ўтганимиз, ҳар қандай адиб ҳаётни ўзинча кўришини «Қутлуғ қон» мисолида яна бир бор кузатиш мумкин. Чўлпон даврнинг асосий ижтимоий конфликти деб қараган феодализм ва буржуазия зиддиятлари мима учун Ойбек талқинида иккинчи планга ўтиб қолди? Бунинг сабабини «замонасоз»лик билангина изоҳлаш мумкинми? Бизнингча, йўқ! Ойбек ёзувчи бўлиш билан бирга ижтимоий олим ҳам эди. Демак, у маълум манбаларга таянган ҳолда ўзи тасвирламоқчи бўлган даврдаги Туркистоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий аҳволини (Чўлпонга ўхшаш бевосита замондош эмасди у, ёш бола эди) ўрганган ва муайян хулосаларга келган. Ойбек Мирзакаримбой оиласини тасвир объекти қилиб оларкан, ҳоким синф вакиллари орасидаги фарқлар (ҳали зиддият даражасига кўтарилмаган)ни кўрсатишга ҳаракат қилган. Фикримизча, Мирзакаримбой том маънодаги феодализм эмас. Айни пайтда том маънодаги буржуага хос инқилобий сифатлардан ҳам маҳрум, сиёсий ҳокимиятнинг қўлга олиш ва шу орқали ижтимоий-иқтисодий ҳаётни қайта қуришни хаёлига ҳам келтирмайди. Осиё мамлакатларидаги аҳволга баҳо бераркан В. И. Ленин 1913 йилда: «Осиёнинг ҳамма жойида қудратли демократик ҳаракат ўсмоқда, кенгаймоқда ва мустақкамланмоқда. У ерда буржуазия ҳозирча халқ билан биргалашиб реакцияга қарши бормоқда»<sup>2</sup> — деб ёзган эди. Албатта, бунда Ленин консерватив кайфиятдаги мирзакаримбойларни эмас, балки радикал кайфиятдаги шарафутдин хўжаевларни («Кеча ва кундуз») назарда тутган.

Отасидан фарқи ўларок, Ҳакимбойвачча энди ота изидан боришини ўзи бўлмаслигини, янгича шароитда саноатчи бойлар равнақ топишини англаган. Унинг отасига: «Дада, энди пахта завод қурмасак бўлмайди. Модомики, пахтачи бўлдим, заводсиз илож йўқ. Гарчи сиз норози бўлсангиз ҳам ишни бошлаб юбормоқчиман» — дейиши фикримизни далиллайди. Ҳакимбойваччадай эскича одатларни маҳкам тутган одам ота ризиолигисиз иш бошламоқчимиз, демак, бунинг жиддий сабаблари бор. Эътибор берилса, Ҳакимбойвачча Абдишуккурнинг гапларига отаси каби «куруқ сафсата» деб қарамаслиги, аксинча, уни кўп жиҳатдан қўллаши, отасининг олдида баъзи гапларини силлиқлаб, эскичага мувофиқлаштиришга уриниши кўринади. Айтиш мумкинки, у маълум маънода жадидчилик таъсиридаги одам, эндигина ўзини янги сиёсий куч сифатида таний бошлаган. Унинг укаси Салимбойваччанинг Абдишуккурга муносабатидан, «тирранча»ларнинг гапини ҳар жойда маъқуллаши ва тақдорлашидан жадидлар билан алоқаси анча мустаҳкам экани сезилади. Афсуски, биз кенжа бойваччани фаолиятда кўрмаймиз, устига-устак адиб уни «ўлдиртириб» юборадики, бунда рамзий маъно борми, йўқми — сезмай қоламиз.

<sup>1</sup> О. Шарафиддинов. Чўлпоннинг ижодий йўли тўғрисида. «Шарқ юлдузи», 1988, 2-сон, 62-бет.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. ТАТ., Т., «Ўзбекистон», 1978, 30-том, 160-бет.

<sup>1</sup> Уша жойда, 41 том, 170-бет.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. ТАТ., 23 том, 188-бет.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, романда биронта радикал кайфиятдаги буржуанинг учрамаслиги (ҳаётда эса бўлган) Ойбекнинг дунёкараши, Туркистоннинг ижтимоий тараққиёти масаласида ҲЗ ФИКРИ бўлгани билан изоҳланади. Яъни адиб инқилоб арафасидаги ижтимоий ҳаётни таҳлил қилиб, юртининг келажаги, равнақу камолтини белгилловчи куч сифатида меҳнаткашларни олади, шундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-тарихий романда кучлар нисбатини белгилайди. Тўғри, Ойбекнинг қарашлари «расмий нуктаи назарга мос тушади, лекин шунда ҳам адиб атайин юқорига маъқул келадиган қилиб (кейинги таҳрирлар бундан истисно) ёзган дейишдан тийилмас. Еш Мусо шахс ва адиб сифатида шаклланган шарт-шароитларни, унинг ОЙБЕК бўлишида Инқилобнинг аҳамияти назарда тутилса, ёзувчи ўзи англаган ҳақиқатни борича, қўлидан келганча тасвирлашга ҳаракат қилганини билиш қийин эмас.

Энди «бутун куч бойнинг салбийлиги, камбағалнинг ижобийлигини кўрсатишга қаратилганига келсак. Бизнингча, ҳаётда Мирзакаримбой каби бойлар ҳам, шунингдек, инсофли, диёнатли, одамохун бойлар бўлганини ҳам биров инкор қилолмайди. Шундай экан, уларнинг қай бирини ижтимоий тип сифатида олиш адибнинг ўзига ҳавола эмасми?

Адабиётшунос О. Шарафиддинов Мирёқубнинг поездида савдогар йигит билан учрашувини «романининг асосий ғоявий мазмуни ифодаланган саҳна» деб атайди. Худди шу ўринда, жадид йигит — Шарафутдин Хўжаев пайдо бўлиши билан муаллиф ўзини «четга олади», поезддаги ишлар, суҳбатлар Мирёқуб ва Марям «кундалик»лари орқали кўрсатилади. Бу усул шаклга бир қадам пугур етказгандай туюлади, лекин жадидлар ҳақида ҳақиқатни айтишнинг ўзга имкони йўқ эди. Айтмоқчимизки, танланган усул муаллиф позициясини «бетараф» кўрсатишга хизмат қилади. Сталин сиёсати кучга кирган вақтда Чўлпоннинг жадидлар ҳақида «бетараф» бўлса-да, холис ёзиши том маънодаги ижодий жасорат эди.

Шарафутдин Хўжаев Мирёқуб билан суҳбатда жадидлик ҳаракатининг асосий нуқталарига тўхталади. Айтиб ўтганимиздек, у аввал суҳбатдошининг миллий ғурурини уйғотиш пайида бўлади. Айниқса, унинг Мирёқуб билан Марям муносабатини билгандан кейин айтган гаплари характерли: «Бу бизнинг бошимизда данак қақаётган бир дунёнинг қизи. Биз уларни кўнгулдан ёмон кўрамыз. Булар бизнинг душманлар! Фақат улар ҳаммаси бутун ҳолда душман! Якка-якка бўлганда ораларидан дўст топа оламиз. Яхши дўстлар топилади. Жуда яхши дўстлар... У дўстлар билан оғиз-бурун ўпишар экан, уларнинг чангалдан қандоқ қилиб қутулишни (ўйлашни — Д. Қ.) бир нафас ҳам унутмаймиз...» Кўринадикки, жадиднинг русларга муносабати зиддиятли; уларнинг ичидан яхши дўстлар топилишини эътироф этади, бутун ҳолича душман деб атайди. Шу гапнинг ўзидек, инсоф билан ёндашилса, жадиднинг миллатчилиги рус халқига эмас, балки чор мустамлакачилик сиёсатида қаратилганини кўрсатиб турибди. Жадид миллатлар орасидаги иқтисодий, маданий алоқаларни инкор қилмайди, аксинча, маълум тарихий сабаблар таъсирида ортда қолган Шарқнинг нажот йўли — Ғарбдаги мавжуд илмларни ўрганиш эканини таъкидлайди. Шу билан бирга. «Ибтидоий тарбияни рус мактабларидан бошлаб бўлмайди, уни миллий мактабларда бериш керак. Илгари миллий ҳиссини ўстириб, ўз миллатини танитгандан сўнра рус мактабига бериш керакки, ҳунарга, ихтисосга тегишли илмларни ўқусун» — дейди. Кўрамизки, жадид миллий худбин эмас, аксинча, миллийликни инкор этмайдиган байналмилал мавқеда турибди. Тараққиёт даражаси турлича бўлган миллатларнинг ўзаро муносабати, айниқса, улардан бири мустамлака халқи бўлса, ассимиляцияга олиб келиши аён. Шунга кўра, Ш. Хўжаевнинг куйинишлари ўринли. Жадидлик ҳаракати миллатчилик сўзининг энг ёмон маъноси ила қораланган пайтда тарихчилар, ижтимоётчилар томонидан Ўрта Осиёнинг Россияга «қўшиб олиниши»нинг аҳамияти имкон қадар бўрттирилди. Жадидлик ҳаракати қанча қораланса, кейингисининг имкони шунча кенгаярди. Шу даражага бориб етилдики, Маркс, Энгельс каби даҳолар қоралаган чор мустамлакачилик сиёсати ҳақида имкон қадар кам гапирадиган бўлдики, иложи бўлса-ю, мутлақо гапирилмаса. Аслида-чи? Аслида чоризмнинг мустамлака сиёсати ҳақида РКП (б)нинг X съезидан орттириб гапириш қийин: «Чоризмнинг, помешчиклар ва буржуазиянинг бу халқларга қўрибдан тугган сиёсати — бу халқлар ўртасида ҳар қандай

давлат куртақларини йўқ қилиш, уларнинг маданиятига шикаст етказиш, тилларига эрк бермаслик, уларни жаҳолатда тутиш ва, ниҳоят, уларни мумкин қадар руслаштиришдан иборат эди.» Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги кунда жамиятимизнинг «оғрик» нуқтаси — миллий масала. Социализм ҳар бир миллатнинг ривожланишига, равнақ топишига имкон яратиши керак эди, лекин нотўғри сиёсат туфайли бу нарса амалга ошмади. Аксинча, миллат тарихий категория экани-ю, охири оқибат миллатлар қўшилиб кетиши, миллий тилларнинг йўқ бўлиб кетиши зўр бериб уқдирилди. Бу кўпол қилиб айтганда, X съезд қоралаган «мумкин қадар руслаштиришнинг» бошқача кўриниши эди. Халқини мутараққий миллатлар қаторида кўришни орзулаган Чўлпон бундан ташвишга тушиши, инқилобга йиғирма йил тўлар-тўлмас имлосидан айрилиб, ўтмишдан узиб қўйилган халқ келажагини тасаввур қилиб ўртаниши табиий эди. Жадидлар миллатчилигини — миллатни, миллий ўзига хосликни, миллий тил ва маданиятни сақлаб қолишга интилишини «миллатчилик» деса бўладими? Бизнингча, йўқ! Бу — мустамлака ўлкадаги зарурат, бу — виждонли кишиларнинг граждандлик бурчи. Бошқача бўлиши мумкин эмас!

Буржуазия табиатида кўра доимо хом ашё базаси ва бозор учун курашиб келган. Зеро, булар унинг учун яшаш ва равнақ топишнинг бирламчи шартларидир. Утган асрнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг босиб олинishi 1861 йил ислохотидан кейин фаоллашган янги сиёсий куч — рус буржуазиясининг манфаатларини кўзлаб амалга оширилган ёвуз ниятнинг натижасидир. «Сиз — биз соғим сигирмиз, бизнинг ширин сутимиз бор; руслар ва бошқа ажнабийлар бизни эмиб ётадилар...» — Ш. Хўжаевнинг бу гаплари энди рус буржуазияси билан миллий буржуазия манфаатлари зид келганидан далолат беради. Тўғри, мустамлакачиликка қарши турган жадидлар, аввало, ўз манфаатларини кўзлашган, лекин бу манфаатлар меҳнаткаш халқ манфаатлари билан оз бўлса-да мос тушади. Етиштирилган миллий бойлиқнинг четга чиқиб кетгани қайда-ю, киссангда бўлмаса-да, юртингда қолгани қайда: «қўй кўрмасак ҳам қий кўрганмиз», «қўйнидан тўкилса — кўнжигам», «қатик тўкилса оқи қолади» деган ҳикматларни шу халқ тўкиган, ахир! Шу ўринда адиб ва шоирларимизнинг кейинги икки-уч йил мобайнидаги публицистик чиқишларини, иқтисодий аҳволимиз ҳақида уларда келтирилган фактларни эслаш жоиз. Фактлар — шафқатсиз, улар бор гапни юз-хотир қилмай айтиб турибди. Мустамлакачилик сиёсатининг айрим принциплари ҳозирда ҳам сақланиб қолаётир. Албатта, бу нарса 30-йиллардаёқ кўзга ташланган бўлиши керак. Атроф гулдурос «қура»ларга кўмилган пайтда Чўлпон юртининг тақдири ҳақида ўйлаган бўлиши, янги тўн кийган эски сиёсатга муносабатини жадид тилидан айтган бўлиши табиий.

Ш. Хўжаев ҳақида китобхон Мирёқуб воситасидагина тасаввур ҳосил қилса-да, унинг кўз олдига ғояларини амалиётга татбиқ этаётган, ўз ташвишларидан ортиб юрти келажаги ҳақида қайғураётган ўқимшили, маърифатпарвар, бир сўз билан айтганда, ижобий одам гавдаланади. Китобхон Беихтиёр «Қутлуғ қон»даги ёҳуд шу номили видеофильмдаги Абдишукурни кўз олдига келтириб, иккисининг орасида еру осмонча фарк кўрса, эҳтимол.

Абдишукур тугган йўл бирнав тўғридай. Аммо эътибор берилса, «қўзи очилмаган» бойлар унинг гапларини жиддий қабул қилмаётгани, устига-устак уни мазахлаётганлари сезилади. Бунинг боиси эса биринчидан, Абдишукурнинг қарашларида изчиллик етишмаслиги ҳам унинг ғоясида собит эмаслиги, иккинчидан, шахс сифатида ожизлиги. У ўзининг қарашларини куйидагича ифодалайди: «Каминанинг ғоявий ҳаёти шундай, яна такрорлайман: миллий сармоянни ўз бойларимиз — мусулмон бойларимиз тўла эгалласинлар, яъни бутун Туркистонимизда тижорат ўз бойларимиз қўлида бўлсин, бу билан қаноатланмай, завод-фабрикалар курсинлар, Масковга, Варшавага ва ҳоказо шахарларга ўзлари мол олиб борсинлар, у ерлардан ўзлари мол келтирсинлар, дейман. Ўртадаги шу яҳудий, ўрм савдогарларининг думини қисиб қўйиш керак, дейман».

Бир қарашда Абдишукур билан Ш. Хўжаев ягона мақсадга интилаётгандай, лекин аслида ундай эмас. Ш. Хўжаевнинг миллий сармоя ҳақидаги гаплари ҳам, маърифатпарварлик борасидаги гаплари ҳам бир мақсадга — мустамлака зулмидан қутулиб мустақил давлат куришга бўйсундирилган. Абдишукур эса бойлар билан бирга подшога омонлик тилайди,

айтадики: «Тўғри, подшоҳимизнинг соясида тинч яшаймиз. Лекин, биз деймизки, турмушимизда бир қадар ислоҳ юзага чиқсин...» Ш. Хўжаевнинг саяё-ҳаракатларини миллий-озодлик ҳаракатининг бир кўриниши сифатида қабул қилиш мумкин эди. Абдишукур эса инқилобий йўлдан ислоҳотлар йўлини афзал билади. Абдишукурнинг маърифатчилиги ҳам юқоридигилардан келиб чиқиб икки мақсадга йўналтирилган: биринчиси: «Миллий сармояни кучайтириш учун савдо-саноат илмини билиш, замондан огоҳ бўлиш лозим... Камерсант бўлиш керак, яъни илми иқтисодни, илми тижоратни билган савдогарлар етишуви керак», иккинчиси: «Давлат Думасида оташин нутқлар сўзлаб, Туркистон мусулмонларининг ҳуқуқларини мудофаа эта биладиган тўрт-беш арбоби сиёсат етишса...»

Кўринадики, ўша вақт нуқтаи назаридан қаралса, Абдишукурнинг қарашлари истиқболга эга эмас: биринчидан, рус буржуазиясининг манфаатларини ҳимоя қилувчи чор ҳукумати қўл остида «миллий сармояни» том маънода ривожлантириш мумкин эмас; иккинчидан, юртнинг бир қисминигина янгича илмларга ўқитиб ислоҳга эришиб бўлмайди. Ўз-ўзидан равшанки, бу ғоялар халқ манфаатига заррача бўлсин мос эмас; фақат миллий буржуазиянинг тор манфаатларини кўзлайди.

Абдишукурнинг шахсий сифатлари ҳам ғоявий қарашларига мос тушади. У бойларнинг олдида ялтоқланади, уларнинг даврасига қўшилиб юрганидан қувонади. Ш. Хўжаев мусулмон бойлари орасида кенг тарқала бошлаган бузуқликларга қарши, Абдишукур эса бу «неъматлар»дан тотинганига хурсанд. Бу нарса унинг ғоясида собит эмаслигини, мақсад йўлида фидойи бўла олмайдиган, ўз манфаатинигина кўзлайдиган дилетант эканини кўрсатади.


Жадишлик ҳаракати илҳит бўлмагани, унинг ичида турли йўналишлар бўлгани аён. Ойбек шу оқимлардан бирини тан-

лаб олади-да, ижтимоётчи сифатида унинг ғоялари пуч эканини билган ҳолда танқид қилади, аниқроғи, «фош қилади». Адибнинг нега айнан Абдишукурни танлагани эса яна унинг Туркистонда ягона инқилобий куч сифатида меҳнаткаш омманни тан олгани билан изоҳланади.

Шу ўринда бир воқеа ёдга тушади. Биринчи рус инқилобидан кейинги реакция йиллари А. Куприн «Денгиз касали» ҳикоясини эълон қилганида Горький қаттиқ ғазабланган эди. Чунки Куприн социал-демократ аёлни сал бўлмаса фоҳишага айлантириб қўйганди-да! Уйлаб қолсан киши: реализм ва ҳаёт ҳақиқатига содиқлик бир нарсами? Айтайлик, ҳозирги кунда уч ёзувчимиз бир мавзуда — «турғунлик» йиллари райком котиби бўлган аёл ҳақида асар ёзди: биринчисида аёл чинакам ишбилармонлиги, оқилалиги туфайли мартабага кўтарилди; иккинчисида юқорининг «аёлларни кўтариш ҳақидаги кўрсатмасига мувофиқ» кўтаришди; учинчисида эса ҳусну таровати туфайлигина... Қай бири ҳақ уларнинг? Мундай қараганда ҳаммалари ҳам ҳақдай, лекин унда типиклик деган нарса қайда қолди? Умуман, дунёга субъектив назар солган эдиб том маънода типик характер яратиши мумкинми? У ёки бу асарнинг, ундаги воқеа ва характерларнинг нечоғли типик эканини ким белгилайди? Қайси мезонларга таяниб қилинади бу иш?..

Булар кетидан яна қатор саволлар эргашиб келади, бизни мулоҳаза юритишга ундайди. Айтмоқчимизки, адабиётга эскича қарашларни янгиланмай (янги тўн кийдириш назарда тутилмаяпти) туриб ижод эркинлигини, фикр ҳурлигини таъминлаб бўлмайди. Шунга қўра, ҳаммамиз ҳам бирон асар ҳақида фикр билдирар эканмиз, фикримиз субъектив эканини, нисбий эканини назарда тутишимиз лозим. Шундагина «Кеча ва кундуз» ҳам, «Қўтлуғ қон» ҳам насримизнинг тенг ҳуқуқли «граждани»лари сифатида яшай олади.

## Ориф Тўхташев



### Чойнак

«Ёшим анчага борган,  
Пиёлага холаман.  
Келинчақдек ҳаммага  
Бир-бир салом соламан.»

### Алдоқчи

Кеча мени алдабсан-а, —  
Ўртоғига Нор деди.  
Акам йўқ деб айтувдинг,  
Синглинг эса бор деди.



### Автобуста

Автобуста кетар эди  
Жажжи Толиб  
Дадасининг тиззасига  
Ўтирволиб.  
Бир қизга дер: ўхшаркансиз  
Хўп ойимга.  
Мен ёшман-ку, ўтира қолинг  
Сиз жойимга.

### Чўчка

Бор нарсани  
Кемиради  
Соат сайин  
Семиради.  
Совук қарар  
Сузиб кўзин.  
Кўтаролмас  
Хатто ўзин.

## Этик

Мен этикман,  
Этикман.  
Ботинкадан  
Тетикман.  
Ўтказмайман  
Қор, сувни.  
Мени кийинг  
Қиш қуни.  
Қулгим қистар,  
Вой тавба!  
Урамабсиз  
Пайтава...

## Дафтархалта

Дарров қувонч сезилади  
Овозимдан.  
Ишлайман-да мен иккита  
Лавозимда.  
Болаларнинг китобин  
Олиб юраман.  
Дафтару қаламларин  
Солиб юраман.  
Икки ишни ҳам бажариш  
Қандай соз-а!  
Дўстлар футбол ўйнаганда  
Мен дарвоза.

ОРИФ ТЎХТАШЕВ. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида туғилган. Шу тумандаги 24-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси. Шерълари жумҳурият матбуотида кўплаб эълон қилинган.



# НИГОХ

## ЗИЁЛИ КИМ

АН 10/11/12

1. Зиёли деганда (ҳар қандай эски қарашлардан чекинган ҳолда) кимни тушунасиз!

2. Сизнингча, жамиятда зиёлининг тутган ўрни қандай бўлиши керак! Айни кунларда мамлакатимизда юз бераётган сиёсий ва иқтисодий танглик шароитидан чиқишда зиёлининг фаолияти нима билан белгиланади! Умуман, зиёлининг ижтимоий масалаларга бош суқиши лозимми!

3. Бундан 30—40 йил илгариги зиёли билан айни пайтдаги «замонавий» зиёли ўртасида (мазмун жиҳатидан) қандай фарқлар бор деб ўйлайсиз!

4. Жамият кишиларини, сен зиёли, сен ишчи ва ёки сен деҳқонсан, деб турли тоифаларга ажратиш шартмикан!

5. Икки йил муқаддам ССЖИ Президенти М. С. Горбачев қайта қуриш ғоясини ёзувчи ва журналистлардан ўрганганини таъкидлаган эди. Амалда эса раҳбарлар ва зиёлilar ўртасида катта тафовут сезилиб туради. Нима учун президентнинг ўзи бош ғояни зиёлilarдан олади-ю, улар тақлиф этган умуминсоний фикрлар ҳаётга кам татбиқ этилади!

6. Узингизни чин маънода зиёли деб биласизми!

Талъат СОЛИХОВ,

ТошДД чет эл адабиёти кафедраси мудир:

1. «Зиёли» тушунчаси генетик жиҳатдан зиё — нур сўзи билан боғлиқ. Зиёли — зиё тарқатувчи, нур тарқатувчи демак. Ҳолбуки, айни пайтда кўпчилик зиёлини «интеллигент»га тенглаштириб тушунишади.

Узоқ тарихимизда зиёлilar ҳар дам нур улашувчилар, инсонлар қалбини ва онгини зиё билан ёритувчилар, адолат, инсоф, иймон уруғларини сочувчилар ҳисоблаб келинган. Бу халқимизнинг илгаридан буюк бахт ва саодат соҳиби эканлигидан далолатдир. Шу сабаб зиёлини «ҳар қандай эски қарашлардан ажрим тушунишга мен қаршиман. Зотан, «эски қарашлар»нинг ўзи нима? Бостоний юнон донишмандлари: «Янгилик — бу яхшилаб эсдан чиқарилган эскиликдир», деган эканлар. Утмишимиз давомида яратилган «эски қарашлар»ни эсдан чиқариш, улардан чекиниш — ўзлимизни унутиш демакдир. Биз ҳозир баайни шу аҳволга тушиб қолганмиз, назаримда, зиёлilarнинг камчилиги ҳам шу сабабдан бўлса керак.

Мен зиёли деб, аввало, мир Алишер Навоий ҳазратларини биламан. Давримиз ҳақида гапирсак, Абдулла Қодирий билан домла Ойбек буюк зиёлilar эдилар. Мен Ойбек домла билан икки марта учрашмак бахтини бошимдан кечирганман. Ва у кишининг борлиқларидан ёғилиб турадиган нур, зиё қалбимдан ғанузгача ўчган эмас.

2. Балки халқни ҳозирги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тангликдан халос этишда зиёлининг ҳам ўрни бордир. Лекин мен зиёли кадриятини бўлакча — кенгрок кўламда тушунаман.

Зиёли, кўпроқ маънавий, ахлоқий кадрият. Шу сабабли зиёни, нурни бир лаҳзалик ечимларга сарф қилиш, ҳар нечук, инсофдан бўлмаса керак. Зотан, зиёлининг ўрнини турли босқичларга бўлиш ва уларга тасниф беришни номақбул иш деб биламан.

3. Чамамда, бу саволга юқорида жавоб бердим. Зиёли эмишлик — мақсад эмас, балки табиий бир ҳолатдир, шунинг учун ҳам бу тушунча генетик характерга эга.

4. Инсонларни, жумладан зиёлilarни ҳам турли синфларга, тоифаларга, табақаларга ажратавериб ҳозирги фожиавий аҳволга дучор бўлиб турибмиз. Инсон — ишчи, деҳқон, тижор, зиёли, бизнесчи ва ҳоказолар сифатида эмас, аввало Инсон сифатида мўтабар ҳам кадрлидир. Табиатми, Тангрими — инсонни Инсон қилиб яратган. Шунинг ўзи буюк мўъжиза эмасми?!

5. Амалдорлар, раҳбарлар (давлат раҳбарлари) билан зиёлilar ўртасида тафовут, тўғрироғи зиддият мавжуд. Амалдор ва раҳбар давлатни бошқаради ва шу билан муайян бир тузумга хизмат этади. Давлат ўз моҳияти билан бир табақа, бир синф манфаатини ҳимоя қилиш, бошқаларни маҳв этмокдир. Зиёли эса инсонийликни, инсонпарварлик туйғусини қалбига, борлиғига жо этади ва системага мутлақо зид туради. Шу туйғули ҳам қайта қуриш ғоялари Уктабр инқилобидан кейинги йиллардаёқ Бердяев, Булгаков, Қодирий, Фитрат асарларидан бошланган, деб биламан.

6. Узимни чин маънодаги зиёлиман, деб атасам, катта кетган бўлардим. Бироқ гап бунда эмас. Мухими, эсимни танганимдан бери зиёлиликка интилиб келдим, ва токи тирик эканман — шунга интиламан. Лекин... зиёли бўлиш — оҳ, қанчалар машаққатли, мингдан бир одам зотига насиб этадиган буюк руҳият...

Сирожиiddин РАУФ,  
талаба:

1. Уқимишли, ҳар соҳада билимдон, дунёқараши кенг, ўз фикрига эга бўлган одам зиёлидир, десак хато қилмаган бўламиз. Лекин ўзида бўлган бу ажойиб иқтидорни эзгуликка, халқни маърифатли қилишдек улкан ишга хизмат этиш ўрнига ёлғиз ўз аравасини тортиш билан овора бўлиб юрган кимсаларни (гарчи уларда юқоридagi хусусиятлар тўла-тўқис мавжуд бўлса ҳам) мен ҳеч қачон зиёли деб айтолмайман. Демак, мен зиёли деганда билимдон, халқуми пок, эл-юрт бахти йўлида ҳаракат қилиб тинмайдиган кишиларни тушунаман. Аммо халқимиз ичида зиёли билан оддий ўқимишли одам ўртасидаги фарқни тўла англаб этадиганларнинг ўта камлиги ташвишли. Шу ўринда кичкина бир мисол келтирай. Утган йили «Экран янгилклари» рўзномасида бир муҳбирнинг жаҳонгир бобомиз Амир Темури ҳақида киноқисса яратилаётгани тўғрисида мақоласи чоп этилган эди. Муҳбир кинони Италия кинорежиссёрлари суратга олаётганию ундаги бош ролларни жаҳон киноюлдузлари ижро этаётганини тўлиб-тошиб баён этади. Оранда бироз вақт ўтиб «Еш ленинчи» рўзномасида бир шоирнинг «Темури ҳақида бундай юзаки кино яратиш мумкин эмаслиги, буюк аждодимиз ролини бошқа миллат вакили бўлган актёрга (бу актёр кино юлдузи эмас, кино куёши бўл-

ман тақдирда ҳам) ишониб топширилиши эса миллий ғуруригимизни топташдир», деган мазмундаги суҳбати эълон қилинди. Юқоридаги мақола муаллифини ҳам, мақолада қаламга олинган янгиликни таҳлили қилиб кўрган шоирни ҳам бирдай «зиёли» деб биладиган кишиларни, афсуски, мен жуда кўп учратдим.

2. Ҳар гал бугунги кунда зиёли кишиларнинг фаолияти нима-лардан иборат бўлиши кераклигини ўйласам, қадим ривоят эсимга тушаверади. Ривоятда нақл қилинишича ёвуз бир кимса макру хийла билан фил боласини тутиб, шаҳар четига да-кувват устунга занжирбанд этибди. Мустаҳкам темир занжирларни узоқмаган фил кўп йиллар шу тахлит банди бўлиб, томошаталаб одамларга эрмак бўлиб қолаверибди. Иттифоқ, бир кун томоша излаб келган одамлар филнинг оёқларини занжирдан озод кўриб кўриб кетишибди. Фил эса қайси томонга йўл тортишини билмай, яна кўп йиллар, умрининг охиригача-ей, ўзи занжирбанд этилган устун атрофидан йироққа, болалиги кечган нурли манзил — ўрмонзорга кетолмаган экан. Ҳозир жумҳуриятимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллик томон ташлаётган қадамлари билан йўннинг уммаслигига сабаб ҳам (айни филнинг тақдирига ўхшаш) марказдан узоқлашолмаётганимиздандир. Шунинг учун зиёлиларимиз биринчи навбатда йўлбошчилик вазифасини адо этишлари керак. Уларнинг етакчилигида халқ истиқболни четдан эмас, ўз-ўзидан изласин. «Иттифоқ шартномаси» деб номланган сирли қопқондан жумҳуриятимизни эсон-омон олиб ўтиш ҳам бутунлигича зиёлиларимизнинг бўйнидаги энг масъул вазифадир. Бу борада Одил Ёқубов, Жамол Камол, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Фарҳод Рўзиев, Муҳаммад Солиҳ каби ижодкор ва олим зиёлиларимизнинг фаолиятлари ибратга лойиқ. Улар сафларининг янада кенгайиши эса жамиятимизни сиёсий ва иқтисодий танглик ботқоғидан тезроқ қутулишига ёрдам беради.

4. Зиёлиларни қандайдир алоҳида бир тоифага ажратиш асло ярамайди. Улар исталган тоифага мансуб бўлишлари мумкин. Яъни зиёли ишчи, зиёли деҳқон, зиёли ижодкор ва ҳоказо. Зиёли одам, албатта, дипломли бўлиши шарт эмас, балки дипломдан-да юксакроқ бўлган мушоҳада қила олиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Қурултойларимизнинг биз истагандек ишчан вазиятда ўтмаётганлиги — халқ ноиблигига вакилларни зиёлилик даражасига қараб эмас, қайси тоифага мансублигига қараб сайланганлигининг салбий оқибатидир.

5. Назаримда, айнан жумҳуриятимиз раҳбарлари ва зиёлилари ўртасида кўзга аяқол кўринарли тафовут бор. Бу тафовут зиёлиларимизнинг минг куйиб-пишишига қарамасдан тил ҳақидаги Қонунимизнинг ўта сустиқшлик билан амалга оширилаётганлиги ёки ёшларимизнинг ҳарбий хизмат бурчини ўташ учун хануз четга (энди ишчи эмас, жангчи қисмларга) юборилаётганию экологиямизга таалуқли кўплаб муаммоларнинг ҳал этилмаётганлигидея аяқол сезилмоқда. Шу босидан жумҳуриятимизда Президентлик кенгаши ташкил топганида жуда қувонган эдим. Лекин кенгаш аъзолари тартиби билан танишганимдан сўнг бу хурсандлигим унча узоққа бормади. Кимдир ёзувчи ва шоирлар кенгашда салмоқли ўринни эгаллаган-ку, деб эътироз ҳам билдирар, аммо ижодкор мен юқорида таъкидлаб ўтганимдек, ҳали зиёли дегани эмас. Кейинги йилларда жумҳуриятимизда кўплаб расмий-норасмий ташкилот ва партиялар вужудга келдики, менимча, кенгашга шу гуруҳларга мансуб бўлмиш зиёлилардан ҳам вакиллар кириши лозим. Бу эса раҳбарлар ва зиёлилар ўртасида ўзаро мувофиқликнинг туғилишига катта таъсир кўрсади.

6. Билган нарсаларимга нисбатан билмаганларимнинг кўплиги ўзимни том маънода зиёли, деб аташимга монелик қилади. Аммо, бари бир, зиёлилар сафидан жой олишга интилиб яшамоқ — менинг энг эзгу ниятимдир. Чунки зиёли фарзандлари кўп бўлган халқ ҳеч қачон аро йўлда қолиб кетмагай!

#### Абдуқодир ЭРГАШЕВ,

Ўзбекистон ССЖ Табиатни асраш Давлат қўмитаси раисининг биринчи муовини, биология фанлари номзоди:

1. Зиёли деганда ҳақиқатан ҳам зиё тарқатувчи, аниқроғи, илмли, фозил инсонларни тушуниш мумкин. Жоҳил, саводсиз, тарбиясида кўполлик қусури бор кишиларни зиёлилар қаторига қўшиб бўлмайди. Фозил инсонларни ёниб турган

шаъмга қиёслагим келади. Улар бошқаларга яхшилик уруғларини улашиб, ёруғлик нурларини таратиб, ўзлари адо бўлишдан чўчимайдилар. Мен ҳаётда ҳақиқий зиёли, фозил шахсларни уратиб, улар суҳбатидан баҳраманд бўлганман деб фахрлансам бўлади. Улар менда унутилмас таассурот қолдиришган. Ўзимнинг устозларим деб, уларга хаёлан таъзим қиламан. Бирон-бир ишни ҳал этишда ёки масалани ечишда шу кишилардан маслаҳат сурагим келади. Афсуски, ҳаётда ҳамisha ҳам улар билан бирга қадам ташлаб, бамаслаҳат иш юритишнинг иложи йўқ.

2. Назаримда, зиёлилар ҳар турли жамиятда турлича макъа ва қадр-қимматга эга бўлсалар керак. Лекин бундан қатъи назар, уларни доимо Данько жасоратини такрорлашга тайёр турган шахслар, деб тушунаман.

Зиёлиларнинг тутган ўрнига ва руҳия-аҳддолларига қараб, жамиятнинг қанақа жамият эканлигига баҳо бериш қийин эмас. Лекин шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, чўнтагида олий маълумот ҳақида бир ёки иккита диплом ёки ҳатто номзодлик, докторлик, қолаверса, Академиянинг муҳбир аъзолиги ҳақидаги ҳужжатини олиб юрган кишилар ҳам зиёли шахс бўла олмасликлари мумкин.

Зиёлилар айнан мана шу ёки бошқа масалалар билан шуғулланишлари лозим, деган гап менга жуда кулгули туюлади. Улар фақат ақлий меҳнат билан шуғулланадилар, дейиш ҳам менимча нотўғри. Буларнинг барчаси нисбий талаблар. Зиёли одам сиёсатда ҳам, илмда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам қатнашиши мумкин.

Зиёлилар ижтимоий-сиёсий масалаларга бурниларини тикиши лозимки, деган савол ноўриндай. Аслини олганда улар — давримизнинг ақли, гидроки ва виждони бўлишлари керак эди. Лекин, афсуски...

3. Зиёлилар бундан 30—40 йил, 100 ва 1000 йил бурун ҳам мазмунан бир бўлганлар, десам адашмасам керак. Лекин жамиятнинг, тузумнинг у ёки бу босқичида ҳал этилаётган муаммолар ҳар хил бўлганлиги учун зиёлилар ҳам ҳар хил даврларда турли масалалар устида турлича бош қотирадилар. Масалан, 30—40 йиллардаги зиёлиларимиз асосан коллективлаштириш тарғиботчилари ёки саводсизликни тугатишда иштирок этган бўлсалар, ҳозирги даврда илмий-техника тараққиётини таъминлашда экология масалаларини ҳал этишда, тинчлик, дўстлик, меҳр-шафқат аксияларида жавлон урмоқдалар.

Менимча, ўзбек зиёлиларининг бугунги босқичидаги асосий вазифаларидан бири — аввалом бор, жамиятимизни ҳосил бўлган инқирозлар ботқоғидан қутқариш, жумҳуриятимизнинг иқтисодий, маънавий ва сиёсий мустақиллигини таъминлашдек мушкул ва кўп қиррали сазъ-ҳаракатларида жанговарлик кўрсатиш, деб ҳисоблайман.

4. Эҳтимол, жамият тараққиёти мураккаблаша бориши билан бир қаторда жамиятнинг ҳар хил қатлам ва тоифалари ҳам шакллана бориши шартдир. Балки инсоният қачонлардир энг олий даражада, мукамал ривож топган жамиятга қуришга эришар ва унда ҳар томонлама камолот даражасига эришган фозил кишилар истиқомат қилишар. Лекин ҳозирча биз ҳунармандларни, ишчини ёки давлат раҳбарларини тан олганимиздек, зиёлиларни ҳам унутмаслигимиз керак. Аммо бир нарсани тан олишимиз керакки, ҳақиқий зиёлиликни кишига наслдан-наслга ҳам, авлоддан-авлодга ҳам мерос қилиб, ҳада ёки совға қилиб ҳам, унвони билан бериб бўлмайди. Жованни Боккачо ёзганидек, «ҳар ким бу олий унвонга ўзи эришади».

5. Бўлса бори. Ҳаммамиз ҳам кимлардандир нима-ларнидир ўрганамиз, ўрناق оламиз-ку, ахир! Тафовут, албатта, бўлади, лекин раҳбарлар ва зиёлилар деб уларни бир-бирига қарши қўймасдан, балки зиёли раҳбар кадрларга ҳам эга бўлишининг муҳим масала эканлигини унутмаслигимиз зарур. Чунки миллатнинг фахри, ғурури ва умид таянчи шу билан ҳам белгиланади.

6. Менга баҳони бошқалар қўйсалар керак. Тўғрими?..

#### Эшбадал РАҲИМОВ,

Советобод тумани халқ таълими бўлими ходими:

1. Бирор-бир олий ўқув юртини тамомлаган билан киши зиёли деб аталавермаслиги аниқ. Ўқитувчилар орасида (касбим ўқитувчи бўлганлиги учун ҳам кўпроқ ўқитувчи зиёли

ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман) ҳам шундайлари борки, уларга давр дарахтининг — ўткинчи шамол биланми — ҳайтовур салгина қимирлаши бўлса бас, ўша шамол эсган тарафга қоматларини эгадилар. Илгарилари ҳар бир кунларини «навбатдаги съезд қарорларидан руҳланишдан» бошлаган бўлсалар, эндиликда «қайта қуриш ҳавоси» билан нафас оладилар. Икки ўртада эса ўқувчи болаларга қийин: улар ўқитувчиларининг илгариги сўзларига ишонишсинми ёки айна пайтдаги янгича турланишларигами?..

Бироқ ҳар қандай қийин дамларда ҳам ўзини, оиласини ўйламай, кўпроқ ўқувчиларининг таълим-тарбияси, дунёқарашлари ва билим доирасининг кенг бўлишига узлуксиз интилиб келган собит сўзли, пок виждонли ўқитувчилар ҳам йўқ эмас, уларнинг юзи энг одил ҳукм соҳиблари — ўқувчилари олдида ҳамиша ёрўғ, таъбир жоиз бўлса, мен шундайларни зиёлилик шохсупасига кўтарилганлар сирасидан деб билардим.

2. Ҳозир шундай алғов-далғов замонда яшайпмизки, ҳатто сотсиализм тузуми отлиғ жамиятда яшайпмиз, деб айтишга ҳам хижолат бўласан киши. Ҳар турли муаммою ташвишлардан тўйиб кетганимда эса ўзингни кичиккина бир умид яшатиб турганлигини ҳис қиласан ва ўйлайсан: балким биз турғунлик даврининг ҳавосини олганлигимиз учун ҳам шундай бўлаётгандир, балким келгусида... Ҳа, ҳамма гап ҳам ана шу «келгусида». Ҳозирги ҳали маънавий шаклланиб улгурмаган ёш авлодгина келгусида биздан олдингилар ва биз йўл қўйган хато ва нуқсонлардан тегишли хулоса чиқарган ҳолда кўп жамият негизини тубдан қайта қуришлари мумкин. Уларнинг шундай бўлиб етишишларида эса ўқитувчи зиёлиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлиши табиий. Ҳозирги ўқитувчи зиёлиларнинг олдиларида турган масъулиятли вазифа ёш авлодни янгича фикрлашга ўргатишдир.

3. Бу борада бир нарсанингина сесканмай айтишим мумкин: бундан 30—40 йил илгари мавжуд бўлган «гуручнинг курмаги» айна пайтда ҳам бор, бундан кўз юмиб бўлмайди. Лекин мен шу ерда бир нарсага тўхталиб ўтишни истардим, ҳозирги пайтда ўқитувчи, ўқувчи ва ота-она ўртасидаги самимият тобора сустлашиб бормоқда. Ўйлашимча, боланинг таълим-тарбиясига, унинг келажақда ким бўлиб етишиши йўлида катта рол ўйнайдиган бу ҳолат, албатта, яхшиликка олиб келмайди.

4. Бу масала тўғрисида унчалик ўйлаб кўрмаган эканман, лекин шу нарсани аниқ айтишим мумкинки, ҳар қандай масалга (хоҳ у ижтимоий, хоҳ бошқача бўлсин) асосан, моддий томонини ўйлаб ёндашадиган оддий ишчи билан таълим-тарбия ишларини уйда ҳам, мактабда ҳам ўзига қурол қилиб олган, маънавий фикрловчи ўқитувчи зиёли ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, деб ким айта олади? Бундан келиб чиқадигани шуки, демак, жамият кишиларини турли тоифаларга ажратиш шарт экан-да?! Шу сабабли ҳам истаимизми, истамаймизми, бу нарса ҳақиқатлигича қолади.

5. Менга қолса, раҳбарларнинг ўзини худди ишчилар синфи ва бошқалар каби алоҳида бир синф сифатида мавжуд деб айтардим. Илгари «тустовуқ ўзининг рангдор думини кўпчиликдан яширишни хуш қуради ва бунни у мағрурликка тенглайди», деган гап эшитган эдим. Айна пайтда раҳбарларимиз ҳам оми халқимиз «рангдор» деб биладиган «думларини фақат мағрур эканликларини исботлаш учунгина беркитишларини асло истамайман. Ундан кўра орада илгарироқ мавжуд бўлиб келган тафовут пардасини кўтаришлари, не-не буқилишу эгилиш синовларини бошидан ўтказганлигидан шўр босиб кетган ҳақиқатнинг покланиши юмушларида зиёлилар асосан халқ билан ҳамдаст ва ҳамнафас бўлишлари лозим деб ўйлайман. Зеро, буюк ишларни ҳамма вақт ҳеч қандай кучмас, балки қалблардаги олий туйғуларнинг муқаддас бир яхлитлик сари узлуквор интилишлари келтириб чиқаради.

6. Бу мен учун жудаям мушкул савол... Шу пайтга қадар маориф соҳасида неча йил ишлаган бўлсам-да, (бошқа соҳалардаги сингари бизда ҳам мавжуд бўлган) қингир ишларга қўлимни урмадим. Нохиямиздаги мактаблар билан тўғридан-тўғри олиб бориладиган таълим-тарбия ишларидаги зиммамага юкланган вазифаларга эса қўлимдан келганча, ҳалоллик ҳисси билан ёндашдим. Энг асосийси, виждоним олдида ўзимни пок деб ҳисоблайман. Шу сабабли ҳам гарчи нокамтарлик бўлиб кўринса ҳам, ўзимни маълум маънода ўқитувчи-зиёлиман, деб аташга ҳақли деб биладим.

Саволларни тузган ва уюштирган: **ТошДД толиби ЕДГОР ЛАТИФ ўғли.**

## Амриддин Бердимуродов

Эрмитажда ватанимизнинг қадимий тарихи, маданияти ва амалий санъатига оид кўплаб осори атиқалар сақланади. Нафис санъат асарларию ҳайкаллар, тангаю суратлар, битиктошлар тарзидега етиб келган айна меросда буюк боболаримизнинг нозик дид ва иқтидорлари, эътиқод ҳамда тафаккурлари муҳрланиб қолган. Шулардан бири диёримизнинг темурийлар даври тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга молик бўлган битиктошдир.

Олис ўтмишдан шохидлик берувчи ушбу битиктош Улуғ Ватан урушидан илгари Қозоғистоннинг Улуғтов манзилидан топилган ва Ленинградга, Давлат Эрмитажга олиб келинган.

Битиктошнинг юқори қисмидаги ёзув уч қатор бўлиб, араб имлоси ҳам араб тилида; қуйидаги ёзув эса саккиз қатор бўлиб, уйғур имлосида туркий тилда. Бошдаги битик жуда майда, атиги бир сантиметр катталиқда, қолаверса, у неча асрдан буён очикда турган, шунинг учун ҳам ёзувни ўқиш мушкулдир. Битикни илк бор туркшунос олим Н. Поппе ўрганган ва матнни аниқлашга ҳаракат қилган. Орадан беш йил ўтган, шарқшунос олим А. Понамарёв ҳам уни қайта ўқишга уриниб кўрди. Олимнинг фикрича, дастлабки тадқиқотчи битикнинг умумий маъносини ойдинлаштиргани ҳолда баъзи ёзувларни нотўғри тушунган. Шунинг учун А. Понамарёв айрим сўзларни моҳиятдан келиб чиқиб чуқур таҳлил қилди ва матннинг бошқача йўсинини тақлиф этди. Агарда битикнинг у рус тилига қилган таржимасини ўзбек тилига ўгирадиган бўлсак, қуйидаги мазмун келиб чиқади: «Тарихнинг етти юз тўқсон учинчи — Қўй йилида Турон султони Темурбек икки юз минг черик билан Тўхтамиштон устига юрди. Шу ерда белги бўлсин деб ушбунни ўрнатди. Тангри нисбат бергай, иншоолло...» Тошнинг тепа қисмидаги арабча ёзувнинг фақат «Марҳаматли ва мурувватли Худованди Карим шарафига...» — деган жумласини ўқишга эришилган. Бошқа қисми хиралашиб кетганлиги учун аниқлашнинг иложи бўлмаган.

Муаррих Низомиддин Шомийнинг ёзишича, соҳибқирон-жаҳонгир Амир Темур Кўрагон 1391 йилнинг 28 апрел куни Тўхтамиштон устига юриш қилган, бораётеб Улуғтов деган жойда тўхтаган, баланд тепалик устига қиқиб теварак-атрофга, узоқ-узоқларга назар солган ва мана шу ерга бир белги қўйиш ҳақида буйруқ берган. Шунга кўра ҳар бир аскар биттадан тош келтириши, тошлар бир жойга тўпланиши, шуларнинг ичидан силлиқ бир тош танлаб олиниб, унинг сиртига икки

имлода, икки тилда ёзув битилиши лозим эди. Юқорида кўзда тутилган битиктош шу тарихқа юзага келгандир. Бу битик қалбаки эмасмикин деган шубҳада айрим олимлар уни қайта текшириб, тошдаги қайдларни тарихий манбалар билан солиштириб кўрдилар.

Битикда зикр этилганидек, Амир Темур ҳақиқатан ҳам ўзини Турон султони деб атаган ва Тўхтамишхон устига икки юз минг лашкар билан бостириб борган эди. Бу юриш 1391 йил содир бўлганлиги, шунинг шарафига битиктош ўрнатилгани темурийлар даврининг йилномачилари Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийларнинг асарларида қайд этилган.

Хўш, ушбу битикда айтиб ўтилган Олтин Урдага юриш қандай бошланиб, қай тарихқа якун топган. Буни ойдинлаштириш учун авваламбор Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасидаги муносабатларга қисқача тўхталиб ўтиш лозим. Маълумки, жаҳонгир Амир Темур билан Тўхтамишхоннинг илк учрашуви 1375 йили Самарқанд шаҳрида бўлган эди. Ушанда Олтин Урда хони Урисхоннинг таъқибидан қочиб, Тўхтамишхон паноҳ излаб келганди. Гарчи Амир Темур мўғуллар истилоси туфайли хароб бўлган Маворауннахрни қайта тиклаш билан банд бўлса-да, шунга қарамай Тўхтамишхонга иззат-ҳурмат кўрсатди. Тўхтамишхон унинг жамики ёрдамини сидқидилдан қабул қилди ва унга содиқ қолиши ҳақида қайта-қайта қасам ичди. Орадан йиллар ўтиб, 1380 йилдаги Куликово жангидан кейин мавкейи йўқолган Мамайхонни тор-мор келтиргач, Жўжи улусида ҳокимиятни қўлга киритган Тўхтамишхон салбий томонга ўзгарди. Табиийки, у тасарруфидаги ерларни кенгайтиришга интилди — таловчилик юришларининг режасини тузди. Ҳатто ҳомийси Амир Темурнинг яхшиликларини ҳам ҳисобга олмай, унинг қўл остидаги юртликлари босиб олиш учун 1387-88 йилларда икки марта ҳамла қилди. Яқиндагина кўз ёш тўкиб, паноҳ излаб келган Тўхтамишхоннинг энди уялмай-нетмай қўшин тортиб келиши, табиийки, жаҳонгирни қаттиқ ғазаблантирди. У секин-аста қад ростлаётган ватанини химоя қилишга шайланди. Сирдарё бўйларида Тўхтамишхон қўшинлари кучли зарбага учради. Бундай бўлишини кутмаган тажовузкорлар тирқираб кетишди. Амир Темур эса музаффар қўшини билан Самарқандга қайтди. Албатта бу Тўхтамишхоннинг буткул мағлубиятга учраганини англатмас, у катта қўшин тўплаб, ҳеч қутилмаганда Мовароуннахрга бостириб келиши ҳам мумкин эди. Яъни, шимоли-ғарбий сарҳадларда Амир Темур салтанати осойишга путур етказувчи кучли душман пайдо бўлганди. Шу боис у Тўхтамишхонни тамомила янчиб ташлаш учун ҳозирлик кўра бошлади ва 1389 йили Олтин Урдага қўшин тортди. Тўхтамишхон эса очик жанг қилишдан чўчиб чўлга қочди. Уни қувиш бефойда эканлигини англаган Амир Темур муқаррар содир бўлажак урушга яраша куч тўплашга киришди.

Тарихчилар қайд этишича, Амир Темур Тўхтамишхонга қарши 1390 йилнинг қишида юриш бошлаган. Самарқанддан чиққан қўшинлар Сирдарёни кечиб ўтган-да, Чиноз яқинида қишлаган. Соҳибқирон ўз одаватига кўра Шайх Маслаҳатнинг қабрини зиёрат қилиш учун Хўжандга борган ва атаган назру ниёзларини бевабечораларга улашиб, тагин Чинозга қайтиб келган. Шундан кейин у қаттиқ бетоб бўлиб, қирқ кунча ётиб қолган. 1391 йилнинг январ ойида соғайгач, яна у шижоат билан бўлғуси жангга ҳозирлик кўра бошлаган. Жаҳонгир амирларга, лашкарбошию навкарларга совға-салом улашган, уларнинг руҳини кўтарган. Ўғирқдаги маликалардан фақатгина гўзал хотини Чўлпон Маликни олиб қолган, бошқаларини эса Самарқандга қайтариб юборган. Ниҳоят, 22 январ куни қўшин Тошкентдан ўтиб

Қора Сомон деган жойга етишганда уларнинг ҳузурига Тўхтамишхоннинг элчилари етиб келган. Бу бежиз эмас эди, албатта. Амир Темур катта қўшин билан ёпирилиб келаётганлигини эшитган Тўхтамишхон талвасага тушган ва музокара олиб боришга қарор қилган эди. Соҳибқирон уларни ҳурмат билан кутиб олинг, дея буйруқ берган. Тўхтамишхон ҳадя сифатида инъом этган ва элчилар олиб келган лочинини у қўлига кўндирган-у, бироқ унга қайрилиб қарамаган.

Элчилар Амир Темурнинг қаршисида тиз чўкишиб, унга Тўхтамишхоннинг мактубини топширишган. Ушбу номада Тўхтамишхон унга қилган хиёнатидан қаттиқ пушаймон эканлиги, Амир Темур ағарда гуноҳидан ўтса, бундан буён вассал бўлиб, унинг барча буйруғини сўзсиз бажариши айтилган эди. Бу Тўхтамишхоннинг навбатдаги найранги эканлиги жаҳонгирга сир эмас эди, шунинг учун ҳам унга муносиб жавоб қайтарди. Жавоб хатида онқўрлик қилган Тўхтамишхоннинг ваъдаю сўзига ҳеч қачон ишонмаслигини қайд этиб ўтади. Шундан сўнг Амир Темур юришни давом эттираммизми ёки Самарқандга қайтамизми деган масалани ҳал қилиб олиш учун қурултой чакирди. Қурултойда қатнашган амирлар, шаҳзодаю лашкарбошилар юришни давом эттириш лозим, Тўхтамишхон вақтида тийиб қўйилмаса, барибир, бир кун шунга мажбур бўлинади, дейишади.

1392 йилнинг феврал ойи охирларида Амир Темур қўшинлари Ясса, Қорачуқ ва Саврондан ўтиб, бепоён даштликка чиқишди. Апрель ойининг охирларида қўшин Улуғтовга етиб келди. Худди шунда жаҳонгир баланд чўкқига чиққан ва теварак-атрофга назар солиб, кўнгли аллақандай ҳисларга тўлган, шу ерда ўзидан бир ёдгорлик қолдирмоқчи бўлган.

Битиктош ўрнатилгач, қўшин яна олдинга силжиган. Ялиниб-ёлворишига қарамай, барибир, юриш режасидан қайтмаган Амир Темур лашкарини қай тарихқа ҳолдан тойдирсам экан, деб ўйлаган Тўхтамишхон ахири бир қарорга келган, яъни рақиб қўшинини ортидан эргаштириб, чўлда қочиб юришни, уларни ҳоритидани, очликка дучор қилиб, сўнг бирдан ҳужумга ўтишни режалаштирган. Унинг бу ниятини жаҳонгир англаб, рақиб лашкарлари изини топиш учун ҳар томонга моҳир хуфиячиларни жўнатган, набираси, жасур лашкарбоши Муҳаммад Султонга қўшин ажратиб бериб, олд томонга юборган. Шунингдек, Умаршайх Мирзони ҳам 20000 лашкарга бош қилади ва Тўхтамишхонни ахтаришга йўллайди.

Умаршайх Мирзо рақиб қўшинлари билан юзма-юз келиб, жангга киришади.

1391 йилнинг 18 апрелида Амир Темур ўзи қўшинга бош бўлиб, Самара вилоятининг Қундузча деб ном олган жойида Тўхтамишхон қўшинига қарши жанг бошлайди. Тўхтамишхон лашкарлари тор-мор этилади.

Амир Темур ғалабани қўлга киритгач, Ейиқ дарёсидан кечиб, Саврон, Утрор, Тошкент орқали Самарқандга қайтиб келган. Бу юришга жами 11 ой вақт кетган. Шундан сўнг ватаннинг шимоли ғарбий ҳудудлари анча йиллар осойишта турди...

Ленинград Давлат Эрмидажидаги бу битиктош Амир Темурнинг ватан осойишталиги йўлида олиб борган курашларидан бири ҳақида ҳикоя қилувчи ёдгорликдир. Жаҳонгир уни Улуғтовда мангу турсин, келажак наслларга шавкатли ишларимизни доимо эслатсин, деб ўрнатган бўлса эҳтимол. Шу маънода, қимматли бу обида ўзининг азалий жойи — Улуғтовга қайта ўрнатилса, нур устига нур бўлар эди.

Баҳодир Қобул

АВЛОДЛАР

ТАЪНАСИГА

ҚОЛМАЙЛИК

Бу (турк)ларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши кулок соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳларини ҳам кечиб юборадилар.

Маҳмуд Кошғарий.

Тилимиз учинчи бор қайтадан Мовароуннаҳрда давлат тили мақомини олди. Биринчи бор туркий тилга девон тили рутбаси беназир Алишер Навоий уни «тиллар ботқоғидан» олиб чиканидан сўнг берилганди. Уша воқеадан кейин оз эмас, кўп эмас, роппа-роса беш аср ўтибди..

Пайсалга солинган иш ўз аҳамиятини йўқотганидек, ижроси асоссиз кечиктирилган Қонуннинг ҳам кадри бўлмайди. Бу хусусда грекларда яхшигина ибора бор: «Амалга ошмайдиган ҳар қандай Қонундан қаҳвахонанинг гапи афзал!» Ушбу Қонуннинг моҳияти, бажарилиши ва кишиларимиз онгига қай даражада етиб бораётгани ҳамда улар қандай фаолият кўрсатаётганликларини ўзим яшаётган ва ишлаётган Самарқанд вилояти мисолида бир оз таҳлил қилмоқчиман.

Ўтган муддатда вилоят босмахонасида муҳр тайёрлайдиган ёзув машинкаларига ўзбекча ҳарфлар ўрнатадиган махсус устахона очилиб, ишга туширилди. Улар хизматидан қўшни вилоятлар ҳам фойдаланишлари мумкин. Қонун қабул қилинганлигининг бир йиллиги тантанали нишонланди. Буларнинг барчаси қувончли, албатта. Қувончлар эса ўзбекистонликман деганининг барчасиники! Жумҳуриятимиз бошидан кечираётган ачинарли кунлар-чи?! Улар қачон қувончга айланади? Қонун тўлигича етти-саккиз йилдан кейин амалга ошар экан деб ўйлаш бориб турган ноқобиллик, қолаверса, ота-боболаримиз рўҳига беписандлик, хиёнатдир.

Маълумки, Қонуннинг фақат 4, 7, ва 8-моддаларини амалга оширишгагина узок муддат берилган. Шунингдек, бу уч модда барчага бирдай тааллуқли бўлиб қолмай, балки давлат хо-

Баҳодир Қобул — ёш тилшунос, журналист, боз устига халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашида масъул ходим бўлиб ишлайди. Яъни Давлат тили мақоми берилган тилимизнинг ижросига бевосита масъуллардан. Биз ижодкорлар — гоячилармиз, ижрочилик ишидан кўпинча беҳабармиз ва аксар ҳолларда улардан нолиймиз. Хўш, ижрочи, масъуллар, ўша қозонда қайнаётганлар нима дейди бунга. Балки охир мақсадларимиз бир чиқиб қолар...

Дарвоқе, Баҳодиржон номларни абадийлаштириш, аниқроғи ном қўйиш масаласида ҳам юзага келаётган муаммолар хусусида фикр билдирган. Унинг мулоҳазалари эҳтимол, баҳслидир. Эҳтимол, Сизнинг дилингизда эътироз тугдирар. Агар шундай бўлса, марҳамат, кўнглингиздаги гапларни ёзиб юборинг, баҳсу мунозарада иштирок этинг.

кимияти ва бошқарув органларида ишлаётган, туб ерли халқ тилини билмайдиган амалдорларгагина тегишлидир. Тил билмайдиган раҳбар билан ишлаш ўта ноқулай. Айниқса, ўзга тилда сенга ақл ўргатиб турса. Иншоолло, nasib бўлса, элимиз бу борадаги ўзининг нақд гапини ҳализамон айтгусидир.

Лекин шу нарса аёнки, жумҳуриятимиздаги анчайин идораларнинг (биринчи навбатда фирқа кўмиталари) раҳбарлари Қонуннинг 28-моддасини писанд этмаяптилар. Мазкур моддада эса улар зиммасига ўзларига бўйсунувчи соҳа доирасида Қонун талабларига риоя қилинишига шахсан жавобгарликлари кўрсатилган. Амалда эса Қонунни тан олмаслик, билиб билмасликка олиш (аслида булар замирида ўзбек тилини менсимаслик иллоти ётади) оқибатида ўзибўларчиликка, сансоларликка йўл қўйилмоқда.

Ҳар қандай вилоятда бундай ташкилотлар, идоралар рўйхати анча узун эканлигига имоним комил. Аммо ўша рўйхат бошида Ўзбекистон ССЖ иктисодиёт кўмитаси ҳамда Ўзбекистон комфирқа Марказўми сингари давлат ва жамоат ташкилотлари турганигига нима дейсиз?!

«Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш давлат дастури қабул қилинганидан буён уни бажариш борасида жумҳурият иктисодиёт кўмитасидан олган ҳужжатларимизнинг биронтаси давлат тилида эмас! Дардингни кимга айтишингни билмайсан киши. Истеҳзоли бўлса-да, айтишим керак, жумҳурият иктисодиёт кўмитасида мазкур иш билан А. Б. Фёдорова деган ходима шуғулланади. Бошқача қилиб айтганда, давлат тилига ҳомийлик вазифаси шул зотга юклатилган. Тил билмаслик айб эмас, бироқ тил билан ўйнашган ёмондир!

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда ташкил этилган атама кўмитаси ишини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Мазкур кўмита ҳалигача давлат бошқарув органларига ўзи тасдиқлаган атамалар рўйхатини тақдим этган эмас. Оқибатда бир қатор тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Шу ўринда одоб доирасидан чиқиб бўлса-да, бир гапни айтишни лозим топдим.

Зеро, юзга айтганининг захри йўк: ўша атамакўмда фаолият кўрсатаётганларнинг анчагинаси бир вақтлар ўзбек тилининг остига сув қуйганлардандир. Хонлиқнинг эса катта-кичиги бўлмайди. Қолаверса, ҳурматли домла, Ўзбекистон ССЖ Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Азим Ҳожиев таъкидлаганларидек, «у ёки бу соҳада янгиланиши лозим бўлган ата-малар (терминлар) айрим мутахассислар ваҳима қилиб юрган даражада эмас».

**ТАҚЛИФИМ:** атама кўмитаси ишига олимлар жалб этилиб, унинг аъзолари рўйхати марказий матбуотда эълон қилинса. Шунингдек, маълум мuddат берилсаким, ишларнинг якуни (албатта, нисбий)нинг мuddати аниқ белгиланса.

Менга тинчлик бермайдиган, қолаверса, умуман куракда турмайдиган яна бир ҳолат ҳақида фикр юритмоқчийдим. Маълумотларга кўра, Қонунни амалга ошириш учун 1128,6 миллион сўм сарфланиши керак эмиш. Жумҳурият бўйича иш қоғозларини қайта янгилаш учун 76,8 миллион сўм сарфлаш, концерт ва театр залларига видеомагнитофонлар олиш мақсадида 0,48 миллион сўм, олий таълимгоҳларни компьютерлар, менгафонлар ва видеомагнитофонлар билан жиҳозлашга 253 миллион сўм, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлашга ҳам миллионлаб сўм сарфланиши кўзда тутилган. Бир қарашда бу кўпдай туюлади. Бироқ, аслида буларнинг барчаси «Қонунни бажариб бўлмайди» дейишгаётган валломатлар чирогига мой куюди, холос. Жаноблар, ахир етмиш йилда мактабларимизни ўрис тилидаги компьютер, видеомагнитофон, лингофон билан тўлиқ таъминлай олмадинглар-ку, нега энди оғирлиқнинг барчасини шўрлик ўзбекнинг давлат тили ҳақидаги Қонунга келтириб тақаймиз?!

Жумҳурият бўйича иш қоғозларини янгилаш хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Бир ташкилот икки-уч йилда ўзининг иш қоғозларини қайта тайёрлаш учун босмаҳоналарга буюртма беради. Шундай экан, бу иш ҳачақалла демасдан, босиқлик билан, тadbиркорлик билан ҳал этилса сиз-да, кабобда куймайди. Томошоғоларга, театрларга ўрнатилиши кўзда тутилган видеомагнитофонларнинг ўзбек тили девонига хизмат қилишини эса ҳазм қила олмайман. Бундай бирёкламлик билан ишга киришмаслик керак. Қонунни кишилар кўзига олабўжи қилиб кўрсатмаслик лозимдир.

Яна бир нарсани ҳеч тушуна олмайман: вилоятимизда (бошқа вилоятларда ҳам аҳвол мактагулик эмас!) 287 та факат ўрис тилида машғулот олиб бориладиган болалар боғчаси бўлса, уларнинг биронтасининг мудираси ҳам ўзбек тилида тарбиявий иш олиб боришу ҳужжат юритишни билмас экан. Ваҳоланки, уларнинг аксарияти шу ерда туғилиб-ўсган кишилардир. Мудираларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш учун роппа-роса 115600 сўм зарур. Бир илож қилиб, шунча пул ҳам топилиши мумкин. Бироқ ишончим қомилки, 287 мудирадан еттигасининг ҳам малакаси қиёмига етиб қолмайди. Тарбиячи рух муҳандисидир. Араблар айтганидек, «тарбиячини тарбиялашга уришиш тебалиқдан бошқа нарса эмас!»

Қонуннинг 27-моддасида давлат тилига ва бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараган мансабдор шахслар, аризалар ва шикоятларни қабул қилишдан бош тортганлар ССЖИ ва Ўзбекистон ССЖнинг амалдаги қонунлари асосида жавобгарликка тортиладилар, дейилган. Амалдаги қонунларни ёд биладиган маъмурий-ҳуқуқий идора ходими ҳам давлат тилига номуносиб йўл тутган шахсга нисбатан ҳеч қандай жазо қўлламайди.

**ТАҚЛИФИМ:** мазкур Қонун янги тахрирда ёзилиб, муддатлар масаласига жиддий қаралган ҳолда Олий Кенгаши-мизда қайта кўрилса. Зеро, ҳукуматнинг обрўйи у чиқарган Қонуннинг ҳаётйилиги ва адолатлигидадир! «Халқ сўзи» рўзномаси эса Қонуннинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб борса.

2

«Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилиниши билан жумҳуриятимиз бўйлаб жойлар номларини ёппасига қайта (масалага ёппасига ёпишиш бизга калхўзлаштириш дaвpидан қолган бўлса керак!) номлашга киришиб кетишди. Ҳар яхшининг бир ёмони бор деганларидек, бу жаb-ҳада ҳам анчайин кишилар демократия (халқпарварлик)дан—

халқнинг никоb қилинишини, жоҳилликни; торқобикдан — дунёвий кенгликни ажрата олмаётирлар. Бизнинг вилоят ижроия кўмитаси ном қўйиш комиссиясига ноҳиялардан келаётган тақлифлар билан танишиб чиққан киши ёқасини ушламай иложи йўк. Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол худди шундай. Бундай дейишга марказий матбуотдаги ахборотлар сабаб бўлапти. Яқинда ноҳия ижроия кўмиталаридан бири Молдовада харбийликни ўташ чоғида ҳалок бўлган аскарнинг номини абадийлаштириш ҳақида қарор қабул қилиб, тасдиғини қонун-қоидага биноан вилоят ижроия кўмитасидан сўради. Молдовадаги харбий қисмдан ва ноҳия харбий комиссари берган маълумотномада, аскар харбий машқ бажараётиб мардларча ҳалок бўлди, дейилган. Мана сизга жумбок. Маълумотнома сўнгида харбий қисм командири аскар номини абадийлаштиришни маъқуллайди-ю, кўрсатган мардлиги нимадан иборат эканлигини айтмайди. Табиийки, вилоят ном қўйиш комиссияси бу тақлифни рад этди.

Яна бир мисол. Ноҳиялардан бири марҳум фан номзоди хотирасини абадийлаштириш ҳақида қарор қабул қилган. Сабаб, «кишлоқдан чиққан ёш олим бўлиб, эрта вафот этган; кўпроқ яшаганда катта ишлар қилган бўларди» эмиш. Тўғриси, марҳум ҳақида гапириш ножонздир. Бироқ, ноҳия ижроия кўмитасидагилар масалага жиддий қарамаганликларини таъкидламоқчиман.

Маълумот учун: хозирги кунда Самарқандда 180 нафар фан доктори, 1800 нафар фан номзоди хизмат қилмоқда...

Кишлоқ кенгашлари томонидан келаётган тақлифларда эса кўрғонлардаги кўчалар, мактаблар, шифоҳоналар, ҳатто фермаларга ҳам кишилар — биринчи бригадир, биринчи коммунист, биринчи фахрий, биринчи пахтакор номини бериш кўрсатилган. Ана шундай ҳолат Пойарик ноҳиясида бўлди. Бу ерда Улуғ Ватан уруши катнашчиси, номи абадийлаштиришга арзигулик хизматлар кўрсатган, қатор нишонлар эгаси Бопил Ҳасанов номи бўрдоқчилик фермасига берилиши ҳақида қарор қабул қилинган. Вилоят комиссияси қарорни маъқул топмади. Сабabини изохлаш шарт бўлмаса керак. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида иштирок этиб бир-икки орден-медал олиб қайтган кишилар номини ҳам мактабларга кўйишни сўраб, ўйлаб тақлифлар тушмоқда. Тўғриси айтadиган бўлсак, ушбу тақлифларнинг 95 фoизини тасдиқлаш замон талабига ҳам, мусулмончиликка ҳам тўғри келмайди. Шу ўринда савол туғилади: нега жанггоҳлардан орден-медал олиб келганлар номи мактабларга берилар экан-у, фронтда жонини жаборга берганларга йўк? Қолаверса, нахотки хар бир урушда катнашган одам номим мактаб ёки кўчага берилиши деб жангга кирган бўлса? Шундай дея жон берган бўлса?! Уларнинг хотиралари Ватанимизнинг энг кичик кўрғонидан тортиб энг катта кентига ҳам абадийлаштирилган-ку! Улардан бизга қолган хотира мана шу Ватан! Ватанин бало-қазолардан сақлашимиз улар хотирасини сақлаганимиз бўлади! Шундай эмасми?!

Қатор кишлоқ кенгашлари баъзи кишлоқларни муқаддам ноҳия фирқа кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган кишиларнинг номларига кўйишни тақлиф қилмоқдалар. Савол туғилади: нега энди айнан шу кишининг номи кўйилиши керак?

«Ҳа, энди ноҳия раҳбари бўлганда кишлоғимизни обод қилган-да», дейишди талабгорлар, Уларга: «Ноҳия котиби бўлгач, кишлоқни обод қилиш унинг вазифаси ҳисобланади. Қолаверса, биргина кишлоққа масъул эмас у. Ноҳия биринчи котиби бўлиш қаҳрамонлик саналмайди», дегингиз келади.

Ўтган йили Каттакўрғон шаҳар ижроия кўмитаси шаҳарнинг 83 кўчаси номини ўзгартириш ҳақида тақлиф билан чиққанди. Ишонасизми-йўқми, шундан 78 кўчага кишилар номи қўйилган. Ўйлаб қолсан: нахотки Каттакўрғонда номига кўча қўйса арзийдиган кишилар шунча кўп бўлса? Бўлса бордир. Бироқ кўча номларини фақат ва фақат кишилар номларига қўйиш шартмикин. Қолаверса, марҳумлар руҳи шу билан шод бўлиб қолмайди-ку. Ваҳоланки, ота-боболаримиз ном қўйишни ҳақиқий санъат даражасига олиб чиққанлар. Бугунги кунда уларнинг бу санъатини Ленинград, Москва, Киев, ҳатто Лондону Париж олийгоҳларининг олимлари ўрганмоқдалар. Уларнинг таъкидлашларича, дунёда бирор-бир халқ ўз турар-жой-ларини бу даражада фўзал, бетакрор, мазмундор, таъбир жоиз бўлса, сирли атай олмаган.

Афсуслар бўлсинки, биз совет даври кишилари ота-боболаримиз изидан бориш ўрнига улар юрган йўлларга «лой» чапладик. Юзлаб йиллик тарихга эга бўлган Хўжанд, Қаттамачит, Сўфимийн, Султонқишлоқ, Боймаҳалла, Эшонхўжа сингари кишлоқларнинг номларини ўзимизнинг тилу динимизга ёт бўлган номлар билан атадик. Самарқанд вилоятида айни вақтда Чапаев, Фрунзе кишлоқлари Чернишевский, Дороблюбов, Толстой маҳаллалари бор. Босқинчи ва жоҳил Верешагин сингари, шунингдек, яқин ўтган сиёсатимиз мевалари бўлган пойинтар-сойинтар (Бульдозер, Экскаватор, Ракета, Артиллерия, Дивизия) кўча номларини айтмай қўя қолайлик.

Вилоятимизда В. И. Ленин шарафига юзга яқин жой аталган. Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Бироқ мен ханузгача вилоят суяк сили касалликлари шифохонасига (шифохонага номни тегишли вазирлик тавсия этади) ҳам В. И. Ленин номи берилганига тушуна олмайман. Бу инқилоб сардорига хурматимизнинг чексизлигини ёки сунистеъмом қилишми?

Буларнинг барчасига биринчи навбатда сиёсатдан йироқ сиёсатдонларимиз, олимларимиз, зиёлиман деб бўйинбоғ тақиб юрганнинг ҳар бири айбдордир!

Шарқда кўчаларга кишилар номини қўйиш расм эмас. Айниқса, мусулмон оламида. Бу ҳақда дин ахллари ўз фикрларини билдирсалар жуда ўрнили бўлур эди.

Саволлар туғилаверади: «Нега Амир Темур Самарқанд шаҳри номини ўзгартириб, ўз номи билан ататтирмаган экан? Нега Муҳаммад Тарагай Самарқанд кўчаларига устозлари номини бермади экан? Ахир ҳақонгир бобомизнинг шундай қилиш учун юз эмас, минг марта ҳақки бор эди-ку? Ахир Самарқанд деган шаҳар борлигини дунёга танитган шул табаррук зот эмасми?!»

Бу ерда, менимча, ерга — она тупроққа нисбатан чексиз ҳурмат ҳисси яширин бўлса керак. Халқ бекорга «Ернинг ҳар ерда ўз оти — ўзи билан» демаган. Бошқача айтганда, ер ўзига ўзи ном берган. Худди шундан келиб чиқиб, жойларга ном қўйилган. Семизкент—Самарқанд (бой шаҳар) ҳам бундан мустасно эмас. Тошкент, Уратепа, Фарғона, Нукус ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Бундай ном бериш санъати (фанда онамастика дейилади)нинг илдизи «Девону луғатит турк»ка бориб тақалади. Маҳмуд Қошғарий ҳазратлари ана шу асарларида Октерак, Қорайғоч, Олайғоч сингари оймоникларга изоҳ берган.

Ном қўйиш тартибларини белгилайдиган Ўзбекистон Вазирлари Кенгашининг 1981 йил 27 майдаги Низоми ҳам, бизнингча, бир қатор масалаларда ҳаётдан ортда қолган. Бирор-бир каттароқ жойга (аэропорт, вокзал) ном бериш учун нега Москвадан рухсат сўралиши керак экан? Еки бир ҳудудда бир киши номида икки жой аталмаслиги кўрсатилган-у, ҳудуд деганда қайси ўрам назарда тутилиши аниқ белгиланмаган. Еки ўша ҳудудда А. Навоий, А. Жомий номи иккита бўлса нима қилибди? Бунақа ғужала масалалар эса Низомда талайгина. Жойларда тузилиб, эндигина атак-чечак иш бошлаётган ном қўйиш комиссиялари ўзларининг ваколатларини аниқ тушуниб етмаёттирлар. Оқибатда кишлоқ Кенгашлари жумҳурият Вазирлар Маҳкамаси зиммасидаги ишни ўз бўйнига олишгача етиб бормокда. Маълумки, амалдаги қонун-қоидаларга кўра тегишли ҳудуддаги жой номларини ноҳия ижрокўмлари берадилар. Кишилар номини абадийлаштириш ваколати эса вилоят ижрония кўмитасига топширилгандир. Яқинда Самарқанд шаҳар ижрония кўмитаси вилоят ижрония кўмитасининг ваколатини ўз зиммасига олганлиги учун унинг қарори бекор қилинди.

Таниқли туркшуносларнинг айтишича, бир вақтлар ном сўзи ҳозирги номус сўзининг ўрнини ҳам босган экан. Халқдаги «Номусинг ўчди — номинг ўчди», «Йигит бўлсанг, номингга доғ туширма» сингари ибораларни эшитиб, бу гапда жон борлигига имон келтирасан киши.

Модомики, тилимиз номусимиз экан, бу масалада доимо хушёр ва доимо адолатли, халқчил бўлишимиз керак, токи йиллар ўтиб, келажак авлодларимиз ўз юртларида ўз тиллари ҳақида қайтадан қонун чиқариб, бизларни шармандалар қаторида санашмасин! Зеро, авлодлар таънасидадан оғирроқ жазо йўқ!

## «ЁШЛИК» ХАБАРИ

*«Ёзувчи» наشريёти шеърият мухлисларининг талаб ва истакларини эътиборга олиб, 1991 йилда қуйидаги шоирларнинг жажжи саралама тўпламлариңи нашр этади:*

*Эркин Воҳидов. Уртада бегона йўқ.  
Абдулла Орипов. Сен баҳорни соғинмадингми?*

*Омон Матжон. Одамнинг сояси қуёшга тушди.*

*Муҳаммад Юсуф. Қўнглимда бир ёр.  
Тўпламлар муаллиф ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирилган бўлиб. «Назм гулшани» сериясида чоп этилади.*

# АБДУЛЛА ОРИПОВ

НАЗМ ГУЛШАНИ

Сен баҳорни соғинмадингми?



НИГОХ







**АШЛИК**

# Шарқ Юлдузи

«Шарқ Юлдузи»нинг илк сони чиққанига 60 йил бўлди. Олтмиш йил! Бу озмунча вақтми? Олтмиш йил ичида қанчадан-қанча сувлар оқиб, қанчадан-қанча тераклар кесилиб кетди. Халқимиз, адабиётимиз қувончли ва ташвишли кунларни бошидан кечирди. «Шарқ Юлдузи» ҳам қора ва ёруғ кунлардан бенасиб қолмади. Бироқ у ҳамisha ўзбек халқи ҳаётининг, адабиётининг кўзгуси бўлишига интилди. Айниқса, шўро даври ўзбек адабиёти тарихини «Шарқ Юлдузи» ойномасисиз тасаввур қилиш қийин.

Таниқли адиб Уткир Ҳошимов бошчилигидаги ойнома меҳнат жамоаси бугунги кунда ҳам ўз елкасига ортилган улкан масъулиятни заррача унутгани йўқ. Ойномада ҳали ҳеч бир нашр журъат қилмаган иш амалга оширилди — Куръони Каримнинг ўзбекча таржимаси ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Эртанги кун кечаги кунни ўрганишдан бошланди деган азалий қоида ойнома шioriга айланди десак хато бўлмас. Зеро, буни ҳамма кўриб, билиб турибди. Ҳа, отахон ойномамиз ўзининг қутлуг тўйини муносиб кутиб олапти.

«Ёшлик»чилар «Шарқ Юлдузи» ойномаси муҳарририяти ва меҳнат жамоасини шу муборак сана билан қизгин муборакбод этадилар.



Суратларда: чапда — бош муҳаррир Уткир Ҳошимов; ўнгда — ойнома ижодий ходимларининг иш кунидан лавҳалар.

Абдул Ғани Жума суратлари

## Шарифжон



Анджон вилоятида туғилган. ТошДДнинг журналистика куллиётида тахсил олмоқда. «Ёшлик» ойбитагида илк бор чиқиши.

## Ҳикоялар



Эй сен, мен сени сендан олиб, сенга соламан. Чунки сен мен эмассан. Мен эса сенман.  
Бачкана мулоҳаза

(Сен исмларнинг ҳам кийими бўлиши мумкинлигини билмасдинг.)  
Сен исмларни қаршингга тик қўярдинг. Мана бундай.

Н  
У  
Р  
М  
У  
Р  
О  
Д

С  
А  
Н  
О  
Б  
А  
Р

Сен исмларни қаршингга мана шундай тик қилиб қўярдинг-да, соатлаб томоша қила олардинг. (Улар бор-йўғи, шунчаки ва атиги қип-ялонғоч оғоч бўлгани учун ҳам атрофни бўш қолдиришни истамайсан.)

Сен бу исмларнинг мангу хушторисан. Сен бу исмларнинг мангу хуштори эканлигинг боис уларнинг бирор аъзоси, уят жойлари ҳам назарингдан четда қолмайди. Сен уларни хижолатга солишни хуш кўрасан. Уларнинг шундай содда-баёв, шундай очиқлигидан қаҳ-қаҳ отиб куласан. Ва бу сенга хуш ёқади. Чунки сен исм эмассан.

Навбатдаги кузатишларнинг бирида икков исм ҳам худди гуноҳкор лаззатдан сўнг яйраб-яшнаган кимсалардек бамайхотир кийинишаётганини кўриб, туйқус жаҳлинг чиқиб кетди. «Нурмурод»ни ғиппа бўғзидан олдинг. Бироқ кечиккандинг. У сенинг ҳамлангга парво ҳам қилмасдан олранг бўйинбоғини сени ойна билиб кўзларингга тикилганча тўғрилаб олди. Тезда жаҳлдан туша қолдинг. Аччиқланишга арзигулик эмасди бу воқеа. Сен энди кўнглингни аввалгидан ҳам кўпроқ хуррам қиладиган эрмаклар ўйлаб топдинг. Ўзингга энг ёқиб тушганлари мана булар эди: аввал «Нурмурод» ва «Санобар»нинг кийим боши йўқ эди. Энди эса бор. Шу вайдан суюкли эрмагингни амалга ошириш, амалга ошира хумордан чиққунча кулиш бир оз мушкул бўлади. Аммо мушқулингни осон қилиш йўли ҳам тайёр. Бунинг учун исмларнинг дабдабали тусига умуман эътибор қилмаслик керак. Қанчалик зеб-зийнатга бурканган бўлмасин, ҳар бир исм, ҳар ҳолда бир исм. (Сен эса исм эмассан.) Хуллас, бу икков исмни шунчаки боғи бўшаган тасбеҳ доналари билиш керак. Билиш керак-да, ҳар бирининг вазни бошқасиники билан таққосланади (аслида бундай қилиш шарт эмас. Бу ишни амалга ошириш кишининг қизиқувчанлигига боғлиқ, холос. Зеро, исмларнинг вазни ҳар қанча ўзаро фарқланмасин, уларнинг тонготар ойи ҳам, пешин кўёши ҳам бир — ИСМ (фақат!). Сўнг «Ё, жамшид» қабилида кўкка улоқтирилади. Ва натижа шу бўлади:

Н Р Б  
О У Д О  
НОМУС  
РАРА

Бу шундай ажойиб нарсаки, биринчи эрмакдан иккинчи бирини кашф қилиш мумкин. Даставвал ички кийимдан қутула олмаётган фоҳиша каби жазавага тушиб, ҳарфлар зарбага дучор қилинади. Зарбалар сабаб қонга бўялган ҳарфлар тартиб билан саф тортишади:

...Н.У.Р...М.У.Р.О...Д

С..А...Н.О....Б..А....Р...

(Нуқта ва кўпнуқталар қоннинг рамзлари деб тушунилсин.) Сўнг исмлардан (таъбга кўра) ё юксакликка туташган ва ё пасткашликка эш пиллапоаялар барпо этилади:

...С...А...Н...О...Б...А...Р...Н...У...У...Р...М...У...Р...О...Д...

«Санобар» юксакка элтади (бор-йўғи заифа эканлиги учун ҳам бу шараф унга раво кўрилади). «Нурмурод» тубанликка қулайди (ҳеч йўқ эркак жинсиданлиги учун да у бунга мустаҳиқ. Боз «Нурмурод» поёнсиз текисликда ётишга ҳам нолойиқ (табиатан)). Мана бу пилла-поялардан сакрай-сакрай истаганча «Санобар»ни сийпа-лаб, «Нурмурод»ни гувала қила лаззат олиш нақадар тотли!

Сен исмлар ҳам тажовузкор бўлишларини ҳали билмасдинг.

Табиийки, иккинчи эрмакдан учинчиси келиб чиқади. Бунинг учун исмлар бир-икки қайта шамоллатилади. Йўғон овозда «Нурму-урод», «Саноба-ар» дея уларнинг исмлари (!) айтилади. Шамолда қуриб, лахта-лахта қондан халос бўлган исмларга андак эрк берилиши керак:

— «Нурмурод», «Нурмурод»нинг умри оддий, «Нурмурод»нинг умри одми.

Шундан сўнг кўнгилни чоғлар асосий эрмакка яқинлашилади. Бу манави кўринишда бўлади:

— «Нурмурод» — дор, умр ёки умр ва дор, тўғрироғи, умр — дор. Бу ерда «ун» бўғини ортиб қоляпти. Ҳечқиси йўқ, эрмакда ортиқча нарса улоқтириб юборилади. Биринчи исмининг моҳияти шу бўлади — умр ва дор, дор ва умр.

Сен исмлар ҳам тажовузкор бўлишларини билмасдинг. Биринчи исмининг тўла маънодаги мантикий хулосасидан дилингиз ғашланиши табиий бир ҳол. Ва шу табиийлик туфайли «Санобар»нинг иши бир зумда ҳал этилади:

— «Санобар» — раб, онас... (буниси ҳаддан ошиб тушди.) Тасаввур учун хом-ашё:

Узгаларнинг тушларида адашиб юрган кимсанинг тақдири. Тасаввурни кучайтириш орқасидан келиб чиққан хулосалар:

1. Ғайриоддийлик.
2. Оддийлик.

Асосий хулоса — шунчаки ғайриоддий оддийлик. Айни шу «ғайриоддий оддийлик» қондасига асосланиб, бу ҳикоя поёнига етказилади.

Буларнинг барчаси ён дафтарингдаги қайдлар, холос. Эрмакларинг ҳақда ҳикоя қилинган бу воқеаларни адоғига етказиш арафасидасан. Бир оздан сўнг тамом ҳам қиласан. Тамом қиласан, ҳамки, олифта кийинган, ажаб — этли, суякли, кўзли ва сўзли «Нурмурод» худди қаршингда ўзи каби бус-бутун «Санобар» билан сўз қотишиб турганини кўрасан. Улар энди «Нурмурод» ёки «Санобар» эмас. Энди уларнинг исми шу: Умуманменкамина. Ва сен энди ойна қаршисида бири-бирига саволомуз тикилиб турган жажжи сўроқ белгиларига менгзаниб қолганингни-да, худди мана бундай сўроқ белгиларига менгзанганингни-да пайқамайсан?

«...соатингиз неччи бўлди?»

«...кечирасиз, соатим йўқ.»

Соат билан ўсимтанинг ва ўсимта билан соатнинг ўртасидаги муносабатлар қай тахлит, уларнинг бир-бирлари билан ўхшаш жойлари (вақтлари) нимада дея ўйлаб-ўйлаб, шу саволларга жавоб топа олмай жоним ҳалак юради, жонсарак бўлиб юради. Аслида, ҳақиқатда, ўзи, барибир, ҳарҳолда, ҳар қалай соат билан ўсимтанинг ўртасида қандай ўхшашлик (фарқ) бор-а?

Дўппини, бор ва йўқ дўппини бир четга қўйиб бамайлихотир ўйлаб кўриш керак, агар, мабодо, борди-ю (борди нима-ю, бормади нима), бирор қор-ҳол бўлиб, бу муаммо (му-у, аммо) дўппини, бор ва йўқ дўппини бир четга қўйиб бамайлихотир ўйлаб кўришга, «кўриш керак»ка буткул арзимас биргина пасткаш савол бўлса-чи, агар, мабодо, э-э, тфу-у-е, шундай пасткаш савол бўлса-чи, аммо бари бир ўйлаб кўриш керак. Бунинг учун соат билан ўсимта бир-бирларига қарама-қарши қилиб қўйилиши лозим.

Мана соат, мана ўсимта.

соат тинмай чиққиллайди.

соат, албатта, қаршисидаги ўсимтани мулзам қилиш пайтида бўлади.

чиқ-чиқ-чиқ, чи-иқ-чиқ-ччч.

соат ўсимтани «ёки мана бундай»дан кейинги ҳодисалар учун мулзам қилишни хуш кўради.

чиқ-чиқ-чиқ, чи-иқ-иқ-ччч.

соат асил вазифасига кўра кун ва туннинг вазиятини вақти соати билан тасдиқдан ўтказиб туради. аммо, бу вазифанинг, устига устак, ашаддий оғмачи эканлиги боис, тинмай ўсимтани койийверади.

чиқ-чиқ-чиқ, чи-иқ-чиқ-ччч.

соат ўсимтанинг олдида ўзини фалакда кўрсата, унинг энг мўрт асосий хусусияти шу — вазифасига кўра у мавҳум маҳлуқ.

ўсимта унинг олдида ҳар қанча бошини ҳам қилмасин, у барибир соатдан устивор.

ўсимта соатнинг «чиқ-чиқ-чиқ, чи-иқ-чиқ-ччч» сини

эшитаркан, эшитиб ётаркан, шу донишманд чиққиллаш таъсирида дам сайин мастона тебранади ва мастона юксалиб-ялпайиб (бўйи ва энига ўсиб) бораверади.

Соат чиққиллайверади.

Ўсимта равнақ топади.

«Ит ҳуради, карвон ўтаверади?»

Ўсимта равнақ топади.

Соат чиққиллайверсин.

Ўсимта равнақ топаверсин.

«Ит хураверсин, карвон ўтаверсин?»

Ўсимта равнақ топаверсин.

Соат чиққиллайверсин ку-я,

бирок барибир соат ва ўсимта, ўсимта ва соат ўртасида қандай ўхшашлик (фарқ) бор?

Ошкоралик:

бу ҳикояни ўқиётган кимсанинг кўнглида, кўнглининг бир четида шундай киноя бор — соат билан ўсимтанинг, боринги, ўсимта билан соатнинг ҳам ўртасида ўхшашлик (фарқ) борлигини била туриб, сўзларни ҳар кўйга сола гапни айлантиряпти, ваҳоланки, ўхшашлик (фарқ ҳам) бор (бормиди?..).

Бироқ қўлим нон устида турибди: буни «ёки мана бундай»гача етказиб қўйдим ҳамки, икковининг ўртасидаги ўхшашликни (фарқни) тасаввур қила олмаяпман, ҳатто соат билан ўсимтани бир-бирига қарама-қарши қўйиб, уларни тадқиқ қилган кўйи, мана шу «кўйи»гача қандай қилиб сўзлаб келдим, сўзлай олдим, сўзлаб бўлдим (шошма, яна бир дақиқа) — буни ҳам фараз қила олмайман.

Шошма, яна бир дақиқа.


«...ўсимтангиз неччи бўлди?»

Ёки мана бундай.

Эрталаб уйғонгач, одатинг бўйича ҳозиргина кўриб битирган тушингни ёдингга келтира бошладинг. Бироқ, ҳарчанд уринма узук-юлуқ кайфиятларнинг нимта-нимта қилинган парчалари киприкларингга тегар-тегмас кўзларингга чўкиб ўлаверардилар. Аммо сен учун зарур эди, сен учун тушдаги кайфиятларни қайта тиклаш зарур эди.

Яна ўша ҳол. Нимталанган кайфиятлар ичра алоҳа алланималарнингдир шарпалари кезар, аммо уларнинг чегараларини белгилаб олишга қурбинг етмасди. Шарпаларнинг исми нима эди? Улар кимларнинг ва ё нималарнинг шарпаси? — айни шу саволларга жавоб ахтаришга тушдинг. Бу 310-хонами, бу осмондаги ойми... Унда нега улар кўм-кўк ва зангор?

Шак-шубҳасиз тўхтамга келишингга ўзингни тадқиқ қилишни истамаётганинг панд бериб турганини тушунмасдинг. Аниқ хулоса чиқара олиш учун эса ҳар қандай хомхаёлни соқит қилиш зарур. Зотан, ҳар қандай хомхаёл аслида истак — ИСТАК. Ўз навбатида истак ҳар қандай хомхаёлга баробар.



Хомхаёлнинг қули эканлигинг шундаки, сен тушларингга ҳадеб 310-хона ва осмондаги ойни тиқиштираверсан. Сен тушларингга фақатгина 310-хона ва осмондаги ойни кўришни истайсан.

Шу бугунги тушингдаги шарпалар ким ёки нима эди — ёлғиз яратганга аён. Зеро, ўша шарпаларнинг ранги кўм-кўм ва зангор эди.

Сен ҳар кунги тушларингни хотирангга қайта тиклар, ҳар бирини қат-қат қила китоблар орасига солиб қўярдинг. Бугун ишинг ўнгидан келмагани аниқ эди. Шу боис китоблар орасига жойланган бошқа тушларни бир-бировига чаптириб юборар жазавага тушгандинг. Қип-яланғоч бўлган ҳолда оёқ-қўлларингни, қорин-тўшларингни назардан ўтказга бошладинг. Бирдан кўзларингни олиб қочдинг — киндикдан оқориқоқда гурунч донасидай ғаройиб ўсимта вояга етаётган эди. Ўсимта тирик эди. У шамолда тебранаётган жажжи чинордек тиним билмай ўнг-сўлга эгилиб чайқаларди. «Ух, лаънати, — дединг, — қачон орттириб олдим бу гўрсўхтани?! Бу бало дўконда ёпишдими менга, қайтимни олаётганимда сотувчи бола майда тангаларга қўшиб берганмида буни? Ҳойнаҳой, Шаффоф Денгизда чўмилаётганимда ёпишган менга бу лаънати».

Шу кўйи жазава ўтида куяркансан, бир нарсанинг фаҳмига бормайсан. Худди мана шу ўсимта сенинг тушларингни заҳарлаётган, заҳарланган ҳар бир туш эвазига бўйи ва знига ўсиб бораётган эди. Чунки, унинг ранги кўм-кўк ва зангор.

Ўсимта кундан-кун тўлиқиб ва юксалиб борарди. Табиийки, сен ўзинг учун ва ундан кейин ўсимта учун ҳам яшашни истамайсан. Тўғрироғи, сен ўзинг учун яшайсан, яшай оласан; боз ўсимта учун ҳам кун кечириш эса... Буниси бошқаларга ҳавола. Сен ўсимтадан тезроқ қутулиш йўлларини ахтара бошладинг. Дастлаб Катта Шаҳар Ҳамширасининг қабулида бўлдинг. Унинг ёнидан тарвунинг қўлтигингдан тушиб қайтдинг. Ҳамшира сенга нималар деб вайсади — ёдингда йўқ. Бироқ қандайдир Муқаддас Қатл тўғрисида алланима деганини элас-элас эслайсан, холос.

Ўсимтадан қутулиш учун бир қанча муолажа усуллари қўллаб кўрдинг ҳамки, ҳеч бир наф бўлмади. Ўсимта эса шумтака болакайнинг шўхлиги каби дақиқа сайин равнақ топиб борарди.

Ўша кундан буён тушлар ҳам сени тарк этди. Вақт ва жойнинг чегараси бўлганидек, сенинг ҳам тоқатинг адоғига етди. Ҳар қандай азобга тайёр эдинг. Аммо, ўсимта билан қўлтиқлашиб юриш энг залворли гурзи эдики, бир кун уни шартта-шартта кесиш ташладинг. Ва унинг йиринглаб кетган қорнидан Пасткаш Қуёнчалар чопқиллаб чиқдилар. Чопқиллаб чиқдилар-да, ҳар бири ҳар томон гумдон бўлди.

Яна аввалги хуштаъм умринг бошланиб кетди. Минг қатла шукр, дея қучоққа сизмас тушларингни китобдафтарлар орасига яшириб қўявердинг.

Шу кунларда қулоғингга бир гап чалинди.

Ўша ўсимта 310-хонага бориб лоф урганмиш:

«Бу мен ШАРИФни кесиш ташлаган.

Мен ШАРИФни кесиш ташладим».

Санжар Жабборов

жн  
шод

## ЖАХОН МАДАНИЯТИ БЕБАХО ОБИДАСИ

Мумтоз араб адабиёти пайдо бўлиши ва гуркираб ривожланиши тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганган, таҳлил ва ташвиқ қилган заҳматкаш Шўро шарқшуноси П. Ю. Крачковский жаҳон исломишунослари орасида биринчилардан бўлиб араб феодал жамиятининг нодир тарихий-маданий ёдгорлиги сифатида нафақат араб миллати, қолаверса кўҳна Шарқнинг бошқа халқлари маънавий дунёни тараққийсининг даволат асрларда камол топишини таъминлаган муқаддас «Куръони карим — Шарқда энг кўп тарқалгани туфайли ҳам башариятнинг етук адабий обидасидир» дея чинакамига юксак баҳолаган ҳамда қайд этган эди. Куръони Карим етакчи унсурлари мавлудий еттинчи асрда шаклланган, барқарорлашган ва юзага чиққан ўта мураккаб, янги диний таълимотни ўзида мужассам этган, улуғ файласуф К. Маркс таъбири билан айтаганда, «айни замонда руҳоний турмуш ва қонунчиликнинг манбайи» ҳам эди. У ўз навбатида илк патриархал қўллик тузуми айрим кўринишлари сақлаб қолинган, кўп қабилалари араб феодал тузуми жамиятининг ижтимоий ва ғоявий-сиёсий зиддиятлари кураши ва айрим ҳолларда тўқнашувларини бекаму кўст акс эттирган кўзгу ҳамдир.

Инсоният кўп асрлардан бери муқаддас санаб келаётган, хусусан Таврот ва Инжил сингари яҳудлик ва насоралик таълимотлари илгари сурилган ва етакчи кучга айланган жамоавий тафаккур маҳсули бўлган руҳоний китоблардан фарқли ўлароқ, бир киши, яъни Муҳаммад пайғамбар ноқишоирлик санъатининг улуғ неъматидир, деб таъкидлаб ўтиш жоиздир сўз аввалида уни. Аксари исломишунос тадқиқотчилар заковот билан таъкидлаб келаётганидек, Куръони Каримнинг тарихий-маданий обиди ҳамда тарихий манба тимсолида «ўзига хослиги» унинг мафкуравий-ғоявий асосларининг ик-

киёқламалигида намоён бўлади. У муборак умрининг асосий қисмини бутпарастликда ўтказган, бутпарастлик дунёқараши ва бутпарастлар билан бўлиб ўтган узоқ муддатлик ғоявий-сиёсий баҳсларида бутпарастлар жамиятининг ижтимоий психологияси ҳамда руҳоний онгининг деярли барча жиҳатларини таҳлил, талқин ва танқид қила олган билимдон шахснинг маънавий мулкидир. Бу томондан Куръони Карим ислом барқарорлашгани сайин тарих сахнасида кетаётган қабилавий тузумга мансубдир. Айни замонда «Аллоҳу аҳад» дея яқка худодликни, илк марта шаклланаётган ижтимоий муассасаларни, шуларга мутаносиб янги ахлоқий-маданий тамойиллар ва муомила қатъиятини жорий этаётган носиништа тарихий даврнинг маҳсули бўлиб, ушбу даврнинг ғоявий тарихида асосий синов унинг зиммасига тушганидан воқифмиз. Куръони Каримда мавжуд иккиёқламалик унинг матнини исломгача ва илк ислом шеърляти билан муқояса этилишини заруратга айлантиради. Бу эса мавриди билан исломий тафаккурнинг ўзига хос табиятини англаб олиш ҳамда анъанавий қабилавий ахлоқ тамойилларидаги ўзгариш ва дунёқарашида кескин бурилиш содир бўлган даврдаги тадрижот манбалари, қадимий урф-одатларни қайта кўриб чиқиш ва эндигина шаклланаётган янги ахлоқий қадриятларнинг тараққийси мазмунини ҳар томонлама қўлқамли ўрганишга имконият туғдиради. Бинобарин, Муҳаммад пайғамбар ваҳй сура ва оятларни ёш ислом жамоаси даргоҳида ирод этар экан, инсон боласи хатти-ҳаракатларидаги қотиб қолган ва турмуш шароитида номутаносиб чекланишларнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган, исломгача мавжуд ва барқарор араб халқи ахлоқий ғояларини тафтиш қилиши ҳамда шубҳа остига олиши бежиз эмас, албатта. Мавруса ахлоқий ғоялар жамулжамида саховатпешалик ва меҳмондўстлик, жасорат ва матонат, собирлик ва ҳақгўйлик, вафодорлик ва фидойилик каби инсоний аъмоллар ҳар бир одам боласи учун сўзсиз амал қилиниши зарур бўлган турмуш низомига тенглаштирилган эди. Пайғамбар зиммасига эҳсон ахлоқий аъмол ва ғояларни биқиклик ифротидан тозалаш ва жоизини қайта тиклаш масъуляти тушганини англаб етганди ҳам. Зеро, тушуниш бироз енгиллашадики, сақоқдаги сабаблар туфайли Куръони Каримда барча тарихий даврларда ахлоқий низом қудратига эза умумбашарий инсоний сифатлар жами ўз аксини топган экан.

Ижтимоий-сиёсий тафаккур ва ижтимоий-маънавий низом кўринишида мукамал ҳужжат қудратини касб эта бораркан Куръони Карим нафақат ижтимоий муаммолар ечимларини тавсия этади, шунингдек маънавий-ахлоқий турмуш жобҳасида ҳам янгича дастурни илгари сураккан, унга амал қилиш шарт-шароитини асослаб ҳам беради. Сездикки, агарда одамзод мунтазам риоя қилмаса ваҳший мавжудотга айланиб кетадиган, башарти инсониятнинг ўзи ҳам ҳалоқат жари ёқасига келиб қоладиган умумбашарий ахлоқ аъмоллари унда ўз ифодасини топганлигининг боиси ҳам шундадир. Раҳм-шафқат ва хайр-саховатлилик, жасоратли ва матонатли бўлиш, тўғри сўзлаш ва садоқат кўрсатиш сингари бўйсираси юксак умумбашарий қадриятларнинг Куръони Каримда фавқулодда кўтаринки руҳ ва жозиб ташбеҳлардан тараннум этилмоғи ҳам сабабсиз эмас. Муҳаммад пайғамбар бу халқ қадриятларни бадавий шеърляти услубидан фарқли равишда аниқ бир мақсадга йўналтириб ва ҳар томонлама тафаккур қилиб, бирок асосан диний ғоя тарзида ирод этади. Куръони Карим ташвиқига биноан саховатли бўлиш ва яхшилик бир кунмас бир кун муносиб тақдирланади: Оллоҳ йўлида ўз жиҳозларини сарф этганларни ҳар бирида юз дон дон боғлаган етти бошқонинг ибтидоси бўлмиш буғдой уруғига менгайдилар. Оллоҳ истаса бирни икки қилгусидар! Дарҳақиқат, Оллоҳ ҳамма нарсани ўз тасаруфиди сақловчи ва билгусидир. Оллоҳ йўлида ўз молларини сарф этгач таъмага ботмасалар ва хафа бўлмасалар Тангрининг инъоми-кўнгишларига ваҳм тушмаслиги, уларнинг ҳеч бир маконда ғамандуҳа дучор бўлмасликларидир! («Бақара» сураси, 263-264 оятлар).

Кўҳна Шарқ, Юнонистоннинг ахлоқий ва фалсафий тафаккури тарихига оид мукамал билим, жаҳон ва миллий-давлат динлари ҳамда бошқа турли таълимотлардан хабардорлик, Куръони Каримда илгари сурилган ғояларга оҳангдош дунёқарашлар олис ўтмишида ҳам мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Бу ҳодиса шундай изоҳланади: турмуш тарзи ва маданиятида яққол сезиларли тафовут сақланиб келинаётганига қарамасдан миллатлар умумбашарий турмуш меъёри ва тамойиллари бобида бирликка эришадилар, зеро, фаровонлик, Сулҳ, Эзгулик ва Адолат ер юзининг барча иқлимларида, ҳатто Қоинотда тантана қилмоғига интилиб яшайдилар ва ўз хоҳиш-истакларининг қондирилиши йўлида ташқи оламни ва ижтимоий турмушни англашни маълум бир таълимот тарзида баён этиб ҳамда унга қатъий амал қилиб келганлар. Тўғрилиқ, ёлғонни қоралов, вафо ва садоқат, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш, ота-онани севиш ва ардоқлаш, мабодо улара бўлган муҳаббат имонга зид бўлса ундан кечиб сингари Муҳаммад пайғамбар Куръони Каримда такрор-такрор баён қилган давватларининг муқобилларини Инжил ва

бошқа диний муқаддас китобларда учратиш табиийдир. Винобарин, айни юк-сак сифатлар дарёси аввалбошда арабларнинг ҳам кейинчалик бошқа халқларнинг ҳам исломга кириши баробарида ўз қалб ташналикларини қондиришига сабаб бўлди, ислом дунёвий динга айланди ва ҳануз тасарруф доираси йилдан-йилга кенгайиб бораётир.

Асримиз бошида аксари Араб ва Оврупо мамлакатларида араб мумтоз адабиёти дунёга келган санадан то ўрта асрларгача кечган давр мобайнида яратилган улкан мерос асосий намуналарининг танқидий матнларини нашр эттиришга қизғин киришилди. Бу воқеа Оврупо олимларининг араб халқининг ўрта асрлар адабиётига нисбатан чинкам қизиқишлари, шунингдек, арабларнинг ўз маданий меросига янги юришларидан далолат эди. Тадқиқотчиларнинг асосий диққат-эътибори диний адабиёт намуналари, айниқса Куръонга қаратилди.

Мусулмон дунёсининг муқаддас китоби — Куръони Каримнинг дунёга келиши араб сўз санъатида худди дунёқараш ва тарихий-адабий муносабатлар соҳасида бўлгани сингари янги юксалиш даври оёқланганди. Амалда эса унинг илмий ўрганилиши ўн тўққизинчи асрнинг ўрталарида бошланган эди. Бу орада ўтган муддат давомида инсоният руҳоний билимларининг тенгсиз намунаси ҳақида ўнлаб рисолалар дунё юзини кўрганлиги қувонарли ҳодисадир.

Амалга ошган тадқиқотлар Куръони Каримда мусулмонларнинг асосий ҳуқуқлари силсиласи зикр этилиши билан ёнма-ён қадимий асогирлар намунаси ва айниқса шеърий санъатнинг гўзал унсурлари кўйлаб учрашдан шаҳодат беради. Бус-бутун руҳоний чорак қисмида ўтмишдаги турли пайғамбарларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги қимматли маълумотлар тазмин этилганки, тадқиқотчиларнинг ҳисоб-китобига биноан уларнинг аксарияти: Таврот қаҳрамонларидир. Ер

юзидagi биринчи инсон Одам Алай-ҳиссалом ва машҳур саркарда Искандар Зулқарнайн ҳам пайғамбар унво-нида таъриф этилган. Пайғамбарлар рўйхати ниҳоясида энг сўнги ва улуг пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак номлари қайд этилганки, чунончи, ҳақиқатдан ҳам инсоният ундан сўнг дунёга келган пайғамбар ва исломдан кейин пайдо бўлган янги диний таълимоти билмайди. Толмас фалсафий билимлар тарғиботчиси Фридрих Энгельс улуг файласуф Карл Маркса ёзган бир мактубида шундай ёзганди: «Бугунлик кунда каминага ойдек равшан бўлган хулоса шулук, Овруполиклар табаррук битик дея ҳамду сано ўқийётган муқаддас китоблар яҳудийларнинг ўзлари билан ёнма-ён яшаб келган, қадим замонлардан яҳудийлар билан шажараси бир саналган арабларнинг турли кўчманчи ва ўтроқ қабилалари томонидан яратилган руҳоний анъана ва ўдумларни шаклан ўзгартириб ўзлаштиришларининг мевасидир»

Мусулмон оламида бу китоб барча даврларда муқаддас саналиб келинаёттир — унинг мазмуни ва услубига тақлид қилиш гуноҳи кабир саналган. Куръони Каримнинг ғоявий илдизи, шажараси ва силсилалари исломгача мавжуд бўлган маданият билан чамбарчас боғлиқ ва шу сабабли унда қадимий араб равоятларининг учраши кузатилади.

Муарриҳ ва адабиётшунослар наздида Куръони Карим аввало тарихий-бадиий асар бўлиб, унда кейинчалик энг сўнги жаҳон динига асос бўлган Муҳаммад пайғамбарнинг ваъзлари-таълимоти баёни жамланган эди. Айни бир замонда Муҳаммад пайғамбар оғзаки ижодиётининг маҳсули тарихий вазият тақозосининг илоҳий неъматидир. Мусулмон қонунишунослигида Куръони Каримда жозиб асослар, як-кахудлик таълимоти анъаналарини ривожланганди ҳамда тарихий ва адабий обида кўринишида қадриятини

ўзи белгилаб ҳам берди.

Фан Куръони Каримнинг биринчи яхлит нашри халифа Усмон ибн Уффон (644-656 йиллар) ҳукмронлиги йилларида амалга оширилган, барча сура ва оятлар тўпланиб Маккайи Мукаррама ва Мадинайи Мунаввара сураларига ажратилиб яхлит китоб ҳолига келтирилганини исботлади. Ваъзлар пайғамбар билан ёнма-ён яшаб, унинг оғзидан эшитган сураларни ёд биладиган муслим ҳофизлари хотирасига таяниб ёзиб олинган. Маълумки, Халид ибн Волиддек машҳур ислом саркардасининг музаффар, дашқарида пайғамбар ҳаёти тафсилотлари ва хусусан Куръонни ёд биладиган муслимлар кўпчиликини ташкил қилар, улар турли урушларда қатнашиб ҳалок бўлишар ва ниҳоят араб халқи бирлашуви жараёнининг тугаллиниши арафасида уларнинг ниҳоятда камайиб кетиши халифа Усмонни таълимоти содди. Шунинг учун Куръонни йиғиб китоб ҳолида нашр эттириш зарурияти барқарорлашган эди.

Куръони Каримнинг тўпланиши ва нашр эттирилиши араб адабий тили тараққиётида алоҳида камолот даврини бошлаб берди. Бепоеъ халифаликка Куръон нусхаларининг кўчирилиб тез тарқала бориши йўлакай учраган оддий ва адабий тилларни баргараф эта борди. Араб тилининг мавқеи кучайди. Куръони Карим араб тилининг бутун мусулмон оламида руҳоний ва дунёвий илм тилида айланишига асос яратди, ўзига бегона форс ва турк тилларининг миллий хусусиятлари таъсирида у бойий бошлади. Лекин роман тилидан фарқли ўларок, араб тили турли адабий тилларга бўлиниб кетмади. Куръонни муқаддас билиш, араб тилининг мартабаси юқори бўлмоғини талаб этарди. Куръони Карим тилининг оҳангдорлиги, латиблиги, мусиқийлиги ва услубининг ўта назокатлилиги Муҳаммад пайғамбар шеърий жўшқинлигининг узоқ йиллар давомида шакланганлигидан далолат беради.





## Адолат қидириб...

Биз чўлда яшаймиз. Яшаш шароитимиз жуда ҳам оғир. Кўпчилик оилаларда на радио бор, на ойнаи жаҳон. Қозонимиз ҳафтада бир қайнайдди. Ичимлик сувни ҳам сотиб оламиз. Томорқага бирор нарса экайлик десак сув йўқ. «Борга бозор бу дунё, йўққа мазор» дейди халқимиз. Бизнинг аҳволимиз билан ҳеч ким қизиқмайди. Бир ўрам чой ёки гугуртга пул тополмай хуноб бўлиб ўтирган вақтимиз ҳам бўлган. Аёллар тугул эркаклар ҳам фойдали ижтимоий меҳнатга маҳтал, ҳар куни 16-17 қақирим пиёда йўл босиб борган кишигина ишлайди, холос. Агар бозор иқтисодига ўтсак, биз чўлликларнинг аҳволи нима кечади?

**Т. Жабборова,  
М. Салимова,  
А. Шокирова,  
Яккабоғ ноҳияси, Будённий номи давлат  
хўжалиги.**

1987 йили машина ҳалокатига учраб касалхонада даволаниб чиқдим. Шундан сўнг тез-тез бошим оғриб, нафасим қисиб, юрагим сиқиладиган бўлиб қолди. Ҳозир Оренбургда хизмат қилаётирман. Ҳарбий хизматга келган, хасталик жаврини тортмоғим ортди. Бир неча марта ҳарбий врачларга мурожаат қилдим. Улар: «Айёрлик қиялсан, хизматдан қочясан», дейишгани-дейишган. Бир куни майор врач юрагимни эшитиб, иссиғимни ўлчаб, «Соғломсан, яна бир марта оғридим десанг қурилиш отрядига ўтказиб юбораман», деди. Шундан сўнг қисм командирига соғлигим яхши эмаслиги ҳақида шикоят қилдим. Госпиталга юборишга қарор қилишди. Мен отлаиб чиқдим, «кечқурун кетасан» деди, кечқурун чиқсам, «якшанба куни» деди, якшанба куни эса душанбага қолдиришди. Хуллас, бир ой ўтиб кетди. 3 октябр куни яна қисм командирига шикоят қилдим. 4 октябр куни врач қақириб: «Сени жинихонага жўнатиш керак, Владивостокка», дея ўшқириб берди. 5 октябр куни госпиталга эмас, санбатга олиб келишди. Бу ерда мени жинни аташиб, ҳақоратлаб қабул қилишди. Ҳеч бир шифо топмаяпман. Энди ҳарбийга юборишдан олдин бўладиган врач кўригида касаллигим тўғрисида ҳеч нима демаганимга афсус қилаётирман. Менга ёрдам беринглар, нима қилай? Инсон жони темирдан эмас экан, жигарларимни, онамни ўйлаб жонимга қасд қилишдан ўзимни зўрға сақлаб турибман.

**А. Абдурахмонов,  
Н-қисм оддий аскар.**

Ўзбекистондаги барча талабаларнинг нафақаси ошди, бизники эса ўзгаришсиз. Бу ҳақда ўқитувчиларимизга айтдик, маълум бўлишича бизнинг техникум Масковга қарар экан, нафақани улар белгилармиш. Ахир бизнинг техникум Андижондаку! Бизга берилётган 30-45 сўм нафақа овқатимизга ҳам етмайди. Тўғри, ота-онамиз ёрдам беради, лекин оиламизда 3-4 талаба бўлса улар қайси биримизга етказадди. Агар техникумимиз ҳаётдан ёзадиган бўлсак, бу ўқув даргоҳида кўп муаммолар тўпланиб қолган. Ўқув биномиз иккита. Бирисининг тенг ярими ётоқхона. Спорт залимиз ҳам йўқ. Бир соат автобусда (йўл кираси ўзимиздан) қайсидир бир мактабнинг спорт залига қатнаб, машғулот ўтказиб келамиз. Ёнимиздаги ўйларга табиий газ ўтказилган бўлса-да, бизнинг ётоқхонага у қурилганидан буён ўчоғимизни ойдин қилиш тўғрисида ҳеч ким қайғурмайди. Ётоқхонадаги газ баллонлар тугаб қолса

икки-уч ҳафта иссиқ овқатсиз яшаймиз. Ётоқхонадаги ускуналар жуда ҳам эски. Эшикларини очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Бир неча марта текширгани комиссиялар келиб кетишган, ҳеч бир ўзгариш бўлгани йўқ.

Ўқиш-ўқитишда ҳам муаммолар талайгина.

Яқинда техникумимизда янги қонунлар пайдо бўлди. Курс иши топширмасак палонча сўм пул жарима тўлаймиз, диплом иши учун палонча сўм... Техникумда шароитни яхшиламасдан туриб бундай тадбирларга ўтиш тўғримикин? Кутубхонадан керакли топларни тополмаймиз, ўқув залимиз эса бор-йўғи 20 кишига мўлжалланган. Бунинг устига мутахассис ўқитувчилар етишмайди.

Хўрматли «Ёшлик», биз нима қилайлик, ёрдам беринг.

**Андижон вилоятидаги саноат техникумининг бир  
гурӯҳ талабалари, Советобод шаҳри.**

Зарафшон, Учқудук, Томди ноҳияларини ўрислар округ қилиб беришларини талаб қилиб ўртоқ И. А. Каримовга мактуб йўллашганини эшитдим. Зарафшонда йирик олтин кони, Учқудукда йирик уран кони бор. Томди тумани эса чорвачиликка ихтисослашган. Халқ бир нарсани билмаса гапирмайди: Учқудук шаҳрини кўчирар эмис! Сабаби — шаҳар остидан олтин кони топилибди. Қаранг, шундай бойликка тўла ерларимиз бор. Жумҳуриятимиздан шу пайтгача олинган ва олинаётган бойликлардан наҳотки Орол учун маблағ ажратишининг иложи йўқ!

**З. Ризаев,  
Навоий шаҳри.**

## Мустақиллик — тараққиёт йўли

Хўрматли таҳририят! Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Мустақилликми ёки мустамлака?» сарлавҳали мақоласини («Ёшлик», 1-сон) катта қизиқиш ва қониқиш билан ўқиб чиқдим. Шундай мақолани ёзган муаллифдан, унга саҳифа ажратган «Ёшлик» ойбитагидан жуда миннатдор бўлдим, фахрландим.

Биз инқилоб туфайли эски тузумни йўқ қилдик. Шўролар тузумида яшай бошладик — дастурхонимиз аввалгидек қолди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштирдик — дастурхонимиз аввалгидек қолаверди. Юсак техника воситасига эга бўлдик — меҳнаткашнинг нони бутун бўлмади. Космосни ўзлаштирдик — ҳануз ўша дастурхон, ўша нон... Ўзувимизни, динимизни, ўтмишимизни билмай катта бўлдик. «На кофир, на мусулмон» қабилидаги одамлар кўпайди. Баъзан «эътиқодимиз нима?» деган саволни ўзимга бераман.

Эрксиз эътиқод бўлмайди. Эрк эса мустақилликдир... Шахс эрки ҳам миллат эрки билан боғлиқ. Миллат иқтисодий-сиёсий жиҳатдан эркин бўлмас экан, шахс ўзини қанчалик эркин ҳис қилмасин, бари бир, эрксиздир.

Бир вақтлар Назир Сафаровнинг бир мақоласини ўқиган эдим. Унда шундай дейилган: «100 тонна пахтадан бир миллион метр газлама, 16 тонна совун, 14 тонна ёғ олинади». Бизнинг қишлоғимизнинг ўзи 500 тоннадан кўпроқ пахта етказиб беради... Одамларга чигит ёғининг пули ҳам тегмайди. Ҳар бир йигит умрининг охиригача лой чангаллайди, қурилиш материали излайди. Иморати битмайди. Қўли калта... Спорт билан шуғулланиш, маданият масканларига бориш, курортда дам олиш... Қишлоқ аҳли бундай нарсалардан йироқ. Агар 100 тонна пахтанинг пули ўзида қолса-чи? Остонасини тиллодан қилади!

Тилимиз эркинлиги тўғрисидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида бир нарсга дейишим қийин. Оддий бир мисол: Фарғона шаҳрида яшовчи дўстимга ёзган хатим қайтариб юборилибди. Шунинг учунки, унвонни соф ўзбек тилида ёзган эдим. Алоқа ходими унвон устига чизик тортиб: «Бундай тилда унвон ёзишга хизмат қилмаймиз» деб ёзибди (ўрис тилида).

Мен Ўзбекистон мустақиллик фирқасини тузиш зарур, деб ўйлайман. Бу фирқа тарғибот ишларини очик-ойдин олиб бориши лозим.

**Абдурахмонов уста Жўра ўғли,  
Тошкент шаҳри.**

## Тоғлар тароватини асрайлик

Ҳар гал узоқ-узоқларга кўркамлик бахш этиб турувчи Жиззах сарҳадидаги тоғлар орқали бобомиз Темурнинг киндик қони тўкилган юрт томон ўтаётганимда яхшигина кайфиятим ўрнини алланечук кўнгилхалик, нохушлик эгалайди. Атрофга суқланиб боқаману кўзларимга ишонгим келмайди. Начора, нигоҳларни алдаб бўлмайди! Бир пайтлар бетакрор манзарага эга бўлган бу тоғларга қарамлик иқтисодиёти беаёв чанг солаётди. Шундоқ кўз ўнгимизда тоғодил манзараларига путур етмоқда. Биз оддий, бефарқ томошабиндек кундалик турмуш таъшишларидан сармаст ўтиб кетмоқдамиз...

Йўл ёқасидаги ҳарсангтошларга кимларнинг исмларини «любов»лари, беҳаё сўзлар ёзилмаган дейсиз. Худа-беҳудага ўйиб, техника ёрдамида сўриб ташланган тоғлар бағри хун. Унда-бунда ётган чиқинди уюмлари ҳам табиатга бефарқлик, шафқатсизлик рамзи сифатида нигоҳингизга қадалади. Йўлнинг ўнг томонидаги баланд тоғ пешонасига оқ тошлардан иборат «ПАХТА — 5000000 т» деган ёзув кўзга ташланади. Ушбу мантиқсиз «ихтиро» анчайин масофагача тап-тақир қирдан иборат, пахтазордан нишона ҳам кўринмайдиган шу тепаликка ярашганмикин? Йўлнинг чап тарафидаги тепаликлар сатҳидан ҳам унча-бунча ёзувларни ўқиб, «хузур» қилиш мумкин. Табиат кўркига ярашиқлик тизгилар тортиш, дид ва фаросат билан иш қилиш — бу бошқа гап, лекин биз таърифлаётган манзаралар бутунлай гўзалликдан йироқдир. Ҳар қанча қуюб-ёниб гапирилмасин, она табиатга бўлган муносабатимиз ижобий томонга ўзгармаётди. Тоғ гиёҳлари — равоч, зира, анзурпиез, чучмома, гулсафсар, тоғарча, қирмизи лолалар, беварволик ва баднафсликнинг қурбони бўлаётди. Какликлар, бедана ва бошқа тоғ жондорлари баъзи нафси ўпқон сайёҳ, чапдаст овчилар томонидан шафқатсизларча қирилмоқда. Бугун серқуёш юртимиздаги салқин ва сўлим сойлар бағри харобаларга айланаётган экан, бунга сизу биз айбдормиз. Ҳушёр тортишимиз учун аллақачон вақт келган. Тоғлар бугун биздан нажот кутмоқда. Бас, шундай экан, ундан эҳтиромимизни дариф тутмайлик! Табиатга ҳурмат — юртга ҳурмат, келажакка ишонч ва умид эканлигини унутмайлик!

**Дилмурод Дўстмуродов,**  
**ССЖИ Журналистлар уюшмаси аъзоси,**  
**Ургут шахри.**

## Инсонлик ва ўқитувчилик шаъни

1990 йил 29 август куни ноҳиямизда ўқитувчиларнинг август кенгаши бўлиб ўтди. Йиғилишга кўпчилик педагоглар қаторида мен ҳам бордим. Сўз навбати Олтинсой ноҳияси фирқа кўмитаси котиби ўртоқ Абдурахмоновга берилди. Нотиқ ноҳиямиз хўжаликларининг меҳнат ютуқларини мақтади, ўқитувчиларни янги ўқув йили бошланиши билан табриклади, мактабларда таълим-тарбия ишлари яхши эмаслиги ҳақида ҳам гапирди. Сўнгра ҳар бир жамоа хўжалик раисларига сўз берилди. Шундан кейин қайта сўз олган фирқа кўмитаси котиби сўзининг охирида шундай деди: «Шуни афсус билан айтиш керакки, ўз ўқувчисига намуна бўлиш ўрнига турли жиноятлар содир этиб, ички ишлар ходимлари қўлига тушган ўқитувчиларнинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин?» Олти нафар ўқитувчининг ҳамда менинг фамилиямни ўқиди. Мен ҳайрон қолдим. 7 йилдан буён ўқитувчилик қилиб, биология фанидан эл болаларига билим бериб келаётирман, маъмурлардан бирон марта ёмон гап эшитмаганман, ўқувчиларим ҳар йили ноҳия ва вилоят олимпиадаларида қатнашиб келмоқдалар, тўгарак ишларини жонлантирганмиз. «Еш натуралист» тўгараниннг раҳбариман. Ишимни кўриб чиқмаёқ жиноятчи деган тавқи лаънатни бўйнимга осиди. Мумкин, фирқа кўмитаси котиби ҳақиқатдан хабардор эмасдир. Воқеа бундай бўлган эди: мен 1987 йилдан буён Олтинсой ноҳияси ДОСААФ, овчилик жамиятида (№ 110 овчилик билети билан) рўйхатда турман. 1990 йил ўзимизнинг ноҳия ички ишлар бўлимига

бордим (аслида бормаслигим керак эди, мен ҳақиқат излаб борувдим), майор Қўчқор Қаршиев: «Ички ишлардан ҳам рухсат олсангиз, овчилик ҳужжатингиз тўғри бўлади. Қуролни олиб келинг, ноҳия ички ишларига бориб рухсатнома олиб келамиз, ҳаммаси жойида бўлади»,— деди. Мен ички ишлар бўлиmidан рухсатномани ўз вақтида олмаганлигим учун (рухсатнома ички ишлардан берилиши кераклигини ўшанда билдим) жарима тўлаб келишим ҳамда қурол ва рухсатномани олишимни айтишди. Югур-югур бошланди. Ноҳия ижроия кўмитаси 20 сўм миқдорида жарима тўлашимни айтди. Жаримани тўлаб, васиқасини келтириб бердим. Қарорни беришди. Қарорда рухсатномаси йўқлиги, лекин овчилик билети борлиги ҳамда аъзолик бадалларини вақтида тўлаганлигини ҳисобга олиб, қуролни қайтарувчи рухсатномага ижозат берилганди. Қарор билан уни ички ишлар овчилик бўлими бошлиғи Қаршиев номига топширдим. Кўриб чиқиб: «Мана энди ҳаммаси тайёр бўлди, бу бошқа гап, энди сиз овора бўлиб келиб ўтирманг, рухсатнома билан қуролингизни Қаршиевга бериб юборамиз»,— деди навбатчи. Мана, бор гап, ўзингиз ҳал қилингизлар. Ижозатингиз билан энди жиндек ўзим ҳақимда маълумот берсам: мен 1960 йил 6 августда Шўрчи ноҳиясининг «Ленинград» жамоа хўжалигида, чўпон оиласида туғилдим. 1975 йили ВЛКСМ сафига кирдим. 1980—1982 йили ҳарбийда хизмат қилдим. Армиядан кейин ўқишни сиртки бўлимда давом эттириб, 1986 йили вилоят педагогика институтини тугатдим. Қишлоқдан 25 чақирим узоқдаги Раёно Узоқова номли мактабда 1984-1987 йиллар биологиядан сабоқ бердим. 1987 йили Ҳарбий комиссариат қақирғи билан Туркменистон ССЖ Красноводск вилоятига юборилдим. Лейтенант унвонини олдим. 1990 йил эса катта лейтенант унвонини беришди. 1987 йилдан то ҳозиргача қишлоғимиздаги Муса Жалил номли 8-ўрта мактабда мутахассислигимдан ёшларга билим бериб келмоқдаман. 1988 йилдан ўқитувчилар жамоаси мактаб касабга уюшма кўмитасининг раислигига сайлашди. Энди фирқа кўмитаси котиби, ноҳия ички ишлар бўлимидагилар, томошабин бўлиб турган ноҳия халқ таълими мудири тил чиқариб айтсинларки, ЖИНОЯТЧИ бўлиб кимни ўлдирибман, кимнинг номуслига тегибман, қандай безориликлар қилибман?

**Очилди Маматқобиллов,**  
**Шўрчи ноҳияси.**

\* \* \*

Салом ҳурматли «Ешлик» таҳририяти!

Мактабда 10 йил ўқиб ва хизматга келгунимча Сизнинг ойбитигингиз билан танишмаган эканман. Ойбитикнинг ўтган йилги сонларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим, тўғриси, менга ёқди. Энди муҳлисингиз биттага ортди деяверинг. Мақсадга ўтадиган бўлсам, ойбитикда ёшларни қайта қуришда фаол қатнашишга чорловчи анчагина мақолалар босилди. Мен бундай мақолаларни жуда кўп ўқиганман. Эндиликда улар баландпарвоз, қуруқ гаплар эканлигига, фақат китоб, киноларда амал қилишига ишонч ҳосил қилдим. Ҳаётда эса ёшларни ҳеч бир киши ёки ташкилот менсимайди, четга сўриб қўяди. Айбимиз — тўғри сўзни айтганимиз эмас, ёшлигимиз. Менга бир нарса маълумки, орқанда «тоғнинг» бўлсагина гапинг инобатга олинади. Бобоколониимиз Ат-Термизий шундай ёзиб қолдирган экан: «Ўзингиздан оқори турганларга эмас, балки ўзингиздан қуйидагиларга назар солинг, чунки бу иш Аллоҳнинг неъматини сизларга ёғишидан ҳам афзалроқдир». Бу ҳақда ҳозирги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Бизда ёшларга ишонишмайди.

**Ғ. Бозоров,**  
**Н-қисм, Севастопол шахри.**



## Вафо Файзулла



1963 йил Навоий туманининг Тоғгузар қишлоғида туғилган. ТошДДнинг журналистика бўлимини битириб, ҳозир «Ленин учқуни» рўзномаси редакциясида ишлайди.

\* \* \*

Телба фарёдими тингланг, кенгликлар,  
Мен гунг безоридек бўронда ўсдим.  
Ҳофиз ариқларда қўл силкиган жим —  
Китиқланган майса — орият дўстим.

Севги изҳорига тўлди овуллар,  
Тўпори кўчаларда ёнди бир исм.  
Бахт ҳам мендек соқов, соқов ҳовлилар —  
Кадрдон тонг излаб уйғонган сўзим.

Давраларга қайтмас бепарво ғазаб,  
Ерпарчин нигоҳларда қариган исён.  
Нафасим бораяпти йиллар оралаб,  
Енгилмаган ҳамроҳ қани, ҳаяжон?

Шароб кўтаради нураган девор,  
Боғлар чумчуқларнинг хонишига банд.  
Ишқ кўзларин ёд ол, қолсанг ҳам  
Шомлар қафасида мангу занжирбанд.

\* \* \*

Зах, чолдевор ижарахона,  
Сабр дарси.  
Тингловчи беш йил.  
Қишлоқнинг арвоҳи — эски сўзана  
Алаҳлайди. Кийиги бетил.

Мен баваши изғийман  
доғи лабида



Чидолмасдан чириган поллар,  
Қайралмаган кучук тишлари.  
Қўлбола, энсиз, қалтироқ равоқда  
Саъдий, Синонинг навқирон хешлари.

Хонтахтамас, ўртада қултахта,  
Каравотлар тиралган бўғзига.  
Бўш чўнтаклар қилган ғалаба  
Тупуради хасис тузумга...

Исми шартмас яшаган кимлар,  
Ҳавасини нима англайди?  
Ҳокимлардай бирқўл амаки  
Пул санамас, ойлар санайди.

Айқаш-уйқаш кечади шуур,  
Тонг бўйнида бўйинтуруғи.  
Зах, чолдевор ижарахона,  
Бу ҳам кенглик, тушун, Гўрўғли...

\* \* \*

Пистоқи кўзалардан ҳўпладим Шарқни,  
Хушовоз тупроқларнинг имконини ҳам.  
Шундан кейин мени севдилар балки:  
«Бизнинг дардимизни унутма, болам».

Узоқ қиш тунлари кампирлар гапдон,  
Ҳовлилари эса мункайган, пастқам,  
Йўталларга қўшиб тутдилар илҳом,  
Ёзмасам ўлгайман уятдан ҳам.

Букри сўқмоқларга чиқдим отилиб,  
Ҳўнграб йиғласам-да, ёгаверди қор.  
Чексиз далаларга кетдим сочилиб,  
Бундан бир кун униб чиқмоғим-ку, бор...

Қўл силкиди ортда тупроқтом кулба,  
Кўзгаб содда дилда шодлик ва оғриқ.  
Қирлар ҳавоси-да чиқдим мен йўлга,  
Шарқда пайдо бўлди яна бир қўшиқ.

Заъфар бўзалардан йўқладим Шарқни...

\* \* \*

Бўғзимни тилади ўтаётган кўклам,  
Телбаваши изғийман дарё лабида.  
Найга айланмаган қамиш, дўстинам,  
Бир куй бер, анланган кўнгил қабрига.

Дупурлаб чопади қирларда тойча,  
Кишнаши янгилар кўҳна оламни.  
Бобомнинг соқоли — гуллаган олча,  
Бу менинг ўланам, сўнгсиз кўлами.

Кўзимдан жой олган бевоши истиқбол,  
Успирин нигоҳим мисли камалак.  
Шафақнинг қонига бўяб рўҳимни,  
Ишқ бергин ягона, сочи жамалак.

Бўғзимни тилади кетаётган кўклам...

\* \* \*

Атиргуллар янги ном  
Лангар ташлаганда шом.  
Очилган дилда дарди,  
Қизарган дилбар лаби.  
Тикон санчар янги том,  
Қонаган панжами шом?  
Чиқолмайман томинга,  
Киролмайман коминга.  
Атиргуллар янги ном...

## Хуршид Дўстмуҳаммад



# СЎРОҚ

### Қисса



Шабнамнинг ой-куни тўлганидан уч ой ўтди ҳамки, ҳали кўзи ёрмади. Шўрлик гумбаздек қорни кўз-кўз бўлишдан, хотин-халажнинг «вой, келин, туя гўшти еганмисиз?» деб ҳол-жонига қўймай сўроқлайверишидан безиб остона ҳатлаб кўчага чиқмас, ёлғиз қолса бирдан дард тутиб қоладигандек ваҳимага тушар — қайнонасининг ёнидан нари жилмас, кейинги пайтда серқатнов бўлиб қолган онасининг кўзларидаги ваҳима шарпасини кўргани сайин ўзини баттар қаёққа қўйишни билмас, дам дўхтирга, дам синчию фолчи, табибу ҳоказога зир қатнар — ҳомиладорлик ўн икки ойга чўзилиши мумкинлигини бу яқин-орада инсон зоти эшитмаган, яқкаю ёлғиз юпанчи, ишонгани — эри эса... келинг, ошиқмайлик, яхшиси, воқеани бир бошдан ҳикоя қилай...

1

Бозор, қорни оч — қулоғи тинч, кўча чангитиб юрганди — уйландию балога қолди. Ҳай, энди, уйлангани ҳам майли-я (бизнинг шароитларда йигит кишига уйланишдан бўлак юсакроқ орзу-ҳавас қаерда!), тракторини тариллатиб юравермайдими, дўппини чаккасига қўндириб!.. Йўқ, у одам қуригандай Аминвой гуппининг йўриғига учди — пахта зовудига юкчи бўлиб ўтдию «ғалва» отлиқ тубсиз жарнинг қоқ ўртасига икки оёқлаб сакради-қўйди. Ундай деса гуппида нима гуноҳ? Бозорнинг ўзи, «уйланишга уйландиму бўғзимгача қарзга ботдим, ака» дея ҳасрат қилди. Гуппи аввалига лабининг бир чеккаси билан беписанд кулди — «қарз узилади — хотин ёнга қолади, жиян» деди димоғидан қурт ёғиб. Мақолгами-маталгами ўхшаб кетадиган бу ҳикмат илгари Бозорнинг қулоғига кў-ўп хуш ёқарди, мана энди унинг таъмини ўз оғзида татий бошлагач, ҳикматнинг тахири чиқиб кетди... Шу боис, «чўтладим, ака, ҳозирги топиш-тутишим билан етти йилда қарздан узилар эканман. Шундайям емай-ичмай жамғарсам», деди зорланиб у. «Унда, — деди гуппининг ҳожатбарорлиги тутиб, — пахта зовутга ўт — икки сезонда қарздан қутуласан, қаддингни тиклаб оласан! Юкчилик ёқмаса, сўнг тагин тракторингни ҳайдайвурасан».

Бўёги хамирдан қил суғургандек енгил кўчди: Аминвой ёрдамани дариғ тутмади — Бозор тракторини топшириб заводга борди — юкчилик қила бошлади. У ўзини дунёнинг пасту баландидан анча хабардор, тенгқурлари орасида билармонлардан санаб юрарди, заводга келгач эса оламда сиру синоат ўша ердаги пахта ғарамларидек тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётганини кўрди — кўзи мошдек очила бошлади. Йўқдан йўндириб, бирни — ўн, ўнни юзга дўндирадиган, юлдузни бенарвон урадиган ишбилармонлар гавжум шаҳарларда, ажнабий юртларда яшайди деб ўйларди Бозор, кўрсаки, таниган-билган ҳамқишлоқлари орасида ҳам пихи қуйруғига қайрилганлари талайгина экан. Бундайларни кўргани сайин Бозор «тракторнинг «тар-тар»ида гунгусўқир бўб юраверган эканмизда» деб таажжубнинг зўридан бош чайқар, дам-бадам «мана энди биздан ҳам кўрасиз!» дегандек нималарнингдир режасида ўзини ўтга-чўққа урар, лекин кўп ўтмай дами чиққан тўпдек бўшашиб қолар эди...

Одамлар «ҳарбийда ундоқ—ҳарбийда бундоқ» деб зорланишади-ю, хизматга янги келган ёш-ялангни ўзи-

мизда ҳам етти қават кўрпачага ўтказиб кўйишмайди, аксинча уни энг оғир юмушлар билан сийлашади. Бу урфдан Бозор ҳам бенасиб қолмади. Заводга келганида ишчиларга қўшилиб пахта ғарамларига майдон ҳозирлашда кўмаклашди, терим бошландию қўл-қўлга тегмай қолди. Бозорни «ёш» дейишди, «янги» дейишди, хуллас, уни тунда пахта қабул қилувчилар тўдасига қўшиб кўйишди. Бозор чидади, чидадигина эмас, хомтама хаёлларга учиб елиб-югуриб тер тўкаверди. Хўроз учинчи ё тўртинчи қичқирганда тегирмон тортигич хачирдек чангага беланиб, йўлни пахта даласининг ўртасидан солар — ҳолдан тойган эса-да, шаҳд-шиддати баданига тинимсиз куч-қудрат ато этаётган девдек пахтаси иккинчи ё учинчи сафар шилиб-қиртишлаб терилган ғўзаларни «шарт-шурт»латиб эгат оралаб уйига етиб келгунича тонг ёришай деб қолар эди.

Бозор башарти шу тахлит кунни тунга улаб юраверса, уйига пахтазор орқали қатнайверса, ким билсин, ишлари жўнашиб кетар, қарзлари узилар, хотини ёнга қолар, бола-чақа орттирар ва яна тракторининг дийдорига тўйиб давру даврон суриб яшаб ўтармиди дунёдан... Асло! Инсон зоти зинҳор-базинҳор беташвиш, беғалва умргузаронлик учун келмайди бу ёруғ дунёга, балки у йўқ ерлардан бошига дўлдек ёғадиган бало-қазоларни излаб-истаб топади, балога гирифтор бўлади, пешонасига «шақ!» эттириб уради-да, «хаҳ» аттанг-а, ўшанда!..» деб ҳамма айбу карохатни шайтонга тўнкаб сувдан қуруқ чиқмоқ пайига тушади. Ахир Бозорқул биродаримиз ҳар кун-ҳар тунда пахтазор оралаб заводга қатнаётган бўлса оёғи узилиб тушмаётган эди — ҳа, энди, ғарам тепасида белигача, баъзан кифтигача ботиб-кўмилиб пахта тепкилагач, толиқса-толиқар, яна пиёда йўл юриб оёқлари унча-бунча қақшаса-қақшаётган эди, лекин қуш уйқусида ширингина ором олиб ётган Шабнамнинг пинжиги кирганида — ҳали келинчаклик мушку анбарлари аримаган Шабнамгинасининг маст қилувчи бўйлари уни ўз «комига» тортиганида бутун чарчоқлари аъзои баданидан мойдай эриб чиқиб кетаётган — эртасига яна кўкка сапчийдиган саман тойчоқдек ирғишлаб юрган эди. Мутлақо, ўла қолсак қаноат қилмаймиз, тезроқ ва эртароқ ҳаловатга етишининг янаям осонроқ йўлларини ғаламисларча истаб топамиз!..

Бозорвой ҳам ўзимиз янглиғ одамзоднинг ношукр бандаси-да, заводдан чиқиб пахтазор томон юрган жойида тракторчилардан бири, «Юр, жўра, кўчанг бошига ташлаб ўтаман» деб қолди. Бозор севинди, уйига пича эртароқ етиб олиш илинжида гижинглаб бориб тракторчининг ёнига суқилди. Кўчалари бошига келишди ҳам, Бозор трактордан сакраб тушиб тор кўчага ичкарилаб уйининг ёнгинасига борганди ҳамки, шундоққина бошининг тепасида нимадир чарақлаб ёришди, азбаройи қоқ тунда қишлоғига қуёш ағдарилиб тушаётгандек бўлди. Бозор ҳаётда унча-бунчага қўрқадиган йигит эмас эди, шу боис қоқ тунда туйқус чарақлаган бу шуълага парво қилмади, бироқ... қўрқмаслигининг сира иложи йўқ — Бозор бундаини ҳолатга дуч келаётган инсон қавмининг биринчи вакили эди. У ўтақаси ёрилиб беихтиёр қочарга жой мўлжаллаганида боши узра ниманингдир майин гувири эшитилди — бирдан вужудидан қўрқув ҳисси йўқолди — тепага қаради — рўпарасида ўзига иккита келадиган дароз, кумушдек оқ зирҳли либосга ўранган ғалати одамнуса махлуқни кўриб тек қотди. Шу пайт бўлса керак деразадан хотинининг, «Бозор ака, нима у?» дегани эшитилди, Бозор қўрқув туйғуси йўқолганини тушунолмай, «Ётавер, ҳозир кираман» деб овоз берди.

— Кимсан? — сўради одамнуса махлуқ.

— Бозорман, — деди Бозор. — Бозорқулман.

— Кимнинг ўғлисан?

— Алимқул бобонинг... отам қайтиш қилган... — деди Бозор қўрқмаса-да, анг-танг бўлиб.

— Касбинг? Нима иш қиласан? Қачондан буён ишлайсан? Оиланг борми? Боланг-чи?

Одамнуса махлуқ саволларни қалаштириб ташлади, Бозор «барини эслаб қололмасман» деб ҳайиққан эди, йўқ, ҳартугул, сўроқ шиддатига ҳамоҳанг жавобни уддалади:

— Хлопзаводда ишлайман. Юкчиман. Яқинда жойлашдим. Хотиним бор. Болам йўқ.

У жавобни ўринлатдим деб ўйлаганди, чамаси одамнуса махлуқ қоникмади чоғи қайта савол қотди:

— Заводга қачон жойлашдинг?

Бозор ўйга толди. Шу чоқ уйининг деразаси шарақлаб очилиб Шабнамнинг хавотирли овози эшитилди. Бозор «Жим тур!» демоққа лаб жуфтлаганида тепада — шуъла сочаётган жисмнинг гувиллаши тезлашди — рўпарасида муаллақ бўй чўзиб турган ножинс махлуқ арқон пиллапоядан кўтарилаётиб, «Биз Холис сайёрасиданмиз. Саволга жавоб топиб кўйгин» деди мулойимлик билан...

Шуларнинг бари кўз очиб-юмгунчалик лаҳзада содир бўлди. Бозор эс-ҳушини йиғиб олислашиб бораётган ёруғ шуъла зидан анграйди. Қишлоқ итлари безовта ув тортиди. Бозор чўчиб уйғонган одамдек ҳовлиқаётганига қарамай ғалати мажолсизланиб бир-бир босиб ҳовлига кирди — ичкаридан югуриб чиқаётган Шабнам айвон остонасида эрини ағдариб юбораёзди.

— Ким, Бозор ака? Нима деяпти?! — хавотирланиб сўради Шабнам эрига ёпишиб.

— Учадиган одамлар!.. Учадиган!.. — Ҳаяжонини бо солмай деди Бозор.

— Қанақа учадиган? Сизда нима юмуши боракан? — сўрайверди баттар таҳликага тушиб Шабнам.

— Деразани бекор очдинг-да, чўчитиб юбординг уни, — деди Бозор астойдил афсусланиб. — Ҳол-аҳвол сўради, холос... «Уچار баркаш» деган гап чиқдию — ўшалар!..

## 2

Эрталаб ҳовлига чиққан Шабнам кўчадаги ғала-ғовурга беихтиёр қулоқ солди.

— Ҳе-е, тунда ташқарилағандим, қарасам — манов Чучук момонинг уйи теппаси кундек яруғ!.. Ой қулаганми дедим!..

Шабнам инқиллаб бўлса-да, илдам юриб дарвоза ёнига борди. У йўлакда туриб қўшни Фотма бийининг ваҳима кўтаришига қулоқ солмоқчи эди — дарвоза тавақасини қандай очиб, қандай кўчага чиққанини билмай қолди.

— Кўзим минан кўрдим-а!.. Сўнғ, ўша чироғ осмонга учди — кеетди!.. Уллай-а!

Тўдалашган хотин-халаж, бола-бақра ҳайрат-тааж-жубларга тўла хитоблар билан кўчани бошига кўтаришаётганида Фотма бийи тўсатдан тунги чироқни қайтиб кўргандек бақириб юборди:

— Ана! Ана, айналайлар, манов келиндининг эри борку, Бозорқул—ўша сўйлашди! Кўзим минан кўрдим-а!.. Ана, келин айтсин, келин!..

Тўдалашганлар гув этдию шундайига ҳам ўнғайсизланаётган Шабнам кўчкининг орасида қолди.

— Тўғри, — деди Шабнам дўнгдек қорнини кафтлари билан паналамоққа беҳуда уриниб. — У киши ишдан

келаётгандилар... Уйимиз ёни ёришиб кетди, кўзим қамашиб уйғондим... Деразадан қарасам, гаплашаяптилар... «Учар баркаш» эмиш...

— Во-ой!..

— Тавба-а!

— Нимани гаплашибди Бозорвой?

— Улар нима дебди?

Шабнам эрининг «ваҳима кўтариб юрма тагин» деганини эслаб гапни қисқа қилди:

— Ҳол-аҳвол сўрабди, холос...

Бировникида сичқон болаласа етти иқлимга тарқайдиган Пахтақайнардек қишлоққа «учар баркаш» кўнадию ваҳима кўтармай бўладими!.. Келгиндилар овозаси бола-бақра, хотин-халажни кўяверинг, нақ тўшакка қадалиб ётган чолу кампирларни ҳам оёққа турғазди. Пахтақайнар шов-шув, миш-мишга кўмилди: кимсан Бозорқул деганникига осмондан келгиндилар тушганмиш!.. Ҳол-аҳвол сўраганмиш!.. «Ёрдам берамиз!» деганмиш!..

Чучук момо кун обдон ёйилганда янгиликдан дарак топди, у алпанг-талпанг югургилаб ўғлининг уйига кириб борди. «Ҳой-чи, ҳой, нима бўлли? Айт-чи, айт!» деб туриб олди. Тарашадек қотиб ухлаётган Бозор енгил-елпи жавобминан кутулмади, охири момосини жеркиб ташлади.

— А-айт, нима худо урди сени? Бутун қишлоқ сени гапирёбди!— деди уввос солиб Чучук момо.

— Э, осмондан тушгичларга йўлиқдим!.. Ҳеч нарса демади... Қайтиб учиб кетди...— деди Бозор кўзини очмай.

— Нимада тушибди? Нега сенга йўлиқади?— дея ижиқилади момо.

— Самолётида тушган... Тунда ёлғиз эдим... Шунга менга йўлиққан-да... Боринг, ухлай!..

Ухлаш қаёқда! Овоза етти иқлимга болалаб кетади-ю, Бозорбек жаноблари «қилғиликни қилиб қўйиб» хотиржам ухлайверадиларми?! Биринчилар қатори маҳаллий рўзнома мухбири дарвоза қоқиб келди. «Ўғлингизни уйғотинг, энажон, эртанги газетга чиқарамиз», деди у Чучук момони тезлаб. Момо ўғлининг тепасига кириб чиққунича ҳовлида ёнбошига жомадонусха халта осган ўспирин пайдо бўлди. «Радиодан эшиттира-миз» деди у ҳам ҳовлиқиб.

Бозор ортиқ ётолмади — турди, ювинди. «Шундоқ» дея бор гапни бўямай-бежамай айтди. Иккала мухбир қанот қоқиб чиқиб кетди ҳовлидан. Савол-жавоб бит-гунича ҳовлига тумонат йиғилганди. Бозор лоф эмас, бир ўн беш дафта қайтарди-ёв кўрган-нетганини!.. Шабнам шўрлик этакдаги уйга қамалиб олди. Ҳовлида, дарвозахонада одам сийраклашадиганга ўхшамади. Кўчага мошин кеб тўхтади. Раисники экан. Шофири кириб, «Юр, ука, раис сўроқлапти» деди Бозорга. Ҳаётда раисга олма-юз келмаган Бозорнинг капалаги учди — ичида нимадир «тирс» этиб узилгандек бўлди. Чикди. Мошинга минди. Хотини ҳамон ичкарида, кўчада — момоси, кўни-қўшни чувиллаб чапак уриб қолишди.

Қабулхонадан ўтиб ўйма гулли эшикни очганида раис ўрнидан тура солиб Бозорга пешвоз чикди, у билан қўшқўллаб кўришди, невараси тенги йигитни юқорига чорлаб, «Айт, болам, бир бошдан айт!» деди сабри чидамай. Бозор аввалига айб иш қилган боладек тутилиб дудуқланди, сўнг раис бованинг тагини ҳўл қиб қўйган гўдакдек жавдираб ўтиришини кўриб дадиллашди. Кўрганларини бамайлихотир, оқизмай-томизмай баён этди. «Яна айт. Шошмай, бир бошдан айт» деди раис. Бозор айтди. Раис тафсирни иккинчи қайта тинглагач, «Е, пирим!» деб туриб кетди. Хонани гир-гир айланди.

Бир кўнгли Бозорни ёнидан жилдирмай олиб ўтирмоқчи эди. Котиба эшикдан бош суқиб, «Сизди Раҳматов чақирибди. Шофири келли», деди Бозорга.

Раис кузатувида ҳовлига чиққан Бозорнинг кўзи Аминвой гуппига тушди. Гуппи гўё хориждан жаҳон мусобақасининг ғолиби бўлиб қайтган шогирдини кутиб олаётгандек Бозорнинг хумдек калласини бағрига босди, обдон омонлашди, раис билан сўнгра сўрашди. Бозорни қўлтиқлаб мошинга ёнма-ён ўтирди. «Астарақ ҳайда» деди у шофёрга катта йўлга чиқишгач. Мошин йўл ёқалаб йўрғалай бошлади. Аминвой гуппининг саволи — Бозорнинг ҳикояси тугай демасди, ниҳоят, гуппи, «Бирпас тўхтат» деди шофёрга. Шофёр жон-жон деб тўхтатди мошинни. Бозор қайта бошдан ҳикоя қилди, шофёрнинг саволлари ҳам жавобсиз қолмади. Гуппи дам ишониб-дам ишонмай Бозорнинг елкасидан қўлини узмас, гоҳ кулиб-гоҳ жиддийлашиб бош чайқар, дилидагини тилига чиқаришга муносиб сўз тополмай мошинга сиғмай ўтирар эди.

— Э, ўзинг покиза йигит экансан-е, Бозорвой,— деди тиржайиб гуппи.— Узиям, бекорга зовитга жойлаштирмадим-да сени, акаси!.. Додинг худога етгани шу-да!.. Худонинг шахсан ўзи ҳолингдан хабар олгани одам жўнатибди-я!.. Авлиё экансан, Бозор!..

Раҳматов ташқарида экан — мошиннинг эшигини ўзи очди. Бозорни қарийб Аминвойнинг кучоғидан суғуриб олди. Калтабақай қўлларини чўзиб Бозорни бағрига босмоқчи эди, қорни халал берди — худди жонли уйинчоқ топиб олгандек йиғилган завод аҳли издиҳоми орасидан уни етаклаб қабулхонага бошлади.

— А, бу заводди тўхтатиб қўйдинг-ку, уркағар!— деди Раҳматов тилла тишларини чиройли йилтиратиб.— Эртадан бери ҳеч ким ишламаяпти! Бор гапми, ўзи? Қани, гулла, тезроқ!

Директорнинг қатида турган Фаол мошўрдага қатик бўлди:

— Раҳматов!.. Бозорбой ташқарида — жамоанинг ҳузурида ошқора айтгани дурустмиди...

Раҳматов Фаолга чапақай қараш қилди-ю, индамади. Унинг бўғзида қолган гапни хонада савлат тўкиб юринаётган Аминвой айтди:

— Жамоани қўйинг, Абдуфаол,— деди у беписандлик билан, сўнг овозини мулойимлаштириб Бозорга деди:— Айт, бошла, олдин ўзимиз эштайлик!

Бозор айтди — бир бошдан, раисга айтгандек, халойиққа айтгандек сўзма-сўз такрорлади. Раҳматов ҳам, Фаол ҳам бақа бўп қолди. Бозор хонадан чиқаётганида ҳамон жойидан қимирламай ўтирган Раҳматов уни тўхтатди:

— Бозорбой!— деди у мерганқараш қилиб.— Қайфинг йўқмиди, ишқилиб? Тагин шармандамиз чиқиб юрмайлик, жиян!..

— Йўғ-э!— деди Аминвой гуппи Бозор учун жавоб бериб. Сўнг масхаралаб ҳиринглади:— Бозорвой нима-сига ичади, ака.

Фаол гуппининг киноясини тушунмай-нетмай унинг гапини маъқуллади:

— Бозорбой оғзига олмайдиган кадрларимиздан, Раҳматов...

Раҳматов гўштор жағини, юмалоқ қорнини силкилатиб мамнун кулди.

Бозорнинг ажабтовур ҳикоясини радиодан эшиттиришди, рўзномада сурати билан босишди — ҳафта-ўн

кун на ҳушида, на уйқусида ҳаловат топди у. Бозорнинг номи пахтақайнарликлар оғзидан тушмади, ўша кунларда ўғил кўрганларнинг ярмидан ортиғи янги меҳмонга «Бозорбой» деб исм қўйди. Лекин айна терим палласи эмасми — одамлар яна пахтага чалғиди — миш-мишлар сўна бошлади. Фақат кўча-кўйда учраган таниш-билишлар Бозорвойга энди одатдагидан бўлакча қарашар, у билан фавқулдда сеҳрли одамдек муомала қилишарди. Завод ишчилари нари турсин, ҳатто Раҳматовдек зот ҳам у билан тўхтаб сўрашадиган, ўнақай келса — бирпас-яримпас сўхбатга тутадиган одат чиқарди. Бошқа бирон рўшноликдан дарак йўқ, Бозор ўша-ўша — гоҳ йўловчи тракторларда, гоҳ пахтазор оралаб завод билан уйи орасида пиёда қатнайверди. Учар махлуқларни унутиб яна фикри-хаёли, ташвиши хотинининг қадам олишига қараб қолган кунларда...

Бу сафар у пахтазор оралаб қайтаётганиди, уйига етишига ярим қақирим қолганиди чоғи — туйқус теласида чақмоқ чаққандек нимадир қарсиллади. Бозор азот бош кўтариб қаради — ёруғнинг зуридан кўзини чирт юмди. Юмди-ю, нега, қандай куч таъсирида чўккалаб қолганини билолмай, гарангсиди — нуқул кўрқмаётганига таажжубланар, ҳайратининг тагига етолмасди. Шу пайт таниш овозни эшитди:

— Қачон жойлашинг ишга?

Бозор сомеларча чўк тушган кўйи тепага қаради — арқон пиллапоёга тармашиб турган баҳайбат одамнухани кўриб унинг турқи тунов кундаги келгиндиникига ўхшамаслигини пайқайди. У махлуқни бош-оёқ назардан ўтказмоқчи эди, негадир ғайришуурий бир алфозда шошилиб жавоб қилди:

— Уч ою ўн кун бўлди.

— Яъни?— сўради келгинди.

— Июннинг йигирмасида.

— Бурун қаерда ишлар эдинг?

— Тракторчи эдим.

— Нега юкчиликка ўтдинг?

— Узим...

Бозор шундай дедию тили тутилди.

— Сўзлайвер,— деди махлуқ.

— Уйлангач... ўтдим,— деди Бозор.

— Уйланганлар пахта заводида ишлайдими?— сўради махлуқ.

— Йўқ, мен... биз...

Юқорида муаллақ турган баркаш ғувиллади, бир оёғини арқон пиллапоядан узмай савол ёғдираётган махлуқ шошилди чоғи, бидирлади:

— Турмуши оғирлашганлар ишлайди заводда. Шундайми? Сен қийналдингми? Тракторчилик ярамай қолдими? Энди дурустми ишинг?.. Дурустми, ишқилиб?..

Бозор саволларни илғаб олгунича қишлоқ томонда шовқин-сурон кўтарилди — хотин-халаж, бола-бақра дод солди, нималардир даранглади, итлар акиллади, сўнгги дақиқада одамнухса махлуқнинг майин-мулойим оҳангда, «Омон бўл, Бозорбой», дегани қулоғига элас-элас чалинди Бозорнинг — у бош кўтариб нигоҳлари билан баркашни кузата олмади — ёруғдан қамашган кўзларини бир юмиб очганида қишлоқ томондан «Бозор!.. Бозор ака!.. Бо-зор а-ка!»лаб ҳаллослаб югуриб яқинлашаётган Шабнамнинг овозини таниди. «Югурма, Шабнам!.. Кўрқма! Кўрқма!» деб бақирди жон ҳолатда Бозор қад ростлаб, у қад ростлаб улгурмай хотини етиб келдию ўзини эрининг устига ташлаб кучоқлаганча ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

Бозор дағ-дағ титраётган хотини билан етаклашиб йўл ёқасига чиққанида бир қатор тизилган қўни-қўшниллар ҳамон овози борича бақириб-чақирар, қўлига тушган нарсани бир-бирига уриб шовқин кўтаришарди.

Бозор билан Шабнамнинг қораси кўрингач тарақ-туруқ тинди, чувир-чувир бошланди, ҳар ёқдан саволлар ёғилди. Шабнам эрини биров тортиб оладигандек унинг билагига икки қўллаб тармашган, ҳамон қалтирар, қийналиб нафас олаётганига қарамай нуқул, «Ҳеч нарса демабди!.. Гаплашмабди!» дер, эри учун жавоб бериб, уни тортиб-сургаб уйга киришга ундар эди. Уғлининг дамо-дам тўхтаб қолаётганини кўрган Чучук момо: — Сен не ёмонлик қибсан уларга, ули-им?.. Кир, уйга-а!— деб зор қақшади.

Уйга киришгач, Шабнам эрининг ранг-рўйини кўриб баттар кўрқиб кетди, уни саволга тутди, «Кўрқяпман, Бозор ака, улар нега сизди сўроқ қияпти?» деб йиғлади. Бозор рангида ранг қолмаган, қалт-қалт титраётган хотинини тинчлантди, «Чўчиди, бирон кор-қол бўлмасайди!» деган хавотирда хотинининг қорнига дамбадам кўз ташлади, момоси қўллари қалтираб дераза тавақаларини зичлаб ёпаётганини, ҳовли этагидаги уйига бормай айвонда чўк тушганча бир нималарни шивирлаётганини кўриб зўрма-зўраки кулди, «Кўйсангларчи, ҳеч гап йўқ. Тозза қизиқувчи экан учар махлуқ, нуқул ҳол-аҳвол сўрайди-я!» деди ярим таажжуб, ярим ҳангома оҳангида.

Эртасига эрталаб газетчи бола келди, Бозорни йўқлади, Чучук момо уни совуқ қаршилади, «Кўй, улим, Бозор ухлаяпти» деди норозиланиб. «Яна учар келгиндиларга йўлиқибди, деб эшитдим» деди у хиралик қилиб. «Мен эшитмадим — биззи ўз ҳолимизга қўй» деди юзини терс буриб момо. Мухбир, «Келин-чи, келин — у ҳам кўрган эмиш», деб эзмалик қилаётганиди, момо «Э, келиним касал, ўзи, зўрага юрибди!» деб қувиб солди. Мухбир кетди. Кейинидан раиснинг шофёри келди — момо уни изига қайтарди, аллақатдан ўғлининг жўраси келди — унга ҳам ўзи жавоб қилиб юборди — «Ҳақ!» деб дарвоза ёнида тиззаларини қучоқлаб ўтирди.

Тушга яқин велосипед минган бола дарвоза ёнида айланиша бошлади, момо уни олдига солиб ҳайдамоқчи эди, бола «Бозорбой акани Опа чақиряпти, шўрога. Тез борар экан», деб улловидан тушмай жўнаб қолди.

Бозорнинг энсаси қотса-да, иложсиз, борди. У қишлоқ шўросининг раисаси — Опанинг ёнида мелиса ўтирганини кўриб ортиқ ажабланмади ҳам. Опа билан мелиса обдан Бозорни кўкларга кўтаришди, Бозор туфайли Пахтақайнар қишлоғининг донғи дунёга таралганини оғзларидан бол томиб изҳор қилишди. Ҳангома маромини туйқус мелиса бузди:

— Ука, дунёнинг ишларини тушуниб бўмай қолди,— деди у қирра бурнининг учидоги терни артиб, қаламдафтарини оларкан. — Ҳар қалай, бор гапларни ҳужжатлаштириб қўяйлик. Тагин бир ишқал бўб юрмасин...

Бозор ўйланиб қолди.

— Хизматчилик, ука...

Опа мелисанинг гапини маъқуллаб бош ирғади. Бозор дўриллаб ёд бўлиб кетган ҳикоясини бошлади. Икки оғиз айтиб улгурмай Опа унинг гапини бўлди:

— Аввалгисини эшитмаган одам қолмади, укажон, бу киши кечагисига қизиқяптилар.

Бозор шундагина ҳали ҳеч кимга учар баркаш қаердан келганини айтмаганини эслади.

— Ҳикоя қилиб жонимга тегдию, Опа,— деди у,— учиб келгичлар қаерлик эканини айтмабман.

— Қаерлик эди?!— ҳайқириб юборди Опа кўзлари олайиб.

— Айтганмиди?!— сўради ҳовлиқиб мелиса.

— «Холис сайёрасиданмиз» деганди... мутлақо ёдимдан кўтарилибди...

— Холис сайёрасидан?!— баравар сўради Опа билан мелиса. Сўнг Опа илова қилди:— Холис сайёраси қат-тайкан?

Бозор бош чайқаб елкасини қисди.

Мелиса унинг айтганларини батафсил хатга битди. Шундан сўнг суҳбат кечаги ташриф тафсилотига кўчди.

— Уша махлуқларнинг оёғи ерга тегдими?— сўради мелиса. Бозордан «ҳа» жавобини олгач, худди кўз ўнгидаги жиноятчи қочиб кетаётгандек шошқалоқланди:— Шунисини айтмайсанми, ука! Тошини чамаладингми келгиндининг?

— Юз йигирма-юз ўттиздан озмас!— деди Бозор.

— У ҳолда... оёғининг изини топсак бўлармикан?

— Йўқ,— деди Бозор бўшашиб,— пахтазорнинг қаеридан излаймиз уни?..

— Сиз тахминан кўрсатсангиз бас. Биз махсус изтопарларни қақиртирамиз. Келади, текширади. Тангадек из бўлса ҳам — топилади.

Бунга Бозорнинг ўзи ҳам қизиқди.

— Уша жойни ўраб, текширилса-чи?— гапга аралашди Опа.— Зора топилса? Бутун дунё одамлари учун томошагоҳга айланарди-да, ўзиям!..

— Чиқмаган жондан умид,— деди мелиса жонла-ниб.— Бу ёғи, Бозорбойда қолган...

Шу пайт телефон чўзиб-чўзиб жиринглади. Опа истамайгина дастакни қулоғига яқинлаштирдию сапчиб ўрнидан туриб кетди. Бети дам қизариб, дам оқариб кўйлак ёқаларини, сочларини тузатган бўлди. Телефондан овоз эшитилиши билан қуюқ саломлашди.

— Ҳозир шуни гаплашаётгандик. Ҳа-ҳа,— деди у хийла жиддий тортиб.— Марказдан... Милициядан ходим... Ҳа, шу ерда... Бозорбой ҳам шу ерда...

Чамаси Опа билан гаплашаётган киши Бозорни танимади шекилли, Опа, «Анув, учар махлуқлар билан учрашган йигитимиз-чи», деди. Сўнг Бозордан ҳозир эшитганларини чала-ярим ҳикоя қилди, пировардида, «Кеча келгиндилар кўнган жойда текшириш ўтказасак... Ҳа, ҳа, пахтазорни ўраб оламиз-да...» Опа шундай деди-ю, бирдан ранги гезариб кетди. Дами ичига тушиб, зумда бояги шашти-шиддатидан асар қолмади. Қўли бўшашиб дастакни қулоғидан узди. Эркак кишининг дарғазаб пўписаси эшитилди:

— Айни терим пайтида аҳолини чалғитасизларми?! Пахтазорни пайҳон қилиб-а?! Йўқ ердаги чўпчакка учиб ўтирибсизларми, кап-катта одамлар?!.

Дастак қулоғидан қисқа-қисқа садо келди. Опа нафаси ичига тушиб ўзини оромкурсига ташлади. Мелиса «нима гап, ким ўзи ҳайқирган?» дегандек дам Опага, дам Бозорга аланглади. Бозор «менга барибир» дегандек ғўдайиб ўтираверди. Жимликни Опа бузди:

— Оқсоқолнинг ёрдамчиси... Улар учун пахта теримдан муҳимроқ гап-сўз йўқ...

Мелиса «Ола-а» дегандек бош чайқади. Сўнг чора топгандек Опага қараб деди:

— Марказдан қўнғироқ қилдирсак-чи, Оқсоқол раҳбарларнинг раъйини қайтаролмас, ахир?

Опа ҳафсаласизлик билан кулди.

— Қўйинг,— деди у пича дадиллашиб, худди Оқсоқолнинг ёнини олаётгандек.— Теримга зиён етадиган жойда Оқсоқол ҳеч кимдан ҳайиқмайди...

4

Босим ёмғир шаррос қуйиб теримчиларни уй-уйига қамади. Бозор уйда эканлигидан онаси ҳам, хотини ҳам хурсанд — оқшом жамулжам ўтиришганида Шаб-

нам бир гапириб-ўн кулар, у туну кун, лаҳза сайин ортиб бораётган ваҳимасини ҳам унутган эди. Ундан кам ташвишланмаётган Чучук момо келинининг руҳи энгиллигини кўриб севинди, «соғ бўлмаса кулармиди» деб ичида худога шукрлар қилди.

Улар алламаҳалгача гурунглашиб ўтиришадигандек эди, кутилмаганда Чучук момо кўзғалди, «борай, ётаман» деди. Уғлининг, «Утиринг, она, ҳали барвақт-ку» деганига, «Сен уйда бўлсанг хавотиримиз йўқолади, болам, уйимга бориб хотиржам ётай» деб жавоб қилди. «Урнингизни тўшаб берай, эна» деб ортидан эргашган келинини изига қайтарди: «Қоронғида юрманг, дейман-ку, болам, сиз эҳтиётингизни қилинг, ўрнимни ўзим эплайман».

Шабнам дастурхонни йиғиштириб ичкарига кирганида Бозор ўринга чўзилган эди. «Ҳа, куниминан ухлаб уйқуга тўймадингизми?» деди қув қараш қилиб хотини. «Йўқ, яна уйқу босяпти» деди Бозор кўзини юмиб. Шабнам эшикни ёпди, дераза пардаларини туширди, сўнг энгил-бош илинадиган ишкоф рўпарасида чўнкайиб узоқ тимирскиланди. Эри — ухлаш қаёқда!— ўзини мудраётгандек кўрсатиб ётганини сезганди... Ўз навбатида Бозор ҳам хотини атайин ўзини банд қилиб кўрсатаётганини, у шу тахлит равиш қилаётганини фаҳмлаганди...

У аста ўрнидан турди-да, оёқ учида юриб келиб Шабнамнинг елкасидан кучди. Шабнам шундай бўлишини кутганди, кутса-да, ҳуркак оҳудек чўчиб тушди, «Вой! Мени ишдан қўйманг, Бозор ака!» деди шикоятмуз зорланиб — Бозор бунинг шикоят ёхуд норози-ла-ниш эмаслигини яхши биларди — у қаллиғининг қулоғига, «Ётақол, Шабнам» деб шивирлади. «Йўқ, мен ҳали-вери ётмайман» деди Шабнам ҳам шивирлаб. «Ётмайсанми?» деб сўради ёлғон иддао аралаш Бозор. «Ётаверинг, юмушим бошимдан ошиб ётибди» деди Шабнам ҳамон аёлларга хос ясама қувликни бўша-штирмай, Бозорнинг тоқати тоқ бўлди — «Юмушинг кўпми?.. Ётмайсанми? Ётмайсанми-а?» деб қайлиғининг бўйнига лабини босди, қўйиб юбормай унинг сочларини ҳидлади. Энди, «Қўйинг, қўйворинг» деб ўтирган Шабнам ҳам чидолмади — у даст ўгирилиб ўзини эрининг қучоғига... Шабнам ўзини эрининг қучоғига ташламаганига, улар бир бирларига бундайин навозишлар қилишмаганига ҳам йиллар бўлгандек эди. Бундай сурурли-тотли дамларда Бозор билан Шабнамдан бахти-ёрроқ одамлар бўлмас эди дунёда... Ташқари зулмат оғушида, ичкарида — нимқоронғи хонада табиатнинг бир жуфт эрка фарзанди маъсум ва масрур туйғулар гирдобига фарқ бўлгандан бўлар... Шабнам қачон, қай алфозда ўрнига ётиб қолганини сезмасди — кўзлари юмуқ, ихтиёрсиз, «қўйиб юборинг...» дерди, ҳозир ташқарида шивалаётган ёмғирдан-да майинроқ шивирлаб... Кўзлари сархуш юмилган Бозор томонидан ғайришуурий бир мақомда «қўйиб юбормайман» деган жавоб бўларди... Аслида дўриллоқ овози шундай дамларда жуда майин-мулойим эшитиларди Бозор акасининг. Бул жуфт вужуд ҳаводан-да энгил, шамолдан-да озодроқ ҳис қиларди ўзини... Энди ундай эрка-лашлар-эркаланишлар йўқ, тўғрироғи, улар ўрнини гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора «оҳу-уф»лар, ташвишли боқишлар эгаллаган эди.

— Ухлаяпсизми?— сўради Шабнам эрининг тепасига келиб.

«Ухлаш қаёқда! Ухлаш қаёқда! Ухлаш!..» Бозор зўр бериб ўзини босди, хотинига оғир гапириб юбормаслик учун вазминликни йўқотмай кўзини очди.

— Ётақол, Шабнам... Дамингни ол,— деди меҳрибонлик билан.— Ётгин, мен чироқни ўчираман...

Бозор чироқни ўчириб келиб жойига ётди. Хотинининг кафтини сўлоқмондек кафтлари орасига олиб силади, бармоқларини қисиб унга далда берди. Шабнам чуқур хўрсинди. Бозор унинг юз-кўзини, бўйинини силади, хотинининг юзи шишгани пайпаслаганда ҳам билинаётганидан кўнглига ваҳм тушди — Шабнамнинг пишиллаб нафас олишига қулоқ солиб унга сездирмай хўрсинди.

— Ҳаммаси яхши бўлади, Шабнам... — деди.

Хотини индамади — эри ёнида эканидан хотиржамлик боис дарҳол кўзи илинган эди. Бозор уйқу элитган Шабнамнинг қорнини силаб сийпалаб худога зорланди: «Ўзинг мадад бергин. Хотинимга раҳминг келсин. Ўзинг...» Шу пайт... хотиржамлаша бошлаган кўнглининг аллақаерларига тўсатдан мубҳам бир хавотир кўлагаси куюқ соя ташлаб ўтди — Бозорнинг жисмижони қулоққа айланди. Унинг қулоғига ёмғир шивири орасидан элас-элас бегона гувур садоси чалинди. Бозор чўчиб тушди. У ғайришуурий таҳликада хотинининг юз-кўзи аралаш кўрпа тортди. Сўнг нафас олмай, «чурқ» этмай ётавермоқчи эди, ётаверса — ташқаридаги гувиллаш узоқлашадигандек эди назарида — қимир этмади, дам «менга шундай туюлдимикан?» деган ўйда янаям қулогини динг қилди. Шунда дераза ойнаси чирсиллаб қандайдир босим зўридан синиб кетаёзди, Бозор сапчиб турмоқчи эди, ташқаридан келган овозни эшитиб бетини ёстиққа босди.

— Турмуши оғирлашганлар ишлайди заводда, шундайми? Сен қийналдингми? Тракторчилик ярамай қолди-ми? Энди дурустми, ишинг?.. Дурустми, ишқилиб?..

Бозорнинг назарида, оёқ-кўли музлаб қолгану фақат мияси ундан холи — бегона куч таъсирида жимирлаб ишлаётгандек эди. У тақдирга тан бергандек ошиқмай ўрнидан турди, ғимирлаб-пайпасланиб кийинди, Шабнамнинг эркаланиб, «Ки-им, Бозор ака?..» деганига тил учиди, «Завўддан келишибди, мен ҳозир қайтаман» дедию илдам ташқарилади.

Агар ҳовли, кўча кундек ёришиб турганида бунчалик ажабланмас эди Бозор. Аксинча — чор атроф сим-сим зимистон эканини кўриб ҳайрон қолди. Шунга қарамай, дарвозани қия очиб кўчага чиқди. Чиқдию илк учрашувда тўқнаш келган дароз келгиндининг кумушдек оқ шарпасига кўзи тушди, ундан икки-уч одим нарида хийла пастроқ, хипча бел, хушқомат яна бир одамсимон махлуқ турарди.

— Жавоб беравер, — деди «таниш» келгинди Бозор кўринган заҳоти.

Бозор теварак-атрофга, юқорига аланглади, учар баркашнинг қораси кўринмаганига тушунолмади, иккала келгиндини саросар кўздан ўтказа туриб — боя тўшакда ётган чоғидагидек вужудига титроқ югурди — бироқ у титрай бошлаганини англаб улгурмай қалтироғи босилиб, беихтиёр жавоб беришга киришди:

— Ҳа, турмушим оғирлашганди... Тракторчилик сабилнинг тушуми оз... Завўддан ҳам ҳали-вери барака бўладиганмас...

— Заводга кимнинг кўмаги билан жойлашдинг?

— Аминвой акамнинг...

— У — ким орқали?

— Бўласи завўдда ҳисобчи...

— Қачон барака бўлади, Бозорқул? — сўроққа қўшилди хушқомат махлуқ.

Бозор унинг кўзи ўрнидаги мунчоқдек тешикчаларга, сўнг ярқираб кўринаётган тангадек қулоқларига разм солди. «Аёл киши» деган ўй кечди хаёлидан. Сўнг: — Билмадим, дарак йўқ, — деди умидсизланиб.

Анчагина тепадан — қоронғилик қаъридан таниш ғувиллаш эшитилди, келгиндилар жўнаб қолишини билган

Бозор шошилинда савол қотди. Аёл махлуқ узун, хушбичим оёқларини пиллапоёга бир-бир қўйиб юқорилагунча унинг дароз шериги гўё Бозорнинг саволини эшитмагандек, шунчаки гапирётган оҳангда ғўлдирди:

— Бизлар — Холис сайёрасиданмиз!.. Холис сайёрасиданмиз!.. Мақсадимиз — сизларга ёрдам... Мақсадимиз — ёрдам... Мақсадимиз...

Зум ўтмай келгиндилар ташрифидан дарак берувчи аломатлардан асар ҳам қолмади — на шарпа, на самовий товушлар... Бозор мажҳул бир кайфиятда юриб бўғот панасига ўтди — у шу чоққача ёмғир остида бош яланг, юпун турганига, хийла ивиганига қарамай на ёмғирни, на-да этни жунжиктирадиган совуқни сезганига ҳайрон бўлди. «Холис сайёраси қаерда экан?» деб хаёлланди, ўйлаб ўйига етолмади. Шунда бирдан ташриф буюрувчилар бу сафар дабдабаю асасасиз — чироғини ёқмай келганини эслаб севинди. Бозор эл-юрт орасида гап-сўзлар кўпайишидан юраги безиллаб қолган эди...

5

«Қачон барака бўлади?» деб сўради-я!.. Ачиниб, худди ҳамдардлик изҳор қилаётгандек сўради... Ердами, Холис сайёрасидами, қаерлик эканидан қатъи назар — аёл аёл-да!.. Кўнгли бўш бўлади... Саволни эшитиб Бозор ялтқланди — ўзининг бечорохоллигини намойиш қилмоқчидек умидсизланиб, мискин бир оҳангда жавоб қайтарди. Не муддаода «Билмадим, дарак йўқ» деди? Ёки шундай деса ўша махлуқлар «Ол, Бозорбой, бунда-ай одамга ўхшаб яшагин» деб ярим қоп тилла-пилла ташлаб кетади деб ўйладими? Ундай деса «Мақсадимиз — сизларга ёрдам» деб қуруқ такрорлагани-такрорлаган, нақдидан эса дарак йўқ...

Бозор неча кунгача шу хаёлда юрди. Баъзан хаёл олиб қочганда кўнглига қил сиғмас, ёлғиз қолгиси, башарти учар мавжудотлар яна келгудай бўлса, улардан кўпгина нарсаларни сўраб олишни кўнглига тугар, бу ёқда бирортаси билан ўйларини дардлашишга иккиланар, шунда у жиллақурса Аминвой акага бориб маслаҳат солишни кўнглига тугди, тугдию ниятидан қайтди, ўтган сафарги ташрифлар овозаси энди-энди сусайган — кейинги ташрифни ҳеч ким сезмагани ғалати бўлди-да! — шу боис Бозорбойнинг ўзи гап болалаб кетишидан эҳтиётланиб юрарди. Фақат у бир-икки одамдан гурунг асносида Холис сайёрасини суриштирди. Ҳеч ким уни билмади — елка қисиб қўя қолишди.

...Оқшом завод дарвозаси ёнида бош ҳисобчи Давлатовга дуч келганида хаёлида шундай ўйлар бормиди-йўқми — эслолмади. Давлатов унча-бунча одам билан саломлашмас, ҳатто бутун қишлоқда шунча шов-шув қахрамони бўлган Бозорнинг саломига ҳам оғрингандай бош ирғаб ўтиб кетарди. Бозор дуч келганда Давлатовнинг салобати босаётганини сезса-да, ўзини атайин дадил туттишга уринар, ҳатто эпини қилса унга беписанд — тил учиди салом беришга уринарди.

Бу сафар Бозорнинг товуши чиқмади, бош ирғади, холос. Гўё Бозор — заводнинг бош ҳисобчиси-ю, Давлатов — оддий қора ишчи!.. Бироқ кутилмаганда Давлатов мутлақо ўзга мақомда алик олди. У юм-юмалоқ, семиз афтини ёнбошга қийшайтириб Бозорга ғилла қараш қилди, ҳатто Бозор томон бир-икки қадам юрди ҳам. Бозор шундагина ҳушини йиғди, кимга (Аминвой гуппининг бўласи-я!) беписанд-беътибор

қараётганини, кимсан Давлатовдек зоти олийга бетакал-луфлик қилаётганини пайқаб қолди ва илдам қадам ташлаб унга пешвова чиқди. Кўришиш учун қўл чўзиш-чўзмаслигини билолмай талмовсиради. Шунда Давлатов калта, йўғон қўлини чўзиб унинг билагидан тутиб четга тортди. Бозор «Бош ҳисобчининг менда қандай гапи бўлиши мумкин?» деб ўйлай бошламасдан Давлатов тўсатдан сўради:

— Уккағар, анавилар келяптими?

У шундай деб юзига кўшилиб кетган даҳани билан кишибилмас осмонга ишора қилди. Бозор дабдуруст-дан мударраи тушунмади. Бош ҳисобчига саволомуз чимирилди.

— Келгиндиларингни сўраяпман?— деди Давлатов пишиллаб зарда аралаш.

Бозор «келгиндиларингни» деган сўзни эшитиб кулиб юборди — Давлатов кулмади. У худди бесўнақай қорни билан деворга қапиштириб қўймоқчидек Бозорга яқин келди, бироқ қорни Бозорга тегиб қолганидан унинг қулоғига энгаша олмади.

— Қизиталоқлар қанақа гаплашади? Одамга ўхшаганми ўзи, уларнинг?

Бозор кулимсиради — Давлатов кулимсирамади. Аксинча, у шу чоққача қўл бериб кўришишни раво кўрмагани боланинг кулиб-кулиб тушунтиришларини жон қулоғи билан тинглади. Бозор гапира туриб, «Учар одамлар жуда мулойим, нуқул ҳол-аҳвол сўрайди» деб икки-уч такрорлагани сайин, айниқса эмин-эркин, гўё латифа айтаётгандай гапиргани сайин Давлатов эркинроқ нафас ола бошлади — бетига қон югуриб Бозорбойнинг билагини қўйиб юборди — ўзининг кимлигини тўсатдан эслаб қолгандек жиддий тортди, «Ҳай, шайтон!» деб Бозорга ишшайди-да, «Майли, боравур, бор» деб кўчага чиқиб кетди. Бироқ ҳамма унутаёзган ҳодисага Давлатов не боисдан қизиқиб қолганини, ҳатто Бозорбойни махсус тўхтатиб сўроққа тутганини, Бозорнинг гапини тинглай туриб неча турфа товланганини, хусусан, хайрлашаётиб аянчдан ишшайганини — ҳа-ҳа, «Ҳай, шайтон!» деган ҳазиломуз сўз оғзидан қандайдир бир азоб-уқубат билан чиқди, ўша уқубат таъсирида Давлатов илжаймади, тиржаймади, балки ишшайди — аянчли ишшайди ва ноиложликдан, бола олдида ночор кўринишни ўзига эп билмаганидангина, «Майли, боравур, бор» дея олди. Ахир Бозор атайин ўйлаб, муҳокама қилиб шундай хулосага келгани йўқ, балки ҳў-ў шом қоронғисида — ғарам тепасида пахта зичлаётиб кимдир орқадан — овлоқ томондан «Бозор!.. Бозорқул!» деб овоз берганида — овоз эшитилган замони — беихтиёр фаҳмлаб етди! Фаҳмлаб улгурмай яна беихтиёр оғзидан «Давлатовми?!» деган хитоб отилиб чиқди, чиқдию бояги суҳбат асносида бош ҳисобчининг башараси бир неча бор докадек оқариб кетгани кўз ўнгиде суратланди.

Бозор ғарам ёқасига яқинлашиб энкайди, «Шу пайтда Давлатов завўдга келармиди, келса орқадан чакирармиди!» деган ўйда бўйини чўзиб, «Ким?» деб қичқирди. Ҳарчанд уринмасин қоронғида ғарам пойида биқиниб-пусиб турган кўлагани таниёлмади.

— Туш, Бозор!.. Туш!— деди овоз эгаси.

«Давлатов!» деб юборди Бозор ва бирдан шошиб қолди — қўлидаги паншаҳасини улоқтирганича юқорига пахта чиқараётган лентали кўтарма краннинг тумшуғига тармашиб пастлади. Лапангланча югуриб орқага ўтди. Кўлагага яқинлашаётиб Давлатовнинг товуши қалтираб-хавотирли эшитилганига эътибор қилди.

— Ҳа, ака?— деди у гўё кўлаганинг ҳаёти хавф остида қолгану уни халос этмоқ қасдида важоҳат билан югуриб бориб.

Давлатов «ҳеч ким кўрмаяптими» деган ҳадикда ён-атрофга аланглаб олди-да, Бозорга қаттиқ тикилди.

— «Учар баркаш» деганинг бор гапми ёки майнабозчиликми?!— сўради у дўқ уриб.

Бозор бош ҳисобчининг бемаврид пўписасини тушунолмай елка қисди. Сўнг Давлатов бошини елкасига қийшайтириб кўзини лўқ қилиб дўлайишини кўриб жавоб берди:

— Бор гап, ака... Нимайди, тинчликми?!

— Дўриллама!..

— Дўриллаётганим йўқ — овозим шундай.

— Нияти нима уларнинг? Ер юзиде Пахтақайнардан бўлак жой қуриб кетганми, шетга тушмасе?!.

— Билмасам,— деди Бозор зўрма-зўраки кулимсираб.

— Менга қара!— деди Давлатов Бозорга еб юборгудай ўқрайиб. Бозор ҳисобчининг зимистонда чақнаб турган кўзидан, дам-бадам чўғдек йилтираётган тилла тишидан нигоҳини узиб ерга қаради. Давлатов дўқ ураётган эса-да, унинг вужуди қандайдир хавотирдан тўкилай-тўкилай деяётганини пайқайди. Хавотирли қалтироқ бош ҳисобчининг овозига ҳам кўчди:— Чиндан билмайсанми?

— Чиндан...— деди Бозор Давлатовнинг афтига тик қараб.

— Чинингми?!.

— Чиним...

— Шунча хангамалашиб, сўрамадингми, уккағардан?!

Бозор атрофни гулдиратиб қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишдан ўзини базўр тийди. «Давлатов мастмикан?» деган шубҳага борди-ю, ичкиликнинг бадбўй иси келмаётганини сезиб ҳайрат-таажжуб аралаш ўзини босди. Ва бош ҳисобчининг иддао оҳангига тамомила зид мақомда гапирди:

— Қандай хангамани айтяпсиз, ака? Улар нуқул сўрайди... Сўрагани сўраган...

Давлатов жим туриб қолганини кўрган Бозор ўн-ғайсизликдан қутулиш учунгина илова қилди:

— Боя ҳам айтдим-ку, шуни...

Бозор шундай деб улгурмай Давлатовнинг айиқдай гавдаси тулкиникидай бўлиб қолди. Ичидан ҳаво чиқиб кетган пуфакдек бўшашиб ҳам ҳадик, ҳам пўписа аралаш пишиллади:

— Гап — орамизда, бола!.. Учинчи бир итнинг қулоғига етгудай бўлса маши ғарамга бостириб юб-бораман. Тушундингми?!

Бозор орқага тисланди. У Давлатовни бу қадар увол ва бечора аҳволда кўришни хаёлига келтирмаган, хусусан шундай абгор ҳолатда уни бир туртиб ағдаришга кўзи етса-да, бош ҳисобчининг ҳуши ўзида эмаслигига ишонч ҳосил қилиб эҳтиётини кўрди. Давлатов унинг енгига тармашди — ўзига томон тортди. Ва фавқулодда товуши мулойимлашди:

— Кеча тунда ташқариландим. Ҳовли бурчагига борсам иккита одамбашара махлуқ! Теракдай-теракдай!.. Афт-башараси кўринмади!..— Давлатов шундай деб туриб худди ҳаво етишмагандай оғзини катта-катта очиб нафас олди, сўнг ўзига анграйиб турган Бозорга жавдираб тикилганча гапида давом этди:— Эсим оғиб қолай деди, Бозор!.. Ғўлдираб, овозим чиқмасе де!.. Кейин, бирдан худо мадад бердими — тўсатдан ботирландим. Чўчимай-нетмай тиккасига боравурдим. Бирови гапга тутди!..

— Йўғ-э!— деб юборди Бозор баралла.

— Ул «йўғ-э!»— сўкинди Давлатов оғзидан тупук сачратиб.— Оёғинг ёқмади, бола! Бу келгиндиларинг бир ғалвани бошламасайди, деб кўрқаман.



— Нима, бирон зиён етказдими?!— норозиланиб сўради Бозор.

— Йўқ. Зиён етказмади.

— Хавотирланманг, ака. Учиб келгичлар мутлақо безиён. Важажанинг маърузасини эшитганман. Улар ерга фақат яхши ниятда келади.

— Важажанг ким?

— Билмайман... бу ерлик эмас, аллақатлик олим...

— Сендан ҳам завўдни сўраганмиди?

— Бола-чақани, оиламни ҳам суриштирган.

— Мендан ҳам... нуқул завўддан айлантивурди...

— Сиз минан мендан завўдни сўрайди-да!.. Қўйчивондан — сурувни, боғбондан — мева-чевани суриштиради. Сўрагани сўраган!..

— Падарига қусур-э!.. Қулоғингда бўлсин, ука, гап — ўртамизда! Бирон ишқал чиқса — тайсалламай етказ менга. Уқдингми?!.

Бозор саросимага тушган бош ҳисобчини тинчлантиришга уринди.

— Хотиржам бўлинг, ака, келса икки-уч келади, кейин йўқолиб кетади.

Давлатов нечоғли тинчланди — Бозорга қоронғи эди, у уфунат — зулмат қаърида лапанглаб ғойиб бўлаётган бош ҳисобчининг орқасидан разм солиб турди-да, негадир кўнгли номаълум бир хавотирни туйиб қаттиқ энтикди...

## 6

Бозорнинг эти жунжиқди. Бу овлоқ ва пастқам жойда кўпдан буён ёлғиз турган-у, шуни туйқус сезиб қолган одамдек ўзи сезмаган, ақл-идрокидан йироқ бир ҳадикнингми, ҳадик шарпасинингми таъсирида ён-верига аланглади — худди ўзини таъбиқ этувчилар назаридан холи қолмоқчидек бошини елкалари орасига тортиб энқайганича келган изига югурди — то уч қаватли уйдек баландликдаги пахта ғарамининг тепасига чиқиб олгунича юраги така-пука бўлди — хаёли минг ёққа қочди. У Давлатов ҳақида, унинг айтганлари ҳақида ўйламасликка уринди — ишга чалғимоқчи — жаҳд билан пахтани ғарамга босишга киришмоқчи эди — паншахасини қолдирган жойни чамалаб аланглаётган пайт пахта узатаётган лентали краннинг нимасидир қарсиллаб синди, узатгич-лента «варр... варр»лаб юқорига лахта-лахта пахта сочди-да, айланишдан тўхтади. Бозор ёйиб, зичлаб улгурмаган пахта уюлиб кетгани боис кран тўхтаганига севинди ва ғарам ёқасига бориб, «Нарзиқул амак!» деб шеригини чақирди. Қоронғида Нарзиқул амакнинг «Ҳозир!» дегани эшитилди. Бозор дадилланиш ниятида шекилли, паншахани каптарвознинг матрапидек боши узра айлантирди, икки-уч қур айлантиргач, паншахани пахта уюмига санчди, санчдию иш билан ўзини чалғита олмаётганига кўзи етгандек оғзига келган қўшиқни чалакам-чатти хирғойи қила бошлади. Бошладию... икки терак бўйи тепалиқда таниш гувирни эшитди. Бозор шу захоти, заррача ўйламай-нетмай оёғини жуфтлаб туриб тепкиланмаган пахта уюмига сакради — бўйчан ва залворли гавдаси ботиб белигача, сўнг ҳиқилдоғгача пахтага фарқ бўлди. Димиқиб қолмай деган хавотирда қўл-оёқларини ёйди, бетига сиқимлаб пахта ташлаб ўзини кўмди. Паналаниб улгурганмиди-йўқмиди — шундоқ манглайининг рўпарасида тумшуғи қайрилма пўлат пойабзал кийган оёқни кўрди. Бозор дамини чиқармади. «Миямни мажақлаб ташламаса бўлгани!» деб кўнглидан кечирди. Шу алфозда пўлат оёқ пахтага — тагин тепиб-зичланмаган

пахта уюмига ботиб кетмаётганига ажабланди. Бир замон қўлтиғида нимадир ғимирлади, Бозор эс-ҳушини йиғиб улгурмай — ўша ғимирлаган нарса уни даст кўтарди — Бозор бесўнақай гавдасининг оғирлигини ҳис қилмай қолди — фазогирлардай учи-иб ғарам юзасида пайдо бўлди.

— Бунча қаттиқ ишламасанг?— сўради темир ниқобли махлуқ.

— Ишш... мен...— дудуқланди Бозор.

— Димиқиб қолмайсанми, бу аҳволда!— яна сўради келгинди.

Бозор дағ-дағ қалтираётганидан тили калимага келмади. Одамнусха мавжудот буни тўсатдан пайқаб, тепага — қоронғилик томон қараб кулди — кулгиси аллақандай ёқимли мусиқадай эшитилди. Шарпаси элас-элас сезилаётган учар баркаш томонда бир гала қуш учиб ўтгандек бўлди — Бозорнинг қалтираши таққа тўхтади — бирдан хотиржам тортиб қўрқув ҳиссини унутди — учар махлуқ қолиб унинг ўзи савол ёғдира кетди:

— Бошқаларниқига ҳам тушяпсизларми? Қачонгача тушасизлар? Давлатовни хавотирга қўйибсизлар-да? Сизларни асли нималар қизиқтиради, ўзи?

Бозорнинг шу топда оғзига кучи етмай ёғдираётган саволлари келгинди жондорлар учун жавоб ўрнида ўтаётганига унинг фаҳми етмаётган эди. Агар улар индамаса Бозор яна қанча қовун туширарди — менга ноаён, ҳар қалай, у хушқомат келгиндининг мурожаатини дарҳол фаҳмламади:

— Бозорқул Алимқул ўғли!— деб иккинчи бор такорлади хушқомат келгинди.

Бозор жим бўлди. Қатор-қатор саволларига келгиндилар пинак бузмай тошдек қотиб туриши, бу етмагандай яна гап оцаётгани унинг ғашини келтирди, бироқ у алжирашдан тўхтаган эди.

— Эслаб кўр-чи. Тракторчилик қилаётганда Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан?

Бозор хушқомат келгиндининг оғзидан Оқсоқолнинг номини эшитиб лол бўлиб қолди. У хипча белли махлуқнинг ҳиссиз, мазмунсиз мунчоқ кўзларига тик қарашга уринди — уддалай олмади. Дароз махлуқ саволни такорлади:

— Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан?

Бозор гапини йўқотиб қўйди, сўнг дадиллашди ва:

— Йўқ,— деди қисқа қилиб.

— Яхшилаб ўйлаб кўряпсанми?— деди хипча белли келгинди унга ҳамдардлик билдираётгандек майин овозда.

Бозор шу пайтгача Оқсоқолнинг юз-кўзини кўрмаган эди, у билан гаплашиш эмас, э-э, Бозорбойдек бўз йигитлар учун Оқсоқолдан лоақал бирон юмуш юзасидан топшириқ олишининг ўзи арши аълодаги саодатку, ахир!.. Шундай экан, Бозор нега ўйланади, нимасини хаёл қилади, «Йўқ» деб қутулмайдими... у эса худди «Оқсоқолдан топшириқ олган бўлишим ҳам мумкин, қани, хотирлаб кўрай-чи» деган қабилда ўйга толди. Шу чоқ ғарам қиргоғига қўйилган нарвон тепасида Нарзиқул кўринди. Нарзиқул амак ғарам устига чиқиб икки қадам босди-ю, эсхонаси чиқиб кетди!

— Дод! Вой, дод!— деганча чаппарости ағдарилиб ғарам ёқасига бориб қолди, «Ҳозир йиқилиб ўлади!» деган ўй Бозорнинг хаёлини чақмоқдек тилиб ўтди. Утдию хушқомат махлуқ шошилмай-нетмай қўл чўзиб амакини осонгина тугиб қолди. «Бир ўлимдан сақлади!» деб кўнглидан ўтказди Бозор. Дароз бўйли махлуқ тепага қараб кулимсиради — шунда Бозор унинг қарийб

елкаси-кифти кенглигидаги йўғон бўйни мойсираган ошиқ-мошиқдай сезилар-сезилмас ғичирлаганини аниқ эшитди, қоронғилик қаъридан қушлар галаси учиб ўтган-дек бўлди — Нарзиқул тинчланди. Унинг ҳарс-ҳарс нафас олиши эшитиларди, холос.

— Бозор... Бозор...— деди у димиқиб ўлаётган одам-дек алаҳлаб.

Лекин Бозор алай-балай деб улгурмай Нарзиқулнинг ўзи сўроққа тутилди.

— Сен кимсан?— сўради дароз келгинди.

— Мен... Нарзиқул...

— Кимнинг ўғлисан?

— Отам... Қодирқул... ёши саксонда... пронтовой...

— Оиланг?

— Бор...

— Болаларинг?

— Бор...

— Нечта?

— Ун икки...

— Маошинг?

— Икки юз...га учма-уч...

— Ун беш оғизни шу ҳисобдан боқасанми?

— Яқинда қиз чиқардим!— деб юборди Нарзиқул.

— Тўйни қайси сармоядан қилдинг?— сўради дароз махлуқ.

Бозор сўроқ бу қадар узоқ давом этаётганига ажабланди, «Тўйни айтишга бало борми?» деб ичида жеркиди.

— Бу кишининг жавобини тафтиш қиляпсизми?— меҳрибонлик билан сўради нозик қоматли махлуқ.

Бозорнинг дами ичига, ўзи пахтанинг орасига тушиб кетди. Бу орада Нарзиқул амаки яна қовун туширди:

— Невара тўйиними?— деб, келгиндилар сўрамаган нарсани гуллади.

Бозор бетини пахтага босиб, «Алжимамай ўл!» деб ичида сўкинди, бошини кўтариб хипча бел махлуқнинг тепага қараб кулимсираганини кўрди — у гап нимада эканлигини англаб етмай юқоридан мусиқа оҳанги қуйилди ва Бозор қалт-қалт титрай бошлади — нафаси бўғзига тикилиб, тушида аждаҳога рўпара келган гўдак-дек босинқираб қўл-оёғини кўтариб ташлади. Шайтонлаб қолди. Тутқаноқ тутгандек типирчилаб, кўзи олайиб оғзи кўпирди. Хушқомат махлуқ уни бир зум кузатиб турди-да, бетини осмонга қаратиб боягиндай кулимсиради — Бозор шу заҳоти тинчланди. Тутқаноғи тинган бемордек мадорсизланиб юзтубан чўзилди.

— Сармояни қайдан олгансиз?

Нарзиқул Бозорнинг талвасасини бепарво кузатганича саволни тушунмай, анграйди.

— Нарзиқул Қодирқул ўғли!— чақирди дароз махлуқ.

Нарзиқул шамдек қотиб тураверди.

— Нарзиқул Қодирқул ўғли!— яна чақирди махлуқ.

Шу сафарги чақириқдан сўнггина Нарзиқул бирдан жон кирган тентакдек оғзига келганини алжишга тушди:

— Улимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ!.. Йўқ!.. Худо урсин сармоя нимаиканини билмайман!.. Жўжабирдай жонман! Жўжабирдай!.. Менга раҳмингиз келсин!.. Яқинда ўғлимни уйлайман... Раҳмингиз кел...

— Яхшилаб ўйлабоқ?.. Яхшилаб ўйлабоқ?.. Яхшилаб...

Бозор жанг майдонида жон берган ясовулдек кимир этмай ётаверди. Нарзиқул амаки хўнграб юборди. Эмаклар келиб уввос тортганча ўзини Бозорнинг устига ташлади. Шу пайт нарвондан ҳовлиқиб кўтарилган кўлага заводни бошига кўтариб дод солди:

— Мана!.. Ана!.. Ўлдириб кетибди!.. Ўлдирибди!..

Нарзиқул сапчиб бош кўтарди, чўк тушган кўйи тиззасига муштлади:

— Менимас, Бозорни ўлдирди!.. Бозорнинг жонини обкетди-и!..

Нарвондан кетма-кет икки-уч киши кўтарилди.

— Самолётини кўрдим! Уз кўзимминан кўрдим!.. Ҳо-ов, тепада қотиб турди!.. Думалоқ!.. Чироғи юлдузга ўхшаш!.. Улай, агар, кўрдим!..

Ҳамон ҳолдан тойиб дод-войга бепарво қулоқ солиб ётган Бозорга жон кирди. У ярим қадам наригача эмак-лади, сўнг қарахтланиб базўр қад ростлади-ю, чайқалиб кетди. Нарзиқул амак дўриллаб хўнграб юборди. Унинг дўриллашини туйқус гувиллаб ҳаракатга тушган краннинг шовқини босиб кетди...

7

Пахта заводи бўри оралаган қўтонга айланди. Ит эгасини, мушук бекасини танитай қолди. Милиция, «Тез ёрдам» машиналари изма-из етиб келди. Раҳматов, унинг муовини, Фаол ҳам пайдо бўлишди — улар ҳарчанд дўқ-пўписа қилмасин, одамларга қор қилмади — завод ишдан тўхтади.

«Тез ёрдам» касалхонага етиб бора-боргунича Бозор Нарзиқул амакининг довдир-совдир алаҳлашига дам қулиб, дам жиддий тортиб қараб келди. Амаки нуқул «Тавба қиллим... тавба қиллим» дер, на Бозорни, на ҳамшира жувонни танитай бошини кафтлари орасига олиб қисар, кўз очиб атрофга қарашга юраги бетламас, дамбадам сапчиб туриб худди фарқ бўлаётган одамдек Бозорнинг қўлларига, тиззаларига тармашарди.

Уларни шинамгина, кимсасиз тўрт ўринли палатага ётқизишди. Тўғрироғи, Бозор ўз оёғи билан юриб кирди, у не боисдан «Тез ёрдам»га минганини, не боисдан палатага кириб қаравотга чўзилганини мулоҳаза қилиб кўрмади. У мулоҳаза қиладиган аҳволда эмасди... Нарзиқул амакини эса замбилда кўтариб обкелишди, қаравотга ётқизишди, оқ халатлилар югур-югурга тушди... Шундагина Бозор не кўз билан кўрсинки, палата эшиги ёнида ёшгина мелиса йигит курси кўйиб ўтирибди!..

— Ҳа, жўра,— деди Бозор ярим таажжуб, ярим хавотир аралаш,— тинчликми?

Мелиса йигит пинагини бузмади. У Бозорга синчков кўз югуртирди-да, унинг афтида касаллик аломатини тополмай дадилланди шекилли:

— Сизлар тинч ётсангизлар, ўшанда тинчлик бўлади,— деди жиддий бир қиёфада.

— Мен касал эмасман... бу ерда қололмайман ҳам. Можарони эшитган кўзойнакли шифокор Бозорга ёнбош келди-да, овозини пасайтириб уни юпантирди: — Тинчланинг, ука. Асабларингиз чарчаган. Ҳали ёш экансиз...

Бозор бу гапларга эътибор бермади.

— Ахир мен...— деб эътироз билдира бошлади-ю, хотинини эслади — юраги орқага тортиб кетди.— Ахир хотинимнинг ой-кунни яқин, бир нарса бўб қолса...

Кўзойнакли шифокор унинг эътирозига қулоқ солмади, у «жим» ишорасида кўрсаткич бармоғини лабларига кўндаланг қўйди-да:

— Лоақал ҳамроҳингиз учун ёта турасиз... Кўряпсизу алаҳлаганда ҳам фақат сизни йўқлаяпти,— деди шип-шиб. Пировардида Бозорни тинчлантирди:— Хотинингиз ой-кунни яқин бўлса, унинг ташвишини биз қиламиз— сиз эмас...

Кўзойнакли шифокор Бозорнинг кўзига қадрдонидек кўриниб кетди «унинг ташвишини биз қиламиз» дегани кўнглига малҳамдек ёқди — бир оз тинчланди, сўнг ўзи-

ни юпантиришга ўтди... «Уч ойдан буён туғилмаётган бола шу бугун қисталанг қип қолмас. Онам қўшиларни чақирар, ахир» деди, шу хаёлда кўзойнакли шифокорга маслаҳат солмаганига афсусланди. «Анча тажрибали кўринади... Ой-кунидан уч ой ўтса ҳам дард тутмаётгани сабабини билса керак?» Бироқ Бозор ўйини ўйлагунича палата ўртасида сўппайиб ёлғиз ўзи қолди... эшик беркилди, ташқари жимжит, фақат чалқанча ётган Нарзикул амакининг хурраги тинчликини бузаётган эди...  
Тонга яқин эшик ортида ғўнғир-ғўнғир эшитилди. Ухлаб ухламаган, бедор бўлиб кўзини очолмаган Бозор қулоғини динг қилди — мелиса билан гаплашаётган Фаолнинг овозини таниди — жим ётаверди. Орадан сал фурсат ўтмай эшик очилиб тирқишдан ҳамширанинг оқ халати, сўнг Раҳматовнинг серғўшт афти кўринди — у дам Бозорга, дам ухлаётган Нарзикул амакига шошиб — олайиб кўз югуртирди-да, бош чайқаб нари кетди. Бозор ирғиб туриб эшикка югуриб келди.

— Раҳматов ака, бизнинг уйдагилар тинчми?.. Келингиз...

Эшик Бозорнинг бетига ёпилди. Йўлакдан Раҳматовнингми, Фаолнингми — «Тинч, Бозор, ҳаммаси тинч», дегани эшитилди.

Тонг бўзара бошлаганда эшик оғаси бўлмиш мелиса йигит уйку элитган Бозорни аста туртиб уйғотди. Ташқарига имлади. Бозор унинг изидан йўлакка чиқди.

— Еттинчи палатага кириг, — деди мелиса уйқусиз кўзларини ишқаб жойига ўтираётиб.

— Нега? — сўради Бозор.

— Кириг, деганда, кириг-да, — деди товушини бир парда кўтариб мелиса.

Бозор икки эшикни босиб ўтиб «7» рақами битилган палата эшигини оҳиста очди. Очдию Опанинг ҳузурида учрашиб, суҳбатлашган мелисани кўриб ҳайрон бўлди. Бу сафар у кишилик кийимида, энгайини кафтига тираб хўмрайиб ўтирарди: Мелиса тиши оғриётган одамдек кафтини оғзига босиб «ўтиринг» деб рўпарасидаги курсига имо қилди. Бозор мелиса бўлса-да, ҳар қалай, таниш кишини кўрганидан пича енгил тортди, дадил бо-риб курсига ўтирди.

— Терговчиман. Марказдан келдим. Нима гап? — савол қотди у томдан тараша ташлагандек.

— Шу... эски гап, — қуруққина жавоб қайтарди Бозор.

— Қайси эски гап?

— Уша — Опанинг қабулида айтгандим-ку, шу-да...

— Мен Опани танимайман... Бир бошдан айтиг! — Терговчи ўтирган жойида оғир кўзғалди. — Нима қилиб ваҳима кўтариб юрибсизлар?

Бозор ҳанг-манг бўлиб қолди. «Тушимми-ўнгимми» дегандек кўзини юмиб очиб рўпарасидаги одамга разм солди. «Уша — Опанинг ҳузурида гаплашган мелиса — худди ўзи»...

— Ваҳималик жойи йўқ, — деб эътироздан бошлади у пешонасини тириштириб. Бозор эътироз билдирди-ю, одамсимон махлуқларнинг ҳеч қайси ташрифи чоғида кечагидек ёввойи даҳшатга тушмаганини, сал бўлмаса ақлдан озиб қолаёзганини, бу даҳшат касалхонага етиб келишгач, ёввойи ваҳимага айланганини ошкор этишни эп кўрмади. Шу боис ортоқ ҳаяжонга берилмай вўкеани жўнгина баён қилди. Сўроқ бериб ўтирганда оч кўк бўёқ суркалган кўча деразасининг тангадек тешигидан кимдир мўралади. Уни терговчи пайқамасди, «Аминвой акам!» деган ўй ялт этиб ўтди Бозорнинг хаёлидан. «Муқаррар ўша!» Шу хаёлда Бозорнинг терговчининг совуқдан-совуқ муомаласидан озорланган кўнгли пича илиди, илидию ширин хаёлга фарқ бўлиш мавриди эмас эди — сўроқ давом этди.

— Тушунолмай қоллим, — деди пайт пойлаб Бозор. — Мени жабрланувчи сифатида сўроқ қиялсизми ёки?..

— Шу кунгача ҳеч ким эмасдингиз... беҳуда шовшув кўтариб халқни теримдан чалгитаверсангиз, жиноятчига айланишингиз ҳеч гап эмас...

Бозор қулоғига ишонмай таажжубда «Ахир мен...» деб терговчининг даъвосини рад этмоқчи эди, у ўрнидан туриб ташқарига йўналди-да, бамайлихотир оҳанг-да:

— Мақсад — сизларни анавилар кўзидан асраш, — деди шаҳодат бармоғини тепага нуқиб.

Бу жавобдан Бозорнинг кўнгли бир қадар ёришган бўлса-да, у мавҳум ва мажҳул аҳволдан қутулолмай узун йўлакка чиқишгач ҳам беихтиёр терговчининг изидан эшиккача эргашиб борди.

— Терговчи ака, — деди сохт-сумбатига ярашмаган ёлборувчан оҳанг-да. — Мен уйга кетавурай... Хотиним оғироеқ, ой-куни етиб-ўтган...

Терговчи эшикка етган жойида орқага ўгирилди — Бозорга бош-оёқ разм солиб қаради.

— Хотинингни ой-куни етиб-ўтган бўлса менга нима?.. Сени мен тутиб турибманми? Дўхтир рухсат берса — кетавур.

Бозор терговчининг жавоби кўрслигини ҳам, самимийлигини ҳам фарқлолмади, бетига қон югуриб унга мўлтиради ва негандек, «Сиздан рухсат-а, шундайми?» деб юборди. Сўраб улгурмай эшик очилиб ёпилдию «ширқ» этиб қулфланди. Бозорнинг гапи бўғзида қолди, шу пайт даҳлиздан терговчининг пўнғиллагани эшитилди:

— Бу ерда шовқин қилманглар!.. Ваҳимага ўрин йўқ!.. Иккови ётибди оёғини осмондан қилиб!.. Боринглар, ишдан қолманглар!..

Бир гала эркак-аёл чувир-чувир кўтарди, Бозор қулоғини динг қилди — кўзига дўмбайган қорнини қўллари билан паналашга беҳуда уринаётган, кўзлари йиғидан қизарган хотини кўринди... даҳлиз жим бўлиб қолди... Бозорнинг кўнгли ўзи ёлғиз қолган узундан-узоқ йўлакдек ҳувиллаганидан орзиқиб кетди. Ичидан бир ҳайқириқ келди — ўзини тийди... Палата эшиги ёнидаги курсида букчайиб ўтирган мелиса йигит унга қайрилиб қарамасди. «Ухлаб қолди, шекилли», деб ўйлади Бозор. Сўнг эшикларни бир бошдан назардан ўтказиб йўлакдан келаверди. У шифокорлардан бирортасини учратмоқчи — уйига кетиш учун рухсат сўрамоқчи эди. Бироқ нечта эшикни тортмасин — ҳаммаси тақа-тақ берклигини кўриб Бозорнинг ҳайронлиги чандон ортди... Мелиса йигит мудроқ кўзларини хиёл очиб Бозорга қаради — ҳеч сўз демай уйқусизлик уқубатида дош беролмаган қовоқлари қайта юмилди. Бозор йўлак адоғигача борди — бошқа палата эшиклари ҳам михлангандек ёпиқ эди.

— Биздан бўлак бемор йўқми? — сўради у мелисадан.

— Терим пайти-ку... касалхона ёпилган, — жавоб берди у истар-истамас.

— Касаллар-чи? — сўради Бозор ҳайронлиги ортиб. Саволига жавоб бўлавермагач, елкасини қисганча палатага кирди. Бир-бир юриб Нарзикул амакининг тепасига келди. Унинг лаб-тумшугини учуқ босиб кетган, соқолини яқин ўн кун миёнасида қиртишламаганидан башараси тентаксифат қиёфага кирганди.

«Амак бунчалик қўрқди-я?» деб ўйлади Бозор. Кейин учрашув чоғида қўрқув туйғуси йўқолишини, кечегисида эса дам чўчимамай-нетмай, дам даҳшатли қўрқувдан эси тескари бўлиб кетаёзганини эслади. Ва «уларнинг ўзлари одамни қўрқмайдиган қилиб қўяр экан»

деган хулосага келди. Давлатов ҳам қўрқмаган, айтди-ку, «бирдан ботирландим» деди-ку. Қизиқ, юзма-юз келганда ботирланибди-да, кейин, эртасига юрагини ҳовучлаб юрибди. Кимсан — Давлатов-а!..

Бозор худди ташқарини кўрмақчи бўлгандек ойналари қуюқ бўёқ суркалган деразага тикилиб турди-турди-да, каравотга омонат чўзилди. Кафтларини бошига ёстиқ қилиб шифтга термилди.

Агар Нарзиқул амак ғарам тепасига чиқмаганида шунча тўс-тўполон йўқ эди-я!.. Қаттанам чақирди, уни?!.. Ёки ўша махлуқлар заводга тушмаса ҳам бўлардию!.. Нарзиқул амакнинг тўйигача сурштирдими-ей!.. Бекор айтди-да, тўйини... Эҳ, одамнинг соддаси!..

Бозор дик этиб бош кўтариб олди. Эслади: амакини овоз чиқармай ичида жеркиганда хушқомат келгинди қандоқ сезди?! «Бу кишининг жавобини тафтиш қил-япсизми?» деб сўради. Уша заҳоти сезди. Сўнг... шайтонлатиб кўйди Бозорни!..

Бозор лунжи асабий учаётганини сезиб кўлини юзига босди. Лоп этиб одамсимон махлуқ ўзидан Оқсоқол ҳақида сўрагани ёдига тушди. Тушдию палатада у ёқдан-бу ёққа юра кетди. Ўтирди, турди, юрди... «Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан» деб сўради. Оқсоқолни ўшалар ҳам танир экан-да... Бозор «йўқ» деди. Бор гапни айтди. «Яхшилаб ўйлаб кўрдингми?» деб сўради улар яна. Нимасини ўйлайди Бозор! Уйлайдиган жойи йўқ!.. Бозор кулиб юборди. «Оқсоқол қатта-ю, Бозор қатта!» Эл-юртнинг оғзидан Оқсоқолнинг номи тушмагани билан таниш бўлганида кунини Аминвой, Раҳматов, Давлатовга қолармиди!.. Уч ойдан буён кўзи ёримаётган — тўлғоқ тутмаётган, юрак ўйноғи касалига мубтало бўлган шўрлик Шабнамгинасини энг катта дўхтирларга обориб кўрсатмас эдимиз!..

Сиқилганидан хуноб бўлган Бозор «хур-хур» ухлаётган амакини силтаб, турткилаб уйғотмоқчи, «Хушингизни йиғинг, кетамиз, уйимизга борамиз!» демоқчи эди, шу чоқ эшик сассиз-несиз қия очилиб ҳамшира жувон мўралади. Бозор, «Дўхтир қаерда?» деб сўрамоққа лаб жуфтлаганда ҳамшира уни имлаб чақирди. Бозор оёқ учида илдам юриб эшик ёнига борди, ҳамшира пичирлади:

— Еттинчи палатага киринг, кутишяпти...

— Ким?— сўради Бозор ҳам баттар шивирлаб.

— Акангиз...— дея мўмай улушини олган қўшмачидай мамнун илжайди ҳамшира.

## 8

Бозор таниш палата ўртасида ғўдайиб турган бирдан-бир ишонган тоғи — Аминвойни кўриб хўрлиги келди. Гуппи унга пешвоз юрди. Қўл олишиб қуюқ сўрашди. Омонлашиш асносида Бозорни саросар кузатди. Гуппининг атайин имиллаб сўрашаётганини Бозор сезди — у айб иш қилган боладек бошини эгди. Ниҳоят, Аминвой «ўтир» деб Бозорга бояги курсини кўрсатди, ўзи терговчининг ўрнини эгаллади.

Орага оғир сукунат чўкди. Аминвой атайин Бозорни синаш учун шундай қилаётган эди — буни пайқаган Бозор сир бой бермади. Бирмунча фурсат жим ўтиришгач, алҳол, гуппининг сабри чидамай жимликни бузди:

— Нега индамайсан, Бозор? Қўрқдингми?..

Бозор бир нафас ўйга толди-да, сўнг жавоб қилди:

— Нимадан қўрқаман?

— Сен эркак кишсан, Бозор...

Аминвой шундай деб бошини бир ёнга қийшайтир-

ганича Бозорнинг кўзига узоқ тикилди. Тикилиб туриб гапининг давомини айтди:

— Бўлар-бўлмасга вайсайвермайсан... Шундайми?..

Бозор Аминвойнинг бу қадар сирли, тағдор гап бошлаганидан ўнғайсизланаётган, ажабланаётган эса-да, ўзи очилмади — гапнинг даромадини кутди. Гуппи чайна-лаверди. Аминвой ёқимсиз семиз эмас, қилтириқ ҳам эмас — баланд гавдасини тик тутиб юрар, чиройли қолатига яраша кийимлари ҳам ёпишиб тушган, доим бўйинбоғда — давлатнинг расмий арбобларидек доим жиддий, камгап, босиқ юриши Бозорнинг ҳавасини келтирар эди. Шундай одамнинг чайналаётганига Бозорнинг ҳайронлиги ортгандан ортаётган... у бехосдан Давлатовни эслади. «Уйига учар баркашдагилар тушганини бунга айтганмикан?» Кўнглидан кечган шу савол билан Аминвойнинг кўзига қаради — саволига жавоб ололмади, «Балки Давлатов мен билан гаплашганини айтгандир?» — Бозор ҳамон Аминвойдан нигоҳини узмаган эди, шундагина у Аминвойнинг бунчалик қув кўзлигини, бу қадар мазмунсиз боқишини пайқади.. Эҳтимол, Давлатов айтмагандир?.. Гап — орамизда, деганди... Бундай деса, ҳақи бунчайин ғайир қараш қиляпти?.. Ёхуд Давлатов гақида билганларимни тўкиб солишимни кут-яптимикиан?..

Бозор тизгинсиз хаёлларга толиб овозини беихтиёр бир парда кўтарди:

— Нима демоқчисиз, Аминвой ака? Айтаверинг.

— Шу... Нарзиқул ёмон кўрқибди-да...

Бозор бундай жавобни кутмаган эди. У гуппининг асл муддаосига тушунолмади афтида ним табассум қотиб қолган кўйи унга қаттиқроқ тикилди — шу йўсин Аминвойнинг ниятини фаҳмлаб олмоқчи эди. Бироқ шу алфоз кўз уриштириб турилса барча бадниятлари фош бўладигандек гуппи аввал ишшайди («Давлатовга ўхшаб ишшайди!» хаёлидан ўтказди Бозор), сўнг кулди — секин, ҳатто эшик ва деворлар ҳам эшитмайдиган қилиб кулди. Бозорнинг таранг тортилган асаблари бирдан бўшашди, ҳатто акахони билан ҳасратлашиб ўтирганидан яйраб кетди:

— Қойил-е, Аминвой ака,— деди у суҳбатдошининг кулгисига жўр бўлиб.— Учар келгиндилар билан жавоб-муомала қилган бизу юрагини олдирган — силар экан-да! Ҳа-ҳа-ҳа!..

Аминвойнинг башараси тундлашди. Бозор тап тортмай қалтис ҳазил қилиб юборганини, бунда Аминвой билан Давлатовни бир гўр қилганини сезди-ю, айтилган сўз — отилган ўқ қабилида бўлар иш бўлди деб гуппи қандай ройиш беришини кутмай мутойиба оҳангини бузмади:

— Бечора Нарзи амак... ёмон кўрқди!.. Нуқул ўн икки боласини пеш қилади-ей!.. А, анавилар одамнусха махлуқ бўлса!.. Ун икки боланинг фарқига, қадрига ет-сайкан! Хиҳ!.. Фақат, шунча болангни қандоқ боқасан деб сўради, холос!.. Амак шўрликка учуқ тошиб кетди, денг!..

— «Болаларингни қандоқ боқасан?» дедими?— сўради Аминвой.

— Сўради. Ун иккита дегандан кейин сўрайди-да... Мендан ҳам сўраган... — У бехосдан «Давлатовдан ҳам сўраган» деб юбормоқчи эди — тилини тийди. Сўнг бирдан хангома маромини ўзгартириб тобора кўзлари катталаша бораётган гуппини тинчлантиришга ўтди:— Сўраса сўрабди-да, ака. Уларнинг нияти ёмон эмас. Назаримда, шу... ерликларни ўрганапти.

— Нима, ер юзида Пахтақайнардан бўлак жой қуриб кетганми — шетга тушмаса?!

Бозорнинг шуурда чироқ ёнгандай бўлди. Боягина у суҳбатдошининг авзои-кўзига қанча тикилмасин сирнинг тагига етолмаган эди, мана, гуппининг ўзи чув туш-



ди — айтди. Бозорнинг эсида, аниқ эсида — Давлатов худди шундай деганди. Гуппи ҳам худди ўша тарзда, ўша мақомда такрорлади. Бўласи-да!.. Айтмай-чи!.. Эсонаси чиқиб менга келиб ёрилган одам ишонган жиянига айтмайдими?! Ҳойнаҳой, менга айтиб кўнгли хотиржам тортмаган бўлса, кейин жиянига дардини тўккан чиқар... Аввал айтмаган бўлсаям, кечаги тўполондан сўнг айтган...

Бозор дилидагини бетига юқтирмай жавоб қилди:

— Газитда ёзиптию ака — учиб келгичлар тушмаган жой қомапти!

— Э, ҳа-а,— деб юборди бирдан енгил тортиб гуппи. У тепадек-тепадек кафтига тўлдирилган ҳавони чиқариб юбормоқчидек чўзиб хўрсинди.— Айтмоқчи, телевизордаям кўрсатганмиш-ку... Уша, бошқа жойларга ҳам шу бизга келаётганлар тушаётганмикан, Бозор?

— Бунисини билмадим...

— Бошқа жойларда нима тўғрида гаплашаркин?— яна сўради болаларча соддадиллик билан Аминвой.

— Ким билсин?— хаёлчан жавоб қилди Бозор.— Қизиғи, ака, улар гаплашмайди — сўрайди, холос. Тўрт ёшли болага ўхшайди-ей! Сўрайверади, сўрайверади...

— Аши учу айтяпман-да, Бозор, сен гўл эмассан, оғзингга кеганини валдирайвермайсан!.. Сўраяпти деб қаёқдаги келгиндиларга авра-астарингни ағдариб ташлайвермайсан. Шундай эмасми?

Бозор бошини сарай-сарай тебратди.

— Ҳа?— деди гуппи тўсатдан гапдан тўхтаб.

— Бу, Нарзиқул амак ўлгудай гўл экан-да... нуқул, «тўй қиллим», «мошин оллим», «ўн икки болам бор, сармошни билмайман» деб ётибди-ей!.. Сўрамаганидан ҳасрат қияпти-де!..

Аминвой ўрнидан туриб кетди. Хонада асабий юришиб туриб таққа тўхтади, сўради:

— Яна нималар деди?!.

— Шу, «Раҳм қилинглар»дан нарига ўтмади. «Тўй қиладиганман» дейдимией!

— Улар-чи?!— Аминвой Бозорнинг тепасидан келиб унинг кўзларига ўқрайди.

— Улар, шунча оғзини қандоқ тўйдирасан деб ачинди, холос... Кейин «сармошни қайдан олишингни ўйлаб кўргин» деди-да, ғойиб бўлди...

— Нарзиқулнинг топиш-тутиши минан уларнинг нима иши боракан?!.

— Улар нуқул сўрагани сўраган деяпману, ака. Ҳар балони сўрайверади. Қизиқмаган нарсаси йўқ. Амак улар сўрамаган нарсани айтаверганидан жаҳлим чиқди. Шу...

— Сўрамаганини айтиб нима қилади, бу хотинталоқ?!— деди дарғазаб бўлиб гуппи.— Оғзингни юм, сўтак, демарингми!

Бозор ўрнидан турди. Аминвойнинг афтига меровланиб тикилди. Юзини юзига яқинлаштирди. Гуппи тисланди — Бозор унга томон бир-бир қадам босиб яна яқинлашди.

— Гапир!— ўдағайлади гуппи овози ўзгариб.

— Ака...— деди Бозор ниҳоят ўта сирли оҳангда шивирлаб.— Улар деганимнимас, кўнглимдагини эшиттади... сезади... Алжигани учун амакни сўқдим... ичимда сўқиндим — эшитди, сизди — жонимни кўзимга кўрсатиб қўйди!..

— Қандоқ эшитди? Қандоқ сизди, Бозор?— сўради Аминвой унинг билагидан чангаллаб.

Бозор саволни эшитмагандек бояги-бояги оҳангда давом этди:

— Кейин-чи, ака— деди у худди гуппини чўчитиб юбормаслик ниятида гапни чўзаётгандек.— Кейин-чи... амакда ҳам айб йўқ...

— Нега?

— Негаки, келгиндилар сўроққа тутганда ҳеч нарсани яширолмайд қоларкан одам...

— Нима-а?..

— Ҳеч нарсани... Мен бўлар-бўлмасга алжийдиган аҳмоқ эмасман, лекин оғзингиз ўзидан-ўзи очилиб кетавуради... Сўраса-сўрамаса айтаверасиз... Айтмасангиз, кўнглидан кечса, бас, улар эшитаверар экан...

Аминвой гуппининг кўзлари осма соат капгиридек катталашди — узун бўйни бошини тутолмади чоғи, калласи чайқалиб кетди, Бозорга еб юборгудай олайди.

— Унда,— деди у даҳанини чўзиб тишини ғичирлатди.— Унда сенам гўл экансан! Сўтак экансан!..

Аминвойнинг лаблари орасидан тупук сачради. Бозор худди биров орқасидан келиб бошига гурзи билан туширгандек туйқус қалқиб кетди-каловланди. Гарангсиз, кўзининг пахтаси чиқиб рўпарасидаги одамга анграйди — лабининг бурчидан қон сизилиб оққандек бўлди. Шу пайт йўлакдан кимдир заиф ва йиғлоқи товушда «Бозор!.. Бо-зорр!..» деб чақирмаганида, Бозор ғайришуурий алфозда югуриб эшикни очмаганида Аминвой акаси яна нима дерди-қўярди — билмади. У йўлакка чиқдию палатаси эшигига ҳолсиз суяниб турган Нарзиқул амакини кўрди.

— Тўхта!— деди гуппи пишқириб.— Мен келганимни айт-тма!.. Қулоғига қуй у ҳайвоннинг — тилига пухта бўлсин! Узинг ҳам — тушундингми?!.

Бозор дам ўзидан нажот кутаётган Нарзиқул амаки томонга, дам оғзига келган ҳақоратли сўзлар билан сийлаётган Аминвойга аланг-жаланглайверди.

— Боравур!— деди ниҳоят гуппи. Бозор лаб-лунжини енгига арта-арта йўлакка чиқиб Нарзиқул амаки томон икки-уч қадам ташлади, Аминвойнинг қаттиқ сўкиниши қулоғига сихдек қадалди...

9

Холис сайёраси келгиндиларига йўлиққан икки юкчи зудлик билан касалхонага ётқизилгани, улар ёнига ҳеч зоғ йўлатилмаганига қарамай ойни этак билан ёпиб бўлмади. «Келгиндилар Раҳматовди завўдини босибди!» қабилдаги узун-қулоқ гаплар етти иқлимга тарқаб улгурди.

Орадан икки кун ўтиб эрталаб нонуштага ўтирган Бозор билан Нарзиқулнинг устига Фаол бостириб кирди-да, хе йўқ-бе йўқ, «Кетдик, кетдик, заводга борамиз!» лаб қолди. Йўлакка чиқаётиб Бозор курсида бошқа мелиса ўтирганини кўрди. Буниси ҳам ширин уйқуда — туш кўряпти шекилли — майин кулимсираб пинакка кетган эди. Кеча Нарзиқул «Бозор! Бозор!» лаб чақирганида, Бозор Аминвой билан суҳбатини узиб югуриб келганида ҳам курсида ўтирган мелиса йигит уйғонмаган эди...

Улар минган мошин завод идорасига тақаб тўхтади. Фаол шоширди. Бозор индамади, Нарзиқул эса яна одамнусха жондорларга рўпара келадигандек саросимада лаблари пир-пир уча бошлади, нажот истаб Бозорнинг қўлидан тутди.

Директорнинг хонасида Раҳматов, Муовин, Давлатов, яна икки-уч киши — ҳамма ўзича оғир ўйга толиб ўтирарди. Йиғилганларнинг авзойидан бири олиб бири қўйиб икковининг пўстагини қоқадигандек эди, йўқ, Бозорнинг тахмини тасдиқланмади. Аксинча, уларни кўриб Раҳматов зўраки кулимсираб бўлса-да, ўрнидан қўзғалди.

— Дурустмисизлар?— деди у «бемор»ларга яқин келмай.

— Дурустмисизлар?— директорнинг гапини такрорлади бош ҳисобчи.

Бозор ҳол-аҳвол сўрашга жавобан жимгина бош ирғади, у касабараисига, қаторга бориб ўтирган Фаолнинг ёш болаларникидек чуваккина афтига разм солди, нигоҳи Давлатовнинг нигоҳига тўқнашганда бош ҳисобчи ерга қараб олди. Шунда унинг бетидаги нималаридир директорникига ўхшаб кетишини бехос пайқади. Дарҳақиқат, Раҳматов билан Давлатовнинг бурними, гўштор лунжларими, кўз қарашларими — бир қориндан таллашиб тушган оға-иниларникидек ўхшаш эди. «Узоқ йиллар аҳил-иноқ яшаган эр-хотинлар бир-бировига ўхшаб қолади» деган гапни эслади Бозор шу топда хаёлига келган қиёсдан кулгиси кистади. «Ҳатто гапириши ҳам ўхшайди» деб кўнглидан ўтказди у.

Бозор бундай мулоҳазага берилган пайтда бирдан Нарзиқул пиқиллаб, йиғлаб юборди.

— Раҳматўб!.. Мен қандоқ қилай?!.. Мен нима қилман энди, Раҳматўб!.. Ун икки болам...

Шундагина уч кунни гоҳ талмовсираб, гоҳ хуноб бўлиб ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтказган Бозорнинг биринчи бор тоқати тоқ бўлди:

— Бўлди-е! Қанақа одамсиз, ўзи!.. Ун икки бола фақат сизда борми?!.. Шунчаям йиғлоқи бўладими, эркак одам!..

Бозорнинг шу зардаси унинг уч кундан буён амакининг кўнглига қараб ётганини бир пул қилди. Жеркиш оғир ботдами ёки Нарзиқул ўнақай фурсат кутаётган эканми — бирдан йиғини бас қилди.

— Сенинг касофатинг урди, шум қадам!.. Сен деб шу кунларга қолдим, сени деб!..

Нарзиқул ўдағайлаганига қаноат қилмай икки қўллаб Бозорнинг бўғзига чанг солди. Энди калла урай деганда яқинроқда ўтирган юкчилар бошлиғи амакини ушлаб қолди. Бозор чап беришга улгурди. У Нарзиқулдан бундай ноҳўя қилиқни кутмаган эса-да, унга жавоб қайтаришни хаёлига келтирмади. Шунга қарамай ўзи билан амаки ўртасида Фаол пайдо бўлганини кўриб вазият чиндан кескинлашганини сездди.

— Ҳа-а, амак,— Раҳматовнинг босиқ овози эшитилди.— Бу нима қилиқ?

— Бола-чақа нимаиканини биладими, бу зумраша, Раҳматўб!.. Шунинг қораси кўринди-ю, завўдга касофати урди!.. Бизди сотади бу!..

— Ярашмаган қилиқ,— деб гўлдиради Давлатов.

Нарзиқул бурнини торта-торта оғзига келганини вайсайверди, Бозорнинг кўз ўнги қоронғилашди — кун сайин ҳомиласи оғирлашаётган, қаппайган қорини кўтариб юриши уқубатга айланаётган Шабнамгинаси кўз ўнгида гавдаланди — ичини тиг тирнагандай бўлди. У амакининг тўхматларига қулоқ солмади, хиёл ҳушини йиғгандагина боядан бери Давлатовга тикилиб турганини пайқади. Давлатов ҳамон бошини кўтармай ўтирарди. «Оёғинг ёқмади, бола!» деганди, мана, одам қуригандай ўша таънани амакидан эшитиб турибди.

Бозор Раҳматовга қаради, афтидан амакининг ҳақорати унинг муносабатини фаҳмлолмади.

— Бачканаликни бас қилинлар,— деди Раҳматов боягидан хиёл товушини кўтариб.— Нарзиқулвой, нима, силарни муштлаштириб томоша қилгани йиғилганмизми, биз?

— Томоша кўрадиган пайт эмас,— директорнинг гапини маъқуллади Давлатов.

Орага сукунат чўқди.

— Уқийми?— секингина сўради жимликдан фойдаланган Фаол.

Раҳматов қовоғини уюб бош ирғади, шу чоққача тик турган Бозор билан Нарзиқулга «ўтиринглар» деди-да, бирдан овозини мулойимлаштириб ҳаммага қарата гапирди:

— Бизга хат йўлланган... Ҳар иккала қулоғинлар билан эшитинглар. Хат — махфий, эшитганларинг шетта қолсин. Тушунарлими, Нарзиқулвой?

Давлатов салобат тўкиб бош ирғади.

— Ҳм...— деди Нарзиқул хўрсиниш аралаш.

Раҳматов худди хатни ўзи ўқишга чоғлангандек томоқ кирди. Фаолга қаради. Фаол сўрғичланган оқ тоғоз халтани кавлаштираётиб, «Асли шуни ҳамма ишчиларга ошкора ўқиб эшиттириш керак эди-да» деди гўлдираб. Раҳматов тутатиб кетди.

— Э, қанақа одамсиз, Абдуфаол,— деди у жиркангандек афтини бужмайтириб.— Хатнинг манглайига «Мутлақо махфий» деб муҳр уриб қўйибди-ю, тагин ошкора ўқисак дейсиз-а!.. Ҳамон йиғилдикми, ўқинг-да, гапни чувалатмай!..

Фаол танбеҳ эшитавериш эти қотиб кетган шекилли, директорнинг жеркишини ўзига оғир олмади, аксинча, ҳеч гап бўлмагандек ўрнидан турди-да, қироат билан хатни ўқишга тутинди.

«Пахтақайнар қишлоқ шўросига!

Пахтақайнар пахта заводига!

Уз номи билан пахта кони бўлмиш Пахтақайнар қишлоғида яшовчи азизлар! Кунни тунга улаб оқ олтин етиштираётган, пахта планини бажаришдан кўра муқаддасроқ орзу-ниятни билмайдиган пахтақайнарлик азаматлар! Маълумингизким, юртимизнинг ялпи хирмонида сизларнинг улкан улушингиз ҳаммавақт бўлган, бу йил ҳам бўлажак! Айни кунларда ҳар бир пахтақайнарлик кексаю ёш мавжуд куч-қувватни етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишга қаратганидан беҳад миннатдорман. Шунга аминманки, далада бир сиқим ҳам пахта қолмагунича, даладаги сўнги мисқол пахта Пахтақайнар заводига келтирилиб фарамларга босилмагунича сизлар ҳаловат не эканини унутасизлар. Пахтақайнарликлар ҳаловатни пахта теримидан топадилар!

Фақат шуни афсус билан қайд этмоқчиманки, сўнги кунларда, мана, уч ойдирки, Пахтақайнар пахтакорлари тамомила ўзига номуносиб ҳодиса туфайли юрт оғзига тушди. Эмишки, Пахтақайнарга ўзга сайёраликлар тушган эмиш!.. Одамлар билан гаплашган эмиш!.. Келгиндилар, «Сизларга ёрдам қиламиз» деган эмиш!.. Ҳаммаёқ миш-миш!

Бу қандоқ гап? Тагин пахта терими айнан авж палласига кўтарилган, ҳадемай ёғинли кунлар бошланадиган кезларда кимларга керак бўлди бундай шов-шув? Аниқ маълумотларга қараганда қишлоқ теримчилари учар баркашдан чўчиб қуёш ботмай уй-уйига тарқаётган эмиш, пахта заводиди эса бир кундан ортиқ иш тўхтабди.

Қарийб икки кун! Иш тўхтабди?! Тарихда кўз кўриб-қулоқ эшитмаган воқеа бу!.. Тонг қоронғисидан шом зулматиғача пахтазорни тарк этмасликни ўзига шарафшон деб билган пахтақайнарликларни қандай жин урди? Пахтақайнарда иш тўхташи инсоният тарихида юз бермаган ҳодиса-ку!.. Мен тарих китобларидан аниқ билламанки, Пахтақайнарда ибтидоий, қулдорлик даврларидан буён бирон соат ҳам иш тўхтатилмаган, ишни тўхтатиш мумкинлигини ҳеч бир фуқаро хаёлига келтирмаган!

Хуллас, азиз пахтақайнарлик туғишганлар, Пахтақайнар пахта тайёрлаш заводининг раҳбарлари, фаоллари! Сизлардан умидимиз катта. Дарҳол шов-шувга чек қўйилсин! Маънисиз овозалар бас қилинсин! Чалғиманг-

лар! Бутун куч-қувват ҳамишагидек пахта теримига сарфарбар этилсин!

Катта ишонч билдириб...

Фаол шу жойга келганда бир зум нафас ростлади, ўтирганларнинг диққатини ўзига жалб қилиб олди-да, хат жўнатувчининг исмини ўқиди:

— Оқсоқол!..

Бозор «ялт» этиб Фаолга қаради, Нарзикул бошини бўйни орасига тортиб Раҳматовга мўлтиради, Давлатов чурқ этмай, қовоғини уйганча бошини кўтармай ўтирар, директор эса «кўрдингларми, хат кимдан келган?» деган мазмунда барчани назаридан ўтказётган эди. Биринчи бўлиб сукунатни у бузди:

— Хулоса аён, ўртоқлар,— деди у овозини ўктамлаштириб, худди мактубнинг давомини ўқиётгандек.— Шу тақиқадан эътиборан миш-мишлар бас қилинсин!.. Ким оғиз очса, кимда-ким гап чувалатса — аввал огоҳлантирилсин. Такрорласа — чорасини кўрамиз! Бўлак илож йўқ! Тушунарлими?!.

Йиғилганлар сукут аломати ризо мақомида ўтирардилар.

— Нарзикулбой, Бозорбой,— деди директор овозини дўриллатиб.— Сизлар бугун дам олинглар-да, эртдан ишга чиқинглар. Ҳеч нима бўлмагандай юраверинглар. Биров келгиндилардан хангама бошласа — оғзига уринглар, «ҳеч қандай келгинди йўқ — ҳаммаси уйдирма» денглар — вассалом!.. Тушунарлими?.. Айтамиз — радио, газитдаги гапларни бас қилишади...

Бозор мажлисчанинг якунидан ҳайрон бўлди. Шундай эса-да, ҳамма «маъкул» деб бош эгиб турганида бир нарса деса маҳмаданаликка йўймасликлари учун тилини тийди. Тилини тийса... одамларга жавоб бермасабермас, уларнинг оғзига уриш чораси топилса топилар, аммо лекин... шу пайт кўнглида кечаётганини сўзмасўз ўқиётгандек Давлатов тилга кирди:

— «Ҳаммаси уйдирма» деб одамлардан қутилса бўлар... тағин анави келгиндиларга рўпара келса нима қилсин, булар?.. Улардан қутулишнинг иложи топилармикан?..

10

Бозор уйига кела-келгунича шуни ўйлади, дарвоза кўринганда негадир юрагининг безовта уриши янаям тезлашди — худди уйда нохушлик юз бераётгандек қадамини жадаллаштирди... Ҳовлига кирдию этакдаги уй остонасидан тушаётган хотинини кўриб ичида «Ҳартугул!» деб юборди. Бироқ ўзига пешвоз келаётган Шабнамнинг қорнини кўриб юраги орқасига тортиб кетди, унинг юзлари, қовоқлари, айниқса лаблари янаям пўрсиллаб шишгандек туюлди, «Худойим-ей, енгиллаша қолса-чи!» деб унсиз нола чекиб юбордию сассизсадосиз кўзларидан дувиллаб дур тўка бошлаган Шабнамгинасини бағрига босди. Назарида хотини анчагача бошини унинг кўксидан узмайдигандек эди, йўқ, Шабнам дарров ўзини кўлга олди — яноғи, лабларидаги ёш изларини кафти билан сидирди-да, эрининг кўзларига хавотирли назар ташлади. Бозорнинг беҳаловатлиги афтидан сезилиб турса-да, у ўзини одатдагидек хотиржам тутишга уринаётганини пайқаб улгурди шекилли, орқасига ўгирилмай, «Эна, келдилар!» деб овоз берди.

Чучук момо остонадан ўтаётиб мункиб кетаёзди, қавушини оёғига илишга сабри чидамай ҳовлига сарпойчан югуриб чиқди, жовдираган кўзларини ўғлидан узмай, «Онагинанг ўлсин, болам!» дея фарёд чекиб юборди. Бозор югуриб келиб онасининг елкаларидан тутди, Шабнам кафтлари билан юз-кўзини тўсиб пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Секин, она!— деди Бозор гуноҳқорона овозда шипшиб.— Шабнам!.. Қўшнилар эшитади... Тинчликку, ҳаммаёқ!..

— Тинчлик бўмай ўлсин-эй, Бозор! Ажалимдан беш кун бурун ўладиганга ўхшайман!..

— Бас қилинг, она! Ахир...

Бозорнинг зардаси бўғзида қолди, кўча томондан «Бозорбой!» деган овоз эшитилди — қайнона-келиннинг йиғиси, Бозорнинг зардаси тинди — дарвоза таваси очилиб Шабнамнинг онаси, укаси, сўнгроқ отаси кириб келишди. Шабнам отасини кутмаган чоғи, «Вой, отам!» деб қаерга қочишини билмай шошиб қолди ва бирдан эсига тушгандек илдам юриб қайнонасининг қавушини келтириб Чучук момонинг оёғи остига қўйди. Қуда-қудағайларнинг одатдаги қуюқ салом-алиғи бошланди, Чучук момом югуриб-югургилаб келинининг уйига кўрпача тўшади, меҳмонлари билан рўмолининг учини тишлаб олиб қайтадан саломлашди, сўнг ғайрати жўшиб, ўрнидан ирғиб кўзғалаётганида Шабнамнинг онаси чолига имо қилди. Жумақул бобо фурсатни бой бермай, «Бозорбой, улим...» деди босиқлик билан. Унинг товуши беўхшов чиқдимиди ёки бирон муддаони кўзлаб айтаётгани оҳангидан сезилдими — Чучук момо тўхтади. Қайнонаси билан изма-из тураётган Шабнам ҳам қайтиб жойига ўтирди.

— Ўтганлар руҳини эслаб қўяйлик...— деди бобо чўк тушиб ўтираётиб.

Чучук момо рўмол билан юзини, оғзини беркитди... Жумақул бобонинг аввалига дағал эшитилаётган товуши тобора маромига тушиб бир мусиқий оҳангга айлана бошлади. Ҳийла узун оят поёнига етди, бобо дуони ҳам ўбдон ўқиди ва пировардида «Раббано отино...»ни айтиб юзига фотиҳа тортди.

Дастурхон теварағидигилар сел бўлиб сукутга кетиб ўтиришди— Қўрғони мажид оятининг сеҳрли мусиқаси қуда-қудағайларнинг, Шабнаму Бозорнинг елкасидан эзиб турган қаттол юкни кўтариб кетгандек бўлди...

— Кунда тиловат қиламан, қуда...— Чучук момо шундай деб кенг енгининг учларини кўзига босди.

Бозор қайнонасининг тиловати марҳумлар ёдидан кўра кўпроқ ўзига—унинг тинчини ўғирлаган келгинди махлуқларга қаратилганини сезиб ичида кулимсиради. Шу замони кулимсирагани учун кўнглининг бир чеккасида ғашлик туғилди...

Кечга яқин келди-кетди кўпайди. Келувчилар Бозордан ҳол-аҳвол суриштирар, битта-яримтаси учар мавжудотлардан гап очмаса, кўпчилик бу хусусда лом-мим демас, бир чеккаси Бозор бундан таажжубланар, таажжублангани сари марказдан келган терговчининг «одамларни пахта теримидан чалғитсангиз жиноятчига айланишингиз ҳеч гап эмас» деганини эслар — бу асоссиз таҳдиддан унчалик чўчимаса-да, ўзининг таажжубига сабаб бўлаётган — одамларнинг учар баркашга қизиқиши ғалати бир йўсинда сўниб бораётганига ўзи ҳам лоқайд-бепарво қўл силтаб қўяётган эди...

Айрим келувчилар Нарзикул амакининг аҳволини суриштирди. Бозор, «У киши тузук, уйда» деб жавобни қисқа қилди, кимдир, «Бечорани уч кун ухлатиб кетибди-я, қизиталоқлар!» деб ваҳима кўтарди, Бозор унга ҳам ортик эътибор қилмади — «Нарзи амак ҳўп чарчаган экан — ўзи бош кўтармай ухлади» деди-қўйди.

Ниҳоят, алла-паллада сўнги меҳмон — тоғасини кузатиб дарвозани тамбалаб қайтган Бозорга ҳовли ўртасида турган қайнотаси оталарча меҳрибонлик қилди:

— Чарчадингиз, улим...

Бозор беихтиёр қайнотасининг ўсиқ қошлари остида милтираб турган митти кўзларига, сийрак, чўққи соқолига термулди. Бобойнинг кимсасиз тоғу тошда ёл-



ғиз, беғам-бешавиш қўйчивонлик қилишини эслаб қай- нотасига ҳаваси келди, шунинг баробарида мўсафид одамни хавотирга қўйганидан хижолат чекди.

— Ҳамма қизиқади-да, ота,— деди у ўнғайсизлан- ганидан бўлак сўз тополмай.— Нуқул сўрайдилар...

Қайнотаси хаёлга толдими — куёвининг гапини эъти- борсиз қолдирди. Фақат онаси, қайнонаси ва Шабнам тунаш учун этакдаги уйга кетганларида, ўз уйи — ўлан тўшагига кириб ором топаётган Бозор қўшни хонада ўф- ли билан ёнма-ён ётган қайнотасининг:

— Сўрайвергани ёмон... сўрайверса, сўрайверса одамнинг тинкаси қуриб кетади... У, баччағар!..— дегани- ни эшитди. Шундагина бозор қайнотасининг боя ҳов- лида куёвининг гапидан мутаассир бўлганини фаҳмла- ди. Пайқадию... ўрин-кўрпада, боши остидаги момиқ болишда Шабнамгинасининг таниш, тотли исини туй- ди — бу қадрдон ҳидни уч кунда шу қадар соғинганидан назарида ўрнида неча кунлар, нанки кунлар, балки ой- лардан буён ётмагандек бўлди... тиниқиб, роҳатланиб ухлагиси келди, оқшом ҳол-аҳвол сўрагани кирган чол- лардан бири хайрлашатуриб, «Учар махлуқларнинг юзини тескари қилсин» деб фотиҳа ўқиганини эслади— Бозорнинг кулгиси қистади, шифтга тикилган кўйи, ку- лимсиради-ю, тагин шайтонга ҳай берди. Қизиқ, ҳазил- ҳазил билан учиб келгич махлуқлар бутун қишлоқни ваҳима уясига айлантирди — одамлар улاردан асраши- ни дуога қўшиб худодан сўрайдиган бўлдилар... Эл- юртнинг ваҳимаси, кундуз заводда ўқиб эшиттирилган хат дабдабаси Бозорнинг кўнглидаги нотайин ваҳм кў- лагасини қуюқлаштираётган эди... У шу топда хотини томонидан меҳмонлар борлигига, кун бўйи ҳовлисида одам аримаганига севинди.

Эртага меҳмонлар жўнайди, Бозор одатдагидек тун- да ишга қатнайди... Тунда уйга ёлғиз қайтишини тасаввур қилганидан Бозорнинг юраги «шув» этиб кетди — «Раҳ- матовдан сўрайман — уйга мошин ё трактор оббориб қўйсин» дейман деб дилига тугди. У ишдан қайтгунича Шабнам онасининг ёнида ётади, Бозор келгач, хотини уйига кўчади... Онаси-чи? Этакдаги ҳайҳотдек уйда она- сини ёлғиз қолдирадими?.. Онасининг ҳам юрагига юрак қолмади ўзи!.. Айтшга айтади — «Она, юринг бизнинг уйда тунанг» дейди Бозор. Лекин илло-билло онаси кўнмайди — зинҳор кўнмайди, бу ёғи... ия, ҳали онаси келинини ёнидан жилдирмас!.. Кейинги кунларда, йўқ, анча бўлди, онаси кечаю кундуз келинини ёнидан узоклашгани қўймаяпти... «Ҳақ» деб тўлғоқ тутишини худодан сўраб кутяпти, Шабнам эса ҳарс-ҳарс пишил- лаб нафас олгани-олган, худди ой-куни етган ҳомила- нинг, мана неча ойдирики ёруғ дунёга чиққиси келмаёт- гани жуда табиийдек бинойидек юрибди... Келинининг ташиши етмагандай, Чучук момага ўғлининг ғалвалари ошиб тушди!.. Шабнам енгиллашса... туғар ахир бир кун!.. Онаси хўп елиб-югуриб қоларди-я!.. Шабнам — она, Бозор — ота, онаси — буви бўлади!.. Ўғил туғади хотини... ҳовлининг тузайдиган жойлари кўп — кўча деворини қайта бошдан тиклайди, уй-жойлар бўёғини янгилайди, ҳовли саҳнини текислайди, гул экади — ҳовлисини гулзорга айлантиради-ей!.. Ток сўрисини ту- затади, бу ёғи... онасини, хотинини рўпарасига ўтка- зиб, «Шу-шу, топган-тутганим бор, ўғилчанинг қўлини ҳалоллаймиз» дейди... Онаси йўқ дермиди, онаси-я!.. Нақ, боши осмонга етар!.. Шабнам қишлоғига — отаси- никига учади — «Куёвингиз неварга тўйларингни бошла- моқчилар!» деб суюнчи олади... Ҳа-а, ўғил кўрадию — ўзиям азамат ўғил бўлади-ёв!.. Пахтақайнарнинг дов- руғига, ўзининг оғиздан-оғизга кўчган довруғига татий- диган бир гижбадабанг тўй қилиб беришга ярамайди- ми!.. Тўйга бутун эл-юртни хабарлайди, Раисни, Опани,

Раҳматову Давлатовларни тўрга ўтказди. Аминвой акани-ку! — у киши тўйбоши бўлади!.. Бозорнинг бир оғиз илтимосини ерда қолдирмади — уни заводга ишга жойлаштирди... заводда ишламаса қарзларидан узи- лармиди, тўйга атаб тўрт-беш танга жамғара оларми- ди!.. Қаёқда!.. Тракторни тириллагани билан бири икки бўлмади шу чоққача!.. Биринчи бўлиб Аминвой аканин- г елкасига тўн ташлайди — гуппидан тўн айлансин — Бозор тўн кийдиришдан қочадиган йигит эмас!.. Ҳам- масини ўрнига кўяди у!.. Аминвой аканиннинг бўласи Дав- латовга ҳам тўн атайди, унга атаганда Раҳматовдан бир зар чопонни аярмиди!.. Директор билан Давлатов сохт- сумбати ҳам, юриш-туриш, димоғдорлиги, гап-сўзи, ҳатто... кўрқоқлиги ҳам бир хил, уларнинг икковига бир хил тўн кийдиргани маъқул. Ахир кунига шулар ярайди!.. Ҳар кимсанин- г кунига ярайдиган кимидир бў- лиши керак-ку, ўшаларнинг ҳурматини жойига қўймас- лик... Йўғ-э, Бозор юрт орасида юрган йигитлардан, ахир!.. Битта тўн нима деган гап — Нарзиқул амакини ўртага таклиф қилади-да, бутун пахтақайнарликлар кўз ўнгида, Жийдабулоқдан келган Шабнамнинг қариндош- уруғ-аймоқлари орасида унга микрофонни тутқазди — «гапиринг, амак, ўша пахта ғарами устидаги ҳангамадан гапиринг» дейди. Нарзиқул гапирди. Ўзи ҳуркович қўйдай юраксиз-ювош бўлсам я ҳангамани боппайди... учар жондорларга йўлиқишганини, уларга бола-чақаси- ни пеш қилиб ялиниб-ёлборганини, тумшуғию оғиз- бурнигача учуқ тошиб кетганигача айтади — меҳмонлар- нинг ичаги узилгудай кулаверганидан кўзларидан тир- қираб ёғ чиқиб кетгунча айтаверади, ана шу ерига кел- ганда Бозор унинг елкасига тўн ташлайди, сўнг, «Нар- зиқул амак, энди мени бўғиб башарамга калла урганин- гизни айтинг» дейди. Нарзиқул амак айтмайди, «Қўй-е, унисини айтмайман» деб оёқ тираб туриб олади. «Ай- тинг, мен рози» деб Бозор қисталанг қилади. Ҳовлини тўлдириб ўтирган меҳмонлар бақириб-ҳуштак чалиб Бо- зорнинг ёнини олишади. Юқорида савлат тўкиб ўтирган Раҳматов қорнини силкита-силкита кулади, Давлатов сўқим ҳам директорга ўхшаб кулади. Ниҳоят, амаки кўнади, айтади, бир бошдан айтади, ҳатто Бозорни «Бо- ла-чақа нимаиканини биладими, бу зумраша!» деб койи- ганигача оқизмай-томизмай ҳикоя қилади. Ким билсин, ўша кунларга етказса, қўли калталик қилмаса, Нарзиқул амакининг елкасига битта эмас, бир жуфт тўн ташлайди. Эриб-эшилиб кетган амак нақ, «Сенгаям худо ўн икки ўғил-қиз ато этсин!» деб юборарми!..

Бозор ўринга сингиб, адоқсиз ва тизгинсиз тотли ўй- лардан эриб сув бўлаёзган эди, бирдан олис-олислар- дан майин шивирми-гувирми садоси келди... Йўқ, олис- дан эмас, балки шундоққина қулоғининг остида шивир- лади кимдир... Ё, дераза ортидамикан?! Бозор «дик» этиб бошини ёстикдан уздио ўтирган кўйи қулоғини динг қилди. Юраги кўксидан чиқиб кетгудай дукурлай бошлади. Бозор кўкрагини чангаллаб юрак уришини тинчлантироқчи бўлди, вужуди қулоққа айланиб хий- ла фурсат кутди. Худди ҳид олса биладигандек бурун тортиб исканди — ғужанак бўлиб олди — у шу топда жуда-жуда кичкина, ҳатто жимит одамга айланиб қо- лишга-да рози эди... «Ҳозир суроқ бошланади!» деган хаёлга бордию белига қилич дами урилгандай инграб юборди — азбаройи қовуғи, бўқаси ёрилиб кетгандек бўлди, хоҳиш-ихтиёрсиз, «Меҳмонлар сезмасин-да!» деб илтижо қилди... иложсизликдан мадори қуриб «Яна келдимикан?!» деган мажхул бир авзода кўча томонга қулоқ тугди.

— Уз паноҳингда... Ёш жонига раҳминг келсин... Ёмон кўздан ўзинг асра...

Бозорнинг шуури бирдан тиниқлашди, шивирлаш

қўшни хонадан келаётганини — қайнотаси шўрлик шу пайтгача ухламай дуолар ёғдириб ётганини сезди-да, баданини босган совуқ тердан эти жунжикиб кўрпани бошига тортмоқчи бўлди, бироқ бармоқларида жон қолмаган, шу боис ҳам кўрпани тортишга мажболи етмади...

## II

— Жийдабулоқча боринглар, Бозорбой,— деди Жумакул бобо одатича гаплашаётган одамига қарамай.— Дам олиб қайтасизлар.

Бозор қайнотасининг таклифига қулоқ солиб қайнонасининг нигоҳидаги хавотирдан кўзини узмади. «Эҳтиёт бўл, қизим», деб Шабнамни қайта-қайта бағрига босди қайнонаси, сўнг, «Қизимни сизларга, силарни худога топширдик, қуда» деб жавдириб-милдираб Бозорга умидвор қаради.

Чучук момо қудасини юпантирган бўлди — овози титраб чиқди. Хайрлашдилар. Шабнам кўчага қадам босмай дарвозага суянган жойида пишиллаганича онаси билан яна ўпишди, отасининг бетига қарамай хўшлашди, укасини чақириб қайта-қайта ўпди — унинг овозида маъсум, ўктам, кўнгилда қандайдир эзгинлик уйғотувчи оҳанг пайдо бўлганди... Бозор ночор-ноиложликдан эзилганини сездирмасликка уриниб ер остидан хотинининг тўнқарилган тоғорадек бесўнақай қорнига назар солди... У кейинги кунларда юз берган ҳодисаларни, келди-кетдиларни, гап-сўзларни бир бошдан эслагиси келди. Оғир дардга чалингану кечаги ширин хаёлларга берилиши ўша дардларни ювиб кетгандек туюлди — шундай энгил торткили!.. Уйи, ҳовлиси гавжум бўлди, қайнота-қайнонаси тунаб қолишди... Заводдаги мажлис... Оқсоқолнинг мактуби... Раҳматовнинг кўрсатмаси... Бозор буларнинг ҳеч бирини эслагиси келмади. Одамлар билан учар баркашлар тўғрисида гаплашмас-гаплашмас, Раҳматов ёки Оқсоқол буюрганидек «Ҳеч қандай учар келгиндилар йўқ» дея қутулса-қутулар, фақат у ичида тошдек чўкиб қолган бир ташвишга кўнгли алағда — у тошни ўзи суриб-жилдириб ташлолмас, ўйлаб кўрса, бунга фақат Аминвой қодир эди!..

Қайнонаси қизини Чучук момога, Бозорга ишонади, тилига чиқармаса-да, қайнотаси ҳам шу. Бозор уйландию Шабнамни жонидан ортиқ суяб қолди, Шабнамгинасини еру кўкка ишонмай юрганди, битта тойчоқдек ўғил туғиб берса хотинини бошларига кўтариш ўйида юрганди... афсус, ой-куни етган ҳомила оёқ тираб турибди — «ўлгудай қайсар бўлса керагов!» — хаёлидан кечди Бозорнинг. Чучук момо Шабнамни обормаган жойи-кўрсатмаган дўхтири қолмади, бироқ уларнинг бирортасидан жўяли маслаҳат ололмади, жуда жон койитгани, «Туғмай ҳомиласини ютиб юборармиди, туғди-да, бир кун» деди-қўйди. «Ҳай, кўз-қулоқ бўп турайлик» деб бирон дўхтир зоти уйига қадам босмади. Чучук момо ўзи ёлғиз бола билан ўтгани аламига «келиним бир ҳовли бола туғиб берсин — ўзим ювиб-тарайман» деб қўймайди. Онаси билан хотинининг яққаю ёлғиз ишонгани — Бозор. Бозорбой бундан қайтмайди — волидаси билан бир йил мобайнида жонининг ярмидек бўлиб қолган хотинини кафтида кўтариб юришга тайёр. Тайёрликка тайёр-а, лекин бошига шум кунлар тушса ўзи кимга ишонади?.. Кимга суянади у?..

Бозор шу чоққача суянчиққа муҳтожлик сезмади, ишлади, амал-тақал қилиб уйланди... Ҳамма бало уйландиганидан сўнг бошланди... Ўзи Аминвойга маслаҳат солди, «Ёрдамингизни аяманг, ака» деди... Бозор заводга

ўтдию суянчиқнинг қудратини ҳис эта бошлади. Заводга ким орқали келганидан хабар топган ён-веридигилар Бозорга йўл-йўриқ кўрсатди, кимдир, «Аминвойди этагини қўйиб юборма, астойдил сўрасанг тарозибон-ликка ўтасан», деди.

Бозор бундай маслаҳатларга ортиқ эътибор қилмади, у заводда умрбод ишлаш нияти ҳам йўқ, Аминвой айтганидек икки-уч йил ишласа, қаддини тиклаб олса бас. Бозорнинг назарида заводда ишласа, кифоя, ўз-ўзидан қадди тикланаверадигандек эди... У Аминвойни қора тортиб юрса-да, гуппи билан дуруст-қуруқ ош-қатиқ бўлмас, Аминвой ҳам уни унутиб юборгандек, ҳатто танимагандек юрарди. Бозор учар баркашларга илк дафъа рўпара келган кунининг эртасига Раиснинг хонасидан чиқиб гуппини кўрдию Аминвой уни унутмаганига иқрор бўлди. Аминвой қучоқ очиб уни бағрига босди, омонлашди, ҳатто манглайдан ўпди ҳам, шундан сўнггина Раис билан қўл олишди. Ўша топда Раис ҳам ҳавас қилди-ёв!..

Учар баркашдагиларга рўпара келган боис Бозорнинг номи кимларнинг оғзига тушмади!.. Лекин учар баркашлар келар-кетар, уларнинг шов-шуви унутилар ҳам... бу ёқда Аминвой гуппидай ака орттиргани қолар!.. Касалхонада ётганида эшикдан бош суқиб уни чақирган ҳамшира, «Еттинчи палатага киринг — кутишяпти!» деди. «Ким?» деб сўради Бозор. «Акангиз!» деди ҳамшира... Бориб қараса, акаси — Аминбой!.. Демак, гуппининг ўзи «акасиман» деган!.. Марказдан келган терговчи уни сўроққа тутаётганида дераза туйнугидан мўралаган ҳам Аминвой... Бозор шуни сўрашни унутибди. Ҳар қалай, тахмини тўғрими-нотўғрими — Аминвой акаси хабар олгани келди... Ўша пайтгача, сўнг улар касалхонадан чиққанига қадар уларнинг ҳузурига ҳеч зог кира олмади-ку, ҳатто Раҳматов билан Фаол ҳам эшикдан қайтишди, уларни мелиса йигит палатага йўлатмади... Аминвой акаси эса кирди — алоҳида, бетма-бет ўтириб гаплашди... ҳаммасини суриштирди ва Бозорни жеркиб ташлади... Нарзиқулни лапашангдан олиб лапашангга солган Аминвой пиравордида Бозорни сўқди. Очиқ сўқди. «Сенам гўл экансан! Сўтак экансан!» деди. Тишларини ғижирлатиб, тишлари орасидан тупук сачратиб айтди...

Бозор адои тамом бўлди ўшанда. Нимага адои тамом бўлганига ақли етмаганди, ҳақоратнинг ўзи оғир ботмади, балки... «биронта одаминг бўлмаса заводда ишлолмайсан» дейишарди... шу гап лоп этиб ёдига тушдию Бозорни гангитиб қўйди. Башарти Аминвой унинг ишонган акахони бўлсаю, шу гапдан сўнг оралари бузилса — Бозор қанақанги кўнглисиз ҳодиса юз бериши мумкинлигини тасаввурга сиғдиролмади. Нима бўлади?.. Юқчиликка ярамай қоладими Бозор?.. Ҳарам тепасига чиқиб пахта тепкилашни эпломлайдими? Еки тирикчилиги ўтмайдими?.. Бундай деса Аминвой унинг киссасига тўрт танга солиб қўяётган жойи йўқ. Заводга ўтиб Бозорнинг топиш-тутиши ҳам ошиб-тошиб кетмади. Бир сафар ҳангамалашиб ўтириб Нарзиқул амаки, «Шетта ишлаб кам бўлмадик, ука, сабр қип тур — ишларинг жўнашиб кетади» деди. Бозор сабр қияляпти... Ҳаҳ, ўшанда Нарзиқул амак суҳбатнинг белига тепди-да!.. Қоқ белига тепди!.. Пича кейинроқ чақирганида ҳам гуппи сўкинганининг босини айтар эди. Бозор эса амакидан хавотирланиб ёрдамга югурди... Аминвойнинг ўзи, «Боравур!» деди... пўпаса қилиб айтди, «Янаги келганда таъзирингни бераман» дегандек айтди... Аминвой бир очилувди-я, Бозор фурсатни бой берди... Эҳ, Нарзиқул амак!.. Эртаси улар касалхонадан чиқмаса, Аминвой муқаррар тагин келар эди, нимадан хавотирга тушгани, хуноб бўлгани боисини айтар эди... Лоҳал кеча-

ги мажлисда кўринмади... Ҳар қалай, Бозорни қўлаб юборарди... Бозорга човут солган амакининг ҳушини кўзига кўрсатиб кўярди!.. Нарзиқул амакини заводга Раҳматов обкеган, амаки, «Сенинг касофатинг урди!» деди, Раҳматовга ёқадиган гапни топиб айтди... Давлатов чурқ этмади... У ҳам амакининг гапини айтган — «Оёғинг ёқмади, бола!» деган... Бошқа кимга суяниши мумкин эди Бозор ўша топда? Кимга? Фаолгами?.. Фаол турган-битгани Раҳматовнинг югурдаги, сояси юқа — бировга суянчиқ бўладиган сиёқи йўқ, юкчилар бошлиғи — у ҳам ҳали Бозор билан очилиб сирлашган эмас... Бундан чиқди, бирдан-бир ишонгани — Аминвой эди!.. Аминвой эса, суриштириб келганда, заводга бегона, у Раҳматов ё Давлатовга нечоғли кадрдон бўлмасин — махфий мактублар ўқиб эшиттириладиган мажлисчаларга таклиф этилмаслиги табиий...

Шундай бўлса-да, Бозор Аминвойни топиши, унга учрашиб бош эгиб турмоғи — эшитадиганини эшитмоғи лозимлигини фаҳмлади, фаҳмлагани ҳамона «учрашай-чи» деган қарорга келди ва қароридан севиниб, уйдан чиқди...

## 12.

Бозор ўзини юлдузни бенарвон урадиганлар тоифасидан санамаса-да, жудаям гўл, валакисаланг деб ҳам билмас эди. У Аминвой билан суҳбатни ўйлагани сайин ҳақорат кўнглига айил ботаётганини сезди. «Бундан чиқди, онам — сўтакнинг онаси, Шабнам — сўтакнинг хотини экан-да?!» Бозор нафсонияти топталганини қаттиқроқ ҳис қила бошлади... «Бундан чиқди, эрта-индин туғилдиган ўғлим ҳам сўтакнинг ўғли бўларкан-да!.. Эҳтимол, ўғли сўтак отанинг бетига қаролмаслик важдан туғилгиси келмаётгандир?..»

У Аминвойни учратиши ниҳоятда зарурлигини ҳис қилди. Гуппи марҳамат қилиб ҳақоратига жавоб берсин... жавоб берса — хўп-хўп, акс ҳолда Бозорнинг бир дунё гаплари бор!.. Шундаям айтсинки!..

Бозор кўп юрди, изғиди, сарсон бўлди — Аминвойни на ердан, на кўкдан топди. Толиққани сайин ҳовурдан туша бошлади. Завод бикинидаги чойхонага кириб қуруқ нон билан чой ичди. Ҳозир дарвозадан кирган замони Раҳматов ёки Давлатовга дуч келишини ўйлади, гаплашишга кўзи учмаётган бўлса-да, негадир уларни кўргиси келди...

Бир тўда юкчилар қуршовида ўтирган Нарзиқул амакини кўриб «Адо бўбдию!» деб қўйди ичида, амакининг афтодаҳол башарасига зимдан кўз ташлаб. Лекин сир бой бермади. Гўё ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса юз бермагандай ҳамкасблари билан сўзсиз қўл олишиб кўришди. Нарзиқулга юзма-юз келганда «Дурустмисиз?» деб омонлашди. Орага ўнғайсиз жимлик чўкди. Бозор ҳайрон бўлди — одамлар нафақат учар келгиндилар ҳақидаги, балки ўзларининг кундалик ҳангамалрини ҳам йиғиштириб ташлагандек кўринди. «Бунақада одамлар гапиришни унутиб юборади» — ўзича кулимсиради у.

Шундай хаёлга боришга борди-ю, ўзи ҳам бир нима деб оғиз очибга журъат қилмади — бунини толиққанлигига йўйиб энди икки қулоч чамаси кўтарилган пахта гарами устига чиқди.

— Нарзиқулди ола чиқиб кет, Бозор, — деди кимдир орқадан.

Бозор тарқала бошлаган ишчилар томонга ўгирилиб кулди, изидан келаётган амакининг афт-башарасига разм солиб:

— Қулоғингиз тинчидими? — деб сўради. Амаки нарвондан кўтарилгунича мадори қуриб, харсиллади. Бо-

зорнинг, «Гапга солишяптими?» деган сўроғига жавоб бермай нафас ростлади-да, обдан ён атрофга аланглаб кўнгли хотиржамлашгач заиф овозда минғирлади:

— Гап кўп, Бозор...

Бозор бундай жавобни кутмаганди.

— Утир, — деди Нарзиқул қўли билан ишора қилиб, сўнг ўзи чордана қуриб ҳали пишиқлаб тепкиланмаган пахтага чўкди. Сўради: — Эшитмадингми?

— Нимани, — сўради Бозор ҳам амакининг хуфёна гапиришидан яна бир балонинг бошланишини кўнгли сезиб.

— Қўшни қишлоқларга тушаётган эмиш!..

— Йўғ-э?! Қайсинга тушибди?!.

— Секин! — шивирлади Нарзиқул овозини янаям пасайтириб. — Кўкдалага... Бедапояга ҳам...

Бозор бошини тиззаларига солинтирганича ўйга толди. Шу ўтиришида у «Нима қилмоқ керак? Қандоқ қилиб келгиндилар йўлини қирқиш мумкин?» деган жумбоққа чора излаётгандек эди. Унга тикилиб ўтирган Нарзиқул худди Бозорнинг авзоидан айнан шу сўзларни уққандек сапчиб эмаклаб қолди, сўнг шу қадар тўртоёқладики! — Бозор амакининг сичқондек сассиз-несиз физиллаб эмаклаб ғарам ёқасига бориб олганига ҳайрон бўлиб қараб қолди. Ҳайрат аралаш ичидан кулги келди-ю, чўчиди.

— Нега қочяпсиз?

— Қўйй, Бозор, мени аралаштирма, ука, мени тинч қўйй.

— Бери келинг-э, Нарзивой ака, — Нарзиқул пахта-нинг ичига кириб кетгудек ғужанак бўлиб олган, овози ингичка, заиф, хаста — «қўйй, қўйй» деганда эса ҳатто чийиллаётганга ўхшаб кетаверди.

Бозор амакининг таъсирига тушмаслик учун ҳам ўзини қўлга олди. — Атайини ўдағайлади у, бироқ ясама зардаси кўпга етмай шу заҳоти юмшади — ўшалардан бўлак ташвишимиз йўқми? Келинг, ишимизни қилайлик.

Бу гапни эшитган Нарзиқул бошини кўтарди, бўйинини чўзиб атрофга аланглади — қулоғини динг қилганча ярим-ёрти қад ростлади-да, икки қўллаб паншахани чангаллади, сўнг Бозорга орқа ўгириб паншахани пахтага санчганча тек туриб қолди.

Қўрққанга қўша кўринмайдими — Бозорнинг тасаввур-ида дунёдаги энг қўрқоқ жондор — сичқоннинг сурати гавдаланаверди. Ғарам усти чала ёруғ-чала қоронғи, чеккада қаддини дол қилиб тескари ўгирилиб турган амакининг кўлагаси орқа оёқларида тик турган улкан сичқонга, кериб турган оёқлари орасида қорайиб кўри-наётган паншаҳанинг ёғоч дастаси эса улкан сичқон-нинг узун думига ўхшаб кетди.

Бозор кўзини юмди — тасаввурдаги сичқон катталаша бошлади — кўзини очди: сичқон ҳамон тош қотиб тураверди, қайтиб кўзини юмишга юраги бетламай беҳол-бемажол қад ростлади, паншахани судраб ғарам-нинг нариги чеккасига борди-да, ўйга ботиб туриб қолди... чала ёруғ-чала қоронғи ғарам тепасида икки қўла-га узун думини чўзганча икки улкан сичқон янглиғ қаққайиб туришар эди... Орадан хийла фурсат ўтди, қоронғи қуюқлашди, завод ҳовлисидаги чироқлар ёқилди. Ғарам тепасидаги икки киши худди аразлашгандек бир бирларига яқинлашмас, узоқдан-да гаплашмаётган эдилар. Иттифоқо Бозор амакига қамти келдию гўё оддий нарсани суриштираётгандай, «Қўшни қишлоққа ҳам ўшалар тушибдими?» деб савол қотди. «Билмасам» деди Нарзиқул елка қисиб. Бозор учиб келгичлардан қўрқ-яптими ёки одамлардаги ялпи қўрқувдан юрак олди-риб қўйди — шунга ақли етмаётган эди. У шеригини ҳуркитиб юбормаслик муддаосида атайин киши билмас сўради: «Улардан нималарни суриштираётган экан?»

Нарзикул амаки паншахани оёқ остига суқиб дастагига биқини билан суянди. Ва бўшашиб: «Ҳаммаёқда бир томоша, Бозор — савол устига савол...» деди. Бозор ҳайронланиб елка қисди.

— Куласан-а, Бозор...— деди Нарзикул ёвқараш қилиб. Бозор амакининг яноғи асабий пириллаб учаётганини кўрди.

— Тушунмаяпман, амак, ақлим етмаётганидан куляпман... Хўп, сўраяпти — нима қипти?... Оддий, жўн саволлар-ку бари!.. Кўчада бировминан суҳбатлашганда шунчаки сўраладиган гаплар-ку!.. Сўраса жавоб бераверамиз, вассалом!.. А, сўрамаган нарсасини айтмасангиз бас-да!..

Нарзикул қўпол гавдасига ярашмаган бир ҳадик билан атрофга ўгринча аланглади ва пахта ёяётган бўлиб турди-да, бирдан «ўтир» деб имо қилди. Бозор чўк тушди.

— Уллаай агар, Бозор, атай айтмадим,— деди Нарзикул қасам ичаётгандек кекирдагини чўзиб.

— Нимани?— тушунмай сўради Бозор.

— Ушанда-да!— ҳамон бўйинини чўзиб гапирди Нарзикул. — Сўрамаяпти-ю, мен айтяпман... Валдираяпман-у, оғзимдан тўкилаётган сўзни тўтолмаяпман, де!..

— Қўрқингиз-да, амак.

— Дам кўрқдим, ёмон кўрқдим, ука — жоним оғзимдан чиқиб кетаёзди, укажон!.. Кейин, дам-бадам кўрқмай қоллим. Шунисига ҳайронман...

— Ўзи, улар келган замони одамми кўрқмайдиган қип қўяди, — бамайлихотир тушунтиришга киришди Бозор.

— Епирай-а!.. — ёқасини чангаллади Нарзикул. — Қандоқ қилади буни?

— «Биз сизларга ёрдам учун келяпмиз» дегани сеҳрлаб қўяпти, чоғимда, — елка қисди Бозор. — Ёки бошқа ҳунари борми... Қўшни қишлоқларда одамлар кўрқмабдими? Безиёнми, ишқилиб?

— Безиёнмиш... Найкейин... Кўкдаланинг кунчиқаридаги дарё ўзанига қўналға қурганмиш!.. Самолётини ўшатга кўндираётганмиш!.. Одамлар кўрибди!..

— Тўполонсойга денг!..

— Тўполонсойга...

Бозор бу миш-мишга мутлақо ишонмаса-да, иккила-ниб туриб мийиғида кулди. Амакини синовчан кузатди.

— Жа, одамлар тўкиб ташайди-да... Шов-шув кўтарилмаганига ҳайронман.

— Шов-шув кўтаргани қўядими, Бозор? Оқсоқолнинг ёзганини эшитдинг-ку, ўзинг. Одамлар нафасини ичига ютиб юрибди. Ичига ютолмаганлар пана-панада билганидан қомапти. Одамлар оғзини тикиб қўярмиди, Бозор, Оқсоқол...

— Анавилар ўзини суриштираётганини эшитса нима қиларкин? — деб юборди бехосдан Бозор.

— Кимни?

— Оқсоқолни.

— Оқсоқолни?!.

— ...

Нарзикул Бозорнинг афтига анграйди, башараси қийшайиб ёлдиради:

— Нима дединг? Кимни сўраган дединг?

— Оқсоқолни сўради, деяпман, амак! Намунча...

— Қачон?!

— Ўша куни.

— Қай маҳал сўради, Бозор?

— Сиз тепага чиқмасдан бурун.

— Тавба-а! — Нарзикул бошини чангаллаганича мункиб кетди. Ва бошини кўтармай инграгандай сўради: — Оқсоқолни қаттан танийдикан улар?

— Қайдам...

— Ўз паноҳингда асрагин, худойим!.. Нима деди?!

Нима деб сўради? Тушунтириб айтсанг-чи, палакат! Б.. еб таранг қияпсанми, сўтак?!

Бозор ўрнидан туриб кетди. Унинг кўзлари олайиб қалт-қалт титраётган қўлларига чангаллаб олган паншахани амакига ўқталди.

— Нима дединг!?. Қорнингни ёриб ташлайман, мол! Нарзикулнинг ўтакаси ёрилди. Тили калимага келмай дудукланди.

— Идорада индамадим-а?! Касофат бўллимми, ҳали?!. Палакат бўллимми ҳали?!. Раҳматовингга қўшиб абжағингни чиқараман, молфаҳм! Кўрсатиб қўяман ким сўтаклигини!..

Нарзикул дод солмоқчи эди — овози чиқмади, Бозорнинг важоҳатини кўриб тиззалари букилди, дағ-дағ қалтираб йиғламсираб ёлборишга ўтди:

— Боланг кўпайсин, Бозор... Илойим, келин эсон-омон қутулсин, Бозор!.. Мен... ўзим...

Бозор қандай «пов» этиб аланга олган бўлса шундай тезликда сўнди, бўшашиб паншаха кўлидан тушиб кетди, беҳоллашиб чўк тушсада, бояги ғазоби мақомига яраша сўради:

— Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисиз?

Нарзикулнинг нафаси ичига тушиб кетди. Ёлдираб савол қотмоқчи эди, оғзидан чиққан сўзга ўзи ҳам тушунмади.

— Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан, деб сўраяпти улар... Сиздан ҳам, ҳаммадан сўрайди...

Амаки турган жойида пахтага чўка бошлади, сўнг кўл-оёғи тимирскиланди, Бозор яна бир оз кузатиб турса Нарзикулни пахта ғарами ютиб юборадигандек эди.

— Ҳа, — деди Бозор унга жон бағишлаш умидида.

— Аминвой... Аминвойга айтиш керак, Бозор... Тез!..

У ҳаракат қияпти...

— Қандай ҳаракат?

— Юқоридаги акаларди ишга соламиз дебди...

— Қачон дебди?

— Бугун.

— Бугун? Қаерда?!

— Боя ўйдан қақиртириб олди... Анча гаплашди...

— Сизними?.. Сиз минан гаплашдимми?!. Нарзикул жим турди-да, сўнг бош ирғаб қўйиб:

— Бозор, бу ёғи нима бўлади, бошим қотти, ука...

Бозор бир кўзғалиб жойлашиб ўтирди-да, амакини қистовга олди:

— Аминвой ака нима деди? Сиз минан нималарни гаплашди? Айтинг, амак! — саволларни қаторлаштирди ҳовлиқиб. Чамаси у учар келгиндилардан чўчиганида ҳам бу қадар шоқалоқламаган эди.

Нарзикул Бозорнинг ҳовлиқшини лоқайд кузатиб туриб, беҳоллана бошлади.

— Ҳа? — деди Бозор амакининг кўлини силтаб. — Жонингиз чиқиб кетдими? Гапирсангиз-чи?

Нарзикул йиғлаб юборишдан ўзини базўр тийиб турган боладек лабини қимтиб жим бўлиб қолди. У бир нимани эшлашга урингандай рўпарасидаги кенжа ўғли тенги йигитга умидвор тикилди. Бирмунча муддат шу аҳволда тургач кутилмаганда савол қотди:

— Овозинг мулойимлашиб қолибдими? Бозор амакининг бу луқмасига эътибор қилмади. Шу топда унинг фикр-хаёли Аминвой акага кетган — у киши ҳақидаги янгиликни эшитишга муҳтож эди.

— Гапиринг, дедим, амаки, — деди у хуноби ортиб. — Гапни чалғитиб нима қиласиз, гапирмайсизми?!.

Нарзикул амаки гапирмади, балки қуруққина саволга ўтди:

— Оқсоқолни сўраган бўлса... сен нима дединг?

Бозор кулиб юборди. У Оқсоқолга ҳаётда рўпара келмаганини, уни танимаслигини, заводга яқинда ишга жой-

лашганини — шу боис на Оқсоқолдан, на келгинди махлуқлардан қўрқадиган жойи йўқлигини айтмоқчи — тўкиб солмоқчи эди ҳаммасини, оғзини жуфтлаган ҳам эдики, ғарамнинг ёнгинасида кимдир қаттиқ ҳуштак чалди. Бозор билан Нарзиқул тарракдек қотиб қолишди. Амаки қўрққанидан Бозорнинг билагига ёпишди, Бозорнинг мушақлари ўйнаб турадиган билаклари эса одатдагига хилоф равишда жонсиздек қалтирар эди.

Яна ҳуштак чалинди. Нарзиқул амак йиртқич қушнинг тажовузидан яширинаётган ўрдакмисол мук тушиб калласини пахта орасига суқди.

— Бозор! — овоз келди ҳуштак чалинган томондан.

Бозор ўша томонга қараб эмаклади, сўнг базур ярим-ёрти қад ростлаб букчайганча йўрғалаб ғарам ёқасига келди.

— Аминвой акам чақиробди. Юр...

Бозор разм солиб қаради, лекин кўлаганинг кимлигини танимади...

13

Ойсиз, юлдузсиз, рутубатли тун эди. Этни жунжиқтирадиган совуқ шамолда кунчиқар томон оқиб бораётган адоқсиз қора булут уюрлари разм солиб қарагандагина кўзга элас-элас чалинади.

Бозор пахтали камзулига ўраниб завод дарвозасидан чиқдию трактор ва ҳайбатли юк мошинлар ўтавериб ўйдим-чуқур қилиб ташлаган тош йўлда этигини дўқирлатиб судраб катта кўча томон юрди. У Аминвой акасининг исмини эшитганда қувониб кетди, кун бўйи ўзи излаган чоғидаги шашти-шиддати қонини яна қайта гупиртирди, қони гупирдию ҳозироқ бориб Аминвой билан очиқчасига гаплашиб олишни дилига тугди... бироқ катта йўлга яқинлашгани сайин — қадам-бақадам шаштидан тушаверди...

Аминвой Нарзиқулни чақиртириб у билан гаплашибдими, демак, унинг ўзи ҳаракатга тушган. Айтибдию, юқоридагиларга етказаман, бирлашиб чорасини топамиз дебди. Бундан чиқди, гуппи амакка, «Оғзингга маҳкам бўл» деган, Бозорга тайинлаган гапни унинг ўзи бажарган, демак, Аминвойнинг пайтавасига қурт тушган!... Энди Бозорни тун қоронғисида овлоққа чақиртирибди, демак, заводга киришга қўрққан. Демак... яна нима деркин?.. Нарзиқулга айтганини такрорлайди, шу. «Анавиларга яна рўпара келсанг алжима», «Сўрамаганини вайсама» дейди, холос. Лекин «кўнглингдан кечганини улар эшитаверар экан» деган гапга нима чора топади, Аминвой?.. Бу ёғи Бозорга қоронғи, ҳа, шу топдаги тун зулматдан-да қоронғироқ эди...

Бозор йўл ёқасида саф тортган тут дарахтлари биқинига тумшук суқиб тўхтаган «Жигули»ни танимай «Аминвой ака бирортасининг мошинида келгандир» деб хаёлланди. У «Жигули» ёнига яқинлашганда ҳайдовчи ойнани икки энлик тушириб «Орқага ўтир» деб имо қилди. Нотаниш башара ва сирли имо Бозорнинг ҳайронлигини баттар оширди. Шунга қарамай «Аминвой ака орқа ўриндиқда» деган ўйда орқа эшикни шарт очиб ўзини ичкари урди. Урди-ю, қоронғида ўриндиқ бўшлигини фаҳмлаб улгурмай «Жигули» фирр этиб жойидан қўзғалди. Бозор индамади, шофёр пешонасидаги ойнадан кўз қирини ташлагачгина у овозини кўтармай «Қаёққа?» деб сўради. Шофёрдан садо чиқмади, бунинг устига «Жигули»нинг чироқлари ёқилмаган —

тим қоронғи йўлда тўпдан отилган тошдек гувиллаб бораётган эди. «Демак!..» Бозор ичида шундай дедию, ўйлолмай қолди, фикрини жамлагунича мошин Кўкдала томон кетаётганини пайқади. Туйқус Нарзиқул амакининг айтганини эслади: «Кўкдала кунботаридаги дарё ўзанида... Тўполон сойда... «Демак!..» Бозор ҳозиргина «Қаёққа?» деганда товуши одатдагидан ҳийла ингичка эшитилгандек туюлди. Ҳайрон бўлди. Амаки ҳам «Эвозинг мулойимлашиб қойибдими?» деди. Демак... Шамоллаганим йўқ шекилли?..» Бозор овоз чиқармоқ ниятида атайин шофёрга гап қотди: «Кўкдалага боряп-мизми?» Сўрашга сурадию овози ўзгарганми-йўқми — фаҳмлолмади. Шофёр жавоб қайтармаганига аламини ичига ютиб тургани ҳамки, «Жигули» кескин бурилиб Бедапоя томон физиллади. «Бедапояда нима қиламиз?» — кўнглидан кечди унинг ва муддао не эканини билолмай ичдан титроқ турди, шу заҳоти оғзига келган гапни ўзи эшитадиган қилиб шивирлади — «Нимадан қўрқаман!.. Онаминг, хотинимнинг олдига соғ қайтсам бўлди-да!.. Қўрқадиган жойим йўқ! Йўқ!..» У ўзини вазмин туттишга уринди, «Булар ҳам одам-ку!.. Келгинди махлуқлар эмас-ку, ахир!» деб ўзига тасалли берди. Рўпарадан пахта ортилган трактор йўлни тўзитиб ўтди, унинг чанг-тўзони тарқамай «Жигули» тут дарахтлари панасига ён бошини суқуб таққа тўхтади.

— Чиқ. Анави ердалар, — деди шофёр тилга кириб.

Бозор мошиндан тушди. Кўрарга кўз қуввати ожизлик қиладиган оёқ остига текила-текила муштдек-ханда-лакдек кесакларни босиб-негиб ўн қадамлар юрганида Аминвой гуппининг қораси кўринди. Кўринди-ю, гуппидек одамни пахтали камзул кийган, бошини елкалари орасига тортиб турган қиёфада сира тасаввурига сиғдирилмаганидан кўзларига ишонмай қадами сустлашди. Беихтиёр салом бериб, бўшашиб кўришмоққа қўл чўзди.

— Салом-аликнинг вақти эмас, — тўнғиллади Аминвой.

Аминвой тўнини чаппа кийганини Бозор пайқади. Шу боис гуппидан гап кутиб ўзи «чурқ» этмади.

— Эшитдингми? — сўради Аминвой совуқ ва палағда овозда.

— Нимани? — саволга савол билан жавоб берди Бозор.

— Нимани бўларди, ану келгиндиларинг ҳаммаёқни босиб кетди!.. Тўполонсойга уй-жой қуриб олибди. Одамларди бир бошдан сўроқ қилаётганмиш!

Бозорнинг кундузги чапақайлиги тутди.

— Бўлмагур миш-мишлар ҳаммаси! — деди у зарда аралаш. — Келгиндилар қуриб олган уй-жойни биров кўрибдими? Ким бориб кебди уларнинг уйига?

— Хўп, сойлиққа иморат солмаса солмагандир, — деди бирдан шаштидан тушиб Аминвой. — Унда юрди бир бошдан сўроққа тутаётганига нима дейсан?!

Бозор ўйланиб қолди. «Эл-юртни бир бошдан чақира-вурса, тутиб олиб сўроқ қилавурса... Ваҳима кўпади-ку, одамлар орасида!..» Бозор осмонга анграйиб бошини қашиди, қоронғида Аминвой ўқрайиб қараётганини сездди.

— Буниси... бўлса бордир... — деди у бўшашиб.

— Обкетиб қолаётгани-чи?! — худди ҳамма ваҳиманинг гуноҳкорини тутиб олгандек дўқ урди гуппи.

— Демак... Кимди олиб кетибди?

— Обкетиб икки соат-уч соат тутиб туриб сўнг қўйиб юбораётганмиш!..

— Безиёнми? Шикаст етказмабдими, ишқилиб?

— Қанақа одамсан-ей, Бозор?!. А, бу, Кўкдалада икитаси тентак бўп қопти... Бедапояга тушганини кўрган бир жувон қўрққанидан бола ташлабди! Тагин безиён-

ми, дейсан! Тинмай сўраб-суриштириб одамларнинг ичидагисини, сир-асрорини билиб олаётгани қайси шикастдан кам? Миянгни ишлат, Бозор!.. Ё, қатингни ачитиб кетдими, ўшалар!.. — Аминвой Бозорнинг бошига муштини теккизиб ўдағайлаверди: — Узинг айтдинг-ку, дилингдаги гапни эшита оларкан, «айтмайман» деган гапингни айтмай туролмайдиган қип кўяркан-ҳаммани алжайрайдиган... ҳаммани ўзининг кўйруғини ўзи оқадиган қип кўйса — оқибатини ўйла, танангга, Бозор!..

Бозорнинг кўзи, қулоғи Аминвойда эса-да, хаёли Шабнамга кетди, «Қўрққанидан бола ташласа-я!» дедию, ҳуши бошидан учаёзди. «Бедапоялик жувон барвақт туғиб кўйган бўлса, Шабнамнинг ой-куни етганига уч ойдан ошяпти... на дард тутади, на...»

— Кўкдалани босибди!.. — Аминвой паст, лекин бўғилиб-жони ўртаниб гапирганидан нафаси етмади, худди шу онда тепаларидан баркаш учиб келадигандек хавотирда булутли осмонга аланглаб олди-да, пича хотиржамлашиб, гапида давом этди: — Бедапояни ёппасига сўроққа тутяпти!.. Раисси шофирини уйда тўй қилаётган жойидан обкетибди!.. Буғалтирди онасининг жанозасига қўймай обкетганча, қайтмади дейишяпти!.. Хўш, эртага Пахтақайнарга ўтса нима қиламиз?!.. Оқсоқолдан ҳам садо чиқадиганга ўхшамай қолди, тушуняпсанми, Бозор?! Бедапояликларга ўхшаб сичқоннинг инини ижарага оламизми ё, биз ҳам?!.

— Унда... пахта терими нима бўляпти? — ҳайрон бўлиб сўради Бозор.

— Пахтанинг тагида қоб кетсам теравуради булар!.. Илло, ёшу қарининг юраги така-пука... Кўчада, далада зоғ йўқ... Бугун бориб келдим. Бировни тўхтатиб саломлашай десанг афтингга қарамай қочяпти...

— Нуқул қуёноракларнинг орасида қоб кетган эрканмиз-да, ака?! Намунча қўрқмаса, халқ?! Нима, ҳамманинг тили бирдек қисқиқми? Аллақандай келгинди махлуқларга жавоб-муомала қилолмаса, а, буёғи нима бўлади?! — Аминвой ўзига тикилиб турганини кўрган Бозор дарҳол мавзуни ўзгартирди: — Оқсоқол хат ёзмабдими уёқларга? Кеча у киши юборган хатни бизга ўқиб беришди.

Бозор шу гапни айтиб ўзининг Аминвойга сирдош эканлигини пеш қилиб қўймоқчидек эди, афтидан, бу хабар Аминвой учун янгилик бўлмади, у бир нафас жим турди-да, энтикиб деди:

— Уша хат деб манавинақа биқиниб юрибмиз-да, жиян...

Аминвой гуппининг ниҳоят бўшашганини сезган ва фурсатдан фойдаланиб қолмоқни кўзлаган Бозор бир қур томоғини қириб олди-да, салмоқланиб гап бошлади:

— Аминвой ака!.. Бир маслаҳат-да... — У шундай деб атайин қувлик билан жим бўлди. Қоронғи бўлса-да, ҳийласи зое кетмаганини сезди. — Бир гап: биз Оқсоқолдан қўрқишимиз керакми ё учар махлуқларданми? Қай бири хавфлироқ биз учун, ака?..

Чини билан айтганда саволни эшитиб Аминвой ҳайрону лол бўлди, хаёлига келган фикрни ошқор этмай, «Ҳа, гапиравер» деган мазмунда афтини Бозорнинг башарасига текгудек яқинлаштирди.

— Айтинг... — деди Бозор бамайлихотир.

Аминвой айтмади. Кўзини лўқ қилиб тураверди. Бозорнинг ўзи гапирди:

— Осмондан келгичлар қўнаётган бўлса... мишмишларда жон бўлса, демак, мана, устама-уст тушяпти деяпсиз... Узимиз кўрдик, гаплашдик... Оқсоқолнинг хатида, «Учар баркаш йўқ нарса, ким шов-шув кўтарса — чора кўрилсин» деб ёзилибди. Суриштириб

келганда, мен Оқсоқолни танимасам-билмасам... Келгинди махлуқларни эса кўрдим-ку... Сўрайвериб хит қиворишини демаса, шахсан ўзим зиёну заҳмат кўрганам йўқ улардан... Сиз акалик қип турсангиз, заводда ишлаб турсам... Эрта-индин келинингиз кўзи ёрийди... Пича қаддимни тиклаб олай, кетаман...

Бозор гапини тугатмай, чамаси у, «Сиз акалик қип турсангиз» деган пайта Аминвой ийиб кетган, шунинг таъсирида Бозорнинг елкасига қоқа туриб ёш ўғлига мактаб сабоғини тушунтираётган отадек энгашиб астойдил гапирди:

— Оқсоқол топилмас одам, Бозор, ука!.. Бунақаси ҳали онасидан туғилмаган!.. Хат ёзган бўлса — унақа хатни ҳар йили жўнатади... қур-руқ пахтани ўйлайдиган одам у. Пахта бўлса, бас... одамлар чалғимасин деган — плонни дўндирсак буёғиминан иши бўмайди. Буёғи ошиғимиз олчи, ука!.. Илло, терим қолиб, одамлар миш-мишга чалғиса Оқсоқолнинг фиғони фалакка етади, Бозорбой! У одам ўлса-ўладики, ётиб қолса-қоладики, пахтани тердирмай қўймайди!

— Фиғони фалакка етганидан келгиндилар у кишини танир экан-да... — деди қарийб минғирлаб Бозор.

Аминвой қотиб қолди, «хап» этиб оғзини юмди. Кўзи олайиб, афти қийшайиб:

— Нима дединг? — дея сўради шошиб.

— Келгинди одамсимонлар Оқсоқолни таниганига ҳайрон қолдим, — пинагини бузмай деди Бозор.

— Нима, сўрадимми?! Қачон, нима деб сўради?!

— Шу... охири сафар... завўдга тушганда сўради.

— Кимдан?!

— Мендан.

— Айт-е, нима деб сўради?! — ҳовлиққанидан оғзи кўпириб кетди Аминвойнинг. — «Оқсоқол» деб айтдимми? Сен-чи?!

Гуппининг савол ёғдириши келгинди махлуқларникига ўхшаб кетганидан Бозорнинг кулгиси қистади. Лекин сир бой бермади.

— Шунчаки сўради. «Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан?» деди...

Аминвой камзули киссаларига қўлларини мушт қилиб ботириб худди ғужанак бўлиб ағдарилаётган одамдек қорнини чангаллаб қолди. Тиззаси букилди. Афти бужмайди.

— Қайтар! — деди у Бозорга қарамай.

— Нимани?

— Уларнинг саволини, қандоқ сўраганини? — Сўзма-сўз айт!

— «Оқсоқолнинг топшириғини бажарганмисан?» деди.

— Сен-чи?

— «Йўқ» дедим.

— У-чи?

— У... «яхшилаб ўйлаб кўряпсанми?» деди.

— Сен-чи?

— Мен жавоб бергунча Нарзиқул чиқиб қолди ғарам устига. Кейин...

Аминвой биров човига омбур солгандек бирдан букчайди, сўнг икки қўллаб путини чангаллаганча беҳол инграб, чўккалади... Бозор «Нима гап?» деб сўрамоққа оғиз жуфтлаганида гуппидан садо чиқди:

— Тагимизга сув кетибди, бола...

Бозор тушунмади, нима қиларини билмай турганида гуппи қаддини ростлаб-ростламай тутнинг пастак шохлари орасига йўрғалади.

— Безиён дейсан, бола!.. — деганди тишлари такиллаб кетди. — Шунчаки сўрайди, дейсан... Шунчаки сўраб туриб чунонам кўттариб урадики!.. Отимни бошқа қўяман, бола!.. Мени айтди, дерсан... Кўрасан, ҳали...

Бор, Бозор, жўна! Уйингга йўқол, бола!.. Қайтиб қорангни кўрсатма менга!.. Уқдингми!.. Мен сени танимайман, сен — мени!.. Уқдингми!.. Бор, уйингга, қури!..

Бозорнинг оёғи остидаги ер чайқалгандек бўлди. Аминвой безгак хуружга учрагандек тишлари шақиллаб гапираётганидан, унинг нима деяётганини англаб улгурмади. Кимсасиз зимистон оғушида ёлғиз қолгандек бўлди... «Жигули»нинг гуриллаб ўт олгани эшитилди... Бозор турган жойида тарракдек қотди, оёғини силжитолмай, оғзига келган калимани гудранди. «Жигули» тўхтади. Эшик шарақлаб очилиб ундан гулли отилиб чиқди. Қоридан ўқ еган одамдек букчайганича югуриб келаётиб йиқилади деди.

— Кулоғингда бўлсин, бола! Тилингни тийиб юр!.. Қирқиб ташла, падар лаънати, ундақа тилди... Нарзиқул


хеббимга айтдим!.. Бутун Пахтақайнар Оқсоқолнинг измидан-ку, сўтак!.. «Ёрдам қиламиз» деб алдаган, итдан туққанларга отангни сотасанлар, қишлоғингни сотасанлар, сўтаклар!..

Аминвой шундай деб изига қайтди. Қайтдию икки қадам ташламай орқасига ўгирилди.

— Келса, — деди қўлини осмонга чўзиб. — Уйдан чиқма, ёт, ўликдай ёт, қимирлама! Ернинг остига бўлсаям йўқол!.. Йўқол, мениям, уларниям кўзига кўринма!.. Э, ҳаммангни онангни кўшиб!..

Бозор тилини ютиб юборганди — чурқ этмади. Аминвой гулли мошинга ўтирди. «Жигули» кўздан ғойиб бўлди...

Давоми келгуси сонда



Тил сандиғи

## Тили барҳаётнинг — эли барҳаёт

Жумҳуриятимизда ўзбек тили Давлат тили бўлганига ҳам аслида унинг Давлат тили бўлганлиги йиллар билан эмас, балки асрлар билан ўлчанади) мана иккинчи йил кетяпти. Бироқ тил ҳақида, унинг муаммолари ҳақида ёзилаётган илмий мақолаларни чоп этадиган махсус илмий-оммабоп нашримиз йўқ. «Ўзбек тили ва адабиёти» ойбитаги эса 2 ойда атиги бир марта чиқади. Унда мақола чоп этиш учун тил ва адабиёт институтлари ходимларнинг ўзлари навбатда турадилар. 20 миллионли аҳолиси бўлган, минглаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари Давлат тилини ўргатиш муаммолари устида бош қотираётган жумҳуриятда тилшунослик масалаларини ёритиш билан шуғулланувчи махсус нашр очиш наҳот шунчалар қийин бўлса?

Кўпгина соҳаларда бўлгани каби ўзбек халқ шевалярини йиғиб, уларни таҳлил этиш иши ҳам турғунлик йилларида сусайди. Табиатдаги минглаб наботот ва жонзот турлари қирилиб кетаётганлиги, шу туфайли уларнинг баъзилари «Қизил китоб» саҳифаларига киритилиб, умумхалқ муҳофазасига олина бошлаганлиги ҳам бизни сергаклантирмади. Худди шу жонзот ва ўсимликлар сингари уларнинг номлари ҳам тиллардан бир умрга ўчирилди. Шунингдек, илмий-техник жараёндаги ўзгаришларнинг бошқа тиллар (инглиз, лотин, рус ва ҳ.) даги сўзлар билан номланиши, ягона адабий тилга бўлган интилиш оқибатида, халқ оғзаки нутқида қўлланишда бўлган кўплаб сўзлар истеъмолдан чиқиши туфайли адабий тил билан оғзаки сўзлашув нутқи орасида жиддий фарқлар юзага келмоқда.

Тўғри, ўзбек халқ шевалярининг лексик, морфологик, синтактик хусусиятларини тадқиқ этиш, номзодлик, диплом ва курс ишлари ёзиш бўйича анчайин тажрибалар тўпланган. Шевалярини ўрганиш ва йиғиш учун олий ўқув юртлири филология куллиётларининг ўқув режасига маълум соатлар, синовлар киритилган. Бироқ бу соҳада бажарилган ишлар ҳисоботлар тарзида, баъзан шева намуналари тўплами сифатида кам нусхаларда нашр этилган, холос. Уларни жумҳуриятимиз матбуотида ёки китоб ҳолида эълон қилиш лозим деб ҳисоблайми. Ана шунда бугунги кунда бошқа тиллардан кириб қолган

сўз ва атамаларга ўзбекча муқобиллар тополмай қийналаётган олимларимизга улар орасидан керакли сўзларни танлаб олиш имкони туғиларди.

Ҳозирча эса шевалар ва халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиб олиш учун мавжуд имкониятларимиздан унумли фойдаланмоғимиз лозим бўлади. Маълумки, жумҳуриятимизда 3 дорилфунун, 10 дан ортиқ ўқитувчилар олий билимгоҳлари, кўплаб ўқитувчилар билим юртлири бор. Дорилфунунлар ва ўқитувчилар олий билимгоҳларининг кундузги, кечки ва сиртки бўлимларида жумҳуриятимиз ва қўшни жумҳуриятларнинг турли бурчакларидан минглаб талабалар таҳсил олишмоқда. Бу талабалар баъзан мутахассисликлари учун унчалик муҳим бўлмаган фанлардан ёзма ишлар, синовлар ва ҳатто имтиҳонлар топшириб юрадилар. Ёки ёзги таътил пайтида бирор бир фойдали юмуш билан шуғулланишмай, вақтни бекор ўтказишади. Ёхуд бир мавзуда такрор-такрор ёзиладиган диплом ишлари, курс ишлари, назорат ишлари, мустакил ишлар ва ҳоказолардан кимга фойда. Буларнинг ўрнига ҳар бир талабани (албатта, ўзбек тили ва адабиёти мутахассислигини эгаллайдиган) ўзи яшаётган қишлоқ, ноҳия, вилоят ҳудудида яшаётган аҳоли тилидаги фарқли сўзларни, халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғишга жалб қилайлик. Бу иш кўзлангандан ҳам кўпроқ самара бериши мумкин.

Ўзбек халқ шеваляри намуналарини, халқ оғзаки ижоди дурдоналарини тўплашга жазм қилган тилимиз жонкуярларига чуқур миннатдорчилик билдириш билан бир қаторда улардан тилимизнинг такрорланмас сўз ва ибораларини йиғишда тезкорлик, зийраклик ва донолик билан иш қўришларини илтимос қиламиз. Чунки бундай ишни бугун қилмасак, эртага кеч қолишимиз мумкин.

Мен ҳам Самарқанд вилояти Нарпай тумани аҳолисининг нутқида учровчи сўз ва ибораларни ён дафтарчамга йиғиб юраман. Мана, шу сўз ва ибораларнинг айримлари:

**Арқаси тутмоқ** — жини қўзимоқ, жаҳли чиқмоқ

**Басалқи, бўйинса** — ёшидаги фарқ жуда кам бўлган ака-ука, опа-сингил

**Дангданг қилмоқ** — безор қилмоқ, бошини айлантирмоқ

**Жийрик** — бошқоронғи

**Качкач** — ипак қурти учун тут шохларини бутайдиган ясама асбоб

**Кўкайи кесилмоқ** — юрак-бағри эзилмоқ

**Култовшак** — кекса аёлларнинг бош кийими, дўппига ўхшайди, бироқ унинг орқа томонида сочни тутиб турадиган узун қисми бор.

**Туйтали** — уddaбурон, ишнинг кўзини билладиган

**Уютқи** — қатиқ ивйтиш учун сутга қўшиладиган ачиган қатиқ

**Чуйкамоқ** — куймоқ, қораймоқ

**Чўлжангламоқ** — шумлиқ қилмоқ, диконгламоқ

**Қадаси қаримоқ** — вақти ўтмоқ

Ҳурматли муштарийлар! Ҳар биримиз қўлимиздан келганча нутқимиздаги, шеваимиздаги адабий тилда қўлланилмаётган сўз ва ибораларни тўплайлик. Бу билан биз «Ўзбек халқ шевалярининг изоҳли сўзлиги» тузилишига яқиндан ёрдам берган бўлаемиз.

Мардонқул БОЛТАЕВ,  
Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунини ўзбек тили кафедрасининг ўқитувчиси.

Икбол



## Дала

Мени ҳайдамагин,  
ҳайдалган дала,  
Гарчи чок бағринга бўлмасман малҳам.  
Тилинган дилимга шифолар тилаб  
Тўртбурчак шаҳардан келганман мен ҳам.

Беҳаё хаёллар қилтузоғида  
Қалб қуши потирлаб, юз бора ўлди.  
Энди турналарнинг арғимчоғига  
Эзилиб-эзилиб боққувчи бўлдим.

Кўрдим,  
тўнканасаб алломачалар  
Бурнидан булутлар пастлаб ўтганин,  
Жудаям қўмсадим сени,  
алҳазар,  
Букчайган тутларниг серчандиқ танин...  
Бугдойни соғинди рафтори зардим,  
Келдим,  
елкамда ой— ўроғим тилла.  
Далам, деб айтишга сиғмади ҳаддим,  
Болам, дегин мени,  
ҳайдалган дала...

\* \* \*

Кумдан қурган кўрғоним қани?  
Толкучугинг қаерда, синглим?  
Мингта дўстим бор эди менинг...  
Ярим умрим, яримта кўнглим.  
Умр— бевафо...

Ота, нега таёқ йўнпясиз?  
Тишларингиз қаерда, момо?  
Жимгина тақдирга кўнпясиз...  
Умр— бевафо...

Яшим рабоблар  
шарманда...

Олапар қаёққа кетдийкин?  
Кўзларини жуда соғиндим.  
Олапар...  
Умр— бевафо...

Палакни дараклаб капалак ҳалак,  
Ҳарир қанотини қайирди сабо.  
Капалак...  
Умр— бевафо...

Яхши қиз, менгина ёмондан  
Кулиб-кулиб кетавердингиз.  
Кейин хат ёздингиз йиғлаб  
ёлғондан,  
Менсиз ҳам  
Муроду мақсадга етавердингиз...  
Умр кўп бевафо...

## Содик чегачи

Содик чегачининг аёли  
хиёнат қилди...  
Чегачи чўлоқ эди,  
камбағал эди,  
бефарзанд эди у устига устак.  
Аёлининг исми Ойсулув бўлса-да,  
сулув эмас эди ойдаин.  
Ажаб,  
вафо қилмади Ойсулув  
гўзал бўлмаса ҳам...  
Уни шайтон йўлдан урди,  
Содикни урди худо.  
Ойсулув  
йиғлади икки букилиб...  
Учоқдаги ўчаётган ўт  
қизил тилларини йўнатиб  
масхара қиларди Содикни.  
Кумғон  
куларди унинг устидан  
шарақлаб...  
— Йўқол...— деди секингина чегачи.  
Аёл ўрнидан жилмади.  
Тунда йўқолиб қолди Содикнинг ўзи.  
Кимдир  
уни гандираклаб Бачқирариқ томон  
кетаётганин кўрганмиш...  
Бир йил ўтди, уч йил, беш...  
Содикнинг чўпдек озган,  
ақлдан озган аёли  
сувқизи каби сочлари ёзгин  
ўтирармиш Бачқирариқ қирғоғида  
Кўлларида— Содик чегачининг  
Камончаси, пармабигизи, сирачи...  
«Чиқинг, бегим, кўнглингизни  
чегалаб берай,  
Кўнглингизни беринг, бегим,  
чегалаб берай...»





Абдуғани Абдувалиев

## САЛОМАТ ТУРАСИНЛАР

Ҳажвий қисса\*

IV

Холмирза ғирвон эрталаб келишилган жойга қараб йўл олди. Катта кўчага чиқиб, магазинга назар солди — очилмабди. «Ҳали эрта экан-да», деб қўйди ўзича. Кўчанинг нариги бетида уч-тўрт киши чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирган экан. Шулар ёнига ўтмоқчи бўлди. Ариқдан ҳатлаб икки-уч қадам юрвдики, йўлнинг қоқ ўртасида ётган тухумга кўзи тушди. У ёқ-бу ёққа аланглаб, уни аста қўлига олди-ю, ўйлаиб қолди: «Товуқ аспалга тухум қўймайди, бировнинг халтасидан тушса — синади, кечадан бери ётган бўлса, мошин босиб кетарди. Ажаб...»

Кўчанинг нариги бетига ўтиб, суҳбатлашиб ўтирганларга: «Ассалому алайкум», деди-да, ёнларига чўкди.

— Кўлингиздаги нима, уста? — деди ўтирганлардан бири кулимсираб.

— Тухум. Кимдир ҳазиллашиб катта йўлга ташлаб қўйибди.

— Маладес, атес! — деди шу пайт чинор ортидан бир йигит тиржайиб чиқиб. Кўсанамо, қулоқлари кичкина, пачоқпешона бу йигит Жаъфар кулагич эди.

— Маладес, уста! — деди Жаъфар кулагич Холмирза ғирвоннинг елкасига қоқиб. — Сиз тўғри топдингиз. Шу ерда ўтирганларни уч кундан бери синаб кўраман. Биттаси тухумни қўлига олиб: «Товуғим кам тухум бўлиб қолувди, тухумни кўчага қўяётган экан-да», деб чўнтагига солволди. Иккинчиси: «Калхўзни шофёри мошинни бесар ҳайдайдй, тушириб кетибди-да», деди. Учинчиси: «Аспалда жўжа тухумдан тез чиқади, биронта товук шу ерда жўжа очса керак», дейди Хи-хи-хи. Лекин, уста, қойил сизга, маладес...

— Биз сизнига бормоқчи эдик, — деди Холмирза ғирвон.

— Жуда яхши-да, биз тайёр, — деди Жаъфар кулагич.

— Бир исминчигим бор, Замзам қори деган катта уламо. Шунга ёрдамингиз керак.

— Бажонидил.

Охири. Аввали ойбитикнинг ўтган сонларида.

— Шу ерда учрашадиган бўлганмиз. Кутиб турибман.

— Бўлмаса, мен сизларни уйда кутиб тураман, — деди Жаъфар кулагич типирчилаб.

— Керак эмас. Учраганингиз яхши бўлди. Ҳозир қори келади. Шу ерда гаплашаверамиз.

— Уста, ўтган ҳафта уйим куйганда таъмирлаб бердингиз, пул берсам — олмадингиз. Мени ҳам одам ўрнида кўриб, бир пиёла чойимни ичинг. Хотин ишга кетади ҳозир. Уй холи. Мен доим хотинни ишга кетказиб, хотиржам чой ичаман, хи-хи-хи.

Жаъфар кулагич шундай деб устанинг қўлидан тухумни олди-да, гузар томон югуриб кетди.

У кетгач, сўрида дўпписини тиззасига қўйиб ўтирган ғирвонликлардан биттаси уста Холмирзага ҳасрат қилиб қолди:

— Шу, Жаъфар кулагич жа шум-да. Утган йили мени жа-а болаган-да. Бозорга товук олгани чиқсам, бир жуфт жўжа ушлаб турган экан. «Кеб қолинг, бу товук кунига ўнта тухум қилади», деди. «Ие, бу товук эмас, жўжа-ку?», десам, «Бу жўжа эмас, амиркони товук. Ҳозир шу туришида тухум босиб ётибди», деб жўжани қаноти тагидан мушгадай тухум олиб берса бўладими! Бундай қўлимга олиб қарасам, «Наманган. ОТК-2», деб қизил печат уриб қўйибди. «Печати бор-ку бунди?», дедим. «Биззи товук печатли тухум қилади-да», деди у. Гапига чиппа-чин ишониб, олдим. Олти ой боқибман. На тухум қилади, на товук бўлади. Икки орада мушук кўтариб кетди. Ҳа, уйинг куйсин, Жаъфар, уйгинанг куйсин, дедим. Мана, уйи куйиб кетди...

«Чойхона»нинг рўпарасида автобус тўхтаб, сўриларга чанг урилди. «Чойхонани орқароққа суриб, йўл четига ихотазор қилиш керак», деб хаёлидан кечирди Холмирза ғирвон. Ўрнидан туриб, лунгиси билан елпинди. Автобусдан бошига дастор қўндирган Замзам қори тушди. Холмирза ғирвон ўрнидан туриб уни Жаъфар кулагичнига бошлади.

— Дўхтирлардан ихлосим қайтган-да, — деди Замзам қори йўлакай. — Разм солсам, айримлари менчалик ҳам эмас экан.

— Бу нима деганингиз?

— Мен ҳам бир пайтлар табиблик қилганман.

— Э, ҳа-й? — деди қизиқсиниб Холмирза ғирвон.

— Милиса сиқштиравериб, тилхат олгандан кейин, ташлаб юбордим.

— Чиндан даволармидингиз?

— Оғзимга келган дорини айтаверардим. Масалан: «Урғочи сичқоннинг сийдигини боғланг», «Тоғда юрмаган кийикнинг ёғини яланг», «Минилмаган байталнинг тупугини суртинг»...

— Тузалармиди?

— Қизиқсиз-а, ука. Сичқон урғочими, эркакми — ким билиб беради? Боринги, байтал отни топди ҳам, нима, у тупурармиди?..

Жаъфар дастурхон тузаб кутиб ўтирган экан, қучоқ очиб қарши олди.

— Яхшиям сиз бор экансиз, уста. Мана, куйган уйимиз бут бўлиб қолди.

— Энди, Жаъфарвой, биз ҳам сизга бир хизмат билан келдик. Мана бу дўстимизнинг заифаси кўпдан буён бемор. Шу кишига ёрдам лозим. Сиз катта дўхтирларни танийсиз, яқинда қанчасиниям қаматворибди, деб эшитдик?

— Хи-хи-хи! — Жаъфар кулагич тиззасига уриб, қо-тиб-қотиб кулди. — Соддасиз-да, уста. Улар-ку, қамалди. Ўзим жонимни ҳовучлаб юрибман.

— Узиям қамалишига бир баҳя қолди, дейишганди одамлар.

— Бўлмасам-чи, — деди Жаъфар кулагич лабини йиғиштириб. — Хабарингиз бор, ёзда катта шаҳарларга мева-чева обориб тураман. Енимда «Жинни» деган справка бор. Бу сафарги борганимда кетимдан одам тушган экан. Пайқадим. Омска кетаётгандим, йўлимни ўзгартириб Томска жўнадим. Кетимдан тушган одам топиб борди! Қопни оғзини очишим билан ҳужжат сўради. Кўзимни пирпиратиб, лабимни қийшайтирдим-да: «Бу дунё бир омонатдир, анинг иши хиёнатдир», деб жаврайвердим. «Жиннимисан?», деди ҳалиги одам. «Ҳа», дедим. «Справканг борми?», деган эди, «Мана», деб ёнимдан олиб бердим. Ҳужжатни айлан-тириб, ҳайрон бўлиб турди-да, қайтариб, йўлига равона бўлди, хи-хи-хи. Ҳайрият, қутулдим, деб савдони бошладим. Бир маҳал кетворган битта аёл келиб: «Нокни килоси қанча?», деди. «Икки донаси тўрт сўм», дедим. «Дуррак», деди. «Ким дуррак? Узинг дуррак.» «Дуррак бўлмасанг, икки донасини тўрт сўм сотасанми? Нариги бозорда биттасини беш сўм сотаяпти», деди аёл. «Ростданми?», деб сўрадим ҳовлиқиб. «Анави одам сени жинни деган эди, рост экан». Аёлга ялиниб, ўша бозорни кўрсатиб қўй, дедим. «Кўтар нокингни!», деди аёл. Ҳей, нокни кўтариб орқасидан тушсам, тўппатўғри милисага олиб келса бўладими. Хи-хи-хи. Миллисани одами экан. Ҳамма гапимни лентага ёзиб олибди. Ана кейин бошланди: кавла-кавла, текшир-текшир, испаравкани ким берди, қаердан олдинг... Ҳаммасини айтдим. Айтаман-да, испаравкани бекорга олмаганмиз-да. Чўзганмиз. Ҳей, менга ўхшагандан кўп экан. Олиб келиб сўроқ қиляпти, сўроқ қиляпти... Берган ҳам кўп экан, олган ҳам. Нақ ўн бешта дўхтир қамалди.

— Бу кишининг заифасини кимга кўрсатсак бўларкин, мулла Жаъфар? — деб сўради Холмирза ғирвон.

Жаъфар кулагич икки кўзини шифтга қадаб:

— Топдим! — деди. — Новосибирда бор! Майли, десанглар, бирга борамиз. Иккита чамадонга помидордан босиб олсак, йўлқирани кўтаради.

— Қани, уста, турдик, — деди Замзам қори Холмирза ғирвонни туртиб. — Биззи хотинни тузалишини худо раво кўрмаяпти, шекилли.

— Умидсиз бўлманг, дард берган, давосини ҳам беради. Ҳай, омин!

Жаъфар кулагич уларни кузатаркан, шипшиди:

— Агар помидор эзилиб кетади, десангиз, пиёз олволишимиз ҳам мумкин...

## VII

Холмирза ғирвон велосипедини ғийқиллатиб, шаҳар кўчалари бўйлаб ҳайдаб кетаяпти. Кулранг шими устидан оппоқ яктагини тушириб олган. Оёғида янги калиш, бошида чуст дўппи. У ҳеч қачон беш сўмдан қимматга дўппи олмаган. «Бош омон бўлсин», дейди. Оёғидаги калишини ҳам яқинда магазиндан олаётиб, маркасини роса суриштирди, ичи-ташини синчиклаб текширди. «Калиш оёқни ревматизм қилади, дейишади. Шу ростми?», деб сўради сотувчидан. «Билмайман», деди сотувчи. «Ақлимизни таниганимиздан бери калиш киямиз. Ҳеч нарса қилмаяпти, шекилли, — деди ўзича. — Ревматизм қиладиган бўлса, ҳукумат чиқарармиди? Бетон уй бел оғриғи қилади, дейишади. Бўлмаса, нега қуришади?» Яқинда шу ҳақда ўғлига айтди: гувалали, синчли, томига чий бордон ёпилган уйлар қуриш керак, қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади, деди. «Шунча халққа

гувала билан бордонни ким етказиб беради?», дея тўнғиллади ўғли...

«Наманган — жаннат», деб қўйди Холмирза ғирвон. Қайсидир машина сигнал берган эди, велосипедини четроққа олди. «Роҳат» чойхонасининг олдига келганда ўнга бурилди. Катта ариқ ёқалаб кета бошлади. Шу ариқни бир вақтлар канал дейишарди, кейинчалик анҳор дейдиган бўлишди. Ҳозир ариқдан каттароқ ўзанга айланди. Ўзан лабида қора-қура болалар; айримлари чўзилиб ётибди, бир гуруҳи қувалашиб сувга сакра-япти. Холмирза ғирвоннинг ҳам чўмилгиси келди. Беихтиёр тўхтаб яктаги этагини кўтарди-да, шимининг тасмасига осғлиқ соатига қаради. Энди олти бўлибди. Бугун Бебошев амакиваччаси қамоқдан келгани муносабати билан тўй берапти. Гўё у киши ҳаждан келган. Асирдан кейин ҳамма ошга бориши шарт, дейилган. Холмирза ғирвон амакиваччанинги уйини кўрмагани учун Асадулла, Замзам қори — уювлари «Ойдинкўл»да учрашадиган бўлишди. «Чорак кам етиб борумиз», деди қори... сак, как раз ош устига етиб борумиз», деди қори...

Холмирза ғирвон велосипедини етаклаб пастга — тераклар соя ташлаб, ўт-ўланлар барқ уриб турган жойга тушди. Велосипедини теракка суяди. Таҳорат олиш ниятида анҳор лабига келиб чўнқайди. Бет-қўлини, бўйнини ювиб, «Оҳ-оҳ, оби неъматингдан бена-сиб қилмагин», деди. Кейин Замзам қори таҳорат олаётганида арабчасига узундан-узун нималарнидир пи-чирлашини хаёлига келтирди. «Шу одамга ҳам, бундай ўйлаб қарасам, қийин экан. Хотини яна касалхонада... Ҳеч бир бандасига тикан кирмасин-да... Ҳой, булар қандай дўхтирки, муштипар бир онани тузата олмаса?.. Яқинда телевизорда бир одамнинг юрагини олиб, ўрнига бошқа юрак қўйилганини айтишди. Қани ўша олимлар?..»

Дамир полвондек одамга хотин топиб берган Холмирза ғирвон бир бечора онага ёрдам беролмаётганига куйинарди. Дамир полвон бир ўтиришда тўрт кило гуручнинг паловини паққос туширарди. Топганини еяверса, мени қандай тўйдиради, деб биронга хотин унга теккани унамасди. Сўққабошлик полвонни эзиб юборди. Ҳамма унинг ҳолига куларди. Аммо Холмирза ғирвон куйинарди. Ахийри битта хотин топди, бироқ полвонга ҳам шарт қўйди: «Энди, Дамир полвон, хотинни топамиз. Лекин шарт шуки, олдингизга ош келса, бир ошам еб кўчага чиқиб кетаверасиз». Полвон кўнди. Айтишларига қараганда, тўйдан кейин полвоннинг бурни қолибди, холос...

Уйда ҳаловати йўқнинг — кўчада фароғати йўқ. Бебошевга ўхшаган бошлиқлар қилиб-билмай баъзан отаси тенги одамларга зуғум қилади. Ҳой, уй-жойинг қалай, бола-чақанг тинчми, рўзгоринг бутми, тан-жонинг соғми, деб суриштирмайди. «Мен ўсадиган кадрман, планни бажаришимиз керак», деб қўлини белига тираб тураверади. Мана, аввалги кучи ҳам жамоани йиғиб: «Ўртоқлар! Бултур поччамизнинг тўйини ўтказиб бердинглар, раҳмат. Энди навбат — амакиваччамизнинг тўйига. У кишининг тўйида менинг тўйимда хизмат қилгандек хизмат қиласизлар. Мен ўсадиган кадрман, шарманда қилманглар. Тузукроқ тўёна олиб борайлик», деди. Шундан сўнг ҳаммадан ўн сўмдан йиғилди. Замзам қори: «Мен ўн сўмга ўн кун тирикчилик қиламан, бўтам», деган эди, «Сиз ҳам тўй қилиб қоларсиз, қори», деб кўпчилик олдида мулзам қилди.

Холмирза ғирвон ўнг оёғини бир силкитган эди, калиши чиқиб, шалоп этиб сувга тушди. «И-и-и», деганча ўрнидан туриб калиши ортидан югурди.

— Ҳозир олиб бераман, опоғдада! — деди қумга ағанаб ётган қорамғиз бола ва чопиб бориб калласи

билан сувга шўнғиди. У сувдан бошини чиқарганда, калиш йўқ эди.

— Э, болам, сувга калла қилмай, секин олиш керак эди, ичига сув кириб чўкиб кетди, — деди Холмирза ғирвон тажанг.

У қўл силтаб ортига қайтди. Велосипедни етаклаб юқорига кўтарилди. Чап оёғидаги калишини ечиб, велосипеднинг орқасидаги «богажник»ка қистирди. Иягини қашиб ўйланиб қолди. Бир қарорга келди, шекилли, велосипедга миниб «Ойдинкўл» томонга ҳайдаб кетди.

Асадулла билан Замзам қори анҳор бўйидаги тол салқинида ўтиришарди. Асадулла устани кўриб қўлидаги сигаретни тез-тез тортиб, қолдиғини сувга чертиб юборди. Сигарет «чиз» этиб ўчди.

— Келдингизми? Қорин сурнай чалворди-ку. Қани, кетдик.

— Қаёққа кетамиз? — деди Холмирза ғирвон оёғига қараб.

— Ия, ялангоёқмисиз?

— Оёғим қизиб кетиб, таҳорат қилиб олай деган эдим. Калишнинг бир пойи сувга тушиб, чўкиб кетди.

— Фирт афандимиз-да, уста.

— Энди, сизлар бораверинглар, бир ошам ош ема-сам — емабман, — деди Холмирза ғирвон.

— Ун сўмдан тўлаганмиз-а, уста, — деди Замзам қори калласини ликиллаптиб. — Ун сўмни бергандан бери ухлай олмайман. Иккита патирни орасига икки кунлик ошни жойлаб, уйга олиб кетмасам, кўнглим тинчимайди.

— Мен ошни ўн беш сўмлик товоққа жойлаб олиб кетмасам, отимни бошқа қўяман, — деди Асадулла қўлини белига тираб.

— Мен берган ўн сўмимга мингдан-минг розиман. Сизлар бораверинглар, ялангоёқ тўйга бормаيمان, — деди Холмирза ғирвон.

— Ҳазиллашяпмиз, уста, ҳеч қайси эркак уйга ош кўтариб кетадими? — Асадулла устанинг елкасига қоқди. — Аммо, сиз тўйга бормасангиз, биз ҳам бормаимиз.

— Ахир мен ялангоёқ...

— Мени туфлимни кийиб оласиз. Мен тўйда хизмат қилаётган одамдек шипиллаб юравераман. Шу ерга келганда қайтиб кетмайлик. Валасапидни менга бериб, манави туфлини кийинг-чи.

Асадулла туфлини ечиб, устага кийгизувди, Холмирза ғирвоннинг товони дўппайиб чиқиб қолди.

— Э, қўйинглар, оёқни сиқиб қолди. Калака бўлмайлик, ука.

— Уста, беш минутга чиданг. Шу ерга келганда ош емай кетмайлик. Оломонда ҳеч ким эътибор қилмайди. Ким билан кимнинг иши бор. Биров бизни таниб ўтирибдими, бегона маҳалла бўлса. — Асадулла Холмирза ғирвонни авраб, тинмай жаврарди. — Бир пайтлар бир тўйга борганман. Ошни еб бўлиб ўрнимдан тураман десам, шим «ширр» этиб йиртилиб кетди. Об-бо, тамом, дедим. Қўл қовуштириб, тизилишиб ўйдан чиқиб кетаётгандик, кўзим тоқчага солинган газетга тушди. Бехит қилиб олволдим. То уйга келгунча кетимга газета тутиб келганман... Ҳаётда нималар бўлмайди, уста. Одамнинг боши — Оллоҳнинг тоши. Қани, кетдик.

Тўйхона дарвозаси ари уяга ўхшар, ичкаридан ҳофизларнинг хониши эшитиларди:

Соғлигинг қадрига ет, хаста бўлмасдан бурун,

Хасталик шукрини қил, токи ўлмасдан бурун...

Асадулла велосипедни етаклаб, оломон орасида ялангоёқ шипиллаб ҳовлига кириб кетди. Холмирза ғирвон билан Замзам қори айвонга кўтарилишаётганида кимдир Замзам қорини: «Қори почча, сиз бу ёққа»,

деб ичкари уйга етаклади. Қори салласини тузатиб, «Бисмилло», деди-да, ковушини остонага ечиб, уйга махсичан кириб кетди. Холмирза ғирвон оёғини ғажиб ташлаган туфлини ечиб, айвонда ўтирган уч-тўрт кишининг ёнига чўкди. Замзам қори кириб кетган уй томондан: «Чойдан!», деган товуш келиши билан Асадулла иккита чойнакда чой кўтариб ўша ёққа югурди. Қайтиб чиқаркан, Замзам қорининг остонада турган ковушини кийиб, ҳеч нарса бўлмагандек, хотиржам айвонга яқинлашди-да, Холмирза ғирвоннинг ёнига ўтирди.

— Бебошевни кўрдингизми, уста?

— Йўқ.

— Дарвозахонада турибди. Тўёна олиб келганларни рўйхат қияпти. Ошни еб бўлиб кетиб қолманглар, хизматда бўлинглар, кечқурун базм бўлади, деди. Номаъқул бузоқнинг гўштини ебсан, калишимизни йўқотиб зўрга турибмиз, дедим.

— Калишни чакки айтибсиз.

— Ичимда айтдим.

— Э, ҳа-а.

Ош еб, чой ичилгач, фотиҳа бўлди. Асадулла сўритокка тиралган велосипедни олиб, Холмирза ғирвонга тутқазди. Икковлон тўйхонадан чиқиб йигирма қадамча юришгач:

— Туфлингизни олинг-а, ука. Оёқни адо қилди, — деди Холмирза ғирвон. Асадулланинг оёғидаги ковушга кўзи тушиб, ҳайрон бўлди. — Буни қаёқдан олдингиз?

— Узумини енг, боғини суриштирманг. Кийиб кетаверинг. Узимизники.

— Йўғ-э?

— Замзам қориники.

— Ўзи нима кияди? Қидириб юргандир ҳозир?

— Қори махсичан ҳам юраверади, — деди Асадулла кулиб.

— Боринг, бериб келинг, ука. Хижолат қилманг.

— Ана, ўзи келяпти.

Дарҳақиқат, Замзам қори пилдираб улар томон келарди. Қўлтиғида чит рўмолга ўроғлиқ насиба. Ҳаммасидан ажабланарлиси — оёғида ковуш.

— Ковуш ўзингизникими? — деб сўради Асадулла.

— Бундоқ қарасам, ўзимники кўринмади. Ҳаммамиз ҳам бир банда-да, дедим-у, оёғимга илинганини кийиб келавердим.

— Э, қори тушмагур. Мен сизнинг ковушингизни устага бергандим, уйга етволсинлар, деб.

— Майли, майли. Ковуш бизга қаҳатчилик эмас. Ма-читдан ковуш ўғирлайвериш уста бўлиб кетганмиз. Хи-хи-хи.

Холмирза ғирвоннинг кўнгли хижил тортди. Қорига юзланиб деди:

— Ўтган шанба бир одамникида ишладим. Сўриток қилиб бердим. Дўхтирларнинг каттаси экан, заифангизни айтдим. Обкелинг, кўрамиз, деди.

— Э, раҳмат, уста.

— Аммо сизга бир насиҳатим: мачитдан калиш ўғирламанг. Мачитни талаган мамлакатни талашдан тоймайди. Мачит — худонинг уйи. Худодан ҳайиқмаган, бандасидан ҳайиқармиди?

Холмирза ғирвон шундай деб, ялангоёқ, велосипедига минди-да, визиллатиб ҳайдаб кетди.

## VIII

«АВБГДЕ... ФХ БИТ»га қарашли цех бошлиғи Бебошев устидан юқорига юмалоқ хат тушди. Уни текширгани бошқармадан Бўрихон келди.

— Анавини қаранг, уста, — деди Асадулла Холмирза

Фирвонга юмалоқ хат муҳокамасига бағишланган йиғилиш олдида. — Кўйини бўрига топширишибди. Майда порохўрни текширгани катта порохўр келибди.

— А?

— Бўрихон Ваққоснинг жияни, Ваққосхон Бебошевнинг поччаси. Демак, қариндошми? Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлади деганларидек, бу лаънатиларнинг серуруғлиги-ей. Яна ҳаммаси ёғли жойга ўрнашиб олган.

— Э, ҳа-й, — деди Холмирза фирвон. Кейин овозини пасайтириб, сўради: — Бу, ука, юмалоқ хат дегани нима? Шу кунларда жуда кўп гапиришади?

— Юмалоқ хат дегани, хат ёзган кишининг исми, адриси йўқ, дегани. Хат ёзган одам сиз лойни сувала қилгандек, юмалоқ қилиб ўрайди-да, бирон идоранинг деразасидан мўралаб туриб, шартта отади-да, қочади. Идора бошлиғи хонасига кириб, столига ўтираман деб, бундай қараса, қоғозга ўроғлиқ бир нарса турибди. Порамикан, захармикан, нимайкин, деб секин очиб қарайдики, ҳамма сирлар ёзиб қўйилган. Ана ундан кейин текшир-текшир, қидир-қидир... Ёзган одам чойхонанинг бир бурчагида хотиржам чой ичиб, кузатиб ўтиради.

— Биздан ким ёзган экан, а?

Асадулла дўпписини чаккасига суриб, кўзини қисиб, бир оз ўйлаб турди-да, деди:

— Кимлигини тахминан биламан-у, лекин.. Эҳтимол, бошқа одамдир? Қани, мажлис бошланаверсин-чи.

Юмалоқ хат муҳокамасига бағишланган йиғилиш бошланди. Алоҳида зал йўқлиги сабабли, цех ҳовлисига ҳар ким топганини олиб чиқиб, ўтирди. Минбар томонда стол, чорпоя. Чорпояга Бебошевнинг хонасидан тишларини кавлаб чиққан тўрт киши бирин-кетин чўкишди. Ҳамма йиғилганига ишонч ҳосил қилинган, Бўрихон ўрнидан кўзғалиб, олдидаги папкани очди-да, ундан бир хат олиб жамоага юзланди:

— Уртоқлар! Бугунда биз ажойиб давр, дориламон замонда яшаёмиз. Еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда. Бунинг устига, ошкоралик деган бахтли дамлар... Шундай пайтда, нимаики дард бўлса, идорага келиб ошкора айтиш мумкин бўлган бир пайтда, ичимиздан ғаламислар чиқиб қолди. Ҳалол одамларга тўхмат қилиб, пора олади, деб ташкилотларга иғво ёзди. Ҳой, мен сизларга айтиб қўяй: пора олганга ҳам ўн йил, берганга ҳам ўн йил! Қани, орангларда «пора берганман» дейдиган, ўн йилни бўйнига оладиган азamat борми?! Демак, йўқ. Мана бу ерда... — Бўрихон қўлидаги қоғозни силкиди, — бошлиқларимиз пора олади, деб ёзипти, иғвогар! Имзосиз ёзипти, бунинг устига, арабча ёзипти. Бу саводсиз одам имзосиз хатлар инobatга олинмаслиги ҳақидаги қарордан беҳабар экан. Шундай бўлса-да, орамиздаги бу тўхматчини билиб қўйсак, келажак учун фойдалидир, деб ўйлайман.

Ҳамма ҳушёр тортиб, бир-бирига нигоҳ ташлаб олди. Асадулла дарров Замзам қорига қаради ва: «Ишни лой қилибди», деб қўйди ичида. Бўрихон сўзида давом этди:

— Аммо биз, иғвогар қайси тилда ёзмасин — топамиз. Бугун биз бу ерга арабча тилни биладиган дўстимиз Сотимбоевни таклиф қилганмиз. Ҳозир у киши хат мазмунини баён қилади.

Сотимбоев ўрнидан турди.

— Ҳурматли дўстлар, шуни айтиб қўйишим керак: бу ерда сал нотўғри тушунтирилди. Хат арабча эмас, ўзбек тилида ёзилган фақат араб алифбосида. Мана, хатда нима дейилади: «Бошқармадаги мўхтабар-аҳли мўмин. Сўнги вақтларда бизнинг сеҳга касофат ва очофат оралади. Маошимиздан барака кўтарилди.

Ризқи ҳар рўз мерасад аз ҳақ,  
Ғами беҳуда меҳурад аҳмақ.

Яъни, ҳар кун ризқингни худо бергандан кейин, ғам ейишинг аҳмоқликдир. Тинчгина ризқимизни еб юрган эрдик. Ишхонамизга Бебошев деган худобехабар бир кимса келди-ю, ризқимиз қирқилди. «Чўтал» нарҳини оширди. Аввалги бошлиқ ҳам оларди-ю, инқадар ноинсоф эрмасди. Ҳай, молимизни олганига чидаймиз-у, аммо жонимизни олганига тоқат қилолмаймиз. Гап шундаки, корхонамизда Ҳанифахон исмли лобар бир аёл бордур. Шул заифани Бебошев йўлдан оздурди. Тўғри, ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайдур. Аммо ул буқа одамларга бошлуқ бўлса-чи? Бунинг устига, шайтонга дарс беради. Унинг хитирлигини сўйлаб берай. Ҳар пайшанба кечқурун Бебошев Ҳанифахонни ишдан сўнг мошинда қаёққадир олиб кетади. Хуфтонда аёлни уйига келтириб: «Ҳанифахоннинг юраги чатоқ бўлиб қолди, касалхонага обориб укол қилиб келямиз», деб эрига топширади. Ҳанифахоннинг эри Розик олифта: «Яхшиям сиз бор экансиз, иним, минг раҳмат», деб хотинини кутиб олади. Ҳанифахон ҳар пайшанба укол қилдирадиган бўлиб қолди. Сабанини Бебошев билади, холос. Бебошев каби бузуқ, порохўр кимсалар қачонгача бошлуқ бўладилар? Бошлуқлик уларга отамеросми? Шул масалаларга эътибор берсанглар, деб: Бандаи Мўмин».

Сотимбоев хатни ўқиб бўлиб, Бўрихонга узатди. Бўрихон гезариб ўрнидан турди, хатни силкитди:

— Биз хат эгасини топамиз, жазолаймиз. Милитсиядан апчарка ит олдириб келиб, хатни ҳидлатамиз. Ит тўхматчини дарров топади.

Замзам қори: «Мумкинми, деди-ю, жавоб кутмай ўрнидан турди.

— Укаҳон, мен итдан қўрқаман. Шайтоннинг сўзига кириб, бир аҳмоқлик қилдим-қилдим. Мени кечиринглар.

— Сиззи масалангизни суд ҳал қилади!

Бўрихон шундай деб йиғилишни ёпди.

Замзам қори қоровулхонага киргач, Холмирза фирвон билан Асадулла бараварига саволга туттишди:

— Нега ёздингиз, қори?

— Бир оғиз маслаҳат қилмайсизми?

Замзам қори Асадуллага таънали боқди:

— Асадуллахон, ёзавер, деган эдингиз. Шарманда бўлдик-ку.

— Э-э, қори. Эскича илмингиз бўлгани билан, икки пуллик эсингиз йўқ экан. Хатни мошинкада ёздириш керак эди — бир, «чўтал» берганларга қўл қўйдириш керак эди — икки. Ҳанифани йўлдан урганига гувоҳ топардик — уч, мошинасини орқасида цехдан ўмариб кетаётган важларни суратга олиб қўярдик — тўрт! Нега маслаҳат қилмадингиз?

— Ким билади, ёзавер, деганингизга, ёзаверибман.

— Мен, босган қадамини ёзиб боринг, дегандим. Кейин, хатни нега бошқармага ташлаб келдингиз? Обкомга ташлаш керак эди. Салла бўлган билан калла бўлмаса, қийин экан-да.

— Қийин. Бизга қийин бўлди. Энди ишдан бўшатади. Мени соғ қўймайди бу порохўр.

— Ёзганларингиз ҳаммаси тўғри. Аммо биронта мард чиқиб: «Тўғри ёзган!», деёлмади-да.

— Сиз бир оғиз айтсангиз бўларди.

— Қўриб турибсиз, пора берганман, деган ўн йилга кетаркан. Ҳамма ўзидан қўрқди. Ҳеч ким финг демаганига мен ҳам иккиландим. Сиз хафа бўлманг. Ишдан

кетказолмайди. Бебошев худога ишонади. Агар қорини ҳайдасанг, худо сени уради, унга тегма. Агар қори кетса, цехдан барака кўтарилиб, касофатга учраймиз, дейман.

— Қори дуойи бад қиладур, денг.

— Ҳа. Шундай дейман. Лекин барибир Бебошевни ҳайдамагунча тинчимаймиз. Энди хат ёзиб ўтирмаймиз. Очиқчасига курашамиз. Аммо шу «факт» деган падарқусурни нақд қилиб олиш керак экан-да. Ўғрини — ўғри, ғарни — ғар, деб бўлмас экан-да.

— Бўлмас экан, — деди Замзам қори йиғламсираб. — Мендан уч юз олган-а. Икки орада ифвогар деган ном олганим қолди.

— Маймун бекор қолса, боласини қитиқлар экан, — деди Холмирза ғирвон. — Ўз бошингларга ўзинглар ғалва орттириб, бошлиқлар билан олишиб нима қиласизлар? Соғ-саломат юрганингларга шуқр қилсанглар бўлмайдимми? Бир ошам паловни ҳазм қилолмай, армонда юрган қанча? Бир қоп тилла бераман, кўзимни очиб қўй, деган сўқир қанча? Тўрт мучаси соғ, тўрт маҳал овқатни бамайлихотир еган одамдан бахтли киши йўқ оламда. Тинч юрсанглар бўлмайдимми?

— Тинч юргани қўймапти-да, уста, — деди Асадулла ўрнидан туриб. — Бўлмаса, шу бечора қоридан пора оладими? Сиз буларни билмайсиз, кўнглингиз бўш, уста. Бу порахўр бошлиқлар бизни оёқости қилворди. Мени булардан кўрқадиған жойим йўқ. Мен пролетарман. Буларни бир карра ясайман!

Асадулла шундай деб бир қуш қараш қилди-ю, чиқиб кетди.

## IX

Асадулла ишдан келиб, майкасиғача ечиб ташлади-да, сўрига чаппа чўзилди. Кимдир сўрига косовни ташлаб қўйгандек бўлди. Бир оз ўтиб ағдарилди. Қўлларини боши остига олувди, қовурғалари кўринди.

— Нима бало, отиб келдингизми? — деди хотини.

— Ажални уруғини отадими? Отлиққаям топилмаяпти-ю.

— Бундоқ кўйлагингизни кийиб ўтиринг. Қўни-қўшни кириб қолади.

— Илгари қўшнилар яхши эди. Овқат қилса — бир коса овқат, нон ёпса — иккита нон олиб чиқарди. Ҳозир оқибат қолмади. Илон ўлдиргани тош ҳам бермайди. Сигаретни узат.

У тамаки бурқситиб, кўкка қараб ётаркан, ўйга чўмди. Асли шу хатга Асадулла сабабчи. Лекин Бебошевнинг порахўрлиги, бузуқлиги ҳақиқат-ку. «Замзам қорига ҳам чатоқ бўлди-да», деб қўйди ўзича. Қори бўлсаям дуруст одам, муомалага юради. Йиғилишда изза бўлгани етмай, кеча Ҳанифахоннинг эри Розик олифта келиб, жанжал кўтарибди: «Ху-у, қори бўлмай, қаро ерга киргур, — депти Розик олифта. — Нега хотинимга тўхмат қилдинг? Бошлиқнинг ўйнаши, дебсан. Сен хўжайинмисан, адо бўлгур?! Бошлиқ бўлгандан кейин нима қилса — қилади. Бир давлатнинг ишига аралашма, бир худонинг ишига дейишган. Сен гўрсўхтага ким қўйибди бошлиқларнинг ишига аралашини? Ҳанифани тергайдиган эри бор. Мен уни севаман! Хотинимга тўхмат қилутти, деб дод соламан, сени судга бераман!» «Ҳанифахон менинг синглим», депти қори. «Бировнинг хотини сенга нега сингил бўлади, ер юткур. Акам бор демаган эди-ку?», депти Розик олифта. «У кишини худди синглимдай яхши кўраман». «Хў-ў, яхши кўрмай ўл! Қорилар ўзи суюқ бўлади. Бир марта битта қори менгаям суюқлик қилган. Агар бундан кейин хотинимга тил теккизсанг, ҳукуматга дод

дейман. Шу бугуноқ бошлиқингга арз қиламан!..»

Бебошев Розик олифтанинг мана шу арзини расмийлаштириб қўйибди. «Аслида, Розик олифтани гиж-гижлаган Бебошевнинг ўзи, — деб қўйди ичида Асадулла. — Шошма, факт тўплаш мана бунақа бўлади, деб бир боплайки, онангни Ойдинкўлда кўргин».

Асосийси — Бебошевнинг Замзам қоридан уч юз сўм олганини росмана аниқлаш... Утган ой учовлари Холмирза ғирвон айтган катта дўхтирникига боришди. Катта дўхтир дегани санстанцияда ишларкан.

— Аёлингизни нима касали бор? — деб сўради врач.

— Ичимда бир нарса бор, деб биқинини ушлайверради.

— Ундай бўлса, эҳтиёт шарт, гинекологга кўрсатинглар.

«Катта дўхтир»нинг қўлидан келгани — шу маслаҳат бўлди. Бу ердан ҳам қўлни ювиб, қўлтиққа уришди. «Асли касал бўлмаслик керак экан. Ҳеч бир бандасига тикон кирмасин. Ҳеч кимни дўхтирга муҳтож қилмасин». Холмирза ғирвон шу гапларни дилидан ўтказиб, диққати ошди. Эртасига қоровулхонада ўтирганида Бебошев елпиниб кириб келди.

— Жа шу ер баҳавода. Чойдан бир пиёла ичайлик, уста.

Холмирза ғирвон гап устида:

— Ука, мана, сиз ҳам анча-мунча одам танигансиз, қолаверса, бизга бошлиқсиз, — деди. — Замзам қорини аёли анчадан буён дардманд экан. Уйида синчи йўқнинг кўчада тинчи йўқ. Уйнинг синчи, иморатни — рўзғорни ушлаб турадиган синч нима? Хотин. Хотинни танжони саломат бўлмаса, иморат нурайди... Бирон катта-роқ дўхтирга кўрсатайлик.

— «Лой» борми? — деб сўради Бебошев.

— Том шувоққами?

— Соддасиз-да, уста. Манави «лой»дан. — Бебошев бармоқларини қирсиллатди. — Пулдан борми, деяпман. Қорига айтинг, озгина «лой»дан тайёрлаб турсин, мана, шу бугуноқ гаплашаман...

Орадан икки кун ўтиб Замзам қорининг аёлини Бебошевнинг ўзи врачга кўрсатиб чиқди.

— Иш пишди, — деди сўнг қорига. — Хотинингизни апараста қилса, отдай бўлиб кетаркан. Беш юз сўм тайёрланг.

Қорининг капалаги учди.

— Беш юзга янги хотин беради-ку, ука? Бор-йўғи қоровул бўлсам, менда пул нима қилади? Пул мен билан аразлашиб, бир йилдан буён гаплашмайди.

— Э, виждон борми сизда? Хотинингизга бирон қорҳол бўлса, бешта бола билан икки қўлингиз бошингизда қолади!

— Сал арзонлатинг, ука.

Бебошев ичкарига кириб чиқди.

— Тоза ялиндим-да, қори. Бу киши қоровул эмас, акам, дедим. Уч юзга кўндирдим. Ҳай, менга қаранг, бойлик кетса-кетсин, соғлиқ кетмасин.

— Раҳмат, — деди бўшашиб қори.

Аёл касалхонага ётди. Ўн-ўн беш кундан сўнг хийла дуруст бўлиб қолди. «Операциясиз даволайдиган бўлдик», деди врач. «Раҳмат, ука. Уч юзни ҳам тер тўкиб топганмиз-да», деди қори. «Қанақа уч юзни?», деди ранги ўчиб врач. «Бебошевдан сизга уч юз сўм бериб юбордик-ку?» «Ўйлаб гапиряпсизми? Бунақа гап учун икковимизни обориб тиқиб қўяди-я!»

Замзам қорининг ҳайрати ошиб, эртасига Бебошевга орадаги гапни айтди.

— Қаллангиз ишлайдими? — деди Бебошев аччиқла-ниб. — Бирон дўхтир пора оламан, ё олганман, дейди-ми? Хотинингиз дурустми?

— Дуруст.

— Бўпти-да...

Хуллас, Замзам қори пул дўхтирда қолдими ёки Бебошевда — билолмади. Дардини Асадуллага айтди.

— Икковиси бўлиб олган,— деди Асадулла.

— Сизни яна хурсанд қиламан, десам, дўхтирнинг ранги оқариб кетди. Демак, пулни Бебошевнинг ўзи олган, Асадуллахон. Наҳот, мендек бир ғарибу бенаво-ни куппа-кундузи шилса? Нима қилиш керак, а?

— Ёзиш керак!..

Ана шундан кейин ёзди, мана, энди балога қолди. Пора берганга ҳам ўн йил, деган гапни эшитиб, давосидан ҳам кечиб қўя қолди. «Порахўрлик ҳақидаги қонуннинг мана шу банди чатоқ экан,— деб қўйди Асадулла чалқанча ётган жойида.— Олганга ҳам ўн йил, берганга ҳам ўн йил. Берган муҳтожликдан, ночорликдан беради. Бунинг ўрнига, пора олганга йгирма йил, дейиш керак. Ҳамма нарса ўзгаряпти, қайта қуриляпти. Қонунларни ҳам қайта кўриб чиқиш керак. Агар ҳақиқатан ҳам пулни врачга бермай, Бебошевнинг ўзи олган бўлса, ўта аблаҳлик қилибди. Ғар бўл, ўғри бўл, инсоф билан бўл... Бир бошга — бир ўлим. Бир иш кўрсатайми?...»

Асадулла: «Ё, Али!», деб гавдасини кўтарди. Сигарет қолдигини чертган эди, ариққа бориб тушиб, «писс» этди.

## X

Асадулла эрталаб Замзам қори билан қоровулхонада ҳасратлашиб ўтирувди, телефон жириглаб қолди. Қори: «Бисмилло», деб трубкини кўтарди. Холмирза ғаривоннинг ташвишли овози келди:

— Яхши шу ерда экансиз, қори. Маҳалламизда ажойиб қурутфуруш чол бор эдилар. Шу киши қазо қилдилар.

— Тиловат қиладиган одам борми?— деб сўради дарров Замзам қори.

— Бор. Сиз энди ҳеч қаёққа қимирламай туринг. Мен исминга кечроқ бораман.

— Хўп-хўп.

— Асадуллахон борми?

— Бор, мана.

Замзам қори трубкини Асадуллага берди.

— Ҳа, уста. Нима гап?

— Қурутчи чол бор эдилар-ку, шу киши қазо қилди.

— Неча ёшда эдилар?

— Юздан ошиб кетган. Ҳозир даштга чиқиб, тузукроқ жойдан қабр кавлайман. Исминга кеч қолишим мумкин, қорига тайинладим, хўжайинга ҳам тушунтириб қўйсангиз. Марҳум жуда табаррук киши, қабрни ўзим кавлайман. Ҳозирги гўрковларга ишониб бўлмайди, беш қарич жой кавлаб, эллик сўм олади.

Асадулланинг миясига ярқ этиб бир фикр келди. — Уста, қабр кавлашга шошилманг. Мен ҳозир этиб бораман. Хозмаг олдида кутиб туринг...

Тор кўчада одамлар турнақатор. Сафнинг бир учи катта кўчага чиқиб кетган. Бирон томдан қарасангиз, гўё эгатга чуст дўппи экиб қўйилганга ўхшайди. Ғарибгина ҳовлининг ғарибгина эшигидан тўн кийиб, бел боғлаган кишилар кўзини артиб, ичкарига кириб-чиқиб турибди. Нураган девор ортидан аёлларнинг мунгли ноласи эшитилади.

Асадулла тор кўчага бурилгач, қўлларини қовуштириб атрофга аланлагандек бўлди-да, сафга турди. Холмирза ғаривон уни кўриб, шу томонга юрди.

— Келинг, Асадуллахон,— деди Холмирза ғаривон аста унинг ёнига туриб.

— Хозмаг олдида анча кутдим.

— Кўриб турибсиз-ку, силжиб бўлмайди.

— Қабр тайёр,— деди шипшиб Асадулла.

— Минг раҳмат, ука. Савобга қолибсиз. Одамни қаранг. Бўлмаса, шу чолнинг ҳеч кими йўқ. Ижрокўм раиси ўлгандаям бунча оломон тўпланмаган.

— Олампаноҳ бўлмасанг ҳам, одампаноҳ бўл, дегучи эдилар, отам раҳматли.

— Балли. Чумолига озор бермаган, ҳалол, покиза киши эди.

— Ҳалол одамлар ҳозир дефицит, уста. Яқинда бир танишим: «Юринг, жанозага бориб келамиз, биззи ўғилнинг шефи ўлиб қопти», деб илтимос қилди. Жанозага бориб, эшикдан кирибоқ, «Биззи ташлаб қайга кетдингиз», деб чунонам йиғладик. Кўчага чиққач, ҳалиги танишимдан: «Нима бўлиб ўлибди?», десам, «Дарёнинг бўйида битта жонон билан роса маишат қилиб, ўлгудай ичибди. Кейин чўмиламан деб, дарёга битта ташлабди-ю, қайтиб чиқмабди. Улигини бир ҳафтадан кейин топишибди», деди. Шунақалигини билганимда жанозасига бормасдим, эсиз йиғи, дедим.

— Бўпти, мен ичкарига кирай. Қабр тайёр-а?

— Тайёр. Улов етарлими?

— Қўлма-қўл бўлиб кетса керак. Оломонни қаранг. Юздан ошган одамнинг тобутига елкангиз тегса, юзга кирасиз...

Қабристонга келиб Холмирза ғаривон лол қолди. Секин Асадулладан сўради:

— Қабр қани, ука?

— Ана,— деди Асадулла Ваққосхоннинг мақбарасини кўрсатиб.— Табаррук одам экан, шу ерга кўминглар, мен ўзимга бошқа мақбара қурдираман, деб Ваққосхон менга тайинлади. Эрталаб тилпонда гаплашганман.

— Ҳах, ота ўғил экан!

Маросим бошланган ҳам эдики, пастга қора «Волга» келиб тўхтади. Ундан йўғон, қоп-қора одам чиқиб, ўкирганча юқорига кўтарила бошлади. Бу Ваққосхон эди. Унга гўрковлардан бири телефон қилиб, зудлик билан етиб келинг, гўрингизга одам қўйишяпти, деганди. Ваққосхон юқорига кўтариларкан, «... онимдан айрилиб қолдим», дея хўнграб келарди. «Қадрдонимдан», деяптими, «Қабристонимдан»ми — билиб бўлмасди. Оломон орасида шивир-шивир бошланди:

— Бу ким бўлди?

— Чолнинг қадрдони бўлса керак.

— Гўристон бошлиғи.

— Яхши одам-да, ҳар бир ўлик тепасида ўзи туради...

Ниҳоят, Ваққосхон оломон турган ерга чиқиб, аввал бурнини қоқди, сўнг йиғламсираб бировдан сўради:

— Кимни кўмяпсизла-ар?

— Табаррук бир чолни.

— Бундан ҳам яхшироқ қабрлар бор эди-ку?

— Шу ерни марҳул кўришган, шекилли...

Ваққосхоннинг нигоҳи жасадни қўйишга тайёрланаётган Холмирза ғаривонга тушди. «Бу лаънати уста мақбарам эканлигини биларди-ку?», деди ичида. Одамлар қабр атрофига чўнқайиб ўтиришди. Ваққосхон ўзига боп жой қидираркан, Асадуллани кўриб қолди. Уста ёнига бориб чўнқайди. Холмирза ғаривон жасадни лаҳадга кўяркан, оломон пиқиллаб йиғлаб юборди.

Ваққосхон қўшилиб хўнгаркан, Асадуллани саволга тутди, у ҳам хўнграб жавоб берди.

— Бу, са-н шумнинг иши-ми, во-ей?

— Қабр мени-ки, дема-анг, ушл-аб кета-ади-и, дам-дом-эй.

— Не-га, ушла-йди, менга ҳеч ким хўжайин э-мас, во-ей.

— Катта хўжайинингиз-ни мили-са ушла-аб кетиб-ди, дадом-эй.  
 — Қай-си, хўжа-йин-ни?  
 — Азлар-хон-ни...  
 — Қа-чо-н?  
 — Кеча-а, кеча-си, икки қўлини орқа-а-сига қили-иб, ҳайда-б кетишиб-ди.  
 — Не-га-а?  
 — Сизга ўхша-аб қабр кавлатган э-ка-н, ичида-н тўрт қо-оп ипак чиқиб-ди, дадом-эй.  
 — Вой жигарим-эй! Қандоқ кунларга қолдиг-эй!..  
 — Сизла-рининг кунин-гиз бит-ди-и, оми-ин-н!  
 Тиловат ўқилиб, «Омин! Марҳумнинг жойи жаннатда бўлсин!», дейилди.

## XI

Цехда: «Асадулла «агент» экан», деган миш-миш тарқалди. Бўрихонни ушлаб берганмиш. Бўрихоннинг пора олишини ҳамма — ҳатто ОБХСС ҳам биларкан-у, қўлга туширолмади экан. Пора берадиган одам Бўрихоннинг хонасига кириб-чиқиши билан, ОБХСС ходимлари бостириб кирар экан-у, порани тополмас экан. Чунки, Бўрихон порани олган заҳоти орқасидаги очик деразадан ташқарига улоқтираркан. Дераза ортида пойлаб турган Бўрихоннинг одами порани илиб кетаркан. Шу сирни Асадулла биларкан, ОБХССга чақибди.

Бу воқеадан уч-тўрт кун ўтгач, Асадуллани кўчада машина уриб кетди. Хайрият, оёғи лат еди-ю, ўлмади. Холмирза ғирвон билан Замзам қори Асадуллани касалхонадан кўриб қайтишаркан:

— Бу, пулдорлар билан ҳазиллашиб бўлмайди, уста,— деди қори.

— Нега?

— Асадуллани бекорга мошин уриб кетмаган.

— Ушаларнинг иши, деб ўйлайсизми?

— Ҳа-да. Болага бир кор-ҳол бўлмасайди. Бошлиқлар билан ташлашиб қолди.

— Ташвиш тортманг. Бу йигит тегирмонга тушса — бутун чиқади...

— Бебошев менга, яхшиликча аризангни ёз, мени шарманда қилдинг, ўсадиган кадрман, деди.

— Қори, кеча атай сиззи деб колхоз раисини олди-га бордим. Бир ҳамкасбимиз бор, ишхонада чиқиша олмай қолди. Узи бечораҳол, бунинг устига заифаси хаста. Депутатсиз, ёрдам беринг, дедим. Эски кадрдоним бўлгани учун йўқ демади, бошлаб келинг, деди. Майли, десангиз, индинга бирга борамиз.

Замзам қори бир ғалати бўлиб олди. Сўнг устага юзланди.

— Минг раҳмат, уста. Иншоолло, бизда ҳам қолиб кетмас...

Холмирза ғирвон билан Замзам қори колхоз идораси олдида раисни анча кутишди.

— Бу одам идорада бир минут ҳам ўтирмайди,— дея тушунтирди Холмирза ғирвон.— Доим далада. Қирқ йилдан бери дала кезади...

Икковлари у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди, ниҳоят, узокдан раис кўринди. Барваста, қуюқ қошлари оппоқ, ўнг кифтини баландроқ тутган бу одам оғир карвондек салмоқлиниб юриб келди-да, Холмирза ғирвон билан бел олишиб кўришди. Кейин уларни хонасига бошлади. Ичкарига кириб-чиқиб сўзлаб кетди:

— Ҳозир йўлда Матмуса чучмални учратиб қолдим. Нақ бир соат вақтимни олди-да, ғирвон.

— Э, ҳа-й, нима дейди?— деди Холмирза ғирвон курсига ўтираркан.

— Жаъфар кулагични жазолаб берасиз, дейди. «Не-

га?», десам, «Бузоғимни ўлдирди», дейди. «Нимага ўлдирди?» десам, нима дейди, денг: «Бузоғимга хурмачада жувари берувдим. Калласини тикди-ю, чиқаролмади. Нима қилишимни билмай, бошим қотиб кўчага чиқсам, Жаъфар кулагич ўтиб қолди. Шунақа-шунақа, бузоқни калласи чиқмаяпти, нима қилсак бўларкин, десам, «Бунинг йўли осон. Калласини шартта узиб ташлаш керак», деди. Жаъфарнинг гапига кириб, калласини олувдим, барибир хурмачадан чиқмади. Кейин қўш-нимиз Холматовга маслаҳат қилсам, ғирт жинни экансан, хурмачани теша билан битта урсанг калласи чиқади, деди. Айтганини қилувдим — ҳой, калла чиқди. Икки орада бузоқнинг ўлгани қолди. Жаъфар тўласин!»

Раис мириқиб кулди.

— Кейин Матмусадан сўрадим: «Бузоқнинг калласи турибдими?». «Ҳа, турибди», «Дарров дўхтирга обориш керак. Дўхтирлар ҳозир узилган қўл, оёқни улаяпти, каллани ҳам улайди», дедим... «Профессор Доуэлнинг боши» деган китобни ўқиганмисиз?

Раис шу савол билан Замзам қорига қаради.

— Вааллоҳи аълам, бунақа гапларни биринчи эшитишим,— деди қори ҳайрон.

— Хуллас, Матмуса чучмалга шундай десам, «Яхши бўларди-ю, танасини майдалаб, тузлаб кўйибмиз-да», деди. «Калласи бутунми?», деб сўрасам, «Бутун», деди. Бўлмаса, калласини баландроқ жойга осиб, оғзидан уч маҳал сув кўйиб тур, олти ойда танаси ўсиб чиқади, дедим. Хурсанд бўлиб кетди, хе-хе-хе.

Раис қотиб-қотиб кулди.

Сўнг Замзам қорига қаради:

— Боғбонликдан хабарингиз борми?

— Катта бобомиз катта боғбон ўтганлар,— деди шошиб қори.

— Сизни гулчи-боғбон қилиб оламиз. Парник хўжалигимиз ҳам бор. Қишин-ёзин помидор, бодринг етиштирамиз.

— Иншоолло, мен бир дам солиб кўйсам, ҳар бир бодринг тарашадек бўлиб кетади.

— Бизга дам солишнинг ҳожати йўқ. Меҳнат керак, ерга меҳр керак.

— Минг раҳмат сизга.

— Менга эмас, уста Холмирзага раҳмат айтинг. Ота кадрдонимнинг юзидан ўтолмадим... Аёлингиз дардманд экан. Бўлмаса, гулчилик қиламан деган сонминг.

— Давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин.

— Бўпти. Ишлайверинг.

Холмирза ғирвон билан Замзам қори ташқарига чиқишди.

Замзам қори «Хонобод — Набережная» автобусига чиқиб кетгач, Холмирза ғирвон оғир юкдан халос бўлгандек, ўзини енгил ҳис этди. Елкасига чит лунгисини ташлаб, сал оқсоқланган кўйи ярим қақиримча юрган эди, ёнига қизил «Москвич» келиб тўхтади. Ҳайдовчи маҳалладош йигит экан.

— Ҳа, уста, қаёққа?

— Тўйга.

— Чиқинг. Мен ҳам тўйга кетяпман.

— Эрта кунда бориб олсак, булар умрида тўй кўрмаган экан, демайдами одамлар, ука?— деди Холмирза ғирвон.

— Э, саломат бўлсинлар-э,— деди йигит ва машинани вангиллатиб ҳайдаб кетди.

Уста Холмирза ғирвоннинг катта йўлида одимлаб боряпти. Атрофидан одамлар қуюқ саломлашиб ўтишяпти, у ҳам қуюқ алик оляпти. Кичкинагина пионер қиз Холмирза ғирвонга келиштириб салом берди:

— Ассалому алайкум, оппоғдада.

— Ваалайкум ассалом, оппоқ қизим.

# Мундарижа

## НАСР

Неъмат АРСЛОНОВ. Ҳикоялар . . . . .	7
Амриқо ҳикоялари . . . . .	22
Хуршид ДУСТМУҲАММАД. Сўроқ. Қисса. Бошланиши . . . . .	50

## НАЗМ

Анвар ОБИДЖОН . . . . .	5
Рауф СУБҲОН . . . . .	15
Зебо РАҲИМОВА . . . . .	20
Зубайда УСМОНОВА . . . . .	27
Вафо ФАЙЗУЛЛА . . . . .	49
ИҚБОЛ . . . . .	72

## НИГОҲ

Зиёли ким? «Ёшлик» анкетаси . . . . .	33
Амриддин БЕРДИМУРОДОВ. Амир Те- мур битиги . . . . .	35
Баҳодир ҚОБУЛ. Авлодлар таънасига қолмайлик . . . . .	37
«Шарқ юлдузи» — 60 . . . . .	40
ШАРИФЖОН. Ҳикоялар . . . . .	42
Санжар ЖАББОРОВ. Жаҳон маданияти бебаҳо обидаси . . . . .	45
«Ёшлик» почтаси . . . . .	47

## ТАНИШУВ

Даврон РАЖАБ. Шеърлар . . . . .	21
---------------------------------	----

## НЕВАРАКУЛЧА

Ориф ТҲУТАШЕВ. Шеърлар . . . . .	32
----------------------------------	----

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Дилмурод ҚУРОНОВ. Икки роман — икки талқин . . . . .	28
---	----

## НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Иброҳим ҒАФУРОВ. Икки дебоча аро. Нола ва нома . . . . .	17
---	----

## САНЪАТ

Театримизнинг келажаги порлоқми? Дра- матург Шароф БОШБЕКОВ билан суҳбат . . . . .	2
ТИЛ САНДИҒИ . . . . .	71

## ЕЛПИҒИЧ

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ. Саломат бўлсин- лар. Ҳажвий қисса. Охири . . . . .	73
--	----

Муқованинг 1—4 саҳифаларини мусаввир Н. Акро-  
мов ишлаган.



[«Молодость»]  
ежемесячный  
литературно-художественный  
общественно-политический журнал  
на узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Н. АКРОМОВ  
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ  
Мусаҳҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Манзилгоҳимиз:  
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,  
60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 78-94-05  
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83  
Масъул котиб — 78-97-07  
Наср бўлими — 78-97-58  
Назм бўлими — 78-77-16  
Мақоланавислик, адабий танқид ва  
санъат бўлими — 78-17-47  
Фотомуҳбир — 78-97-58

Таҳририят ҳажми 12 босма табақдан ортиқ  
роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар  
қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма та-  
боқча бўлган асарлар муаллифларга қай-  
тарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра  
амалга оширилган таржима асарлар қўлёзма-  
синигина қабул қилади.  
Ойбитикдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан  
олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 18.04.91 й. да туширилди.  
Босишга 28.05.91 й. да руҳсат берилди.  
Офсет босма. 1-офсет қоғози.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Қоғоз ҳажми 5,00 босма табақ.  
Шартли босма табақ — 8,4.  
Нашриёт ҳисоб босма табағи — 12,1.  
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76.  
150000 нусхада чоп этилади.  
Буюртма № 5261.  
Баҳоси обуначиларга 80 тийин.  
Сотувда 1 сўм.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси «Ка-  
малак» нашриёт-матбаа бирлашмаси. Ўз-  
бекистон Компартияси Марказий Қўмитаси  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденили  
босмахонаси.

© «Ёшлик» № 6, 1991.